



**ХУДОЙБЕРДИ
ТЎХТАБОЕВ**

**ЖАННАТИ
ОДАМЛАР**

(Ўсмирлар учун роман)

**ТОШКЕНТ
ЧЎЛПОН
нашриёти**

Уз2
Т98


*Шафқатсиз даврда яшаб, қалби тўла
армон билан оламдан ўтган марҳум
онам Сорабиви Эркавой қизининг хо-
тирасига бағишлайман.*

Муаллиф.

Т $\frac{4803620201-107}{360/04/-95}$ 42-95

ISBN 5-8250-0458-0

© Х. Тўхтабоев, 1995.



ЭРКАЧОЛНИНГ ҮРИГИ

Туғилиб ўсган қишлоғимга бориб қариндош-уруғлар ҳузурида бир печа кун меҳмон бўлдим. Тенгқурларим, ёшлар даврасида иштирок этиб, гоҳ қизгин суҳбатларга қўшилдим, гоҳ айтилаётган фикрларнинг «мазасини» шимаётгандек, жимгина ўтирдим. Ёшлар орасида кўпроқ бўлдим десам ҳам бўлади, уларнинг беғубор суҳбатини ёқтираман, руҳияти, дунёқарашлари қандай эканлигини билгим келади. Бир галги суҳбатда йигитчалардан бири: «Амаки, ўрикдап энг, оғзингизда эриб кетади. Қорақанддек дейишади, бу нави Эркачолнинг ўригидан», деб қолди. Юрагим ҳашиқиб кетди. Ширин-ширин энтика бошладим. Суҳбатдошларимга қайта-қайта тикиламан, юзу кўзларида еяётган ўрикларидан олаётган ҳузурдан ўзга ифодани сезмайман. Эркачолнинг кимлигини ҳам, у киши менга бобо бўлишини ҳам билишмайди, деб ўйлайман. Билмасликлари ҳам мумкин, ахир у жаннат зотининг оламдан ўтганига неча-неча йиллар бўлди-ку...

Отам оламдан ўтгач, йигирма ёшда бева қолган онам икки-уч йилдан сўнг турмушга чиқиб, менинг тарбиям бобомнинг ихтиёрида қолган эди. Ёши етмишларга бориб қолган, новча бўйли, тик қомагли, тарашадек қотма, чўзиқ юзли, серзарда ва энг муҳими, тиниб-тинчимас бир киши эди. Ўзиям тинмасди, раҳматли энам иккимизни ҳам тинчитмасди. Ҳатто ишонсангиз, оғилхонадаги қўйу молларни ҳам тинч қўймас, мол ётганда эмас, еганда семиради, деб уларни ҳам турткилагани-турткилаган эди. Мен бобомга жуда боғланиб қолган эдим.

Сутга тўймаган қўзи онасининг орқасидан қолмаганидек, эрта-кеч бобомнинг ортидан эргашиб юрардим. Ҳатто тунда ҳам бир ўринда ётардик. Ётишим билан бармоқларим билан соқолларини тараб, эртақ айтиб берасиз дея, қийин-қистовга олардим. Кўпинча ҳассасиними ёки тақиллаб юрадиган кавушиними беркитиб қўйиб ҳукминни ўтказишга, сўраган нарсамни ундириб олишга ҳаракат қилардим. Бобомнинг, жон ўғлим, топиб берсанг сенга бир нарса бераман, дея ёлворишини хуш кўрардим.

Бир куни эрталаб катта кўк эшагимизни етаклаб чиқиб:

- Қани, орқамга мингаш-чи,— деб қолдилар.
- Қаёққа борамиз? — дея сўрайман севиниб.
- Қашқар қишлоқдан ўрик кўчат олиб келамиз.
- Ўрик кўчат ўзимизда бор-ку?
- У бошқаси, ўғлим.
- Қанақаси?
- Бас, энди жим кет.

— Йўқ, олдин қанақалигини айтинг, кейин жим кетаман. Бўлмаса эшакни жунидан тортаман.

Бобом гапимга кирмаса, кўпинча эшакнинг думғазасидаги ўсиқ жунидан тортиб шаталоқ оттирардим. Бир-икки бор гупанглаб йиқилиб ҳам олганмиз.

— Қўй, болам, жунидан торта кўрма, яна йиқитса ишимиз битмай қолади. Қашқарда «Қорақандак» деган ўрик бўлади, фақат ўша ерда ўсади у. Қуруқ, сувсиз ерни хоҳлайди шекилли. Меваси ҳей-ҳей, бирам ширин бўладики, тоғаларингикига борганда егансан-ку.

— Еганим йўқ, — дейман.

— Егансан, чўнтагингни тўлдириб солиб беришарди-ку.

— Ҳечам-да, менга доим қурт тушганидан беришарди... Бобожон, нега қорақандак дейишарди?

— Қуриганда шираси кўп бўлгани сабаб ранги қорайиб қолади-да.

— Нега оқариб қолмайди?

— Энди бас қил, миямни ачитиб юбординг.

— Бобожон, мия ачиганда қанақа бўлади?

— Айтмайман.

— Айтасиз, бўлмаса эшакнинг жунидан яна тортаман, мана тортяпман, тортвурайми?

— Мия ачиганда одамнинг гапиргиси келмайди-да, ўғлим.

— Сиз гапиряпсиз-ку?

— Уҳ!

— Бобожон, одам нега ух тортади?

Шу йўсин Қашқарга бориб бир қучоқ майда кўчат олиб қайтдик.

Дала ҳовлимиз тоғ этакларида бўлиб, ярим чақиримча нарида, адир томонда саҳни бир танобча келадиған дўнглик бўлгучи эди. Ёзда янтоқ, шувоққа ўхшаш гиёҳлар эсар, қишда агар қалин қор ёғса, қишлоқ ҳовлимиздан ҳам тепалик ялтираб кўриниб турарди. Кўчатни олиб келгач, бобожоним кетмон, данков, қайлани эшакка юклаб мени ҳам ўзи билан олиб кетди. Олиб кетмаса ҳам бўлмасди, нега десангиз, қумғон остига ўт қалаб чой қайнатишга жуда уста эдим.

Ҳали-ҳали эсимда, эрта баҳор, ердан нам кетиб улгурмаган, тупроқ ҳам хамирдек кўпчиб турибди. Тепаликнинг кунга бетгай томонида чучмомалар ерни ёриб чиқа бошлаган, ҳаво ҳам хийла аёз бир палла эди. Бобом бир ҳафта давомида тепаликни гир айлантириб, орасида беш-олти газ жой қолдириб чуқурчалар ўйди. У киши чуқур кавлаш билан машғул бўлганда мен гоҳ ўтган йилги ҳов-ҳашақлардан йиғиб, гулдиратиб олов ёқиб юбораман, гоҳ катта қумғонни тошдан қуриб ясаганимиз ўчоққа қўйиб, варақлатиб чой қайнатаман, гоҳ нима мақсаддалигига ўзим ҳам тушунмаган ҳолда юқоридан пастга, пастдан юқорига ҳаллослаб югуриб терга ботаман.

— Кел энди, мана бу кўчатни ушлаб тур, — дейди баъзан бобом.

Ушдаб тураман.

— Анграйма, ниҳол қийшайиб қоляпти, — тавбеҳ берган бўлади бобом.

— Қийшайса нима бўлади?— дея сўрайман.

— Нима бўларди, дарахт қийшиқ бўлиб ўсади-да.

— Қийшиқ бўлса яхши-ку, устига чиқиш осон бўлади.

— Унда меваси бемаза бўлади, ўғлим.

— Нега бемаза бўлади?

— Шохлар бир-бирининг устида ўсиб, пастки қисмига офтоб тегмай қолади. Офтоб тегмаса меваси бемаза бўлади, тойлогим.

— Мевалар мазани офтобдан оладими?

— Шундай, тойлогим, офтобдан олади.

— Нега бўлмаса ниҳолчанинг бир хилларини ярмигача ерга кўмиб қўйяпсиз?

— Кўммасак овқат еёлмайди-да.

— Ия, — дейман ҳайрон бўлиб, — кўчат ҳам овқат ейдими?

- Ейди.
- Ростданми?
- Рост.
- Оғзиям борми?
- Бор.
- Тиши ҳамми?
- Тиши ҳам бор, бўталогим. Мана шу майда-майда

томирчалар, кўрмайпсанми, ниҳолларнинг ҳам оғзи, ҳам тиши ҳисобланади. Ана шу томирчалар орқали ниҳоллар ҳам сув ичади, ҳам овқат ейди. Кейин сенга ўхшаб униб ўсади. Фақат улар камроқ гаширади.

— Бобожон, боғимизда ўрик кўп-ку, энди қолганини экмай қўя қолайлик, қишлоққа қайтгим желяпти, энамни соғиндим.

— Йўқ, бўталогим, ҳаммасини экиб кетганим яхши. Катта бўлса, мева қилади, мевасини одамлар еб сен билан мени дуо қилишади.

— Дуо қилинса нима бўлади?

— Савоб бўлади-да, бунча эзмалик қилдинг.

— Савоб бўлмаса-чи, унда нима бўлади?

— Йўқ, энди айтмайман.

— Айтасиз, жон бобожон, айта қолинг. Айтмасангиз кўкнори халтангизни беркитиб қўймап.

— Беркитмайсан.

— Аллақачон беркитиб бўлганман, ҳечам тополмайдиган жойга беркитганман.

— Ҳа, майли, айтсам айта қолай, савоб олган киши нариги дунёга борганда жаннатда яшайди.

— Бобожон, жаннат яхшими?

— Яхши, ўғлим.

— Биз уёққа қачон борамиз?

— Қўй, бўтам, бунақа гапларни айтма.

Шу йўсини ниҳолларни экиб тугатдик. Раҳматли бобом ўша йили ҳам, кейинги пайтларда ҳам хуржуннинг икки кўзига икки кўзани солиб тепаликка сув ташигани-ташиган эди. Мени қанчалик суюб эркаласа, ниҳолларини ҳам то ҳосилга киргунча ана шундай эркалагани ҳали-ҳали эсимда.

Демак, деб ўйлайман, йигитчалар даврасида ўтирганимда бобожоним аллақачон оламдан ўтиб кетган бўлса ҳам, унинг номи шундайлигича ўзи эккан ниҳолларига ўтиб, ниҳоллар қиёфасида ҳамон яшаб келаётган экан-да. Раҳматли дарахт эксанг, жаннати бўласан, дерди, эҳтимол жаннати ҳам бўлгандир, арвоҳи шод-шод учиб юргандир.

Шуларни ўйлаб, қувончимни ичимга сиғдиrolмай,

эантика-эантика ўрнимдан туриб кетдим. Йигитчалар эса ҳеч нарсани ўйламай, қўшнимизнинг ўғли ўртага тўккап ўриқлардан талашиб-тортишиб еб, данагини бақувват тишлари билан қарсиллатиб чақиб, экканга ҳам, еганга ҳам раҳматлар айтишиб, нима сабабдандир, хаҳолаб кулишар эди.

Бобом эккан ўриқларни кўргим келиб, шошилиб даштга жўнадим.

ЭРҚАЧОЛНИНГ КЎПРИГИ

Ҳали айтганимдек, ёшлар даврасида бўлганимда ҳар хил мавзу ва маънодаги суҳбатлар чоғида «Эрқачолнинг кўприги ёнида», «Эрқачолнинг кўпригидан ўтгандан кейин» деганга ўхшаш сўзлар тез-тез қулоғимга чалиниб турди. Бу кўприк ҳозир қулоч етмайдиган бетон устунлар устига узунлиги 10 метр, энига 6 метр келадиган қумай бетонлар ётқизиблиб, каттакон юк машиналари ҳам бемалол варилаб ўтиб кетаверадиган, зўр ҳафсала билан қурилган кўприк ҳисобланади. Ахир бу бетон плиталарни раҳматли бобом ётқизгани йўқ-ку, у кишининг оламдан ўтганига неча-неча замонлар бўлди, ёшлар бобожонимнинг кимлигини билишмайди, нега энди кўприкнинг номини у кишининг табаррук номи билан аташяпти экан, дея бот-бот ўйланиб қолган пайтларим кўп бўлди.

Бу воқеага тахминан 60 йилларча бўлди-ёв. Ўша йили қиш эрта тушиб, қишлоқ уйимизга кўчинга улгурмай боғ ҳовлимизда қолиб кетдик. Аввалига қиш заптига олиб, қор бўронлар билан келиб ҳаммаёқни музлатиб кетди-ю, кейин дармони қуриб қолди шекилли, бўшашиб йилтираб офтоб ҳам чиқа бошлади. Кеч пайти эди, баркашдек қуёш саргайиб ботаётган дақиқалар. Бобом иккинчи илиққина офтобчувоқда саватдаги чала майнздан тергилаб еб ўтирган эдик. Бир аёл қўлида чақалоғи, эғни-боши ҳўл, ҳу-ҳулаб, дилдираб кириб келди. Чақалоғини табибга кўрсатганп борган экан, Даҳанасойдан ўтаётганида муз ёрилиб, сувга паллом бўлиб тушибди. Кеч бўлиб қолгани учун олисдаги кўприкка бормаи қўя-қолган экан. Айтувдим шекилли, боғимиздан бир чақиримча нарида сой оқади. Сув гоҳ кўнайиб, гоҳ озайиб турганидан уни Тентаксой ҳам дейишар эди. Ҳозир келган опа ана шу сойга йиқилиб тушибди. Энам раҳматли ўчоққа гулдирамазон қилиб ўт ёқиб юборди. Опани ечинтириб чақалоғи билан сандалга ўраб қайноқ-қайноқ асал чой ичира бошладик.

Эртасига бобом барвақт уйғотди, бирга намоз ўқийсан,

билмасанг ҳам майли, ёнимда думалаб турсанг бас, деб ҳамиша шундай қиларди. Бомдоддан сўнг сой бўйига жўнадик.

— Кўприк қурамиз, — деди бобом.

— Ўзимиз қураверамизми? — деб сўрайман.

— Ҳа, ўзимиз қурамиз.

— Мен ҳам қураманми?

— Сен ҳам қурасан, бўталоғим, сен бўлмасанг ишлай олмайман.

— Кейин мен ҳам жаннати бўламанми?

— Худо хоҳласа, жаннати бўласан.

— Ўша ерда ҳам бирга бўламизми? — деб сўрайман яна. Нега десангиз, бобомсиз бир дақиқа ҳам вақтимни тасаввур қила олмас, отам ҳам, онам ҳам, бирга ўйнайдиган ўртоғим ҳам бобожоним эди.

— Худо хоҳласа.

— Энам-чи?

— Уям.

— Бувижопим-чи?

— Айтдим-ку, ҳаммамиз бирга бўламиз, деб.

Мен жаннати бўлишни жуда-жуда хоҳлардим. Эпаноимнинг айтишича, у ерда ҳамма нарсалар мўл-кўл бўлар экан. Ариқларда сув ўрнига шарбатлар шарқираб оқар экан, сават-сават попуклик қандлар шундоққина йўлнинг чеккасида турар экан, анвойи гуллар очилиб, сайроқи қушлар чақчақлашиб турар экан. Болалар ўйнайдиган ўйинчоқлар: зувуллоқ, ипакдан тўқилган копток, миҳ соладиган олтин қутичалар, қуш овлайдиган, тортилиши осон резинка чўзмалар шундоққина кўл етadиган жойда турар экан, у ерда алвасти, жишлар ҳеч ҳам бўлмас экан.

— Хўш, ўғлим, қани айт-чи, кўприкни мана шу ерга қурсак бўлармикан? — деб сўради бобом сойнинг торроқ жойини кўрсатиб.

— Бўлади! — дедим шошилиб.

— Йўқ, бу ер хийла кенг кўринади, яна ҳам торроқ жойни тонайлик, — ўйланиб туриб деди бобом.

— Майли, торроқ жойни топа қолайлик, — дедим мен ҳам ўйланиб туриб. Нега десангиз, мен шу дақиқаларда юнқағина муз билан қопланган сойга тикилиб балиқлар сув остида қолиб кетган бўлса, совқотмасмикан, қоронғу тушганда қаерда ухлашар экан, дея хаёл сураётган эдим.

— Йўқ, аввалги танлаган жойимиз маъқул экан, — деди бобом орқага қайтиб.

— Тўғри, бобожон, ўша ер маъқул, — деб тасдиқладим.

Қайтсак энажоним зоғора нон ёпиб, саватга ёйиб, устига бўз дастурхон ёпиб қўйган экан. Буги кўтарилиб иштаҳа қўзғайдиган ҳиди уйни қоплаб кетибди. Энажоним нон ёпса, менга атаб жизза ва ошқовоқлар солиб хитой пиёлави оғзидек кулчалар ёпиб берар эди. Бугал ҳам шундай қилибди. Энажоним-ей, бирам яхши кўраманки у кишини, маъза қилиб нонушта қилдик. Кейин бобожоним иккимиз дастарра, ойболта, ўткир тешамизни олиб боғимиз этагидаги теракзорга жўнадик. Энажоним:

— Ҳой, нима қиласиз, болави совуқда қийнаб, танчада ётсин, — дея илтимос қилган бўлди.

— Гангир-гунгир ишлаймиз-да, — деб қўйди бобом.

Мен ҳам юришдан тўхтаб:

— Эна, биз гангир-гунгир ишламоқчимиз, — деб қўйдим.

Ҳов бирда айтувдим шекилли, мен ана шу чакалак бўлиб ўсадиган теракзоримиздан жудаям кўрқаман. Бугалар орасида ажина, алвастилар беркиниб ётади. Бир марта Санамбуви икковимиз ўша тарафга ўйнагани борганимизда алвастининг бувисини кўрганмиз. Малла сочларини ёзиб, маммаларини тиззасига осилтириб, болаларини ўйнатиб ўтирган экан, шаталоқ отиб қочиб қолганмиз.

Бобожоним ўткир ойболтамиз билан терак кесишга тушди. Мен у кишининг, қўй, халақит берасан, дейишига ҳам қарамай икки қўллаб теракнинг силлиққина, муздакқина танасидан нариги томонга итариб турдим.

— Бобожон, — дейман гоҳо, — болта урганингизда терак нега қалтираб кетяпти?

— Жони оғрийди-да, — деб қўяди бобожоним.

— Вой, униям жони борми?

— Бўлмасам-чи, тақ-тақ деб овоз беряпти-ку.

— Тақиллагани йиғлаганими?

— Ҳа, йиғлагани. Тегма-тегма, деб йиғлаяпти-да...

— Бўлмаса кесмай қўя қолайлик, жон бобожон, ана, кўзидан ёш ҳам оқяпти.

— Кесмай кўприк қуролмаймиз, кўприк қилмасак одамлар сойдан ўтолмай, сувга йиқилишяпти. Тераклар кўприк бўлишини билганда йиғламасди. Аслида улар мен кўприк бўламан, мен уйларга ёғоч бўламан, мен теракман, теракман, деб ўсишади.

— Вой, тераклар ҳам гапирадими?

— Гапиреди, ўғлим.

— Мана бу ниҳолчалар унинг болаларими?

— Ҳа, болалари.

— Унда онаси қайси?

— Шу кесаётганимиз — онаси-да...

— Дадаси-чи?

— Ҳу анави йўғони, қат-қат пўсти бор-ку, ана ўша дадаси бўлади. Энди, ўғлим, нарироқ тур. Халақит бер-япсан.

— Икковлари эр-хотинми? — деб сўрашда давом этаман.

— Ҳа, икковлари эр-хотин бўлишади.

— Бобожон, энам сизнинг хотинингиз бўлади-а? — деб сўрайман яна.

— Ҳа, хотиним бўлади, — деб қўяди бобом.

Бир нафас жим тураман-да, яна сўрайман:

— Бобожон, катта бўлсам менга ҳам хотин олиб берасизми?

— Олиб бераман, тойлогим, албатта олиб бераман, — бобом қаддини ростлаб чуқур-чуқур энтикади. Негадир, бир дақиқагина маъюслашиб қолади, хўрсинади, — худо хоҳласа катта тўй ҳам қилиб бераман, карвайлар чалдирамиз.

— Лекин, бобожон, менга Санамбувини олиб бермай-сиз, хўпми?

— Нега ундай дейсан, Санамбуви яхши қиз-ку.

— Ҳечам-да, у доим мени алдайди. Кўзингни юмиб турсанг қизиқ ўйин кўрсатаман дейди-да, кўзимни очсам чўнтагимдаги жўйдаларимни олиб қўйган бўлади.

— Кимни оласан, бўлмаса?

Бир оз ўйлашиб тураман-да:

— Йўқ, энди ҳеч кимни олмайман, — деб қўяман.

Шу йўсин суҳбатлашиб тўрт туп терак йиқитдик. Бобожоним ҳар гал дарахт йиқилганда гушти чопонини тахлаб устига ташлайди-да, ўтириб, кел энди, бир нафас дам олайлиқ, дея кўзларини чирт юмган кўйи анча маҳал жим қолади. Мен бўлсам олди томондан бориб бармоқларим билан соқолини майин-майин тарашга тушаман. Анув кун айтганимдек, менинг бу машғулотим бобожонимга жуда-жуда хуш ёқади. Чарчоғимни сидириб оляпсан, баракалла, дея дуо қилиб туради.

Теракларни бутаб, учини кесиб, иккита-иккитадан боғлаб худди хуржун юклагандек қилиб кўк эшагимизга ортиб сой бўйига ташиб олдик. Ташиётганда мен жудаям маза қилдим. Нега десангиз мен эшақда, бобожоним теракларнинг уч томонини қўлтигига олиб орқада борар, тезроқ ҳайда, кеч қоляпмиз, дея менга ёлворар, у киши ёлворган сари мен ҳузур қилардим. Ёғочларни сой устига ташлаётганда бобожоним билан аввал аразлашиб, кейин чинакамига уришиб қолдик. Аввалгидек

икки теракни эшакка юклаб икки ёнига осилтириб, мен устида, қўнжи узун резинка этик кийиб олган бобом ортда музларни гарч-гурч синдириб, шалолатиб сув кечиб ўтаётган эдик, кўк эшагим сувнинг қоқ ўртасига борганда тўрт оёғини ерга тираб, дир-дир қалтираганча тек туриб қолди. Ёғочларнинг уч томонини кўтариб олган бобом:

— Ҳайда тезроқ, қўлим толиб кетди, — дея овоз берди.

— Ҳайдаяпман-ку, — дея қичқирдим.

— Ҳала қил, қаттиқроқ қил.

— Қилапман, мана, мана!

Ёзда гажава саватларга узум ортиб бозорга кетаётганимизда мана шу қайсар эшагим сув ўртасида ётиб олгани эсимга тушди-ю, қўрқиб кетдим. Ушанда узумни қайтариб уйга олиб келгандик. Шупи эслаб қўрқувим ошиб эшагимнинг думгазасидаги ўсиқ жунларидан жонжаҳдим билан тортқилай бошладим. Эшак орқа оёқларини осмонга отиб шундай бир силкиндики, шундай силкиндики, ёғочлар боғланган арқон узилиб, иккови икки ёнга шалолаб тушди. Икки қўллаб тўқимига маҳкам ёпишиб олган эдим, барибир бўлмади, нариги қиргоққа ўтар-ўтмас ўзим ҳам шагалга гушллаб тушдим...

Бечора бобом эшакни тутиб келгунча анча овора бўлди. Ўзим бўлсам ҳув парига бориб олиб ҳиқиллаб йиғлаб, узоқ-узоқларга қочиб кетсам-чи, бувижоним қаерда ҳозир, ўшанинг олдига бориб иссиқ бағрига бошимни қўйиб арз-дод айтсам-чи, дея ўйларга берилиб, ўзимни овутиш учун бўлса керак, тинмай сойга тош отардим.

Бобожоним эшакни тутиб келгач, сойнинг нариги юзига олиб ўтиб тутга боғлади-да, гулдиратиб олов ёқиб юборди. Резинка этигини ечиб, ҳўл бўлган пайтаваларини қуритиб, гоҳо-гоҳо мен томонга танбеҳли назар ташлаб қўяр, лекин пегадир ҳеч ҳам гап қўшмас, менинг эса оловга қўлларимни тоблаб жуда-жуда псингим келарди. Алам қилди, ҳеч чидаб туролмадим. Ўрнимдан ирғиб туриб:

— Энди сизга ҳеч ҳам ўғил бўлмайман! — дея қичқирдим.

— Бўлмасанг, бўлмай қўяқол, — қўл силтади бобом.

— Аҳмадқул бобомга ўғил бўламан, билдингизми!

— Бўлсанг, бўлақол.

Боғқўшнимиз Аҳмадқул бобомникига меҳмонга чиққаннимизда мени тиззасига олиб: «Шу Эркачолга ўғил бўлиб нима наф кўрасан, ундан кўра менга ўғил бўлгин, ҳар якшанба бозорга олиб бориб попуклик қанд,

қуш бўлиб сайрайдиган хуштак, чамандагул дўппилар олиб бераман», деган эди. Уша гап эсимга тушдию:

— Эрkachол,
Жинни чол,
Эрkachол

Шинни чол,— дея алам билан иргишлай бошладим.

Бобом ўрнидан туриб икки қўлини кенг ёзиб:

— Кел, ўғлим, яраша қолайлик,— дея шалошлаб сув кечиб мен томонга кела бошлади,— айб сенда эмас, мана бу ҳайвонда. Емни кўп еб қутуриб кетибди, энди унга ҳечам ем бермаймиз.

Шуни кутиб турган эдим. Жон-жон деб бобомнинг елкасига чиқиб, қўлимни бўйнидан ўтказиб олдим. Мени чирсиллаб учқун чертиб ёнаётган олов ёнига ўтказиб бобомнинг ўзи сув кечиб кесилган теракларни сойнинг устига ташлади. Қадам босганда силкиниб кетмасин деб бўлса керак, уч-тўрт жойига кўндаланг тахта ташлаб миҳ қоқди. Уша миҳлар меники эди. Мен умуман миҳни яхши кўраман, нега десангиз, тешанинг орқаси билан енгил урсангиз ҳам ерга лошиллаб кириб кетаверади. Кўприк битгач, бобом иккимиз уёғ-буёғига ўтиб кўрдик, ўртасида туриб олиб силкиндик.

— Зўр-а? — деди бобом.

— Зўр! — деб қўйдим мен ҳам.

— Сен бўлмасанг, тойлоғим, барибир битказолмасдим.

— Тўғри, бобожон, барибир битказолмасдингиз, — дедим эшакнинг орқасига миңгашаётиб...

Кейин бобожоним қаттиқ касал бўлиб, қиш чиққунча ётиб қолди. Аҳмадқул бобом асал келтириб оёқларига суртар, уқалар, энажоним ҳар оқшом сутга асал қайнатиб ичиради, холам ҳидини мен ёқтирмайдиган ғалати-ғалати дорилар келтириб баданига суртар эди. Гоҳо энажоним:

— Савоб оламан деб шу совуқда муз кечиш шартмиди, — деб танбеҳ берар, бобом бўлса:

— Шарт эди, — деб қўяр эди.

— Худо кўрсатмасин, бирон нарса бўлиб қолганингизда мен нима қилардим, ўйламадингизми?

— Ўйладим. Сочингни холиб роса йиғлардинг.

— Ҳеч одам бўлмадингиз-бўлмадингиз-да.

— Сен одам бўлсанг икковимизга ҳам етади, — миёғида кулиб қўяди бобожоним. Мен шартта ўрнимдан турарман-да:

— Энажон, сиз одам бўлсангиз уччовимизга ҳам етади, — деб қўяман.

Кейинчалик бозор-ўчарга, тегирмонга қатнайдиغان одамлар шу тўрт ёғочдан ясалган кўприкка «Эркакчолнинг кўприги» деб ном беришди. Ҳозир кўприк устида туриб, ана шу воқеаларни эслаб кетдим.

БЕТОБЛИК

Бобожоним икки-уч кундан кейин бутунлай ётиб қолди, шундай қаттиқ касал бўлдики, билмадим, оғриқнинг зўриданми, ҳароратнинг баландлигиданми, ўзидан кетиб қолган пайтлари ҳам кўп бўлди.

— Отажон! — дейди гоҳо энажонимни чақириб. Айтгандай, сизга айтаман деб ёдимдан чиқиб қолибди, бундан бир неча йиллар олдин қўрбошилар замонида Отажон тоғам билан Олимжон тоғамларни шапка кийган аскарлар қўлларини орқасига боғлаб, ерга чўккалатиб қўйиб, пешоналаридан отиб ташлашган экан. Ўшанда аскарлар шу қишлоқни бизга берасан, дейишибди. Тоғамлар, йўқ, бермаймиз, дейишибди. Бўлмаса, қишлоқнинг ярмини берасан, дейишибди, тоғамлар бермайман, дейишибди. Отимизга беш арава беда, уч арава ем берасан, дейишибди. Тоғамлар анави куни бердик-ку, дейишибди. Аскарлар яна берасан, дейишибди. Тоғамлар энди ҳеч нарса қолмади, қишлоқ қуп-қуруқ дейишибди. Унда милтиқни қаердан олганингни айтасан, дейишибди. Тоғамлар айтмаймиз, дейишибди. Шундан сўнг пешаналарини мўлжаллаб туриб варанглатиб отиб ташлашган экан. Ўшанда энажоним ҳам, бобожоним ҳам роса йиғлашган экан. Шундай йиғлашибдики, кўзларидан оққан ёш Даҳанасойдаги сувдан ҳам кўп бўлибди. Ўшандан бери икковлари бир-бирларини катта тоғамнинг номини айтиб чақиришар экан. Тоғамлар нариги дунёда тирик юришган бўлса, хайрият, бизни эслашяпти, деб хурсанд бўлишса керак-да.

— Отажон! — дейди гоҳо бобом ёнгинасида ўтирган энамни чақириб.

— Шу ердаман, — деб қўяди энажоним.

— Сандалинг совиб кетди-ку!

— Йўғ-эй, ловиллаб турибди. Ҳозиргина олов солдим. Ўрик ўтиндан атайлаб ёққан эдим, — тушунтиради энам. — Худо хоҳласа, терлайсиз, ўрик ўтиннинг хосияти кўп дейишади. Терласангиз, дарддан қутуласиз.

— Қўлингни пешанамга қўй...

— Кафтим пешанангизда турибди-ку.

— Сезяпман, Отажон, сезяпман.

Яна жим бўламиз. Мен кўкрагимгача кўрпани тортиб ёнбошлаб, ўчоқдаги аста-секин сўниб бораётган оловга тикилиб ўй суриб кетаман: олов нега олдин ёниб кейин ўчаркин, ёнганида нега қип-қизил бўлиб кўрпанидую ўчганда йўқ бўлиб қоларкан? Ё ўша қизиллиги туйвукдан осмонга чиқиб кетармикин, ҳамма туйвуклардан олов чиқаверса, осмон куйиб кетмасмикин ё бари тўпланиб қуёшга айланармикин, аҳтимол, тунда кўринадиган юлдузлар ўчоқлардан кўтарилган қизил оловлардир?..

Ташқари қоронғи, жуда қоронғи. Савадал устига осганимиз еттичи чирогимиз милтиллаб ёнадию барибир, чорхари уйимизни яхши ёритолмайди. Ўчоқдаги қизил оловни чирогимиз шишасига жойлаганимизда, эҳ, қандай соз бўларди-я? Уйимизда қуёш порлаб турарди... Бўлди, эртага энам қўшниникига чиқиб кетганда шишанинг ичига олов ёқиб кўраман, қоғоз ёқаман, қоғоз тез ёнади, унинг олови ҳам кўп...

— Энаси, — деб инграйди бобожоним, — шу ердамансан, ҳай, дунё шунақа экан-да, келган одам барибир бир кун кетаркан-да.

— Ундай деманг, — дейди энажоним ёлвориб, — одамнинг юрагига ваҳима соляпсиз. Иситмангиз яна кўтарилди шекилли. Ҳозир пешонапигизга латта ҳўллаб босаман.

— Йўқ-йўқ, ўтир... Ёлгинамда ўтир, барибир, песиқ жон бор жойда қазо ҳам бор, ўтир, гапириб олай, — бобожонимнинг нурсизланиб қолган кўзларида милтиллаб ёш кўринди, — худога шукр, умр берди, ризқ берди, обрў берди... фақат фарзандларимдан эрта жудо қилди-ла. Арслондай йигитлар эди-я! Ҳар елкасида биттадан одам ўтирадиган наҳлавон йигитлар эди-я, ў, золимлар, ў, золим замона... Сенга қийин бўлади, онаси, ёлғизлик ёмон... Раҳмонберди, яхши ўғлим, қаердасан, берироқ кел, қани, қўлиңни менга узат-чи.

Мен пешона-пиша бобожонимнинг ёнига ўтиб, пайпаслаб қўлини ушлаймап. Иссиқ, билч-билч терлаб ҳам турибди... Нима дейишимни билмайман, жуда яхши гап айтгим келади, аммо ўша гапни тополмайман. Бошимни аста кўксига қўйиб, хуш ёқармикан, дея нам бармоқларим билан соқолларини оҳиста-оҳиста сплай бошлаймап.

— Баракалла, ўғлим — энтика-энтика қийналиб сўзлайди бобожоним. — Қўлларинг бирам ёқимлики... Энажонингни ёлғиз ташлаб кетмагин, лекин кўприкиңи бошлаб қурдик-да... Ҳай, жон бор жойда ўлим бор, розиман,

ҳаммасига розиман. Қани, азаматим, энажонимни ёлғиз ташлаб кетмайман, деб менга сўз бер-чи.

— Бобожон!— дедиму йиғлаб юбордим.

— Ҳой, Отажон, қўйинг бу гапларни, — яна ёлворди энам, — боламнинг юрагига қўрқув солиб нима қиласиз? Иситмангиз кўтарилиб кетди шекилли, алаҳлаяпсиз. Худо хоҳласа, эрталабгача тузалиб қоласиз.

— Ҳа, онаси, умримнинг азиз йўлдоши, яхшилик учун туғилган экансан, сендан нуқул яхшилик кўрдим, аммо қайтаролмадим. Майли, майли... Раҳмонберди ўғлимни, бу азаматимни ўғайлар қўлига топшириб қўймагин, ўғай ака-укалар, ўғай ота, бегона ҳовли... Мунгайиб қолади-я. Ўзинг бағрингда олиб юргин... Ў, золимлар, ў, золим замона... Насриддинбойнинг пабираси бўлади-я бу ўғлим. Отасини қулоқ қилдилар, бойлигини тортиб олдилар, калтакладилар, қамадилар, охири йиғирма бир ёшида ўлдирдилар. Майли, тойлогим, шуларни сеп билиб ол. Ҳой, милтиқни бер менга, отаман. Ҳаммасини отаман. Ана, ўғилларим келяпти, милтиқ молхонада, устига хашак ташлаб қўйганман...

Бобожоним ўрнидан туриб кетди. Энам ҳам туриб уни маҳкам кучоқлаб олди. Нима қилишимни билмай қолдим. Йиғлай дейман-у, йиғи келмаяпти. Чикиб қўшнилариимизни чақириб келай десам, кўча қоп-қоронги, зимистон. Мен қоронгидан жуда қўрқаман. Нега десангиз, ажиналар қоронгида қари дарахтларнинг ортига беркиниб олиб, кўзларини лўқ қилиб қараб туришади. Фақат бизнинг ҳовлимизда йўқ, холос. Энам ҳар хил дуолар ўқиб уларни узоқ-узоқларга ҳайдаб юборган. Энажоним «Ла илаҳа иллоллоҳу» деган дуони ўтган инли қишда менга ҳам ўргатиб қўйган-у, барибир ўша дуони ўқиётганимда ҳам кўзимга ажиналар кўринаётгандай бўлаверади.

Мен ҳам ўрнидан туриб бобожонимнинг қоқсуяк бўлиб қолган оёқларидан маҳкам кучиб:

— Бобожоним, йўқ, ўлмайсиз, ҳечам ўлмайсиз, — дея додлаб юбордим, — сиз ўлсангиз, энам иккимиз ажиналардан қўрқамиз, аскарлар бизни пақ-пақ қилиб отиб ташлашади.

— Ётинг энди, ёта қолинг, — бобомни ўрнига ётқишига уринарди энам, — худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади. Эртага чилёсин ўқитамиз, қўй сўйиб худойи қиламиз.

Бобожоним энтика-энтика ўрнига чўзилди. Чўзилди-да, менга худди биринчи бор кўраётгандай, кўрса ҳам танийолмаётгандай узоқ тпкилиб қолди. Энам сандаллаш

олов олиб, исириқ тутата бошлади. Хали расмана тутаб ҳам улгурмаган эди, кўча эшигимиз тақиллади. Ким бўлди экан? Эҳтимол Заҳро холамдир? Бобом бетоб бўлгандан буён хабар олгани фақат қоронғи тушганда келади, овқати кечга қолар эмиш... Ким бўлса ҳам келгани яхши бўлди, деб ўйладим-да, кавуш қийгани тоқатим чидамай, ялангоёқ ҳовлига отилдим. Энажоним доим бемаҳалда кўча эшикни очишдан олдин ким эканлигини сўра, бегона бўлса, очма, деб ўргатарди. Ҳозир ўша ўргатгани эсимдап чиқиб қолибди. Иккала қанотини шарақлатиб очиб юбордим. Хайрият, хайрият-ей, Аҳмадқул бобом экан. Аҳмадқул бобо, деб оёқларидан маҳкам қучоқлаб йиғлаб юбордим.

— Йе-не, нима бўлди, бойвачча ўғлим, — қулоғимга-ча энгашиб сўради Аҳмадқул бобом.

— Бобожоним, ўлиб қоляпти, — дея баттар йиғладим, — ўламан, сизлар ёлғиз қоласизлар, деди. Ҳозир айтди шу сўзларни.

Аҳмадқул бобом қийиқда бир парса тугиб қелган экан, ушла-чи, дея узатди-да, мени бир чеккага суриб, ўзи ичкари ҳовлимизга жадал кириб кетди. Энажоним бемаҳалда кўча эшик ҳеч очиқ қолмасин, деб ўргатарди. Уша эсимга тушиб беркитиб, олдин занжирни осдим, кейин танбасини ҳам тираб қўйдим-да, қани, қийиқда нима бор экан, дея очиб кўра бошладим. Анор, узум, вай, қандай яхши-я, оҳ-оҳ, ҳусайни узум кирсиллаб турибди, денг. Уч-тўрт донасини дарров оғзимга солиб карсиллатиб еб олдим. Шу бобом ўзи яхши-да, йўқ-йўқ, узум олиб чиққани учун эмас, узум ўзимизда ҳам бор, менга ўхшаган болаларни суйгани, эркалагани учун яхши. Ҳовлиларида ўнтача бола бор. Мен кирсам, ўн битта бўламиз. Ҳаммамизнинг чўнтагимизни тўлдириб ёнғоқ солиб беради. Бир марта энам икковимиз меҳмонга чиққанимизда, Ҳайитвой билан мени кураштириб, ким зўр чиқса, ўшани елкамга миндираман, деди. Икковимиз тенганига гушиллаб йиқилган эдик, икковимизнинг елкасига миндириб, юмшоқ кигиз тўшалган уйда от бўлиб кишнаб, ёнғоғини осмонга отиб, бизни роса қиқирлатиб кулдирган. Гоҳо кўчада ўйнаб турганимизда ўтиб қолса:

Пакана бобо,

Чакана бобо,

Майиз бобо,

Ўрик бобо, — деб масхара қилсак ҳам, ҳу сенларни, ҳозир қулоқларингни кесиб олмасамми, дейди-ю, қулоғимизни икки қўллаб беркитиб қочганимизда орқамиздан қувламайди, кулиб тураверади.

Узоққа бориб олиб яна:

Анор бобо,
Беҳи бобо,
Қовоқ бобо,
Товоқ бобо,— деб иргншлаймиз.

Нега десангиз, шу бобомиз чиндан ҳам пакана, бўйи қишлоғимиздаги ҳамма боболарниқидан паст, ёнига ппчоқ осиб юради-ю, ўша пичоқнинг қини товонига тегиб туради.

Мева тугилган қийиқни қайтадан боғлай олмай, шундайлигича кўтариб ичкари кирсам, Аҳмадқул бобом ўзимнинг бобомнинг ўнг томонига ўтириб, чап қўлини унинг пешанасига қўйиб, энамга қараб гапираётган экан:

— Ўртоғимнинг тоби қочиб қолганини эрталаб эшитувдим. Ана чиқаман, мана чиқаман, дейман, қайда. Энди жўнаётган эдим, кампир пича ўтин ёриб беринг, деб қолди... Ол, ўғлим, узумдан еявер, сенга олиб чиқдим,— Аҳмадқул бобом, ўзим мўлжаллаб қўлимни чўзсамми-чўзсамми деб турганимда, катта бир бошни менга узатди. Яна сўзида давом этди: — Ўтинни ёриб бўлиб, молларга хашақ ҳам солиб қўя қолай деб оғилхонага кирувдим, ана бу хушхабарни қаранг, катта қашқа қўйимиз тугаман деб турибди-я!

— Эсон-омон қутулиб олдими, ахир?! — шошилиб сўради энажоним.

— Яратганга шукр,— деди Аҳмадқул бобом иккала қўли билан соқолини силаб,— яна тагин эгпзаклигини айтмайсизми!

— Вой худойим-ей, — хурсанд бўлди энам.

— Икковиям эркак денг!

— Худо бераман деса шу-да.

Энам ўрнидан туриб, ўчоққа ўт қалай бошлади. Аҳмадқул бобом бир нарсаларни пичирлаб, якка ўзи фотиҳа ўқиди-да:

— Оббо ўртоғ-ей, бургага тептириб олибсан-да! — деб сўради бобожонимдан.

— Имм-мм, — деб қўйди бобом.

— Лекин, ўртоқ, ўламан деб мана бу ўғлимни чакки қўрқитибсан, ҳали-вери ўлмайсан, сени ўлимга топшириб қараб турмаймиз, раҳматли отанг Хожимат амаким саксон ёшида ҳам улоқ чопарди, отнинг белини букиб юборарди, тўқсон ёшида боққа чиқиб кунда кавларди. Сени қара-ю. Етмишга кирар-кирмас ўламан, дебсан-а. Сен ўлсанг, Робияббининг аҳволи нима бўлади, мана бу кўзини мўлтиллашиб турган бойвачча ўғлимни кимга қолдириб кетмоқчисан? Мен-чи, сенсиз, билиб қўй,

ўртоқ, бир кун ҳам яшай олмайман... Ҳа, ўша сени... Бошингни кўтар, мана бу узумдан егин, эсингдами, кўчанини ўзинг берувдинг.

Аҳмадқул бобом узумдан бир бошини олиб, доналаб бобожонимга едира бошлади. Мен санаб турдим, бир, икки, уч... Энажоним дастурхонга жон, ўзимизнинг меваларимиздан қўяётганда адашиб кетдим. Аҳмадқул бобом соқолини силкитиб кулиб юборди:

— Келин, эрингиз болалигидаям эрка эди, бекорга отини Эркавой қўйишмаган, йиқилиб тушса, мен келиб тургазиб қўймагунча ариллаб ёта берарди. Ҳе-ҳе-ҳе... Оббо ўртоғим-ей, ана кўзингни очдинг.

Бобомнинг орқасига баланд қилиб катта-кичик ёстиқлар қўйишди.

— Ҳа, ўртоқ, иситманг баланд кўринади, — деди Аҳмадқул бобом.

— Бор, апча бор, — энтикиб деди бобом.

— Анордан ҳам егин, дилинг равшан бўлади.

— Майли, бера қол.

— Оббо ўртоғ-ей, лекин кўприкни бошлабсан.

— Кўрдингми?

— Бугун Бузуққўрғонга борувдим, тегирмонга юк ташлаб келдим.

— Эшакдамидинг?

— Ҳа.

— Ўтдимми?

— Тушиб етаклаб олдим... Савобга бизни шерик қилишни истамабсан-да? Ҳў, Аҳмадқул, деб чақирмайсанми, олтита набирам, тўртта ўғлимни олиб ёнингга бормайманми?! Сувга йиқилибмидинг?

— Ҳа, бир-икки йиқилувдик.

Энажонимнинг юраги ҳасратга тўлиб турган экан, дастурхон тузаб бўлгач, Аҳмадқул бобомга чой узата туриб, дардини ўша кишига айта бошлади:— Ўртоғингни уришиб қўйинг. Хўп, ўша куни-ку, сувга йиқилиб шалаббо бўлиб келдилар, аввалги куни бизни яна алдабдилар. Набирам иккимизни қишлоққа жўнатиб юбориб, яна икки туп терак кесиб кўприклари ёнига қўйиб, кенгайтирибдилар. Мол-қўй ўтолмас эмиш... Мол-қўй ўтолмаса, шунча йилдан буён ўлиб қолгани йўқ-ку? Мана, энди аҳволларини қаранг, ўламан-у, кетаман, эмиш.

— Қўйинг, Робиябиби, йиғламаанг, — юпатган бўлди Аҳмадқул бобом, — ўзи ўртоғимнинг йили тўнғизу, лекин балиққа ўхшаб сувни яхши кўради. Болалигидаям шалолатиб сув кечгани-кечган эди. Дўхтирга одам жўнатмабсиз-да.

— Кошки кўна қолсалар, — яна кўзига ёш олди энажоним, — ўзи берган дард, ўзи олади деб унамаптитлар.

— Ҳозироқ бориб бошлаб келаман.

— Вой кўшни, бемаҳалда овора бўласиз-ку.

— Э, Робиябиби, ўртоғим бу аҳволда инграб туради-ю, мен тинч ёта оламанми?

— Дўхтир ҳам дарров кўна қолмас, — иккилашиб деди энажоним.

— Улар кечаси хизмат қилишни хуш кўришади, са-
воби кўп бўлармиш.

Аҳмадқул бобом пиёладаги совиб қолган чойни катта ҳўплаб, танчага қўлини тираб ўрнидан турди-да, мева тугиб келган гул тикилган чорсисини белига боғлаб, чиқиб кета бошлади.

— Қишлоққа бўри оралаган дейишади, — хавотирла-
ниб деди энажоним.

Аҳмадқул бобом остонада тўхтаб соқолини силжитиб кулди:

— Э, Робиябиби, пакана одамнинг гўшти бемаза бў-
лади, бўри биздақаларга тегмайди.

Эпам, бобожоним ўлиб қолса, биз нима қиламиз, деб ўйлаётган бўлса керак. Мен ҳам ўйлай бошладим. Аввалига нима ҳақида ўйлашни билмай турдим. Кейин дўхтирлар яхши-а, ўйлаётган одамларни қутқаришади, катта бўлсам, мен ҳам дўхтир бўламан, қўрғончамизда ўттизгача чолбобо бор, ҳеч бирини ўлдиргани қўймай-ман, ҳаммасидан бобожоним яхши, ўлмасин, ўлмасин, ўлмасин... Одамлар нега ўларкин, ўлгандан ўлмаган яхши-ку, ўлгандан кейин гўрда тирилиб қолса, нафаси қайтиб қолмасмикин, дея ана шулар ҳақида ўйлай бошладим... Кейин ухлаб қолибман.

Бир маҳал ғалати-ғалати овозлар қулоғимга кириб уйғониб кетдим. Учоққа гулдирамазон қилиб олов ёқи-
шибди, янтоқ қалашган экан, алангаси уйни ёритиб юборган. Дўхтир амаки кепти. Оти Деҳқон шапка, доим соябони катта шапка кийиб юради. Мени кўриб қолмасин, деб дарров юзимга кўрпани тортиб олдим. Нега десан-
гиз, кўчадан шоҳдор жинаравасини миниб ўтганда кў-
чамиздаги болалар то мозорбошигача орқасидан югуриб,
кўчани чангитиб:

Деҳқон шапка,

Тушунмайди гапга,

Кечаси ўннга,

Кундузи чапга,

Бўйнида халга;

Қўлида папка, — деб масхара қи-

либ борардик. Анави куни қор ёғаётганида жинарава-
сиви Дилижонларнинг кўча эшиги олдига қўйиб, ичка-
ри кириб кетган экан, болалар дамани чиқариб, гилди-
рагини юрмайдиган қилиб қўйишди. Чиқиб ҳаммамизни
роса қувлади, мениям қувди. Мен додлаб қочдим... Ҳо-
зир таниб қолса-я, бобожонимга айтиб берса-я?.. Йўқ,
барибир чидаб туролмадим, кўрпани озгина кўтариб, мў-
ралай бошладим. Бобожонимни ўтқазиб, оқ кўйлагини
томоғининг тагигача қайтариб қўйибди. Чойнакнинг қоп-
қоғига ўхшаш ўйинчоғи бор экан, ўшани қорнига қўйиб
кўряпти.

— Ўпка тоза, — деди Дехқон шапка амаки.

— Худога шукр, — деб қўйди бобожоним.

— Бу ерда оғриқ йўқми?

— Йўқ шекилли.

— Бу ерда-чи?

— Сезмаяпман.

— Демак, жигар-буйрақлар тоза. Оббо амаким-ей,
шундай қилиб, сувда икки-уч бор чўмилиб олдим, денг.

— Ҳа, энди... ёшлик ўтиб кетган экан...

— Энди оёқларни кўрамиз, узатинг.

— Вой-вой, — бобожоним сал бўлмаса ўрнидан туриб
кетаёзди.

— Нима бўлди?

— Оғрияпти, дўхтир болам. Кўзим жойидан чиқиб
кетай деяпти.

— Буниси-чи?

— Вой, астароқ, жон болам, астароқ.

— Ана, айтмадимми, — деди Дехқон шапка амаки,
Аҳмадқул бобомга қараб, — иккови оёқларини, томиру
суякларини баб-баробар шамоллатганлар. Иситма шун-
дан. Ҳай-ҳай, шу ёшда муздай сувда узоқ турганларини
қаранг.

— Худо ҳам ўзини эҳтиёт қилгани эҳтиёт қиламан,
деган экан, — энамга қараб деди Аҳмадқул бобом.

Бобожонимнинг ҳароратини тушириш учун эмлаш
керак экан, бошқа илож қолмабди. Ҳаммалари роса ёл-
воришди, бобожоним бошини чайқаб, йўқ, деб тураверди.
Бирпас турди, иккипас турди, ахийри уҳ тортиб:

— Бўпти, билганларингни қилинглар, — дея йиғлам-
сираб қорнини ерга бериб ётиб олди.

Дўхтир амаки бир қаричча келадиган игнасини ялан-
ғочлаб, учига бир нарса сураётганди, мен кўрқиб, теска-
ри ўгирилиб олдим. Игнадан жуда ҳам кўрқаман. Қиш-
лоғимиздаги ҳамма болалар кўрқади. Фақат Санамбуви

кўрқмайди, холос. Чечакка қарши эмлаш учун келганларида биринчи бўлиб билagini яланч таб берганини ўз кўзим билан кўрганман.

— Амаки, сизда бўрсиқнинг ёғи бўлади, деб эшитардим, — сўради дўхтир.

— Ҳа, илгари мўл-кўл бўларди, — хўрсиниб деди божоним.

— Ҳозир-чи?

— Овчиликни ташлаб юборганман.

— Э, аттанг, бўрсиқнинг ёғи суякни яхши терлатади. Ҳозирча ундан яхшироқ шифо йўқ.

Аҳмадқул бобом қачон кулса, албатта, соқолини силкитиб кулади. Бу гал ҳам овоз чиқармасдан соқолини силкитиб турди-да: «Бу овсар чол ўзи овлаган ҳайвоннинг кўзидан ўзи қўрқадиган бўлиб қолган эмиш», — деб қўйди.

Энажоним бобомнинг қизил гул тикилган қора чорсигига омборхонадан тўлдириб ҳар хил мевалардан тугиб чиқди. Ишонсангиз, бизда бунақа мевалардан жуда кўп. Узум, анор, беҳи... Ҳаммасини катта омборхонамизнинг шифтига осиб қўйганмиз. Энам қишлоққа кетганда Ҳайитвой, Дилижон, Санамбувиларни бошлаб кириб, дўппимизни тепага отиб, узумдан, анорлардан тушириб, мазза қилиб еб ҳам турамиз. Дўхтир амаки тугунга кўзи тушиши билан: «Э, қўйсангиз-чи, уят бўлади», деган эди, энам: «Оласиз, олмасангиз қўймайман, бир этак болангиз бор-а», деб ўша тугунни Аҳмадқул бобомнинг кўлига тутқазди.

— Ўртсқ, энди онангни қорнида ётгандай тинчгина ухлагин, — деди Аҳмадқул бобом остонага етганда, — худо хоҳласа, энди ўлмайсан, айтдим-ку, сени ўлдиргани қўймаймиз деб. Дўхтир укамни ўзим кузатиб қўймасам бўлмайди шекилли. Туннинг қоронғилигини қара-я. Ёпирим-эй... Қишлоққа бўри оралагани ростга ўхшайди, Шокир тойчоқнинг гунажинини бўғизлаб кетибди.

БЎРСИҚ ОВИГА ОТЛАНДИК

Ҳар галгидек, бугун ҳам энажоним мени бомдод намозига уйғотди. Турсам, сандалига бозиллатиб олов солиб, бобомга сут ҳам қайнатиб берган экан.

— Уйғондингми, тойлоғим, — сўради бобом. Уйқусираб тургандим, шундай бўлса ҳам югуриб бориб божонимнинг бўйнидан ачомлаб олдим.

— Энди ўлмайсиз-а? — дея сўраб ҳам қўйдим.

Бобожоним хиёл кулимсираб, бош чайқаб қўйди, елкамини қайта-қайта силай бошлади:

— Бор энди, таҳорат қилгин.

Таҳорат қилишни ўрганиб олганмаи, энажоним ўргатган. Олдин уч марта қўл ювилади, кейин уч марта бет ювилади... Ла илаҳа иллоллоҳу, ла илаҳа иллоллоҳу деб айтиб турилади. Ана шуни айтсангиз, инс-жинслар болаларга тегмас экан. Кейин, мен намоз ўқишним билмаман.

Намоздан сўнг энам:

— Қулуним, юр, чироқни ушлаб тургин, молларга хашак солиб чиқайлик, — деди.

Молхонамиз жуда катта, агар туйнугига эски тўғни буклаб тиқсангиз, кундузиям қоп-қоронги бўлади. Молларимиз ҳам кўп: сигиримиз, ғунажинимиз, новвосимиз, эҳ-ҳе, қўйларимизу қўчқоримиз ҳам бор. Дилижоннинг қўчқорини бир сузиб думалатиб ташлаган. Бобожоним янаги кузда поввосни сўйиб сенга катта тўй қилиб берман, деган. Эҳ, тўйим тезроқ бўла қолсайди. Янги тўғим, янги дўппим, ичтон қадалган этикчамни кийиб, кўз-кўзлаб мазза қилиб ўйнардим-да.

— Сигирним соғиб ола қолайлик, — деди энам.

— Майли, соғиб ола қолайлик, — дедим мен ҳам.

Энам сигир соғаётганда бузоқчасини ушлаб туришни яхши кўраман. Нега десангиз, у жудаям ювош, илиққина тили билан бетларимни ялаб-ялаб туради. У ялаётганда мен юмшоқ жунларидаи оҳиста-оҳиста силаб қўяман. Бетимни иссиққина баданига босиб, «бузоқчам, ширним», деб эркалайман.

— Ичасанми? — деди энам, соғиб бўлгач.

— Ичамаи, — дедим-да, бўйнимни чўзиб, оёғимнинг учиди туриб товоқдаги кўпиклаб турган илиққина сутдан тишимнинг орасидан ўтказиб симириб ича бошладим. Энамнинг айтишича, болалар янги соғилган сутдан кўп-кўп ичиб турса, кучли бўларкан. Қураш тушганда ҳамма болаларни йиқитаркан, мен ҳўв бирда, сутни кўп ичган куним Ҳайитвойни икки марта «гупанглатиб», ўн учта ёнғоғини ютиб олганмаи.

Чиқсак, Аҳмадқул бобом келиб, энди кавушини ечаётган экан.

— Қалай, ўртоқ, тузалиб қолдингми? — деб сўради бобомдан.

— Худога шуқр, — деб қўйди бобожоним.

— Иситманг тушдимми?

— Хийла пасайди шекилли.

— У-бу деймиз-у, шу дўхтирларга ҳам ишониш керак.

— Ҳа, албатта. Улар ҳам худонинг бандаси.

— Илоё овмиң, — менга қараб фотиҳа ўқиди Аҳмадқул бобом, — қадам етди, бало етмасин, ўртоғимнинг тузалиб қолгани рост бўлсин, оллоҳу акбар!

— Облоҳу акбар! — деб мен ҳам сандалдан чиқарган иссиққизга қўлим билан юзимни силаб олдим.

Аҳмадқул бобом туни билан ухлай олмабди. Етмиш йиллик қадрдоним алаҳлаб ётса-ю, мен қандай қилиб ухлайман, дебди. Худди чангалнинг устига думалагандай қийналиб чиқибди. Бўрсиқ овлагани борармиш, бунинг учун бобожоним кичкина-кичкина қопқонларидан ҳеч бўлмаса, иккитасини бериши керак экан...

— Ҳў мулло Аҳмад, — деди бобожоним кўзини очиб, — бўрсиқ қув бўлади, уни қопқонга тушириш осон эмас.

— Илгари илнтириб келардик-ку, — хафа бўлди Аҳмадқул бобом.

— Унда ёшингда мен бўлардим.

— Қопқонни мен қўярдим-да, илинса, ов мешики деб туриб олардинг. Қуён сўйсак, менга кирсиллатиб ейсан, деб қулоғини берардинг. Ҳе-ҳе-ҳе! Йўқ дема, ўртоқ, қопқонингни бера қол, сен учун қилияман бу ишни. Бўлмаса шу совуқда... Аёзни қара, узиб оламан, деяпти...

Бобожоним кўзларини юмган кўйи анча маҳал жим турди. Жавобини ҳаммамиз бетоқат кутардик. Мен ичимда: «Эй худо, бобожоним кўна қолсин, илоё овмиң, мен ҳам овга бирга борай, бирга борай», деб пичирлаб турдим.

— Қийналасан, ўртоқ, — деди бобом кўзини очиб.

— Қийналсам, сен учун қийналаман, Эрка. Агар ҳозир ўртоғингга нафи тегади деса, дўзахдан олов олиб келишга ҳам тайёрман.

Бобожонимнинг сўлинқираб қолган юзлари ёришиб кетгандай бўлди, кўзларини катта очиб, кулимсираб ҳам қўйди.

— Яхши ўртоғим бор-да, опаси, — дея мақтанди, — ўшанда сувга чўкаётганигда қутқариб яхши иш қилган эканман, ўртоқ.

— Ўзимга керак бўлади, деб қутқаргансан-да. Ҳе-ҳе-ҳе!

Кулдик, ҳаммамиз кулдик, бобожоним кўпроқ кулди. Мен шартта ўрнимдан туриб:

— Овга мен ҳам бораман, — дедим.

— Нима? — учовлари баробар сўрашди, — шу совуқ-да-я?

— Бораман, дедим, бораман.

— Бекорларни айтибсан, — жеркиб берди энажоним.

— Ўзингиз бекорларни айтибсиз, — деб ер тепиндим.

— Ҳаддингдан ошма.

— Ўзингиз ошманг.

Энам билан бобомни бирор гашимга кўндира олмасам ерга ётиб олиб йиғлашни ўрганиб олган эдим. Аввал кигизга ўтириб йиғлайман, кўнишмаса тупроққа думалаб додлайман. Йиғлаётганимда кўзимнинг қири билан уларни кузатиб тураман. Кийим-бошим тупроқ бўлиб қолишдан қўрқиб, дарров кўна қолишади. Бу гал ҳам шундай қилдим. Энам қўлимдан тортиб турғизиб:

— Йиғлама, қулуним, ўзим сени Отинбибиникига мушкулкушодга олиб бораман, — деб юпатди. — Янги этигингни кийиб борасан.

— Кампирларни ёмон кўраман — ҳаммасининг оғзида тиши йўқ, — деб яна зах ерга ўтириб, оёқларимни тапиллата бошладим: — Ўша кампирларнинг дийдиёсини ҳам ёмон кўраман, билдингизми?

Аҳмадқул бобом яхши-да, мени ердан даст кўтариб кўзларимдан ўпиб, бойвачча ўғлимни хафа қилманглар, борақолсин, чарчаса кўтариб оламан, деди.

— Ҳа, майли, — деди бобожоним ҳам юмшаб, — олиб кета қол, эшакни миниб кетинглар.

Эшакни ўзим етаклаб чиқдим. Хуржунга иккита кичкина қопқон солдик, катталарини олмадик, уларни бўри, тулки ушлаганда ишлатамиз, бобожоним шундай деган. Яна тагин бир халта арпа, бир қучоқ беда ҳам олиб, ҳаммасини хуржуннинг кўзига жойлаб, тезгина чиқиб кетдик... Эҳ, қандай соз! Маза қиладиган бўлдим-да. Қайтиб келгач, Дилижон, Қулижон, Ҳайитвойларга рося мақтанаман, кўзларини куйдираман.

Бир оз юргач:

— Бобожон, гаплашиб кетайлик, — дедим гапиргим келиб.

— Нима деб гаплашамиз? — сўради Аҳмадқул бобом.

— Ҳар нарсаларни-да.

— Ҳар нарса деганинг нимаси?

— Энди... ўзимнинг бобом ўлмайди-а?

— Худо хоҳласа, тузалиб кетади, ўлмайди.

— Ҳечам ўлмайдами?

— Ҳечам ўлмайди.

— Мингга кирадими?

- Мингга киради.
 - Йўқ, ростини айтинг.
 - Рост айтяпман, яхши одамлар ҳеч қачон ўлмайди.
 - Бобожоним яхшими?
 - Яхши.
 - Жудаям яхшими?
 - Жудаям яхши. Бобонг беҳад саховатли одам.
 - Саховатли деганингиз нима?
 - Билмайсанми?
 - Билмайман.
 - Саховатли — қўли очиқ, хайр-аҳсонли дегани.
- Мана, боғларинг катта, узумларинг кўп-а? Ҳаммасини еб тугатолмайсизлар, тўғрими?
- Тўғри.
 - Бобонг узумнинг ярмини савоби отишмада ўлган ўғилларимга тегсин деб, бева-бечораларга, етим-есирларга тарқатади. Ана шуни саховат дейишади, энди тушундингми?
 - Йўқ, тушунмадим.
 - Сен нимага тушунасан, ўзи?
 - Ҳамма нарсага тушунаман.
 - ... Ундан кейин бобонг паҳлавон одам, зўр пахсакаш ҳам. Қўрғончадаги ҳамма деворларни якка ўзи урган. Кафтани кўргин, баркашдай келади. Тўртта лойкаш ҳам унга лой етказиб беролмасди. Ёмон мардикор ёнидан, деб ҳақ олмасди, савобини ўғилларимга бағишланг, дерди... Кейин бобонг кўчат улашишни яхши кўради, қишлоғимиздаги жамики боғларда унинг кўчатидан бор, буям саховат бўлади, ўғлим. Энди тушунгандирсан?
 - Озгина тушундим, холос.
 - Вой-бу, сен қанақа боласан, ўзи?
 - Яхши боламан.
 - Яхши бола бўлсанг, энди жим кет.
 - Жим кетгим қелмаяпти. Айтинг-чи, сиз зўрми, бобожоним зўрми?
 - Мен зўрман.
 - Вой, сиз кичкинасииз-ку, бобожонининг битта қўлича келасиз-ку!
 - Мени кичкина полвоп дейишади, ҳа!
 - Бобом билан бир марта бўлса ҳам кураш тушганмисиз?
 - Тушганман.
 - Қим йиқитган?
 - Бобонгни айлантириб туриб томга отиб юборганман.

- Ҳечам-да.
- Ишонмайсанми?
- Йўқ.

— Бўпти, ҳали борганда кураш тушамиз, ўшанда кўрасан, энди жим кет.

Бобом икковлари кураш тушса қалай бўларкин, борди-ю, бобом йиқилса-я, деб ўйладим-у, кейин сўраётган нарсам эсимдан чиқиб, жим бўп кўя қолдим.

Тоғ томонга қараб кетяпмиз. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Ҳўв баланд-баланд тоғларда, адирларда, биз бораётган майдонларда мўл-кўл оқлик. Ҳаммаёқ чарақлаб кетган, қарасангиз кўзингиз жимирайди. Эҳ, қандай яхши-я, қандай соз бўлди-я!

Ҳув узоқларда, осмону фалакда қушлар гала-гала бўлиб учиб юришибди. Тўдалар қўшилади, яна ажралади, яна қўшилади, яна ажралади. Ўйин қилишаётгандир-да? Қандай яхши-я! Қани энди, мен ҳам ҳозир қушча бўлиб қолсам, ўша баландликка кўтарилиб, қанотларимни қоқиб роса ўйнардим... Ўтиб бораётганимиз ўрикзорларда ҳар хил қушлар кўп. Ана, гурр этиб чумчуқлар кўтарилиб, ўриклар шохига қўнди, устимизга дув этиб қор тўкилди. Нарироқда ҳар биттаси товукдай-товукдай пўм-қаргалар сариқ тумшуқларини пастга қилиб хаёл суришяпти, бечоралар-ей, энди овқатни қаердан топсам экан, деб ўйлашаётгандир-да? Сақичдек қоп-қора, бетоқат қорашақшақлар-шоҳдан-шоҳга сакраб қувлашмачоқ ўйнашаётганга ўхшайди, улар бирам кўп, бирам кўпки. Қўшнимиз Султонали акам ўтган йили беҳига тузоқ қўйиб, қорашақшақни илинтирганда мен бир дўппи ёнгоққа алмаштириб олгандим. Товоқнинг тагига бостириб қўйганимда, энажоним билмай кўтариб, қушчамни учириб юборган, эҳтимол, ўша қушчам ҳозир шуларнинг орасида бордир? Мени таниянтимикан? Уларда эс бўлмайди-ку.

— Бобожон, келинг, яна гаплашиб кетайлик,— дейман зерикиб.

— Ҳали гаплашдик-ку, — дейди Аҳмадқул бобом.

— Яна гаплаша қолайлик, жон бобожон.

— Мен сенга гап топиб бера олмайман-да, ўғлим.

— Майли, тополмасангиз ҳам гаплашаверамиз. Айтинг-чи, сиз нега пакана бўлиб қолгансиз?

— Ия, мен паканаманми?

— Бўлмасам-чи, кеча пакапанинг гўштини бўри емайди, дедингиз-ку.

— Пакана бўлсам, кел, бўйимизни ўлчаб кўрамиз.

— Мен ҳали боламан-ку.

- Бола бўлсанг ҳам ўлчайверамиз.
- Йўқ, айтинг, нега пакаша бўлиб қолгансиз?
- Э, ўғлим, бойвачча болам, маҳкамроқ ушла, тагги йиқилиб тушмагин. Лекин биқинимдан ушлама, қитғим бор... Худо шундай яратган бўлса, бандасининг қўлидан нима ҳам келарди, болам... Бобонг айтмаган эканда, мен чала тугилганман. Одам-чи, онасининг қорнида тўққиз ойу тўққиз куну тўққиз соат ётади, биласан-а?
- Йўқ, билмайман.
- Сен нимани биласан, ўзи?
- Ҳамма парсанн биламан.
- Менинг онам ҳўкиздан қўрқиб, етти ойда туғиб қўйган экан. Мени бешикда эмас, беданага ўхшатиб тўрқовоқда катта қилишган экан.
- Кейин ўша ҳўкизни нима қилишган экан?
- Сўйишган бўлса керак-да.
- Кейин-чи?
- Кейин мана шунақа кичкина бўлиб қолганман-да.
- Бедана бўлиб сайрашни биласизми?
- Биламан.
- Қани, сайрапг-чи.
- Йўқ, ўғлим, аввал бўрсиқни ушлаб, сўйиб, бобонгнинг оёғини даволайлик, кейин сен, мен, бобонг учовимиз бедазорга борамиз, ана ўша ерда вавақлаб сайраб бераман.
- Йўқ, ҳозир сайрайсиз.
- Сайрамайман.
- Бўлмаса қитиқлайман.
- Қўлингни ол. Ростдан ҳам қитигим бор, жоп ўғлим... Мана, сой бўйига ҳам келдик. Уёғига ниёда ўтамиз шекилли. Эшагимиз муздан ўтолмайди, чоғи. Олдин сен тушгин, баракалла...

БЎРСИҚ ҚУВ БЎЛАДИ

Эшакдан тушгач, икковимиз ҳам жим бўлиб сой томонга тикилдик. Аҳмадқул бобом қайси томонга қараса, мен ҳам ўша томонга қарайвердим. Бобом сув ёйлиброқ оқадиган, кечуви осонроқ жойни таялаётган бўлса керак. Мен бўлсам, вой-бўй, шунча сув қаердан пайдо бўларкин, деб ўйлаётгандим.

— Шу ердан ўтаверамиз,— деди Аҳмадқул бобом.

— Майли, шу ердан ўтаверайлик,— дедим мен ҳам.

Эшагим ўзи ажойиб-да, бунақа эсли ҳайвонни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Музларни тарс-турс синдириб ўтаверади. Билмасдан думгазасидаги жунидан тортиб

қўймай деб ўнг қўлимни қўлтигимга тиқиб, иккала қўзимни баробар юмиб олганман.

— Мана буни эшак деса бўлади, — деди Аҳмадқул бобом нариги қирғоққа ўтгач, — эшак эмас, Ҳазрат Алининг тулпори бу.

— Тўғри, тулпор, — дедим мен ҳам.

Тепаликка чиқиб, атрофга роса тикилдим. Бу ердан ҳув узоқдаги қишлоқлар, ҳозиргина ўтганимиз ўрикзорлар кўриниб тураркан. Ов қилишимиз керак бўлган чангалзор поёнсиз, бориб-бориб тоғ ёвидаги адирларга қўшилиб кетади. Чангал, янтоқ, шувоқ ва яна мен отини билмайдиган бошқа гиёҳлар қор остида бошини эгиб турибди. Худди ўзимнинг бобожонимга ўхшаб оқ салла ўраб, намоз ўқиётгандай. Юравердик, юравердик.

— Ия, ана буни қара! — деди Аҳмадқул бобом тўхтаб.

— Нимани қарай? — дедим шошилиб. Нега десангиз, ўзимнинг шу пайтда жуда-жуда гаплашгим келиб турган эди.

— Бўри ўтибди, изини кўрмаяпсанми?

— Вой, — дедим ҳайрон бўлиб, — бу итнинг изи-ку, бобожон.

— Итнинг изи энажонингни чақичига ўхшаб думалоқроқ бўлади. Бу — бўриники, болам. Чўзиқлигидан билмаяпсанми? Қаёқдан ҳам билардинг, бўри овига чиқмаган бўлсанг... Қишлоқдан тоққа қараб ўтибди. Қорниям роса тўқ экан, қара, излар чуқур ботган... Ўҳ-хў, шу кеча ўтганга ўхшайди, из музламаган ҳали. Ия-ия, тўхта!

Аҳмадқул бобом мендан олдин тўхтаб ёнгинамиздаги гиёҳсиз ялангликка, қорлари роса эзилган, пуйпаланиб тупроққа қоришиб кетган майдончага қошларини керганча тикилиб қолди.

— Нима бўлди, бобожон? — хавотирланиб сўрадим.

— Мана бу ерда иккита бўри роса олишганга ўхшайди.

— Уришибдими?

— Йўқ, ўйнашибди шекилли. Она-бола бўлса керак. Қара, бирининг изи катта, чуқурроқ ботган, танаси оғирда. Бошқасиники кичкина, қорга унча ботмаган. Вой-бўй...

— Бобожон, кўрқиб кетяпман, — дедим чиндан ҳам кўрқиб.

— Қўрқма, ўғлим, кўрқма.

— Қўрқмай десам ҳам кўрқиб кетяпман.

— Йигит киши ҳам кўрқадими?

— Йўқ, мен йигит эмасман. Кейин йигит бўламан. Кета қолайлик.

— Бўрсиқ овлагани келганмиз-ку, ўғлим.

— Бобожоним тузалиб қолса, ҳаммамиз бирга тутамиз. Бобоннинг милтиғи бор, оғилхонага беркитиб қўйган. Ушани олиб келармиз.

— Ўҳ-ҳў, бобоннинг милтиғи бор дегин?

— Ҳеч кимга айтмагин деган.

— Қўрқма, ўғлим, кел, қўлингни ушлаб оламан. Баракалла. Худо хоҳласа, бўридан қўрқмаймиз, ёнимдаги пичоқни кўряпсанми? Ҳазрат Алининг қиличидай келади-я, — Аҳмадқул бобом пичоғини товонига тегиб турган қишидан суғуриб, ҳавода бир ўйнатиб қўйди. Пичоқ жуда узун экан. — Ҳар қандай бўрини чавақлаб ташлайман-а. Ундан кейин, ўғлим, худойи таоло одамни ҳамма жонзотдан улуғ яратган. Одамнинг фариштаси беҳад буюк бўлади. Энг оч бўри ҳам ҳадеганда юрак ютиб унга яқинлашиб келолмайди... Ҳозир бўрилар тўқ, негаким, дала-туз тўла қўзи-мол... Яна озгина юрайлик, ҳув нарида Тентаксойдан ажралиб чиққан ёйилмалар бор, бобонг билан қуёну бўрсиқларни ўша ерларда овлардик. Ундан нарида бўрию тулкиларга қопқон қўярдик. Лекин бўри айёр бўлади, болам. Бир авлоди илтиган жойга бошқа авлоди қадам босмайди... Ё эшакка миниб оласанми?

— Йўқ-йўқ, эшакнинг устида қўрқаман, — дедим.

— Э, яна қўрқаман дейди-я, — Аҳмадқул бобом арқон ушлаб кетаётган қўлини жаҳл билан силкитиб қўйди, — сен Эрқачолнинг набираси бўлмабсан.

— Ким бўлибман бўлмаса?

— Қўрқоқ бўлибсан.

— Ҳечам-да, мен сал-пал қўрқяпман, холос.

— Бобонг сандақалик маҳалида жасур, довиюрак эди...

Йигитлик чоғида эса бир ўзи кўк бўрини йиқитган. Айтиб бермаганми?

— Йўқ, айтмаган.

— Майли, кейин айтиб бераман.

— Йўқ, ҳозир айтиб берасиз, бўлмаса яна қўрқаман.

— Э, ўғлим, бунга анча замонлар бўлди... Ушанда даштга қовун экиб, қапа тикиб кўчиб чиққан эдик. Сутдай ойдин бир кеча эди. Бобонг пашшахонадан бошини чиқариб бундай қараса, қовуннинг ичида кимдир энгашиб юрган эмиш. Ким у деса, индамабди. Аста олдига бораётган экан, бўри бир сакраб ташланиб қошти. Хайриятки, бўрининг дастки жағи бобонгнинг қўлига кириб қошти. Бобонг полвон одам эди-да, букаверибди, бў-

каверибди, ахйри бўрининг белини синдирибди.. Кейин ҳув Аҳмадқул, деб мени чақириб қолди.

— Кейин нима бўлди? — шошилиб сўрадим.

— Кейин терисини шилиб олдик.

— Мана шу пичоғингиз биланми?

— Йўқ, унда бошқа пичоғим бор эди.

— Кейин-чи?

— Оббо ўғлим-ей, бобонг айтгандай, жуда сергап экансан-да.

— Ўзингиз ҳам сергап экансиз, — дедим аччигим чиқиб, — нега ёмон нарсани менга айтдингиз, энди яна қўрқиб кетяпман.

— Лекин тўғри, болам, чакки айтдим.. қўрқма. Ҳозир олов ёқиб юборамиз. Ҳамма йиртқичлар оловдан қўрқади... Ана, қопқон қўядиган жойга ҳам яқинлашяпмиз. Ҳув анави жарликлар ёнида бўрсиклар кўп бўлади. Илгарги, эҳ-ҳе, бобонг билан бу атрофлардан қанчадан-қанча бўрсик қуёнлар тутганмиз. Қиши билан меҳмонхонада қуён гўшти еб чиқардик.

Аҳмадқул бобом хуржунга болтача ҳам солиб келган экан. Ўша билан йилғину тўронғиллардан супургидек қаллип ўсган янтоқлардан кесиб, гулдиратиб олов ёқиб юборди. Қўлларимизни тобладик. Кейин иссиқ кафтимизни фотиҳа ўқиётгандай қилиб юзимизга суртдик. Аҳмадқул бобом нима қилса, мен ҳам шундай қилавердим. Унга қараса, ўннга қарайман, чапга қараса, чапга қарайман. Ўша томонларда бўрилар бормикан, деб ўйлайман.

— Энди, ўғлим, сен шу ерда ўтириб турасан, — ўрнидан туриб, жар томонга тикилиб деди Аҳмадқул бобом.

— Сиз-чи? — шошилиб мен ҳам ўрнимдан туриб кетдим.

— Мен жар ёнига ўтиб мана бу қопқончаларни қўйиб келаман.

— Мен ҳам бораман.

— Жон, ўғлим, кўлмак сувларни қара, устидаги музга ишонма, ботиб қоласан, таги чуқур.

— Унда мени кўтариб оласиз.

— Нима?

— Ўзингиз бобожонимга айтдингиз-ку, чарчаса кўтариб оламан деб.

Аҳмадқул бобом индамади, менам индамадим. Эшакни олов ёнидаги йилғин тушига боғлаб, хуржундан бобожонимнинг сув кечадиган узун резинка этигини олиб, махсисининг устидан кия бошлади. Қараб турдим. Оёғи

жуда калта экан. Резинка этикнинг қўнжи қорнигача бориб қолди. Олдин мени кўтариб ўтказди, кейин хуржунни олиб ўтди.

— Насриддиннинг набираси бўламан, деб жуда эрка бўлиб кетибсан, — деди ахййри.

— Ўзингиз ҳам эрка бўлиб кетибсиз, — дедим мен ҳам.

— Бой бобонгнинг уйида қарол бўлганимни биларкансан-да, отангни ҳам ўзим кўтариб катта қилувдим.

Мен индамадим. Йиғлагим кела бошлади. Қорларниям, тоғларниям ёмон кўриб қолдим. Агар йўлда бўри учраб қолишидан қўрқмаганимда, жон-жон деб қочиб кетган бўлардим. Аҳмадқул бобом менга қараб-қараб қўйяпти. Бир гал лабини буриб масхара қилди, мен ҳам тилимни чиқариб қўйдим... Мана бу йўлакчадан қуёнлар сакраб-сакраб ўтибди, бир эмас, бир нечаси... Сакраганини оёқчаси қорга чуқурроқ ботганидан билса бўларкан. Ҳўв анави тўп бўлиб ўсган янтоқнинг устида қор йўқ, қуёнча, қани, еса бўлармикан, деб мўйловли тумшукчасини чўзганда қорлар дув этиб тўкилиб кетибди. Аҳмадқул бобом ана шунақа гаплар айтиб жар бўйлаб юраверди, юраверди. Мен ҳам ўзимни атайлаб эшитмаганга солиб, чакмонининг этагидан маҳкам ушлаб орқасидан боравердим.

— Раҳмонжон! — деди бир маҳал тўхтаб.

— Энди сиз билан ҳечам гаплашмайман, — дедим аразлаганимни билдириш учун. Тўғри-да, нега ҳадеб бойнинг набирасисан, бойнинг набирасисан дейишаверади. Набираси бўлсам, нега янги этпгимни кийдиргани қўйишмайди, чамандагул дўппим бор, энам ўшаниям кийдиргани бермайди, эски қилиб қўясан, эски қилиб қўясан дегани-деган.

— Гапирмасанг ҳам майли, ўғлим, топдик, худо хоҳласа, ахтарган хазинамизни топдик, — Аҳмадқул бобом елкасидаги хуржунни ерга қўйиб, кафтларини бир-биринга ишқалай бошлади, — мана буни бўрсикнинг изи дейдилар. Қуёнга ўхшаб сакрашни билмайди-да, шўринг қурғурлар. Кетаётганда судралиб ўзининг изини ўзи текислаб кетади. Ов ахтариб чиқишгандир бечоралар. Болаларини ҳам эргаштириб ўтибди. Ана қарагин, яқинроқ юргин.

Аҳмадқул бобом юзаси Санамбинининг чилдирмасидай келадиган қопқончани олиб, йўлакдаги қорларни уёқ-буёққа суриб очилган ерга ўрната бошлади. Оёқ қўйганда қисиб қоладиган темирчаларини икки томонга қайириб, ўртасига лўкидонини жойлади. Кейин қоп-

қончадаги ингичка занжирни ерга темир қозиқча қоқиб ўшанга боғлаб ҳам қўйди. Қопқоннинг ўртасига, атрофига ҳовучлаб арпа сочди. Қуруқ бедани кафтида эзгилаб, майдалаб ўшандан ҳам, анча ташлади. Аввалига жим турдим-да, кейин сўрамай десам ҳам сўрагим келар-верди.

— Бобожон, — дедим ахийри чидамай, — бўрсиқ бунга қандай қилиб илинади?

— Билмайсанми? — қаддини ростлаб белига қўлини қўйди бобом.

— Билмайман.

— Эрқачол ўргатмаган экан-да.

— Ҳечам ўргатмаган.

— Бўрсиқлар гоҳ бу ердан ўтаётганда, гоҳ овқат ейман деб, тумшугини чўзганда мана шу лўкидонига тегиб кетса бас, мана бу темирчалар пақ этиб оёгини қисиб олади.

— Вой, бечора-ей, оёғи оғримайдими?

— Оғрийди, ўғлим.

— Қўйинг, бобожон, менинг раҳмим келяпти уларга. Уйда болалари бўлса йиғлайди. Онажонимиз қачон келар экан, деб кутиб ўтиришади... Овламай қўя қолайлик.

— Унда Эрқачолнинг оёгини қандай даволаймиз?

— Даволамасақ ҳам тузалиб қолар.

— Оббо ўғлим-ей, раҳмдил экансан, баракалла... Ҳамиша шундай бўлгин... Лекин ўғлим, Худои таоло жамики жонзоти одам учун яратган. Бўрсиғу қуён, бўри — ҳамма-ҳаммаси сеп учун, мен учун, ҳаммамиз учун яратилган. Э, бандам, бу дунёни сенга беряпман, ундан фойдалан, ҳузур-ҳаловат кўр, лекин исроф қилма, ҳаддингдан ошма, деган.

— Бобожон, сиз худонинг гапини эшитганмисиз? — деб сўрадим шошилиб.

— Йўқ, менга қалин китоблардан ўқиб беришган, Эшонбува ўқиб берган. Юр, энди қопқоннинг унисияям қўяйлик.

— Барибир бўрсиқларга ачиниб кетяпман, — дедим юргим келмай, — ҳеч бўлмаса мана шу темир қозиқчани юлиб ташлайлик.

— Э, болам-ей, қозиқча бўлмаса, бўрсиқ қопқонни инига судраб кетади-ку! Қани, юра қол, — шундай деб, Аҳмадқул бобом хуржунни яна елкасига олди. Жар ёқалаб энди кун чиқар томонга юра бошладик. Жуда кўп юрдик. Мен оёғим сирғалиб икки марта йиқилиб тушдим. Ахийри яна бир жойда тўхтаб, қопқончанинг уни-

синиям, буви синиям қўйиб, олов ёққан жойимизга кел- гап энди, эшагим ечилиб кетиб, ўзим кетаверсамми ё кетмасамми, деб бизга қараб турган экан.

— Бобожон, — дедим ўпкам тўлиб. — Йиғлагим кел- япти.

— Нега энди, азамат, ишимиз ўнгидан келяпти-ку?!

— Бўлмаса, қопқончаларни қайтариб олиб кетайлик, онаси илинса болаларни йиғлайди-да. Менам ҳар кунни буви жонимни соғиниб йиғлаймади. Жон бобожон, қопқонларни олиб кета қолайлик.

— Куйинма, азамат, аҳтимол урғочиси эмас, эркаги илинар.

— Эркаги илинса ҳам барибир сўямизми?

— Кўрамиз-да, ўғлим.

— Егидан жиндай олиб, кейин қўйиб юборса ҳам бўлади-ку, тўғрими, бобожон?

— Хаяқ гаши айтмасан, ўғлим.

— Шундай қиласиз-а?

— Шундай қиламиз.

— Алдасангиз, пичогингизни олиб беркитиб қўяман, ҳечам тополмайсиз.

Кейин дамни олиб куч тўшлаб олган эшагимга минди- да, қишлоққа жўнаб кетдик. Уйга етгунча, эй худо, бўрсиқ илоё илинмасин, илоё илинмасин, дея пичирлаб келдим.

ЧОЛ БОБОЛАР СУҲБАТИ

Овдан қайтиб келсак, энажоним ўзи пешин намози- ни ўқиб, ётган жойида бўлса ҳам майли, ўқисин, саво- би кўп бўлади, дея энди бобомнинг юз-қўлларини чи- лопчинга ювдираётган экан. Бобомга қараб: «Хайрият, ўлмабди, энди ҳечам ўлмайди», деб ўйладим. Аҳмадқул бобом ҳаммаси жойида бўлди, ўртоқ, энди мен борай, тегирмонга юк ташлаб келдим, деб чиқиб кета бошладим. Остонага етганда орқасига ўгрилиб, Эркавой, бу наби- ранг бало экан, уни энди ўзим ўгил қилиб оламан, де- ди-да, овоз чиқармасдан соқолини силкитиб кулиб қўй- ди. Энажоним ловия солиб қатикли гўжа пиширган экан, мен бунақа ошии жон-дилимдан яхши кўраман. Ича ту- риб, бўридан қўрққанымни айтиб бермоқчи бўлувдим, бобом:

— Овчи ўғлим, овқат ейилаётганда кўп гапирилмай- ди, — деб танбеҳ берди.

— Хўп бўлади, — дедим дарров.

Энди ичаётган эдим, энам:

— Қулуним, одобли бола қошиқни ўпг қўлида ушлайди, — деб ўргатди. Бунга ҳам дарров хўп дедим. Нега десаңгиз, тезроқ ичиб бўлсам, бўри ҳақидаги гапларимни кўчага чиқиб ўртоқларимга ҳам айтиб роса ҳавасларини келтирмоқчи эдим. Ховлидан ўҳ-ўҳ, ўҳ-хў, ким бор, деган йўғон-ингичка овозлар келиб қолди. Энам пикковимиз дарров ўрнимиздан турган эдик, эҳ-хе, чолбувалар экан; соқоли ялпоқ Эсонқул бобом олдинда, соқоли йўқ, Қамбарали бобо, бели букик Юнус бобо, ҳасса ушлаб юрадиган Матмуса боболар кириб келишяпти. Ҳаммасининг қўлида тугунча бор. Бир нарсалар олиб келишган бўлса керак, деб севишиб кетдим. Энам тугунчаларни ола туриб, э, нима кераги бор эди, овора бўлиб, дейвердим. Мен бўлсам, э, чакки айтди-ди, қайтариб олиб кетинса, ичидagini билмай қоламан, деб қўрқдим. Кейин ўчоқ ёнига бориб, юмшоқ иўстак устига чордона қуриб ўтириб олдим. Кўчага чиққим келмади. Нега десаңгиз, мен чолбоболар гаплашганда қулоқ солишни яхши кўраман. Ўзимни эшитмаганга солиб ёнғимни ўйнаб ўтираман-у, ҳаммасини эшитиб оламан. Эшитмай десам ҳам эшитгим келаверади. Соқоли йўқ Қамбарали бобомнинг боғдаги капасига пешин намозини яширинча ўқиш учун йиғилишган экан, бобожопимдан кўнгил сўрашни ўша ерда маслаҳат қилишибди. Эркачол яккаю ёлғиз турари, биз хабар олмасак, қанақа ўртоқ бўлдик, қорли-қировли кунларда ул-бул нарсага зориқаётгандир, кампирнинг қўлидан нима ҳам келарди, қани кетдик, дейишибди.

Мен, хайрият, бобожопимнинг ўртоғи кўп экан, ўртоғи кўп одам ҳеч ўлмайди, деб ўйлаб, барибир ичидан нималар борлигини билгим келиб, ҳалиги тугунчаларга қараб-қараб қўявердим.

— Хўш, Эркавой болам, бахайр, қани гапир-чи, нима бўлди ўзи? — деб сўради соқоли ялпоқ Эсонқул бобом. Аввалига ия, нега бобожовимни болам, деяпти деб ўйладим. Кейин, ҳаҳ, юзга кирганлар етмишга кирганларни болам дейди, деб ўйлаб, шуни топганимдан жуда-жуда севишиб кетдим. Энам тугунчаларни еча бошлади. Биттасида қатлама бор экан, қатлама, қатлама, остоладан қатлама, дегим келди-ю, индамадим. Кейинги тугунда жийда бор экан, нон жийда! Мазза қиламан энди. Йўқ, ейинини эмас, егандан кейин данагини тушлашни яхши кўраман, чўзмага солиб отсангиз, ҳам узоққа боради, ҳам қаттиқ тегмайди, Санамбувини роса қувлайман энди.

— Бу қанақа замон бўлди-я, — деяпти гапга тушиб кетган боболардан биттаси.

— Намозга рухсат йўқ!

— Хатми Қуръонга рухсат йўқ.

— Китоб ўқишга рухсат йўқ.

— Мачитга рухсат йўқ.

— Жанозага рухсат йўқ.

— Ўликни ювиб-тарашга рухсат йўқ.

— Қанақанги зolim замона бўлди-я! — деган гапларни айтишяпти бошқа боболар ҳам.

— Ховэшон ҳазратларини олиб кетишибди! — ваҳимали қилиб деди бели букри Юнус бобом.

— Йўғ-е, — деди соқоли йўқ Қамбарали бобом, — аввалги кунни кўрувдим, дўкондан кирсовун олаётган эканлар...

— Шу кеча олиб кетишибди!

— Бечора эшон, кўп билимдон киши эдилар-да, — гапга аралашди ўзимнинг бобом ҳам, — жон сақлайман деб, шўринг қурғур қариганда мелисахонанинг чўчқасини боқаётган эдилар... Қуръони шарифни ёд билардилар, тавсифини ҳам кўп чройли айтардилар...

— Уша чўчқалар бошларига етибди.

— Йўғ-е...

— Ҳа, шундай бўлибди.

— Хўш-хўш?

— Опа чўчқа туғиб, қишли-қировли кунларда хашак кам, қорни оч экан, болаларини еб қўйибди.

— Чўчқа ўз боласини ейдими?

— Ҳа, мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, деган гап бор-ку.

— Ё навзамбилло.

— Қанақа кунларга қолдиқ, а?

— Началник келиб эшон ҳазратларидан чўчқанинг болалари қани, деб сўрабди, — яна гапга бошлади Юнус бобо, — эшон ҳазратлари онаси еб қўйибди, дебдилар. Йўқ, дебди началник, сен соқолинг ўсмай ўлгур, зарарқунандасан, бизнинг идорамизга атайлаб кириб олгансан. чўчқаларни қаерга кўмдинг, айт. ҳозир, бўлмаса мана шу соқолингни юлиб оламан, дебди. Эшон ҳазратлари, чўчқанг бошингдан қолсин, деб этакларини қоқиб чиқиб кетган эканлар... Шу кеча олиб кетишибди.

Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Эважоним сандал устига попукли дастурхонимизни ёзиб ўзимизнинг мевалардан тўлдириб ташлади. Эсонқул бобом бир бош чала майзини қўлига олиб, кўзига яқинроқ келтириб, Эрқавой, раҳматли отанг ҳам, илоё гўри тўла нур бўлсин,

чала майиз қилишга кўп уста эди. Сен ҳам чакки бўлмабсан, баракалла, деди. Матмуса бобом ёнидан буклама пичоқчасни чиқариб, анор сўя бошлади. Донаси қопқора экан. Оғзим сув очиб кетди, егим келди-ю, қўл узатгани уялдим. Қамбарали бобом энам келтириб берган чойни қайтариб-қайтариб, чойнакнинг устига бошидаги телпагини кийгизиб қўйди.

— Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога,—деб гапирга бошлади Матмуса бобом.

— Ҳа, писоф энг аввало ўзимиздан кетди.

— Худони унутдикми, ҳамма бало шундан.

— Барчани бир-бирига пойлоқчи, бир-бирига ёв қилиб қўйинди-я.

— Қайтага кофир бўлсам уша Оқпоишиё яхши экан, ҳаммаёқ мусулмонобод эди.

— Ҳой, Юнусвой, астароқ, деворнинг ҳам қулоғи бор дейдилар,—ана шунга ўхшаш гаплар бўлиб туради, дарров тескари ўгирилиб яна мазага қилиб эшита бошладим. Юнус бобом: «Эркавой, бойвачча кувингдан қолган набирани шу бўладими?» деб сўради. Худого минг қатла шукр, деди бобожоним, хайриятки, шу бор экан, ҳарқалай, кунимга яраб турибди, чой қайнатади, оёғимни уқалайди, молга хашак солади...

— Менга қара, ўғлим,—деди Юнус бобом,—ма, мана бу беҳини олгин-да, серсувгина экан, қарсиллатиб еб кўчада ўйнаб келгин.

Ҳа, билиб турибман, мени алдаб-сулдаб кўчага чиқариб юборишди-да, кейин ўзлари қизиқ-қизиқ гаплардан маза қилиб гаплашпади. Ҳечам-да, шартта ўрнимдан туриб:

— Бобожон, эсли болалар совуқда кўчага чиқмайди,—дедим.

— Бўлмаса бизникига чиқа қол,—деди яна Юнус бобом,—ўртоқларнинг айвонда ёнроқ ўйнашпти, ўшаларга қўшила қол.

— Мен ёнроқ ўйнашни ёмон кўраман,—дедим ҳеч чиққим келмай.—Энам меҳмонлар келганда сен гапга қўшилмай чой қайнатиб тургин, деган. Мана, қумгонни қайнатдим-ку.

Чол боболар бир-бирларига қараб олди. Ўзимнинг бобом сал кулимсирагандай ҳам бўлди. Энди оёқ оғриқ ҳақида гаплана бошладим. Жуда ёмон дард экан, оёқ бўлсаю юролмаса, ундан ёмони йўқ экан. Бобожонимда оёқ бор экан, боши йўқ экан, боши бўлганда оёғини эҳтиёт

қилган, совуқ сувга солмаган бўларкан. Бобожонлар соқолларини силжитиб, ҳе-ҳеланиб кулишиб олишди. Мен дарров ўгирилиб бобожонимга қарадим, хайрият боши жойида турган экан... Оёқ оғриқнинг давоси ўрик ўтинининг бозиллашню қора кўчқорнинг ёғи эмиш. Ўўчқорнинг ёғига палов дамлаб, тўйиб еб, оёққа ҳам суртиб, қизиб турган сандалга узатилса, шундай терлар эмишки, бир ухлаб турилса, оғриқ йўқ бўлиб қолармиш. Луқмон бобо деган катта дўхтир шундай дегалмиш. Бу гапларнинг ҳаммасини бели букри Юнусали бобом айтди. Бошқа боболар маъқул дейишиб, боиларини қимирлатиб-қимирлатиб туришди. Ҳалиги тугунчалардан бирида янги сўйилган қора кўчқорнинг гўшт-ёғи бор эмиш... Ошни ўзимиз дамлаб, Эркавой билан бир чақчақлашайлик, деб келинган эмиш.

— Робиябиби,—деб чақирди ахйри Юнус бобо.

Энам ҳовлидан туриб:

— Мен шу ердаман,—деб овоз берди.

— Ўрик ўтиндан борми?

— Вой кўшини, бир ҳафтадан буён қаттиқ ўтин қолди дейсизми, ўртоғингиз тинмай сандалга ўт бос, дейдилар.

— Ҳеч бўлмаса кундасидан ҳам йўқми, Эркавой ёзи билан инқиллаб кўчирган эди-ку?

Ўрикнинг кундасиям, гўласиям сероб, бог томонга босиб кўйганмиз. Бу хабарни эшитиб, Юнус бобом энажонимга, бизнинг ҳовлимизга чиқа қолинг, ўртоғингиз ёлғиз, иякни иякка тираб олиб мириқиб ҳасратлашасизлар, ошни ўзимиз дамлаймиз, ҳой, биз эркакларга ҳам, ҳар замонда озодлик беринглар, деди. Мен кўрқиб кетдим, бор, сен ҳам чиқа қол дейишса, нима қиламан? Қўй ёғи оёқдаги оғриқни қандай суғуриб олишини кўрмоқчи эдим. Қизиги, оғриқ ўзи қанақа нарса, нимага ўхшайди, одамнинг оёғига қандай кириб олади, чиқаётганда қаеридан чиқаркин, оғзидақми... Шулар ҳақида ўйлаб турувдим, ўзимнинг бобом:

— Раҳмонжон,—деб чақирди,—боболарингга ошпичоқ билан тахтакачни топиб бергин.

Иш буюрганга хурсанд бўлдим. Энди чиқмайман, ҳечам чиқмайман. Мазза қилиб гапларини эшитиб, кейин ўртоқларимга ҳаммасини айтиб бераман... Бир уйга кирман, бир ҳовлига чопаман, арра топиб берсам, болга қаерда дейди, оғилхонадан болгани судраб чиқсам, тешанглар йўқми дейди. Уйга кириб қаширни топиб берсам, ҳўв болам, тузлуқларнинг қаерда деб сўрашади. Ҳечам яхши гаплардан гаплашишмаяпти. Ўтган ҳафта бозорда қўйнинг нархи арзон бўпти, шугам гап бўпти-ю. Бўрилардан, учар отларга минган кўрбошшлардан гаплашишганда маз-

за қилардим. Мен ваҳимали нарсаларни яхши кўраман. Олдин сал-нал кўрқиб тураман-да, кейин бутунлай кўрқмай қоламан...

Ғўлани мириб тур, эмиш. Арра тортишаётганда қимирлаб кетаётган эмиш. Ҳечам-да, қизиқ-қизиқ гаплардан гаплашсанса, жон-жон деб мириб турардим. Энам билан Ҳайитвойларникига чиқиб кетаверсам, ҳозир ёнғоқ ўйнаётган бўлардим. Энди чиқа қолсам-чи? Йўқ, қоронғи тушиб қолди, ажибадан кўрқаман... Ичкари кирдим. Қозонда бир нарсалар билқ-билқ қайнапти. Халғи, кўлмак сувнинг устига ёмғир ёққанда шишиб чиқади-ку, ўшанақа бўлиб қайнапти. Биламан, палов пиширишяпти, нишса, олинг-олинг, қани-қани, қилиб ейишади-да, кейин бобожонимнинг оёғига ёғ суртишади, кейин бобожоним тузалиб қолади. Ҳеч бирлари менга гапиршмаяпти. Жудаям алам қилди. Йиғлаворай дедим.

— Нега бетоқат бўлиб қолдинг, ўғлим?— деди ахирги бобожоним.— Енимга кела қол.

— Бормайман,— дедим алашим ошиб.

— Ия-ия, нима бўлди, ўғлим?

— Йиғлагим келяпти.

— Меҳмонларнинг олдида уят бўлади-я!

Индамай, кигизни атайлаб чағитиб, уйнинг тўрига ўтиб кетдим. Чуқур тоқчадаги тунука қўтининг ичида бобом берган тангалар, чойнақинг қопқоти, ҳар хил михлар, садаф тугмалар, йилтироқ чўян соққаларим бор эди. Ушаларни олиб шақирлата бошладим. Эсонқул бобом битта кўли билан қўлогини беркитиб:

— Хой, болам, нима қилисан?— деб сўради.

— Ўйнапман,— дедим.

— Ўйинчоқларинг шунақа кўнми?

— Ҳа, шунақа кўн.

— Қани, бизга ҳам кўрсат-чи.

Ўзим янги этигимними ёки шу ўйинчоқларимними бир кўрсатсам-чи, деб турувдим, жон-жон деб рози бўлдим.

— Вой-бўй, сен жуда бой экансан-ку,— деб мақтади Эсонқул бобом.

— Оғилхонада яна бор,— дедим яна ҳам кўпроқ мақтов эшитгим келиб. Нега десаки, мен мақтов эшитишни жудаям-жудаям яхши кўраман, эшитаётганда яйраб кетаман.

— Менгил набираларимга ҳам берсанг бўларкан.

— Раҳимбердигами?

— Ҳа, ўшанга.

— Хўп, эртага бераман.

— Оббо, Эркачолнинг набираси-ей, сен кўн сахий ҳам

экансан. Худо хоҳласа, сепдан яхши йиғит чиқади, бара-
калла.

— Бобожон, мен намознинг дуоларини ҳам биламан,—
дедим ўрнимдан туриб.

— Йўғ-е!

— Рост, энажоним ўргатган, ишонмасангиз, ўзимнинг
бобомдан сўранг.

— Билади,— деди бобом тасдиқлаб,— қани боболаринг-
га бир ўқиб бер-чи, азаматим.

Икки бармоғимни худди энажоним ўргатгандай қилиб
қулогимнинг юмшоқ жойига қўйиб ўқидим.

— Вой ўғлим-ей, вой азамат-ей, бери кел, пешонам-
дан бир ўпай,— деди Эсонқул бобом. Кейин бошқа бобола-
римнинг ҳам олдига бориб энгашиб турдим. Пешонамдан
ўйиб, елкамни силашди. Роса мақташди, анор, узум бер-
ришди. Эркавой, худо хоҳласа, шу боланг масжидга имом
бўлади, дейишди. Охирида ўзимнинг бобом ёнидан жой
кўрсатиб:

— Кел энди, дамнингни ол, эрталабдан буён сакрайсан,
чарчагандирсан,— деди.

— Уйқум келяпти,— дедим.

— Озгина сабр қил, ошми ейлик.

— Бобожон, исенқ ошни еяётганда қўлим қуйиб қола-
ди.

Бобожоним илдамди-ю, пешонамни юмшоқгина силаб
қўйди. Боболар яна Хонэшон бобо ҳақида гапира бош-
лашди. Қўқоғга борганда ўшанақа катта эшонларнинг
ҳаммаси унга салом бераркан, илми шунақа кўп эканли-
ги, унинг олдига бошқа эшенбоболар гап очолмай қуллуқ
қилиб туришаркан.

— Шундай авлиё одамни қамашса-я,— деди боболар-
дан биттаси.

— Жоҳиллар замони бўлди-да, ўртоқ,— деди бошқа-
си.

Мен жоҳил дегани нима экан деб ўйлай бошладим.
Роса ўйладим, ҳеч тополмадим. Кейин сўраб оламан
дедиму энди бобожоним ҳақида ўйлай бошладим...

Худо хоҳласа ўлмайди, ўртоқлари кўн одам ҳечам
ўлмайди, улар ўтин ёришади, палов дамлашади, оёғига
ёғ суртишади, ҳечам ўлтирганни қўйишмайди. Ўртоқлари
кўн... мен ҳам чол бўлганимда ўлмайман, деб ўйлайвер-
дим-ўйлайвердим, ахирги ухлаб қолибман... Тушимда
бобожонимни кўрдим. Икковимиз ҳам жаннатга бориб
қолган эмишимиз. Қанотимиз бор эмиш, силкитиб-силкитиб
учиб юрган эмишимиз, ҳаммаёқ туман, ҳеч нарса ни кўриб
бўлмас эмиш. Бир маҳал бобожонимнинг қаноти йўқ

бўлиб қолиб, шалоп этиб ерга тушиб кетди.

— Бобожон! — дея бақириб юбордим. Кейин кўзимни очиб, ўрнимдан туриб кетдим. Меҳмон боболар кетиб, энажоним ҳам қайтиб чиқибди, уйқусираганимча бобом томонга ўгирилиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб, энди ўлмайсиз-а, деб сўрадим.

— Ўлмайман, — деди бобом елкамдан силаб, — худо хоҳласа, ҳаммамиз ҳам ўлмаймиз, бирга яшаймиз.

ЭНАЖОНИМ ЭРТАК АЙТАДИ

Понуштадан кейин бозиллаб турган сардалга кириб ухлаб қолган эканман, кўзимни очсам, бобожоним баланд қўйилган ёстиқларига суяниб ухлаб қопти. Хумпур-пулуқ-пулуқ, хумпур-пулуқ-пулуқ қилиб хуррак отяпти. Бобожоним ўзи жуда хурракчи, энам бобонининг шу одати яхши, уйимизга ўғри кирмайди, деди. Илгарп битта итимиз бўлган экан, мен уни ҳечам кўрмаганман, ўша итимиз хурракка ҳеч чндай олмас экан, бобом хуррак тортиши билан уям югуриб келиб эшикка тирмашиб, прилай бераркан... Энажоним бўлса дераза томонга ўтирилиб, қийиққа гул тикаётган экан. Биламан, янаги кузда менинг катта тўйим бўлади, ўшанда юзта гулли қийиқ керак, ҳаммага биттадан улашамиз.

Аста ўрнимдан турпб билдирмасдан бориб, энажонимнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олдим.

— Вой, кимсан? — деб сўради бошини кўтармай.

— Қани топниг-чи, — дедим овозимни бошқачароқ қилиб.

— Неварам кўп, битта-йримтаси келгандир-да.

— Э, бу мен-ку! — дея кулиб юбордим. Энажоним доим шунақа, орқасидан келиб ачомласам, мен эканлигимни ҳечам тополмайди.

Кейин дераза томонга қарасам... вой-бўй, шунақанги қор ёғяптики, шунақанги тез ёғяптики... Миллион-миллионтаси бир-бирини қувалаб тушяпти, войбўй, жудаям чиройли. Уйимиз балавиришкка қурилган, деразамиз кўча томонида бўлгани учун мана шу энам икковимиз ўтирган жойдан узоқ-узоқларгача, хўв Отаҳон бобонинг майдонигача, ўрикзордан уёқдаги қишлоқларгача, ҳамма-ҳаммасининг устига ҳам қор ёғяпти... Войбўй, шунча қор қаердан пайдо бўларкин, ёғаверса, кейин осмонда тугаб қолмасмикан?

— Эна, — деб чақирдим.

— Иима дейсан, қулуним?

— Қорнинг ёғишини қаранг.

— Кўрирман, азамат.

— Йўқ, қаранг, ҳаммасини кўрганнингиз йўқ,—шундай деб энажонимнинг бошини дераза томонга бурдим.

— Ўғлим, буни лайлак қор дейишади,—деди энажоним ҳам завқланиб.

— Нега лайлак қор дейишади?—сўрайман билгим келиб.

— Лайлакка ўхшаб оппоқ қанотларини силжитиб-силжитиб тушаётгани учун-да.

— Энажон, шу қорлар қаёқдан пайдо бўлади?

— Буям яратган эгамнинг бир қаромати-да, ўғлим.

— Яратган эгам деганингиз Худоми?

— Ҳа, Худо.

— Айта қолинг, қор қаердан пайдо бўлади, жон энажон? Анави кунни Абдурахимдан сўрасам, Худо элакка ун солиб алайди, ўша ерга қор бўлиб тушади, дейди. Ёлғон-а? Шунча урни Худо қаердан олади, осмонда тегирмон йўқ-ку!

— Айтдим-ку! Худонинг қаромати деб.

— Йўқ-йўқ, айтасиз, бўлмаса тиктиргани қўймайман,—шундай деб тиззасига қўйиб тикаётган чокини тортиб олдим,—Худонинг қароматини айтиб берасиз.

— Ҳамма нарсани билгинг келади-я, ўғлим. Бўлмаса жим ўтир, халақит берма. Қор ҳақидаги эртагимни айтиб бераман.

— Ҳаммасини айтасизми?

— Ҳаммасини айтаман.

— Ухлаб қолсам-чи?

— Кечаси бўлса ухлаб қолардинг, ҳозир кундузи-ку, ўғлим, фақат гап қўшмай тур, хўпми?

— Хўп.

Энажоним ҳар гал эртақ бошлашидан олдин бир нафасгина кўзларини юмган кўйи жим бўлиб қоларди, бу гал ҳам шундай қилди. Эслаб олса керак-да.

— Қадим-қадим замонда,—деб гап бошлади кейин,—шу ўзгизнинг Фарғона томонда ажойиб инсон яшаган экан. Хушфезл, хушхулқ, яна бобожонингга ўхшаб яхши боғбон, сахий, саховатли, яна етим-есирларга, бева-бечораларга кўп меҳрибон ҳам бўлган экан. Беш вақт намоз ўқиркан, рўза тутаркан, мусулмончиликни ўрнига қўяркан, худон таоло мўмину мусулмон бу инсонга тўрт фарзанд ато қилибди, тўртовиям ўғил бўлибди, дегин. Ҳар ўғиллар эканки, тождор пошшоларнинг ҳам ҳаваси келаркан.

— Энажон, катта бўлсам менам ўша йиғитлардақа бўламанми?—деб сўрадим.

— Худо хоҳласа, албатта бўласан. Гап қўшмай турда, ўғлим, адашиб кетаман. Чолининг ўғиллари ҳам оталарига ўхшаб саҳий, саховатли, меҳнаткаш экан. Ҳар кунги ўринларига ётганда, э худо, бизга шундай фазилат ато қилгинки, бутун оламдаги одамларга яхшилик қилайлик, бу яхшилик ҳеч адо бўлмасин, деб илтижо қилишаркан. Худо уларнинг илтижосини бажо қилибди ва ҳар бирга алоҳида бир сеҳр ато қилибди. Дуо ўқинса, қатта ўғил қорга, иккинчи ўғил ёмғирга, учинчи ўғил шамолга, тўртинчи ўғил қуёшга айланиб қолар, яна дуо ўқинса, ўз ҳолларига қайтишар экан... Қиш келсаю қор бўлмаса ёмон бўларкан. Одамлар худодан қор сўраб, уёқ-буёққа югуриб қолишаркан. Қатта ўғил билган дуосини ўқиркан, бутун оламга гоҳ шакарқор, гоҳ лайлакқор ёға бошларкан. Болалар севинишиб:

*Қор ёғар, қор ёғар,
Далаларга дон ёғар.
Қор ёғар, қор ёғар,
Уйимизга нон ёғар,—*

деб ашула айтишаркан. Негаким, қор кўп ёгса, қирларда бугдой яхши уларкан, дарёларда сув кўпаяркан, қурт-қумурсқалар қорнинг остига кириб, совуқдан жон сақлар экан... Илқ баҳор келиб, қорлар эриб битаркан, ерлар қуруқшаб қоларкан, гиёҳлар қатқалоқ ерни ёриб чиқолмай қийваларкан, дарахтлардаги куртаклар озгина нам бўлсайди, дея осмонга тикиларкан. Шунда иккинчи ўғил дуо ўқирган: шовиллаб илққина ёмғир ёғабошларкан. Болалар югуришиб кўчага чиқиб, дўппиларини осмонга отиб:

*Ёмғир ёғалоқ,
Эчки қумалоқ,
Бойнинг қизини
Қорни думалоқ,
Ёмғир ёғалоқ,
Унса тувалоқ,
Барги шапалоқ,—*

деб шеърлар тўқиниб, ашулалар айтишаркан. Ана ундан кейин олам яшаб-ёшариб кетаркан. Куртаклар оппоқ-оппоқ гул очаркан, қатқалоқ ердан сариқ, сафсар чучмомалар униб чиқаркан, қирларда ям-яшил майсалар гуркираркан, қип-қизил лолалар адирларга гилам ёяркан, ҳашаротлар ҳам илларидан чиқиб, яратганга ҳамду

сапо ўқишаркан, ашула айтишаркан... Гоҳо ёмғир беҳад кўп ёғаркан, қуёш юзини кўрсатмай қўяркан, кўчалар лой бўларкан, далага қўш чиқолмас экан, дарахтлардаги гуллар гўрага айлана олмас экан. Шунда одамлар, э худо, Ҳайдар шамолнинг юбор, дея илтижо қилишаркан. Ухлаб қолган учинчи ўғил ўрнидан туриб дарҳол дуо ўқиркан, енгил-енгил шамол эса бошларкан. Болалар кўчага югуриб чиқишиб, сакрашиб-ирғишлашиб:

*Ҳайдар шамол эсяпти,
Далаларни кезяпти.
Бўз далага қўш чиқар,
Тўртта эмас, беш чиқар,
Ҳайдар шамол эсяпти,
Булутларни қувапти,
Энди улар дам олар,
Экин-тикин мўл бўлар,—*

деб ашула айтишаркан.

Бўз ерларга дои-дунларни экин, ариқларни тозалаш, ҳовузларга сув қуйиш бошланаркан. Марвартак тутлар аста-секин шира йиғаркан. Ўриклар сарғаяркан, гилослар ранг олиб, э бола, мени есанг-чи, деб чақираркан... Гоҳо қуёш қора булутлар ортига беркишиб олиб, ҳафталаб ўзини кўрсатмай ҳам қоларкан. Бутун оламда ҳарорат насайиб кетаркан, бугдойлар пишмай, маккалар ўсмай, шолилар униб чиқмай тек туришавараркан. Шунда одамлар э, худо, қуёшнингга айт, жамолини кўрсатсин, дея туну кун илтижо қила бошларкан. Илтижо художўй кепжа ўғилнинг қулоғига ҳам эшитиларкан.

Бу азамат дарҳол ўрнидан туриб, юз-қўлини ювиб, таҳорат олиб, билгац дуосини ўқиркан. Эртасигаёқ қуёш чарақлаб чиқиб, еру осмонга қайшоқ-қайшоқ нурлар тўкиб, экинларни яшнатиб юбораркан. Экин-тикишлари яшнганини кўрган деҳқонлар хурсанд, боғбонлару чорвачилар ҳам хурсанд-ҳаммаёқда хурсандчилик бошланаркан. Тоғлар соясига, салқин ҳовуз бўйига йиғилган болалар ирғишлашиб, қўл ушлашиб ашула айтишаркан:

*Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга,
Хола, хола, кулча бер,
Холам дейди, ўтин тер.
Ўтин тердик бир қучоқ,
Кулча ёндик бир ўчоқ.
Дол бўлганга ўн кулча,
Кеч қолганга бир кулча,*

*Жиззаси бор ўзимга,
Яхши айтган сўзимга...*

Шундай қилиб художўй отанинг тўрттови фарзандя ҳам эл-юрт хизматиға бел боғлашни ният қилмишган экан, ниятларига етишибди. Яхши ният қилган кишилар ҳаминча муродига етаркан. Одамлар ўғлонлардан мамнун бўлиб, умрларинг узоқ бўлсин, дунё тургунча туринглар, деб дуо қиларкан. Бу дуолар ижобат бўлиб, худон таоло ўғлонларни ҳеч ўлмайдиган, дунё тургунча турадиган қилиб, бирига Аёз бобо деб, иккинчисига Баҳор бобо деб, учинчисига Ҳайдар бобо деб, тўртинчисига Қуёш бобо деб пом берибди. Бу боболар ҳозир ҳам тирик экан, дунёни кезиб юришаркан, қор сўраганда қор, ёмғир сўраганда ёмғир ёғдириб беришаркан.

Энажоним эртаки тугатиб, дераза томонга тикилганча жим бўлиб қолди. Мен ҳам ўша томонга тикилиб, анча маҳал жим турдим, кейин:

— Эна, ўша сеҳрли дуоларни сиз ҳам биласизми?— деб сўрадим.

— Йўқ, болам, билмайман,— деди энажоним хўрсиниб.

— Э-э, билганингиға менга ўргатиб қўярдингиз.

— Ўргатсам нима қилардинг?

— Қорларни, ёмғирларни чақирардим, одамларнинг дуосини олардим...

— Тойлоғим, азаматим, кел, бир ачомлашайлик,— деди энажоним қучоғини кенг очиб.

Тўйиб ачомлашдик. Оёғидаги қорни остонага таптуп қоқиб Аҳмадқул бобом кириб кела бошлади. Аввалига қор ёғдирадиган Аёз бобо шу бўлса-я, деб ўйладим. Кейин Эркачол, қалайсан, ўртоқ, деганини эшитиб, йўқ, бу Аҳмадқул бобомнинг ўзгинаси, деб кўнглимдан ўтказдим. Ҳол-аҳвол сўрашиб олгач:

— Мана, ўғлим,— деди Аҳмадқул бобом мушукларга овқат берадиганга ўхшаш кичкина қосачани танча устига қўйиб,— айтганингни қилдим. Бўрсикнинг эркаги илинган экан, ёғидан жипидай олиб ўзини қўйиб юбордим. Сакраб-сакраб нинга кириб кетди. Робиябиби, сизнинг ҳам ишингиз осон бўлди, ҳидига тоқат қилолмайсиз деб, бирйўла ўзим эритиб чиқа қолдим. Қани ўртоқ, эркаланиб ётавермай, оёғингни чиқар, ёғни ўзим суртиб қўяман.

— Бобожон, ростдан ҳам бўрсикнинг эркаги илинган эканми?— деб сўрадим ишонарқирамай.

— Ҳа, эркаги илинибди, меникига ўхшаган мўйлови ҳам бор экан.

— Кейин чиндан ҳам күйиб юбордингизми?

— Ҳа, күйиб юбордим, шунга киргунча орқасидан қараб тўрдим.

Севишиб кетдим. Жуда-жуда севишим. Энди ўша эркак бўрсикнинг болалари отамиз қачон келаркин деб йиғлаб ўтиришмайди, инларидан ҳаммалари бирга бўлишадди. Энажонимни қандай ачомлаган бўлсам, Аҳмадқул бобомни ҳам шундай ачомлаб, юзининг соқоли йўқ жойидан ўпиб олдим.

«ОДОБЛИ БОЛА» ҲИНИ

Қор ёғаверди-ёғаверди, ахийри қўрғончамиздаги жамини уйлару боғлардаги дарахтлар, биз ўйнайдиган майдончаларгача — ҳамма-ҳаммаси оппоқ қор остида қолди. Энажоним сераза олдига ўтириб олиб ёйиғлаб ашула айтиб, чок тиккани тиккан. Бобожоним бўлса ўзининг оёғини ўзи уқалаб нуқул ух тортади. Ҳинчоқларимни бир марта ўинадим, кейин зерикиб, ҳаммасини тепиб ташладим.

— Энажон, зерикиб кетяпман,— дедим йиғламсираб.

— Ёшимга ўтир, эртак айтиб бераман,— юпатмоқчи бўлди энам.

— Эртак эшитгим келмаяпти.

— Бор бўлмаса, кўчага чиқиб ўртоқларинг билан бирпас ўйнаб кел.

— Ўртоқларимга чиқмайман, Муродхоннинг бувиши лабини мапа бунақа қилиб буриб, ҳа, азамат, сандалларининг ўти ўчиб қолибди-да, исингани чиқибсан-да, дейди.

— Бўлмаса Ҳайитвойлариникига кир.

— Ҳечам-да, улариникида бола кўп, сандалларида жої етишмайди-да, кейин суриб-суриб меини чеккага чиқариб кўйишади.

— Менга қара, онаси,— деб гап кўшиб қолди бобожоним,— Раҳмонберди ўғлимни зериктириб кўймайлик, ўртоқларини чақириб келсин, биронта ўпини ўйлаб тошармиз.

— Рост айтяпсизми, бобожон?— дедим сакраб ўрнимдан туриб.

— Рост айтяпман.

— Ҳингиз ҳам ўйнайсизми?

— Ҳйнайман.

— Энам-чи?

— Уям ўйнайди.

— «Одобли бола» ўйнаймизми?

- Бўпти.
- Ёнгоқдан кўп берасиз-а?
- Кўп бераман.

Оҳ, қандай яхши бўлди-я! Маза қиламиз энди. Бобожоним ўзи яхши-да, энам ҳам, мен ҳам яхшиман, ҳаммамиз яхшимиз. Одобли бола ўйини — зўр ўйин. Ким одобли бўлса, ўша ёнгоқни кўп ютади. Ҳурик ҳам, майиз ҳам ютади. Ҳўл қор ёғиб, шамол келаётган кунни Аҳмадқул бобомникида ўйнаган эдик, мен ҳаммасидан зўр чиққанман, бир халта ёнгоқ ютганман, чўнтагим майизга тўлиб кетган. Фақат ёнгоқни кўп емаслик керак. Энажоним, кўй, бас қил энди десаям, ишингизни қилинг, ўзимнинг ёнғорим, деб чақиб еявердим, охири томоғим оғриб қолди. Эрталаб туриб эна десам, индамайди. Кейин билсам, овозим чиқмай қолган экан. Энди ютсам, кўп емайман, пккита-иккитадан понга қўшиб ейман... Эй, қандай яхши бўлди-я! Энажонимнинг тикиб турган чокчин отиб ташлаб, бўйнига осилиб олдим. Бирга чиқиб айтамиз, болалар менга ишонмайди, эналари иссиқ сандалда жимгина ётсанг-чи, деб уришиб беради, бирга чиқасиз, деб ҳовлига судрай бошладим.

— Вой, энагинанг ўргилсин-ей,— деб қўйди охири энажоним.

Ҳаммасини айтдик, кўча бошидаги Фулом бобоникигача бордик. Уйимиз болага тўлиб кетай деди. Биласизку, чорҳари уйимиз жудаям катта. Энажоним ҳаммасининг тагига менинг тўйимга атаб тиккан яқандозларидан тўшаб:

— Хуш келибсизлар, меҳмонлар! — деди.

Ҳайитвой ўйин бошланиб қолса, тагин кеч қолмайин деб, қўрқиб этигини кийишга чидамай, бобосининг маҳсисини устидан киядиган катта калишини кийиб чиққан экан, пчи қорга тўлиб қопти. Санамбуви уч ёшли Роҳила деган қўғирчоққа ўхшаган сингилчаси бор эди-ку, ўшаниям эргаштириб, чиқибди. Дилижон отасининг қулоқли телпагини кийиб чиққан экан, бети кўринмай, ҳеч кимга ўхшамай ўтирбди.

Бобожоним, ҳар бирига алоҳида-алоҳида тикилиб, бу кимнинг боласи, бу кимнинг набраси, деб сўраб чиқди. Энажоним галвирни тўлдириб ёнгоқ, мирсанжални ўригимиздан олиб чиқиб, бобомнинг олдига қўйди-да,

— Ҳой, отаси, бошламайсизми? — деб қистади.

— Ҳўш, ўғил-қизларим, жажжи меҳмончаларим, — деди бобожоним, — одобли бола ўйинини биласизларми ўзи?

— Биламиз, ҳаммамиз биламиз, — дедик чувиллашиб.

— Қимдан бошдаймиз бўлмаса?
— Мендан,— сакраб ўрнидан турди Абдуҳалим.
— Сен қимнинг набираси бўласан?
— Раимқори бобонинг.
— Бобонг кўришмайди, тишчиликми?
— Қўқонга майиз сотгани кетган, энам кўтарганига сотиб дарров қайтиб келинг, савдолашиб вақтни ўтказманг, деганди, бобом шнингги қил, ўзим билман, деб кетган.

— Лекин бобонг майизни яхши қуритади-да... Хўш, қаши айт-чи, ўғлим, одобли бола қанақа бўлади?

— Одобли бола... эсли бўлади,— шошилиб қолди Абдуҳалим.

— Яна?

— Йиқилиб тушганда йиглаб ўтирмай, дарров ўридан туриб кетаверади.

— Яхши, яна қанақа бўлади?

— Яна, укаси йиқилганда ўридан турғизиб, йиғлама, укажоним, йиғлама, деб елкасини силаб қўяди.

— Хўш, яна қанақа бўлади?

— Акасини сизлаб ганиради, яна катталар иш буюрганда хўш бўлади, деб қўлини мана бундай қилиб кўкрагига қўйиб туради.

— Барақалла, ўғлим, яна қанақа бўлади?

— Яна, ота-онасига гап қайтармайди, молларга озор бермайди, бир марта она эчкимизни минмоқчи бўлганимда бувим, одобли бола ундай қилмайди, деган.

— Барақалла, хўш, яна қандай бўлади?

— Қушларни ўлдирмайди... Бир марта тутнинг кавигидан чумчуқнинг боласини олаётганимда энам, одобсиз, нима қилисан, туш дарров деган.

— Барақалла, ўғлим, қаноат ҳосил қилдим, сен кўн одобли экансан.

Биз ҳаммамиз ўрнимиздан туриб гуриллатиб қарсақ чалиб юбордик, Абдулҳалимнинг ўзи ҳаммамиздан кўнроқ чалди. Энам унга тўртта ёнғоқ, тўртта ўрик узатди. Уртоғим жуда кўн ютаман, деб ўйлаб уйларида атайлаб бўз халта кўтариб келти. Ёнғоқ билан ўриқни ўшага солиб, ёнида ўтирган шеригига лабларини чаниллатиб мақтаниб ҳам қўйди.

— Хўш, энди навбат киминики?— сўради бобожоним.

— Ҳалидан буён мен тикка турибман-ку,— аразлагандай қилиб деди Дилижон.

— Э-ҳа, эътибор бермабман, Юнусвойининг набирасининг?

— Вой, ҳозир сўрадингиз-ку?!

— Ҳа, айтгандинг-а... Қани бошла бўлмаса, ўғлим.

— Кўп айтсам, кўп берасизми?

— Кўп бераман.

— Одобли бола... одобли бола бобоси ишлаётганда олдига ассалому алайкум, деб боради,—Дилижон қўлини кўксига қўйиб, қанақа салом беришини ҳам кўрсатди.

— Яхши,—деб қўйди бобожоним.

— Ундан кейин, бобоси ишлаётганда олдига бориб, кетмонни менга беринг, мен чопишиб юбораман, дейди.

— Бу гапинг ҳам яхши, давом этавер.

— Бобоси. қўл юваётганда обдастани олиб, келинг, бобожон, мен қўйиб юбораман, дейди. Кейин кечқурун, бобожон, оёғингизни уқалаб қўяйми, дейди... Кейин, бобоси ҳовуздан сув олиб келаётганда, менга беринг, чарчаб қоласиз, дейди.

— Баракалла, ўғлим, кўп одобли экансан,—деб мақтади бобожоним,—одобни фақат бобовддан ўрганибсан-да, ота-онанг ўргатмабди-да.

— Вой, улар қишлоққа кўчиб кетишган-ку,—шошилиб деди Дилижон.

— Ҳа, айтгандай, сен Юнусвой билан қолгансан, а? Баракалла, эсимдан чиқай дебди.

— Энди ёнғоқни беринг,—иккови қўлини баробар узатиб деди Дилижон.—Берсангиз, энам ўргатган одобни ҳам айтиб бераман, энам сен ҳаммадан одоблисан, деган.

— Хўп, қани эштайлик-чи, энанг нималарни ўргатган экан.

— Одобли бола ётаётганида ўнг томонини босиб ётади... Кейин яна тураётганида ҳам ўнг томони билан туради... Кейин яна уйга кираётганида ўнг оёғини мана бундай қилиб босиб киради... кейин яна уйдан чиқаётганида ҳам ўнг оёғини босиб чиқади.

Ҳаммамиз тасир-тусприга олиб қарсак чалиб юбордик. Дилижон кўп айтиб ёнғоқни кўп олиб қўймасин, деб қарсак чалдик. Энажоним бўлса, ҳой, тўхташлар, бу ўғлимда ҳали гап кўпга ўхшайди, деганди, яна қарсак чалдик. Тўғри-да, ҳамма ёнғоқни у олар экану, ўрикни еб ўтираверар экану. биз қараб турарқамиз-да? Ҳечам-да. Энажоним, бўлмаса майли, энди меҳмон қизларимга ҳам навбат беринглар зерикиб қолишмасин, деганди, Санамбуви опасининг тиззасида ўтирган Роҳила ўрнидан туриб:

— Энам менга камзул тикиб берган,—деб эғнидаги камзулчасини кўз-кўз қила бошлади.

— Вой, бирам чиройли эканки,—мақтаб қўйди энам.

— Мана, тугмалари ҳам бор,—яна мақтанди Роҳила.

— Ҷў-ҳў, буниси ҳам зўр экан, йилтираб турибди-я, бобоси, қаранг, қизимизнинг қўлида муңчоқлари ҳам бор экан.

Энажоним Роҳилани тортиб, тиззасига ўтқазди-да, пешонасидан ўпиб, асал қизим, қаймоқ қизим, деб эркалади.

— Қани, оппогим, айт-чи, одобли қиз қанақа бўлади? — деб сўради.

— Билмайман,—деди Роҳила бошини сарак-сарак қилиб.

— Вой, Мастоубуви энанг ҳеч нарса ўргатмаганми? Вой, шўрим қурсин.

— Ўргатган.

— Ўргатган бўлса, қани айт-чи, қизим.

— Айтсам, Санамбуви опам биқинимни чимдиб олади.

— Чимдимади, Санамхон эсли қиз, одобли қиз. Роҳила энамнинг тиззасидан туриб, қўлларини ёнбош тушириб:

Санам қизим оппоққина,

Қўллари ҳам дўмбоққина,

Бет-қўлини юлмади,

Сочлари ҳам пахмоққина,—деб чайқалиб шеър ўқиб юборди.

Ўқиди-ю, ҳовлига қараб пилдираб қочиб чиқиб кета бошлади. Санамбуви опам уришади, деб қўрққан бўлса керак-да. Энажоним ушлаб, қўлига кўтариб олди. Камзулининг чўнтагига майиз, ёнғоқ солаётганди, биз бу Масто холам тўқиган шеър, ўтган сафар ҳам ўқиган, одобли бола ўйинини билмас экан, уят, уят, деб кизини тапсилатиб тепиб, уйни чанғитиб қарсак чалиб юбордик. Роҳила қиз тўхтаб, орқасига ўгирилиб:

— Одобли қиз овқат ичаётганида қошиқни яламайди, кейин лабни ҳам чапиллатмайди, биламан, ҳаммасини биламан. Кейин мишиғи оққанда енгига артмайди,—деди-ю, бошини энамнинг кўксига беркитиб олди. Уялиб кетди шекилли. Уялдаса ҳам бўларди, тўғрими? Одобли бола мишиғини ростдан ҳам енгига артмайди. Уядан кўра чўнтагидан рўмолчасини олиб ўшанга артади... Бобожоним Роҳила қизни эркалаб, олтига ёнғоқ берди. Биз ҳавасимиз келиб, ўҳ-ҳў, деб юбордик.

— Хўш, меҳмонларим, эъди кимга навбат берамиз?—сўради бобожоним.

— Навбат меники,—ўрнидан туриб бобожоним томон қараб юра бошлади Муродхон ўртоғим.

— Қани боштайвер, жойингда туриб айтавер, ўғлим.
— Йўқ, аввал ёнғоғимни берасиз.
— Тартибни бузма-да, ўғлим.
— Алдайсиз, Аҳмадқул бобом ҳам анави кўни алдаган. Сен яхши билмас экансан, деб менга пуқул пуч ёнғоқларни берган... Бермасангиз айтмайман.

Бобожоним унга иккита ёнғоқ узатуви, у бўлса одобли бола ўйинини бошлаш ўрнига, ўчоқ бошига ўтиб тешанинг орқаси билан ёнғоқларини чақиб, мағзини шошмасдан ея бошлади. Бирпас кутдик, иккинчас кутдик, охири зерикиб, қарсақ чалиб уят, уят, уят, деб уйни бошимизга кўтардик. Муродхон шовқин босилгач:

— Ўригимниям берсангиз кейин ўйнаймак,— деди.

Бобожоним ҳовучида ўрик узатувди, шошмасдан чўптагига солди-да, мен бўвимдан сўраб чиқай, кейин ўйнаймак, деб шаталоқ отиб чиқиб кетди.

— Уят, уят, уят, уят!— деб бақирдик орқасидан.

— Энди навбатни Санамхон қизимга берайлик,— деди аням.

Санамбуви зўр, жудаям зўр, ҳаммадан кўн билади, Аҳмадқул бобомникида ўйнаганшимизда айтаверди, айтаверди, ёнғоқларни олаверди, олаверди, охири Аҳмадқул бобом, э, баракалла, қизим-ей, яна бирпас ўйнасак, олборни қоқлаб қўясап шекилли, деди. Кейин-чи, Санамбуви гашираётганида бир ерга, бир уйнинг иштига қарайди, ўшанда адашиб кетмаса керак-да. Ёнғоқ турган галвирга ҳеч қарамайди.

— Сдобли қиз ўридан турганида энг аввал жойини ййгади,— деб ган бошлади Санамбуви,— ушдан кўйин юзқўлини ювади, ушдан кейин ҳовли сунуради...

— Баракалла, қизим, кўн одобли экансан.

— Кейин товўқларни катакдан чиқариб юборади, понуштага ўтиришганда катталардан олдин қўл узатмайди.

— Баракалла, қизим, офарин!

— Таом ейишдан олдин Бисмиллоху раҳмонир раҳим, дейди. Қорин тўйганда Аяҳамдулиллох, худога шукр, дейди.

— Яхши, давом этавер, қизим, кўн одобли экансан.

— Понушта тугаганда, дастурхонни қоқиб, савобини умилвор арвоҳларга бағишладим, дейди... Чучқурганла кафти билан оғзини беркитиб, ла шлаҳа иллоллох, деб туради. Бўлмаса оғзига шайтон кириб қолади.

— Баракалла, қизим, баракалла.

— Ушдан кейин... яна айтаверайми, бобожон? Ўша

айтаверсам, одобли қиз кийимларини ҳамиша озода тутади... ака-укаларини сизлаб чақиради.

— Баракалла, қизим, билганларингнинг ҳаммасини айт... Энг катта мукофотни сенга бераман шекилли.

— Ундан кейин меҳмонлар келганда, хуш келибсизлар, дейди. Кетишайтганида, вой, мунча шошпасизлар, яна келинлар бўлмаса, тез-тез келиб туринлар, дейди.

Одобли қиз ўйини шу ерга етганда Матмуса бобомнинг кичкина қизи ўрнидан туриб, вой, холажон, Санамхон менинг одобимни айтиб қўйяпти-ку, буларни менга бувим ўргатган, деб сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди.

— Ҳечам-да,—деди Санамуви,—мен ўзимнинг энамдан ўрганганман.

— Энанг биздан ўғирлаб олибди, бўлмаса ўғри экан, уят,—деб Дилбархон Санамбуви томонга аста-секин кела бошлади.

Икковлари бир-бирларига тикилишиб, уришай-уришай деб қолишди. Э, уришмаса бўларди-да, ўйинимиз энди расво бўлади. Қарсак чалиб юборувдик, ушга ҳам парво қилишмади. Энди бир-бирларига жудаям яқинлашиб қолишди. Менинг энам ўзи яхши-да, жудаям ақлли, икковларини икки қўлтиғига олиб пешоналаридан чўпиллатиб ўпиб, яраштирди-қўйди. Онажонларим, асал қизларим, деди кейин, осмон ҳамманики бўлгани каби, қуёш ҳамманики бўлгани каби одоб сўзлари ҳам ҳамманики бўлади. Сизлар, асал қизларим, осмонга қараганларинг билан осмон адо бўлиб қолмайди, тўғримми? Ҳар бирларинг ўз уйларингда туриб одоб сўзини айтганларинг билан одоб ҳам адо бўлиб қолмайди... Одоб ҳам, офтоб ҳам ҳамманики...

Биз бетоқат бўлиб навбатимиз қачон келади, деб кутаётгандик, чидаёлмай қарсак чалиб юбордик. Одоб кўп бўлса, яхши, лекин ёнгоқ оз-да, бизга етмай қолади, деб чуғурлашдик, кейин ўйинимиз яна бошланиб кетди. Ўйнайвердик, ўйнайвердик. Мен икки марта чиқдим, икковидаям ҳаммадан кўп ютдим. Муродхон ўртоғим мен бувимдан одобни ўрганиб чиқдим деб, уям ўйинга қўшилиб олди. Эй, ўшга кунни жуда маза бўлди-да. Энажоним ҳам, бобожоним ҳам одобли экан, одобли бобо билан одобли эна қанақа бўлади деб сўровдик, улар ҳам жавоб қайтаришди, барибир, бизчалик бўлишмади. Роса кулишдик, қарсаклар чалдик, охирида одобли қизлар уй супуришди, биз одобли бола бўлганимиз учун учтамыз уёғга, учтамыз буёғга ўтиб, бобожонимнинг оёғини уқаладик. Чиқиб кетаётганда Ҳайитвой ўртоғим қулоғимга: «Бобонг-

нинг оёғи қуруқ суяк экан, менинг бобомнинг оёғи юмшоқкина «лиққа гўшт», деб мақтанди.

ТУНГИ МЕҲМОН

Энажоним ҳаммаша бирор ншдан мамнуи бўлсанг, кўнглинг тўлса, худога шуқр дегни, буни ўртоқларингга ҳам ўргатиб қўйни, шунда Худо ишингга яна ривож бериб, бундан ҳам кўпроқ хурсанд бўласан, деб ўргатарди. Мен доим Худога шуқр, деб юраман. Йиқилиб тушиб пешонам қонамаганда ўшанда ҳам Худога шуқр, деганман, Дилижон билан ким ўзарга чопишиб, ўзиб кетганимда яна Худога шуқр, Худога шуқр, деганман... Бобожоним тузала бошлади. Ҳассага таяниб, вой-войлаб бўлсаям ҳовлига чиқяпти, катта болтани балад-балад кўтариб ўтин ёряпти, оғилга кириб, молларга хашак соляпти, Худога шуқр, ҳаммаси яхши бўляпти.

Кун ботай-ботай деганда, бобожоним, юр ўғлим, магазинга бориб келайлик, фопар ёғи оламин, чарчасам кўтариб оларсан, деб менга эмас, энамга қараб кўзини қисиб қўйди. Жон-жон деб рози бўлдим. Нега десаңгиз, қор ёққандан буён қишлоққа бир мартаям борганимиз йўқ. Мен янги этигимни кийиб, қорларни гарч-ғурч босиб юришни яхши кўраман. Йўлда юрсаңгиз, унча қизиқмас, чеккароққа чиқиб босилмаган қорлар устидан юрсаңгиз, гарч-ғурч, гарч-ғурч деган овоз чиқаради.

Йўлда кетаётганда:

— Бобожон, нега мениям олиб кетяисиз, ростданам сизни кўтариб оламанми?—деб сўрадим.

Бобом кулди:

— Йўқ, ўғлим, мени кўтаролмайсан.

— Нега бўлмаса ундай дедингиз?

— Қизиқ-қизиқ гаплардан гаплашиб кетайлик дедим-да.

— Ўзингиз қизиқ гаплардан билмайсизми?

— Энди, ўғлим, сен кўпроқ биласан-да.

Тўғри, менга қараганда бобожоним қизиқ-қизиқ гаплардан камроқ билади. Бир марта, болам, оғзингга қараб юр, деганди, бобожон, оғзимга қандай қилиб қарайман, қарасам гапиролмайман-ку, десам, бобожоним:

— Сен, ўғлим, қизиқ гап айтдинг-ку,—деб роса кулган. Яна бир марта далага сув очгани кетаётганимизда, ҳой, кўзингга қараб юр, тиконни босиб олманг тагин деганди, этагидан тортиб, бобожон, кўзимга қанақа қилиб қарайман, қарайман десам мана юмилиб қоляпти-ку, деб жавоб берганимдаям роса кулган.

Магазинимиз олдида мени танийдиган болалар бўлса, янги этигимни кўрсатиб роса мақтаваман, дегандим, эсизгина, нуқул катта болалар чиқибди. Уларга кўз-кўзлагим келмади. Бу ерда колхознинг идораси, унинг ёнида ичига бугдой билан шоли тўкиб қўйилган сирли мачит, ундан нарида магазин, ундан нарида новвойхона, ундан нарида чойхона, чойхонанинг олдида ёзда катта болалар чўмиладиган ҳовуз ҳам бор. Ҳаммаси жойида турган экан. Уларни томоша қилиб бўлганимдан кейин югуриб бобомнинг олдига кирдим. Бобожоним фонар ёғи, қаллақанд олиб, энди пул узатаётган экан, қани, қанча бераркан, деб тикилиб турдим.

— Э, амаки, каттароғидан узатаверинг, шунча пулни нима қиласиз?—деди магазинчи амаки.

Бобом пулнинг ортганини қармонига солиб:

— Нима қилардим, мана шу ўғлимга тўй қилиб бермоқчиман,—деди.

Магазинчи амаки менга битта попукли қанд узатиб:

— Тўйингга меням айтасан-а?—деб сўради.

— Яна битта берсангиз кейин айтаман,—деган эдим, икковлари роса кулишди. Бошига ўтилчасининг тўшини ёниб чиққан битта она бор экан, тесқари қараб уям кулди. Мана шунақа, мен қизиқ-қизиқ гапларни кўи биламан. Энди чиқиб кетаётгандик, бошига қизил шапка кийган иккита мелиса амаки кириб келди. Мен кўрқиб кетдим. Қулоқ бўлиб ўлган отамни ана шулар қўлини орқасига боғлаб, олиб кетишган бўлишса-я, деб ўйлаб, ана шунга кўрқдим. Икковидаям тўплонча йўқ, фақат чакмонида йилтироқ тугмачалари кўи экан. Шунақанги тугмачалардан менда ҳам бор, қутчамга солиб қўйганман.

— Хабарим йўқ...—деди бобом мелиса амакига қараб. Демак, улар бир нарса сўрашибди-да, мен эшитмабман, нимани сўрашди экан? Ўша тугмачаларимни сўрашган бўлса-я, мен уларни ўғирлаб олганим йўқ-ку, катта чўян соққага алмаштириб олганман! Бобомнинг орқасига ўтиб, чакмонига бетимни беркитиб олдим, яна кўрқа бошладим.

— Мабодо бирор хабар эшитсангиз...—деди мелиса амаки.

— Албатта, албатта,—жавоб қайтарди бобом.

— Идорамизни кўргансиз-а?

— Худо уни ҳеч кимга кўргилик қилмасин-у, лекин кўрганман, болам, кўрганман. Албатта хабар бераман.

Жадал юриб чиқиб кетдик. Бобожоним оёғи оғриб, қўлоқланаётган бўлсаям ҳассасини қўлтиғига олиб, шуна-

қа тез юрдики, орқасидан зўрға югурдим. Йигитали ака-нинг эшигига етганда тўхтаб,

— Захро холангниккига ҳам бирров кириб кетамизми? деб сўради.

— Униккига кирмаймиз,—дедим.

— Ундай дема, ўғлим.

— Қачон борсам, ҳа, бобонгни майнзидан обкемабсанда, ҳаммасини ўзинг еб юраверасанми, дейди... Кирсак, қантимизни ярмини олиб қўяди.

— Ҳа, майли, ўзиям, қоронғи тушиб қолди, туртишиб юрмайлик.

— Тўғри, бобожон, турттишиб юрмайлик,—дедим мен ҳам.

Энди секин-секин юра бошладик. Қишлоқдан чиқиб қўрғончамиз кўрингунча жим бордик. Сўрамай десам ҳам сўрагим келаверди:

— Бобожон, мелиса амаки сиздан нимани сўради?

— Қамоқхонадан биров қочибди.

— Вой, ким қочибди?

— Хонэшон ҳазратлари.

— Э, ёзда боғимизга меҳмон бўлиб келадиган эшонбу-вами?

— Ҳа, ўша киши.

— Мени тиззасига ўтқазиб, дуо ўргатадиган эшонбу-вами?

— Ҳа, ўша деяпман-ку.

— Вой ушлашиб олишса-чи?

— Япа қамашади-да, ўғлим.

— Кейин нима бўлади, бобожон?

— Қўй, болам, сўрайверма, юрагимга гап сизмаяпти.

— Меникига сизаяпти-ку, бобожон.

— Сеники кенг-да, ўғлим.

— Сизники жудаям торми?

— Ҳа, кейин кексайганда одамнинг юраги тор бўлиб қолади.

— Бобожон, тор бўлмасдан олдин қанча гап сизарди?

— Қўй, ўғлим, бирпас жим кетайлик.

— Йўқ, айтасиз, айтмасангиз, қорға ўтириб оламан.

— Эҳ-ҳе, одамнинг юрагига тор бўлгунча мана шу ерда қанча қор бўлса, шунча, цалаларда қанча дарахт бўлса, шунча, тоғларда қанча тош бўлса, шунча сўз сизгар экан. Ўзининг сўзи, энажонининг сўзи, бобожонининг сўзи, ўртоқларининг сўзи, ҳамма-ҳаммаси сизиб кетаваркан...

Келсак, энажоним кечки овқатни нишириб, сизирниям соғиб олиб, саядалига бозиллатиб олов солиб қўйган экан.

Фақат, мошкичпри пиширгани ёмон бўпти. Мен унинг ўзини эмас, савзисини ёмон кўраман, оғзимга солсам чайнагим келмай туравераман.

— Ҳа, Отажон, тинчликми?—сўради энам,—қовоғингиз айроп халтадай осилиб кетибди?

— Уҳ, чарчадим шекилли,—инқиллаб деди бобожоним.

— Афтингиз бошқа нарсани айтиб турибди-ку?

— Сенам неваранга ўхшаб ҳамма нарсани билгинг келаверади-я... Овқатингни суз... Хонэшон ҳазратлари қамоқхонадан қочиб кетибдилар.

— Вой худойим, қимдан эшитдингиз?

— Иккита мелиса бола қишлоқни ағдар-тўнтар қилиб юрибди.

— Худоё ўзи паноҳига олсин,—энам фотиҳага қўл очди,—авлиёлар маъадкор бўлсин, юртимизнинг имони эдилар, имонли бандаларнинг бахтига ҳамма болалардан қутулиб олсинлар. Нима қилардик, отаси, осмон йироқ, ер қаттиқ... Фақат қовоғингизни очиброқ ўтиринг.

— Нима, ашула айтиб берайми, бўлмаса,—жеркиб берди бобожоним.

— Ешдлингизда айтолмаган ашулави энди айтарминдингиз,—деди энам ҳам.

Кечки овқатни жимгина ўтириб едик. Бир-биримизга ҳечам гап қўшмадик. Кейин мен кигизга ўтириб халтадаги ёпмоқларимни қайтадан санаб кўра бошладим. Улар бўлса омборхонадан саватда майиз олиб чиқиб, чорини тозалай бошлашди. Қўқонга олиб бориб сотамиз, нулшин тўнлаб, менинг тўйимга ишлатамиз.

— Эна, уйқум келяпти,—дедим энаб.

— Сандалга ўтиб ёта тур, кейин ёнимга оламан,—деди энам.

— Эртак айтиб бермайсизми?

— Эртакни эртага айтамыз, тойлоғим.

Тезгина ухлаб қолдим. Қанча ухладим, билмайман, яна уйғониб кетдим. Учоқда гулдирмазон бўлиб ўт ёнати, уй ёп-ёруғ, энам билан бобом йўқ, саватдаги майиз ўртада турибди. Қўйимиз туғай-туғай деб турувди, ўша-ёққа чиқиб кетишгандир-да, деб ўйлаб у ёнбошимга ўгирилиб олдим. Энам билан бобом уйга кириб иккита кўрна, иккита ёстиқ олиб яна чиқиб кетишди. Ие, қўй туғаётганда тагига кўрна солишаркан-да, деб ўйладим. Яна чиқишиб, патнисда нош, майиз, қозондаги мошкичридан ҳам олишди. Ие, деб ўйладим яна, қўй туғаётганда мошкичпри ҳам ер экан-да. Кейин икковлари қайтиб чиқишиб, сандалга ўтиришди.

— Ишқилиб Раҳмонберди сезиб қолмасин-да, онаси,
— деб шивирлади бобом.

— Сезмайди, донг қотиб ухлаб ётибди,—энам ҳам шивирлади.

— Нима бўлгандайм бола-да, битта-яримтасига айтиб қўядими деб қўрқаман.

— Қўрқманг, отаси, омборхонани қулфлаб қўямиз.

— Бечора эшон ҳазратлари,—шивирлай бошлади бобожоним,—кўп қийналибдилар-да. Мелпса йиғитлардан бири савоб бўлар деб ўзи бош бўлиб қочирибди. Яхши одам кўп-да, онаси... Қоронғи тушгунча суви йўқ ариқда, кўприкнинг остида ётибдилар-а...

— Вой шўрим, музлаб қолгандирлар?

— Музлаш ҳам гапми, тиллари гапга келмайпти... Бизникига яхши келибсиз, хилват жой, бола-чақа йўқ, кирди-чиқди кам, дедим. Тирик эканман, худо хоҳласа, сизни эҳтиёт қиламан, дедим. Шўринг қурғур, юм-юм йиғлайди, дегин... Онаси, тур, озгина сут қайнатгин, аса қўшиб ичрайлик.

— Отаси, майли, ҳазратимни эҳтиёт қилайлик, савоб бўлади, бу дунёдан савобдан бошқа яна нима ҳам олиб кетардик...

Ана шунақа гаплар бўлаверди. Ҳа, билдим, ҳаммасини билдим, эшон бувам қочиб бизникига келибдилар. Мен бўлсам қўйимиз туғяпти деб ўйлабман-а? Мендан яширишмоқчи, кўчага чиқиб ўртоқларига айтиб беради, деб ўйлашаётгандир-да, ҳечам айтмасдим... Билганимни энам билан бобомга ҳам сездирмайман. Э, бу бола барибир айтиб беради, деб бечора Эшонбобомни кўчага чиқариб юборишди, совуқда қаёққа борадилар, тўғрими, кейин мелпса амакилар яна қамаб қўйишади-ку? Йўқ, айтмайман, айтмайман. Ҳа, ҳа, менам энам билан бобомни алдайман. Ҳеч айтмайман... уйқу келяпти, йўқ, ухлайман, ухлайман.

ЭШОН БОБОМ МЕНИ ДУО ҚИЛДИЛАР

Эрталаб понушталап кейин бобожоним, зарур иши бор экан, дарров келамак, деб ҳафсасига таяниб, чиқиб кетди. Юр, ўғлим, бирга борамиз, демади, барибир айтганда ҳам бормасдим. Мен Эшон бобо қаерда ётганларини билмоқчиман, биламану ҳеч кимга айтмайман.

— Эна, омборхонага кириб беҳи олиб чиқсам майлими, жуда егим келяпти,—дедим.

— Қаллаини саҳарлаб-а?—ҳайрон бўлди энам.

— Ҳа, қаллаини саҳарлаб егим келяпти.

Энам енгилгина қулди. Мен ҳам кўнглига бошқа гап келмасин, деб ўзига ўхшатиб енгилгина қулдим. Майли, ола қол, деганди, югуриб чиқсам, эшикни қулфлашмаган экан. Кечаси қулфлаб қўямиз, Раҳмонберди киролмайди, дейишганди-ку?

Остона олдида тўхтаб, ичкарига қарай бошладим. Ҳеч ким кўринмади. Туясандигимизда майиз бор, ёзда қуриганмиз, Қўқонга олиб бориб сотмоқчимиз. Темир сандиқда ўрик бор, саватларда беҳи, анорлар турибди, фақат Эшон бобо йўқ, холос. Мени алдашибди-да, ёки тушимда кўрдиммикан? Ёки мен тургунча кетиб қолдилармикан?.. Борди-ю, молхонадами, сомонхонадами бўлсаюар-чи?

— Эна, ўйнагим келяпти,— дедим қайтиб чиқиб.

— Ҳаяироқ борарсан.

— Йўқ, ҳозир боргим келяпти.

— Қулоқчинингни кийиб ол бўлмаса,— деб қичқирди энам орқамдан. Қулоқчинни кийиб нима қиламан, тўғри-ми?

Мен ташқари ҳовлига ўтиб, ундан молхонага, ундан сомонхонага кирмоқчиман. У ерда одамнинг қулоғи совқотмайди, илиққина. Молхонага киришим билан эшикнинг ёнида ётадиган қўйларимиз гурр этиб ўрнидан туришди, бечоралар-ей, бизга хашак солади деб ўйлашгандир-да. Ҳечам-да, шошиб турибман-ку, туғай-туғай деб турган она қўйимиз ўнг оёғини тап этиб ерга урди, мен ҳам тап эткизиб ерни тегиб қўйдим. Бузоқчам менга қараб эркаланиб мў-ў деганди, мен ҳам мў-ў, дедим. Қавшаниб ётган сизирим ўрнидан шошмасдан туриб ялпоқ оғзини осмонга қилиб, мо-о деб масҳара қилган эди, мен ҳам мо-о деб униям масҳара қилдим. Тўғри-да, қачон қарасам, мени масҳара қилгани-қилган. Молхона аста-секин ёришиб, эди ҳамма жойни кўрадиган бўлиб қолдим. Новвосимиз ётибди, эшагимиз ётибди, фақат Эшон бобо йўқ, холос. Охурлар ҳам бўм-бўш. Гўнг уйиб қўйилган жойни айланиб ўтаётгандим, сопи калта куракни билмасдан босиб олибман. Ўша калта сопи келиб пешонамга тарақтаб тегди. Бирам оғридики, энамнинг гапига кириб қулоқчинимни кийиб олсам бўларкан, бунчалик оғримасди. Алам қилди, жудаям алам қилди. Пешонам оғриётгани учун эмас, йўқ, бобом билан энам мени алдашгани учун алам қилди. Яна тагин Раҳмонжон билмасин, Раҳмонжон билмасин, деб масҳара қилишадди-я... Сомонхона томонга қараган эдим, не, ана буни қаранг, зўр бўлди-ку, сомонхонамиз ҳеч қулфланмас эди, фақат ўтган йилли бобом икки хум мусаллас солиб арманшларга сотамиз деб қулфлаб қўйганди, холос. Ке-

чаям очниқ эди, кучоқлаб беда олиб чиққанман.. Ха, бўлди. Эшон бувамни шу ерга беркитишган.. Ичига қандай кирдим энди? Бурчакда тешик бор, Хайитвой билан яшинтўпалоқ ўйнаганимизда мен ўша ердаи ўтиб беркиниб олардим. Ҳечам тополмасди. Бориб қарасам, эски тўнни буклаб тикиб қўйишибди. Аста, овоз чиқармасдан ўтиб олдим. Олдин кўзим яхши кўргунча жим ётдим, нафасимни чиқармадим, кейин нариги бурчакда, жўхори поя билан тўсилган жойда бобожонимникига ўхшаган катта калиш турганини кўриб қолдим. Сомоннинг устидан сургалиб, эмаклаб бораётгандим, тўсатдан калиш йўқ бўлиб қолди. Ажина бўлса-я, деб ўйладиму энажоним ҳар куни дуо ўқийди, бизникида ажина бўлмайди, деб ўйлаб қорнимни муздай сомонга босиб жим ётавердим. Поянинг уёғи ёришиб, ҳамма нарса кўрина бошлади. Ҳа, олдин тинна баробар қилиб сомон тўнашибди, кейин кигиз ёзишибди, кейин кўрпа солишибди, кейин Эшон бобонинг ётқизиби, устини ўраб ҳам қўйишибди. Эшон бобом тескари томонга қараб пиш-пиш ухлаб ётибдилар, қараб туравердим, туравердим.. Ахийри зеркииб, поянинг орасидан қўлимни узатдим-да, кўрпани тортиб:

— Бобожон, бобожон,— дея шивирлай бошладим.

— Ҳа?!— Эшон бобом уйғоқ эканлар, ўрицларидан туриб кетаёздилар.

Оқ қўйлақлари устидан бобомникига ўхшаган нимча ҳам кийиб олибдилар. Поянинг орасидан бошимни ўтказиб:

— Бу менман,— дедим.

— Ўтакамни ёраёздинг-ку, болам. Қимсан ўзи?

— Раҳмонжонман, олдингизга ўтсам майлими?

— Эшик қулф эди шекилли, қаёқдан пайдо бўлдинг?

— Тешикдан пайдо бўлдим, кўрқманг, ҳеч кимга айтмайман.

— Сал пастроқ гапир, болам.

— Вой, ўзингиз қаттиқ гапирянсиз-ку,— дея шивирладим.

— Менинг бу ерда эканлигимни ким айтиди сенга?

— Кечаси энам билан бобожоним гапланаётганда ўзимни ухлаганга солиб ҳаммасини эшитиб олдим. Кўрқманг, бобожон, ҳеч кимга айтмайман. Ўйинчоқ берсаям, пул берсаям ҳеч кимга айтмайман. Айтсам сизни яна қамаб қўйишади, тўғримми?

— Тўғри-ку, болам, лекин..

— Сизни кўриб қолганимни бобомга ҳам айтманг, хўйми? Айтсангиз, э, бу бола ўртоқларига айтиб берали, деб сизни дарров чиқариб юборишади.

— Үх, болам-ов, болам-ов, қани ўтир-чи.

Ҳалитдан буён сомоннинг устида ўтирувдим, энди сурилиб кигизга ўтиб олдим. Эшон бобомнинг бошида сочи йўқ, сип-силлиқ экан. Кейин соқоллариям жуда сийрак, яна тағин ярми оқ, ярми қора денг. Илтироқ бошларида оқ дўппилари бор экан, ўшани кийиб, эғиларига бобомниқига ўхшаш чакмонни ташлаб, бошларини чайқадилар:

— Ү, болам-ей, болам-ей.

— Бобожон, менадан сираям қўрқманг, — дедим гаплашгим келиб. — Ёзда келганингизда, боғимиздаги сунада ўтирганингизда онажоним ўргатган дуоларни ўқиб берганимда мени тиззанингизга олиб, пешонамдан ўпиб, кўп эсли бола экансан деб нок бергансиз.

— Э, бўлди-бўлди, болам. Эсладим, баракалла.

— Энди кўрқмайсизми?

— Йўқ, энди қўрқмайман.

— Қўрқманг, бизникида ажиналар йўқ. Энажоним дуолар ўқиб уларни ҳайлаб юборган.

— Робиябиби энанг кўн фозила аёл-да.

— Бобожон, фозила дегани нима дегани?

— Кўп нарсани билади, дегани. Бор энди, бўтам, уйларингга чиқа қол.

— Чиқдим келмаяпти-да, бобожон.

— Ү, болам-ей, болам-ей.

— Бобожон, сиз чўчқанинг боласини ўлдириб қўйдингизми?

— Астағфирулло, дарров кимдан эшита қолдинг?

— Айтмайман. Ростданам чўчқа ўз боласини ўз еб қўйдими?

— Тавба.

— Ҳа, алдаяпсиз, начальникка: э, чўчқанг бошингдан қолсин, дебсиз-ку?

— Э, тавба.

— Бобожон, чўчқаниям шохи бўладими?

— Ке, қўй, бўталогим, мен чарчаб турибман, — дедилар Эшон бобом, ёстиққа ёнбошлаб, — бошқа пайтда гаплашармиз, хўпми?

— Мен чарчаганим йўқ, бобожон, сизнинг илмингиз дарёми?

— Ким айтди бу гаиларни, бўтам?

— Йўқ, айта қолинг, дарё ичингизда турадими?

— Ҳай, энди бўтам, кўн китобларни ўқиганмиз-да.

— «Чор китоб» ниямми?

— Ҳа.

— Або Муслимниямми?

— Ҳа.

— Вой, буларни бизга отинбуви холам ўқиб берган-ку... бобожон, чарчадингизми, оёғингизни уқалаб қўяйми?

Эшон бобом индамадилар, кўзларини юмиб ёнбошлаганича жим ётавердилар. Менам тикилиб туравердим. Ҳечам кетгим келмади.

Бечора Эшон бобомга қийин-да, тўғрими? Кўчага чиқсалар, қизил шапка кийган мелисалар қамаб қўйишади. Чўчқанинг боласи қани, деб яна уришади. Отажон тоғамни отгандай, пешонаспдап пақ-пақ қилиб отиб ташласа-я? Вой бобожоним-ей, бирам раҳим келяптими. Инма қилсам экан? Эҳ, катта йигит бўлганимда... бордию бобомнинг милтигини олиб чиқиб берсам-чи... мелисалар сени отаман деса, йўқ, отолмайсан, мана, мендаям милтиқ бор, пақиллатиб ўзингни отиб ташлайман, дердиллар! Аҳ-ҳа, шундай қиламан, қиламан дедимми, қиламан...

Аста, овоз чиқармасдан қорним билан орқамга сурлиб тешиқдан ўтдим. Узимнинг бобом милтиқни латтага ўраб охурга қўйиб, устига хашақ ташлаганини кўрган-дим, хайрият, жойида экан, олиб, яна орқамга қайтдим. Эшон бобом тескари ўгирилиб, яна пиш-пиш қилаётган экашлар, устиларидаги чакмондан секин тортиб:

— Мана, обкелдим,—дея пиширладим.

Эшон бобом уйғоқ экашлар, менга ўгирилиб:

— Нимани олиб келдинг?—дея пиширлаб сўрадилар.

— Милтиқ.

— А?!—Эшон бобом ўринларидан туриб кетаёздилар.

— Кўрқманг,—деб юпатдим,—ўзимнинг бобом билгани йўқ.

— Инма қиламан бу матоҳни мен?

— Отасиз, мелиса амакилар, шапкали аскарлар келганда отасиз. Ушанда сизни сираям ушлашолмайди.

— О, болам-ей,—шундай деб Эшон бобом мени тиззаларига олиб, бошимга бетларини босиб, яна тагин анчагина болам-ей, болам-ей деб турдилар.

— Кўлим билан соқолингизни тараб қўяйми?—деб сўрадим.

— Йўқ, йўқ, болам, жим тур.

— Бўлмаса, оёғингизни уқалайман,—дедим тиззаларидан тушиб.

Қарасам, Эшон бобом йиғлаётган экашлар. Кўз ёшлари бурунларининг ёпидан ўтиб, лабларига етай-етай деб қопти. Йиғламаганларида бўларди, энди меням йиғлагим келяпти.

— Бобожон, бўлмаса чиқиб кетайми?—деб сўрадим.

— Йўқ-йўқ, бўтам, энди чиқмай қўя қол... Бўлар иш бўлди.

— Нега йиғлаяпсиз унда?

— Сени яхши кўрганымдан.

— Мен яхшиманми?

— Жудаям яхши экансан.

— Унда менга ўргатинг бўлмаса?

— Нимани ўргатай, бўтам?

— Ёзда келганингизда, сунада ўтирганнимизда янаги сафар сенга китоб ўқишни ўргатаман, девдингиз-ку.

— Ҳа, дарвоқе, шунақа девдим-а. Лекин болам, ўқишни ўргатишини ўзи бўлмайди-да.

— Майли, ўзи бўлмасаям, ўргатаверинг.

— Э, болам-ей, буниги учун китоб керак, қоғоз, қалам керак.

— Майли, бобожон, қоғоз-қалам бўлмасаям ўргата-вераман. Ўргатмасангиз, ўришдан туриб додлайман, мана туряман. Тураверайми?

Мен ҳазиллашувдим, Эшон бобом чинакамига қўрқиб қўлимдан ушлаб, ўзлари томонга тортиб:

— Ҳавасинг зўр экан-да, бўтам?—деб сўрадилар.

— Жуда зўр, бобожон,—дедим шошилиб.

— Алиф дегин-чи бўлмаса.

— Алиф,—дедим шошилиб.

— Бе,—дегин.

— Бе.

— Те,—дегин.

— Те.

— Се,—дегин.

— Се.

— Бўлар — ҳарфлар, бўтам. Олдин шуларни ёд олайлик. Ҳаши ҳозир айтганимизни бир такрорла-чи.

Мен дарров такрорлаб бердим. Уҳ-хў, зеҳнинг ўткир экан, дедилар. Яна тўртта ҳарф айтувдилар, уларниям ўрганиб олдим. Бало экансан-ку, ўғлим, дедилар. Яна ўргатдилар, қорним очиб қолгунча ўрганавердим. Ахийри қорним билан сурилдиб тешикдан чиқиб, уйга кирсам, энажоним ширгуруч пишириб, мен яхши кўралиган сар-ёғлардан солиб қўйган экан. Бяётганимда, мунча қолиб кетдинг, деб сўради, роса ўйнадик, дедим. Хайрият, эсинг кириб қолти, этигингни ҳўл қилмабсан, деганди, энажон, мен этигимни ечиб қўйиб ўйнадим, дедим. Шу қорда-я, деганди, йўқ, сандалда ўтирдик, дедим. Энажоним этигимни ҳўл қилмаганим учун яна ўйнаб келишимга осонгина руҳсат берди. Тешикдан ўтиб бундайи қарасам, Эшон бобом ҳам ширгуруч еб ўтирибдилар. Э-ҳа, энажоним,

сен овқатланиб тур, мен молларнингга хашак солиб чиқай деб, мени алдаган экан. Вой, мен ҳам ёлгон гапирдим-ку, икковимизам ёлгончи эканмиз.

— Чиқдингми, бўтам,—деб сўрадилар Эшон бобом,—ке, овқатни бирга еймиз.

Қорним тўқлигини айтдим. Кейин келганимни энамга айтиб бермадингизми деб сўрадим. Эшон бобом гўрда айтаманми, дедилар. Мен ҳам сизни кўрганимни айтмадим, ҳечам айтмайман, дедим. Баракалла, дедилар.

— Бобожон, сиз жаннатимсиз?—деб сўрадим охирида.

— Худо хоҳласа,—дедилар Эшон бобом.

— Ўзимнинг бобом-чи?

— Уям.

— Энам-чи?

— Уям.

— Мен-чи?

— Ишолло, сен ҳам жаннати экансан.

— Ўлганимизда ҳаммамиз бирга бўламизми? Уша ерда ҳам менга ўқишни ўргатасизми?

Эшон бобом жавоб қайтармай кулиб бошимни силаб қўйдилар. Кейин яна ўқишни ўргата бошладилар. Ўргатгилари йўқ эдию мен қистаб туриб олдим. Ўргатмасангиз, милтигимизни олиб қўяман, дедим... Тўртта ҳарф ўргатадилар, энди яна бошидан бошла, дейдилар. Яна ўргатадилар, яна такрорла, дейдилар. Охирида:

— Худо таоло сенга ўткир зеҳн ато қилган экан. бўтам,—деб пешонамдан чўпиллатиб ўпиб қўйдилар.

— Вой, энажоним айтади-ку, бу гапни,—дедим мен ҳам.

— Замон кўтарганда, сени уйингга олиб кетиб мулла қилардим, ўғлим.

— Майли, бобожон, замон кўтармасаям мулла бўлавераман.

— Қани, ҳарфларни яна бир такрорла-чи?

— Алиф, бе, те, се, жим, хо, ҳе, дол, зол, ре, зе, ши, син, сод, зод, итқи, изғи, айи, ғайи, пе, қоф, коф, лом, мим, пун, вов...—Шуларни айтдим-да, охирида тўхтаб, кучук болага ўхшаб: вов, вов, вов, деяётгандим, Эшон бобом, ҳай-ҳай, ҳарфлар муқаддас, уларни масҳара қилиб бўлмайди, дедилар.

Ҳеч чиқиб кетгим йўқ эди-ю, кеч кириб қолди-да, энам ахтариб мени бу ерда экашлигимни билиб қолса, кейин киритмайди, деб қўрқдим. Эшон бобом мени яна тиззаларига олиб муздай бетларини бошимга қўйиб анча жим турдилар-да:

— О, болам-ей, болам-ей,—деб қўйдилар.

Чинқсам, ўзимнинг бобом ичкари ҳовлида ўтин ёраётган экан, эпам, қирт-қирт қилиб савзи тўғрайпти.

— Қаерда қолиб кетдинг?—деб сўради.

— Ўйнадим,—дедим.

— Кимпикида ўйнадинг, бобонг роса ахтарибди-ку?

— Айтмайман, кўлимни кесиб туз сепсангиз ҳам айтмайман,—дедим кўрқиб,—айтсам мелиса амакилар ушлаб кетиб яна қамаб қўйишди.

Кейин югуриб бориб сандалга кирдим-да, бошимга кўрпани тортиб:

— Ҳечам айтмайман,—деб бақирдим-да, йиглаб юбордим.

Эрталаб тезгина туриб, энажонимнинг кўзини чалғитиб Эшон бобомнинг олдиларига кираман дедиму ҳеч тургим келмади. Нега кўп ўхлаб қолдим экан, деб ўйлашиб ётавердим. Қуёш чиқибди, тоғ томонлагини деразамиздан уинмизга нур оқиб кирипти. Бирам майин, бирам юмшоқ, кафтимни тутиб ҳовучимга йиғаман десам, ҳеч ушлаб бўлмапти. Нега йўқ бўлиб қоларкин, ахир, мен уларни кўриб турибман-ку. Қизиқ, қаёққа йўқ бўлиб қолди экан?.. Ҳай, майин, энди бу ҳақда ҳечам ўйламайман. Яхшиси, тушимни эслайман. Жўтаям мазза туш кўрдим-да, ҳар кунгисидан ҳам зўр бўлди. Ё ўнгимда кўрдиммикан... йўқ, учдим-ку, мен фақат тушимда учаман-ку... Эшон бувам учини билмас эканлар, мен ўргатиб қўйдим, кейин биргалашиб учлик, кейин чўчқанинг болалари, қизил шанкали амакилар бизни роса қувлашди. Улар ҳам учпти, биз ҳам учамиз. Бўрсикларнинг болалари ҳам тўхта-тўхта деб учаётгандай бўлди. Кейин жаннатга тушиб қолдик. Ўҳ-хў-ў, жуда зўр экан-ку, энажоним айтгандай, ҳар хил гуллар шунақа кўпки... Оқ каллақандлар сават-сават бўлиб турибди. Кейин саватлардаги қандларми ёки ошпоқ бўлиб очилган атиргулларми, деб ўйлашиб қолдим. Бир қарасам қанд бўлади, бир қарасам гул бўлади... Кейин Эшон бобом кичкина бўлиб қолдилар. Не, сиз нега бунақа бўи қолдингиз десам, чўян соққангиз берсанг, сизга булбулча бўлиб сайрайдиган ҳуштагимни бераман, дейдилар. Кейин ҳаммаёқни булбулча бўлиб сайрайдиган ҳуштаклар босиб кетди... Бобожон, сиз нега пакана бўлиб қолдингиз, десам, вой, мен чала тузилганман-ку, дейдилар. Бошларида оқ салла, эгниларида малла чонол, бўйлари кичкина-ку, соқоллари тиззаларига етай-етай деб турибди. Қулиб юбордим, кула-кула уйғониб ҳам кетибман. Кўзимни очсам, энажоним ҳам, бобожоним ҳам йўқ. Кейин, ҳали айтганимдай, қуёшнинг нурини ҳовучимга йиғиб ётавердим. Ростдан

ҳам ўша нурлар қаёққа йўқ бўлиб қоларкин, борди-ю, ҳовучимни ёзиб дераза ёнига бориб ўша ерда ойнага қисиб туриб, ушласам-чи, деб секин-аста бориб икки каф-тимни ойнага босиб турган эдим, энам кириб:

— Нима қиляпсан?—деб сўради.

— Нурларни ушлаяпман,—дедим.

— Қанақа нурлар?

— Қуёшнинг нуридақа нур-да, мана, ойнадан ўтиб келяпти, ҳовучимга анчасини ушлаб турибман...

Кафтимни ойнадан олган эдим, яна ҳовучимда ҳеч нарса йўқ. Алам қилди, жудаям алам қилди. Энажоним анави кунни олиб келганимиз оқ қанддан олиб ҳолвайтар пиширган экан, ўшани еяётгандайам алашим ҳеч тарқа-мади.

— Эна, ўйпагани чиқаман,—дедим ўрнимдан туриб.

— Бугун ҳеч ёққа чиқмайсан,—деди энам.

— Чиқаман дедимми, чиқаман,—деб туриб олдим. Йўқ деса, қоқ ерга ётиб думалайман, деб турувдим, ҳайрият, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Аста ўтинхонага ўтиб беркиниб олдим. Ундан кейин молхонага ўтиб қарасам, не, сомонхонани бугун қулфлашмапти, не-не, пчкарیدا Эшон бобом ҳам йўқ, кеча ётган жойлари бўм-бўш, кўрпалариниям йиғиб олишибди. Ҳа, билдим, Раҳ-монберди сезиб қолибди, энди ўртоқларига айтиб беради, деб омборхонага беркитишгандир-да... Вой, бу ерда ҳам йўқ-ку! Югуриб орқамга қайтдим:

— Эна, Эшон бобом қашилар?

— Қанақа Эшон бува?—ҳайрон бўлгандай сўради энажоним.

— Сомонхонада ётган Эшон бувам.

— Сомонхонада ҳеч ким ётгани йўқ, валдирама.

— Алдаяпсиз, кеча олдиларига кирганман. Қорним билан сомонга ётиб кечгача гаплаганман.

— Бемаъни гапларни гапирма, тойлоғим.

— Бемаъними? Алиф, бе, те, се, се, жим, ҳо, хе, дол; зол... Буларни ким ўргатди бўлмаса?

Энажоним, мени бағрига босиб, бошларимдан силади, юзимдан ўнди. Ҳар йили бир марта арвоқлар келади, ўша арвоқ гоҳо художўй хонадонларда бирор Эшон буванниг қиёфасида кўринади. Сен, азаматим, арвоқ кўрибсан, ундан ҳарф ўрганганинг яхши, савоб бўлади, уни унут-магни, такрорлаб тургин, лекин зинҳор арвоқ кўрга-нингни бирон кишига айта кўрма, Айтсанг, дарров уйи-миз куйиб кетади, деди. Олдин ишонмадим, кечқурун бобожоним ҳам шу гапни айтганди, кейин ишондим!

— Ҳа-ҳа, ўғлим, бу гапни ҳеч кимга айта кўрма,—

деди бобожоним ҳам қўрқиб,—айтган заҳотинг уйимиз куйиб кетади.

— Молларимиз-чи?—деб сўрадим шошилиб.

— Ҳамма-ҳаммаси куяди, кўчада қоламиз,—деди бобом йиғламсираётгандай бўлиб.

Мен ҳам кечгача йиғламсираб юрдим.

БУВИМ ТОНГ ОТГУНЧА ЙИҒЛАБ ЧИҚДИ

Қор ёқданда буёп бунақа мазза қилиб ўйнамаган эдик. Йўқ, рост айтяпман, сандалларда пенилиб, айвонларда гурпанглашиб, уй эгасининг ҳой бас қилинглари, шумтакалар, деганига жиндай-жиндай хафа бўлиб ўйнардик. Бугун-чи, вой, шунақа мазза қилияпмизки, барибир, сизга айтолмайман. Аҳмадқул бобомнинг боғи орқасидаги баланд тепаликка Султонали акам пақирда сув олиб чиқиб қуйган экан, қор аралаш музлаб, шунақа силлиқ бўптики, салгина қадам боссангиз, пастга қараб шувиллаб тушиб кетасиз. Кетаётганда шунақа ҳузур қиласизки, буниям айтолмайман. Бир хилимиз ўтириб оламиз, бир хилимиз энгашиб кетамиз, кичкина болалар бўлса, улар ҳали қўрқоқ-да, поезд-поезд бўлиб бир-бирининг этагини ушлаб олишади... Эҳ, мазза бўляпти! Йиқилиб ҳам тушамиз, думалаб ҳам кетамиз, қиқирлашиб куламиз, қичқирамиз.

— Раҳмонберди!—деб чақирди Султонали акам,—қулоғинг карми?

— Қар эмасман,—қулоғимни ушлаб кўриб дедим.

— Бувинг келди, деяпман.

— А, бувим?!—дедиму бир пафас тик туриб қолдим. Вой, рост, рост экан! Ҳу ана, девор томонда кафтини пешонасига соябон қилиб турибди. Устидаги бахмал тўнидан танидим, бошидаги жун рўмолиям ўзиники! Бувижон, бувижоним, дея қичқириб юбордим. Икковимиз ҳам бир-биримизга қараб югура бошладик. Тепаликдан тушгунча икки марта йиқилдим. Мунча йўлим кўнаймайди-я, мунча... Мана, яқинлашдик, оз қолди.

— Бувижон!—дея қичқирдим.

— Жопим, асалим,—бувим йиғлаб юборди. Ачомлашиб кетдик. Упишяпмиз, йиғлашяпмиз, мени кўтариб олган, мен бўйнидан маҳкам қучоқлаб оляпман. Қани энди минг йил, миллион йил шундай турсак, тураверсак, тураверсак, мен бувимнинг ҳидини соғинган эдим, соҳини қатиқлаб ювганда шунақа ҳид келарди, тўйиб-тўйиб ҳидлаяпман.

— Бувижопим!—дейман яна юзларини кўлим билан силаб.

— Вой, кўлларинг совқотиб қонти, кўлтиғимга тиқа қол, асалим,— дейди бுவим.

— Йўқ-йўқ, яна силай, кўп силай, кўлларим ҳам сизни соғинган.

— Майли, ўғлим, силай қол. Фақат йиғлама.

— Йўқ, тўхтанг, яна жиндай йиғлай.

— Асалим, дўмбоғим...

Бувим ҳам йиғлашга тушди, елкасини силкитиб-силкитиб йиғлади. Мени ерга қўйиб, энгашиб, энди кийимларимдан ҳам ўна бошлади.

— Мени кўрганни келдингизми?—деб сўрайман.

— Кўрганни келдим, ўғлим.

— Соғиндингизми?

— Соғиндим, қаттиқ соғиндим, асалгинам.

— Менам соғиндим, маёна шу кўзларим билан соғиндим. Кечасиям соғинаман, ўйнаётганимдаям соғинаман, ҳар кунни кўргим келади. Кейин энамга билдирмай йиғлаб-йиғлаб оламаи. Энди кетмайсизми?

— Кетмайман, шириним, кетмайман.

Теналик томонга қарадим, Ҳайитвой бுவим борлигини бир кўриб қўйсин, дедим. Қачон уришса, бувиси туғмаган, бобоси туққан, деб лабини буриб масхара қилади.

Йўқ, бизга қарамади. Қарамасанг, қарама, сенга кўрсатадиган бувим йўқ, ҳали ўзим тўйганим йўқ-ку?!

Кўл ушлашиб уйимизга жўнадик, бувимнинг кўли иссиқина, бирам юмшоқ, бахмал тўши, жуи рўмоли, йилтироқ маҳсилариям яхши, ҳаммаси чиройли.

— Энди кетмайсиз-а?—яна сўрайман.

— Ўзингни олиб кетсам-чи, асалим?

— Йўқ-йўқ, уёққа ҳечам бормайман, сизам бормайсиз энди. Ўгай акаларимни ёмон кўраман.

— Ундай дема, ўғлим, акаларинг ёмон болалар эмас, эсли, олюбли.

— Ҳечам-да, қачон борсам, бу сенинг бувингмас, бизни бувимиз, отамиз сотиб олган, дейди. Ўйинчоқларимниям ўғирлаб қўйишади, ўйингаям қўшишмайди. Энди кетмайсиз, уларам ўзини бувисини топиб олсин, уларнинг отаси бор, менинг отам йўқ-ку.

— Кўй, йиғлама, ўғлим.

— Йиғлайвераман.

— Кўтариб олайми?

— Керакмас.

— Мен сени катта йиғит бўлиб қолди десам...

— Кетмайман десангиз кейин катта йиғит бўламан.

— Хўп, ана, асалим, кетмайман.

— Ухлаганимда ҳам кетмайсизми?

— Кетмайман, шириним,— шундай деб бувим мени яна кўтариб, ёш оқиб турган кўзларимдан, совқотган юзларимдан, ҳалиги, мен очқаб турганимда овқатни шошилиб ейман-ку, ўшанақа қилиб ўпа бошлади.

Уйга келсак, энам билан бобожоним жиззали нонларни ёпиб, қаймоқлардан қўйиб, омборхонанинг шифтига осган узумларимиздан олиб чиқиб бизни кутиб ўтиришган экан. Озгина едим, кейин ҳечам егим келмай, нуқул бувимга тикилиб ўтирдим. Менга атаб тикиб келган янги қўйлак билан беқасам тўнпи кийгим келаверди. Энам, ҳа, майли, кийиб кўра қолсин, деган эди, кийиб бўлиб бундай қарасам, энди бувим энамнинг тиззасига бошини қўйиб пиқ-пиқ йиғлаётган экан.

— Ундай дема, қизим,— деяпти энам,— ўша етимлар ҳам бегона эмас, жиянларинг бўлади, холангнинг тилаб-тилаб олган азиз фарзандлари...

— Жиянларига қарасин, деб мени отам тенги одамга берибсиз-да, — яна йиғлаяпти бувим.

— Етимнинг бошини силасанг, охиратинг обод бўлади, қизим.

— Охирати обод бўлсин деб, мени қурбон қилибсизлар-да?

Энди бобом гашира бошлади. Бувимни ўзига қаратиб, елкаларидан силаб, ширин қизим, кўниқиб кетасан, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, ҳамма ўзини ўйлайберса, унда етимларнинг ҳолидан ким хабар олади, ўзинг ўйлагин, тўртта боласи бор, ёши ҳам бир жойга бориб қолган кишига ким ҳам хотинликка кўна қолади, бунақа пайтда қариндошлар ўзидан кечмаса бўладими, йиғлама деяшман, буларни юиб-тараб катта қилсанг, Худо хоҳласа, ҳузуриниям кўрасан, муҳими, холанг гўрда тинч ётади, одам боласи бу дунёга аслида савоб учун келади, ҳа, савоб оламан деб одамлар мачит солади, кўприк қуради, э қизгинам-ей, йиғини бас қил энди, дунёда етти хил савоб бор, дейдилар, энг каттаси етимнинг бошини силаганда бўларкан... Ана шунга ўхшаш гапларни бобом гашираверди-гашираверди, мен шу пайтда бобожонимни жудаям ёмон кўриб қолдим. Югуриб бориб томоғидан қучоқлаб, оғзини қўлим билан беркитиб:

— Гапирманг,— дея қичқирдим,— энди бувимни ҳеч кимга бермайман. Мачитниям, кўприкниям ўзингиз қураверинг.

Бувим менг тиззасига олиб, кафти билан кўз ёшларини артиб:

— Вой, асалим-ей, тўнинг ўзингга бирам ярашибдики,— деди. Чиндан ҳам ярашган-ярашмагавлигини билмоқчи бўлиб турувдим. Шунинг учун дарров ўрнимдан туриб, нарироққа бориб, рост айтяпсизми, деб сўрадим.

— Бўй-бастингга мос келганини қара, худди қўйиб қўйгандай.

— Узингиз тикдингизми?

— Ҳзим тикдим, асалим.

— Энди қўйлағам, тўнам ўз-ўзимгами?

— Ҳз-ўзингга, дўмбоғим.

— Кўйлақни кечасиям кийиб ётсам майлими?

— Майли, шириним, кечасиям кийиб ёта қол.

Энди яна бувим билан тўйиб-тўйиб гаплашамап десаам, ҳадеб қўшнилариимиз чиқаверади, вой, ўртоқ, эсопсиз, деб елкасига қўлни мана бундай ташлаб, ҳеч бири менга эътибор бермайди. Беқасам тўнимни кўришармикан деб, сал нарироққа бориб турсам ҳам қарашмайди. Муҳтарам холам қовоқ сомса олиб чиққан экан, нуқул ўшани мақташади. Бибиқиз аммам кўк дастурхонга сутли патир ўраб чиққан экан, вой, қўшни, бирам назандасизки, оғизда эриб кетади-я, бизга ҳам ўргатсангиз-чи, дейишади. Қизиқ-қизиқ гаплардан ҳеч гаплашпшмаяпти. Бувимни менга беришмас экан-да, мен уни соғинганман. Ўрнимдан туриб:

— Чиқиб кетинглар энди,— деб кигизни гушиллатиб тендим,— бувимни соғинганман, билдингизми?

Муҳтарам холам:

— Сен жуда одобли бола эдинг-ку,— деди лабини буриб.

— Узингиз одобли боласиз,— деб менам лабимни буриб қўйдим.

— Бувингни фақат сен соғинибсан-да?

— Ҳа, соғинганман.

— Сора биби сенга она бўлса, бизга ўртоқ, қиз ўртоғимиз бўлади-я, биз ҳам уни соғинганмиз. Сен кечасп гапланаверасан.

— Кечаси ўгай отам обкетиб қолади, билдингизми?

Энам келиб, юр, қулуним, бобонг поя қирқяпти, қаралиб юборгип, деди. Мен кўнмай, бувим кетиб қолади, дегандим, бувимнинг ўзи, йўқ асалим, кетмайман, деб ишонтирди. Пояни ишлаб турганимдаям бобом, ҳой кўзингга қара, қўлингни қирқиб оламан, десаям кўча эшик томондан назаримни узмай турдим. Тўй бўлган купиям қўриқма, онанг кетмайди, деб алдашиб, кейин паранжи ёниптириб обқочиб кетишган. Мен ўшанда ерга ётиб роса йиглаганман... Қўшилларимиздан кейин энди Заҳ-

ро холам келди. Ундан кейин Аҳмадкул бобонинг чўлоқ келини чиқди. Гаплари чўзилиб кетувди, пойгакка тушиб олиб, чўлоқлаб юриб ўша опани роса масхара қилдим. Тўғри-да, нега энди бувимни менга беришмайди?

Ҳаммалари кетгач, энам вақт алламаҳал бўлиб қолди, ёта қолайлик, гапнинг чаласини эртага гаплашармиз, деб бувим икковимизга уйнинг тўрисиغا тўйимга аталган серпахта кўрпалардан тўшаб, юмшоққина жой қилиб берди. Кўрпага киришим билан бувимни маҳкам ачомлаб олдим. Оҳ, қандай яхши-я, қандай мазза-я, қани энди, минг йил шундай қилиб ётсам, ҳечам тонг отмаса, бомдод намозигаям турмасак, кейин икковимиз қўшилиб битта бўлиб қолсак, ҳеч ким ажратмаса...

— Катта йигит бўп қонсап, асалим,— деди бувим орқамни силаб,— қучоғимга сиймаяпсан-а.

— Мен, буви, намозларниям биламан,— деб шивирладим яна ҳам хурсанд қилмоқчи бўлиб,— ажиналарни қочирадиган дуоларни ҳам ўрганиб олганман. Кейин, ўйинчоқларим ҳам кўп, кўрсатайми?

— Йўқ, эрталаб кўрармиз.

— Еттига чўян соққам бор, ёнғоққа алмаштириб олганман, хўп денг, кўрсата қолай, қоронғи бўлсаям кўрпанаверади.

— Асалим, ҳаммасини эрталаб кўрамиз.

— Кетмасангиз, ўйинчоқларимни ҳаммасини сизга берардим.

— Вой, шириним-ей, раҳматли отанга ўхшаб сен ҳам бирам меҳрибонсанки, тилларинг ҳам бирам ширинки...

— Раҳматли отам меҳрибонмиди?

— Жудаям.

— Нега бўлмаса ўлиб қолган?

— Ажалл етган-да, ўғлим.

— Ажалл етганда одам ўладими?

— Ҳа, ўлади.

— Буви, отамни қулоқ қилишганми? Уйнаганимизда болалар нуқул қулоқнинг боласи, қулоқнинг боласи, деб масхара қилишади. Ростдан ҳам отамнинг қулоғи жуда катта бўлганми?

— Йўқ, ўғлим, қулоғи катта бўлгани учунмас, бойлигимиз кўп бўлгани учун қулоқ қилишган.

— Кейин қулоғидан чўзишганми?

— Ким билади, ўғлим.

— Бувижон, отам ҳақида гапириб беринг. Бобомдан сўрасам, катта бўлганинда биласан, ў золимлар, ў золим замола, деб осмонга қараб мана бундай уҳ тортaveraди. Жон бувижон, айта қолинг, ахир, мен катта бўп

қолдим-ку. Ўрнимдан туриб бўйимни кўрсатайми?

— Қўй, ўғлим, юрагимни эзма.

— Нега юрагингиз эзилади?

— Ачинаман-да, ўғлим.

— Айта қолинг, айтмасангиз, сочингиздан тортаман.

— Ўғилгинам-ей, дилбандим-ей, отанг худди сенга ўхшаган қош-кўзи қоқ-қора, буғдойранг, ўрта бўй, кўзларини чақнаб турадиган қизиқчи, қувноқ бир йигит эди, йигитларнинг сардори эди... Қўй, ўғлим, юрагимга туз сепма, йиғлагим келяпти.

— Майли, буви, йиғласангиз ҳам айтаверинг.

— Сабр қил, азаматим, жиндай юрагимни бўшатиб олай, ярамни тирнаб юбординг, ўзи тўйиб турувдим.

Анча маҳал икковимиз шивирлашни бас қилиб, жим қолдик. Мен кафтим билан бувимнинг кўз ёшларини артиб-артиб турдим, илиққина экан, бувим бўлса мени бағрига маҳкам босиб, елкаларимни силаб-силаб, ҳалиги, одам қаттиқ чопганда ҳансирайди-ку, ўшанақа қилиб йиғлайверди, юпатай десам, юпатадиган сўз ҳеч эсимга келмаяпти. Энамни чақирай дедиму бас қилинглари энди, бас қилинглари, ухланглари энди, деса, унда отам ҳақидаги гапни билолмай қоламан деб қўрқаман.

— Ҳа, асалим, отанг бебаҳо одам эди,—деди охирида бувим йиғидан тўхтаб,—отангнинг отаси катта бой бўлган, мачитлар солди, йўлга ер ажратиб, сахий бой деган ном чиқарган экан, эшитяпсанми?

— Эшитяпман,—дедим шошилди,—тез-тез айтинг, бўлмаса эсингиздан чиқиб қолади.

— Тоғда қўйларини, йилқиларини, даштда буғдойзорларини бор экан, ўзи зўр чавандоз ҳам бўлган экан.

— Буви, чавандоз от минадиганми?

— Ҳа, гап қўшмай тургани-да, шириним, отдан йиқилди ўлганидан кейин жамп бойлиги сенинг отангга қолган экан. Кейин бизнинг тўйимиз бўлди. Мен ўн олтида, отанг ўн саққиз ёшда эди.

— Ўшанда сизнинг бўйингиз қанча эди?

— Сабриниса онам бор-ку, ўшанча эди.

— Тўйларингизда ўртага олов ҳам ёқинганми?

— Ҳа, албатта олов ёқиларди-да, асалим.

— Чилдирма чалиб, ашула ҳам айтишганми?

— Оббо шириним-ей, тўйда албатта чилдирма чалинади-да.

— Кейин-чи?

— Кейин колхоз замони бўлди, ер-сувларимизни, уй-жойларимизни, қўрпа-тўшакларимизни, қозон-товоқларимизни,—ҳаммасини олиб, ўзимизни узоқ мамлакатга қу-

лоқ қилишувди, отанг раҳматли, э, уёқларга бормаймиз, деб мени олиб қочиб кетди.

— Орқаларингдан қувишмадимми?

— Қувишди.

— Сизлар от миниб олганмидиларинг?

— Йўқ, пиёда эдик, азаматим.

— Кейин-чи? Тез-тез айтинг.

— Ушанда сен қорнимда эдинг.

— Қорнингизда бўлсам ҳам барибир ҳаммасини кўриб турармидим?

— Йўқ, шириним, ҳеч нарсани кўрмасдинг. Тоғтошларда қочиб юрдик, ахирги мелисалар отангни ушлаб, қамаб қўйинди. Қамоқхонада кўп калтаклашган экан, жигари эзилиб, қон туфуриб, оламдан ўтди.

— Кўп уришганмикан?

— Ҳа, кўп уришган экан.

— Нега уришади, нега?— Сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

— Замон шунақа эди-да, ўғлим.

— Отамни нега уришади, деяшман, нега ўлдиришади?— бақириб, кўрпа-ёстиқларни тепа бошладим. Бобом билан энам уйғоқ экан, икковлариям тешамизга югуриб келишди. Бобом бағрига олмоқчи бўлувди, қўлини тинчлаб олдим.

— Нега отамни ўлдиришади?— баттароқ бақирдим.

— Оббо қизим-ей, болага бу гапларни айтиб бўларканми?— деб бувимни уришган бўлди бобом.

— Ахир нима қилай, ўзи қистади-да,— овозини сал чиқариб, деди бувим.

— Боланинг кўнгли нималарни истамайди, э қизим-ей... Кел, ўғлим, мен билан ёта қол, соқолим қичияпти, бир қашлаб қўйгин.

— Қашламайман,— деб кўрпани яна тепиб, бобомнинг оёқларидан маҳкам қучоқлаб олдим,— айтинг, нега уришади? Жони оғриганда йиғлагандир, нега бормадингиз?

— Қўй, ўғлим, қўй.

— Қўймайман, нега сиз бормадингиз?

— Борганмаң, ўғлим.

— Ёлғон, сизни ўлдиришмапти-ку... Отам тирик бўлганида бирга ётардим, билдингизми? Энди соқолингизниям тарамайман, энам сизга соққанда бузоқчаниям ушламайман, билдингизми? Отамни топиб берасиз, ҳамма-нинг отаси бор-ку, топиб берасиз дедим, топиб берасиз...

Кўрпага ётиб роса йиғладим, болишни муштлайвердим, муштлайвердим. Бас қил дейинса ҳам бас қилмай-

ман, деб йиғлайвердим. Ахийри ўзим жим бўлдим. Чарчаб қолдим-да, бўлмаса яна йиғлардим. Бувим ёнимда ётган экан, юзини силамоқчи бўлиб пайпаслаган эдим, вой, энди у йиғлаётган экан, қизиқ, нега катталар овозини чиқармай йиғлар экан, бунақада уларнинг йиғлаганини ҳеч ким билмайди-ку? Мен бўлсам, ҳечам яширинча йиғлай олмайман, ё энамга, ё бобомга кўрсатиб йиғлайман. Ҳовлида бўлишса, эшитишсин деб қаттиқроқ йиғлайман, боғда юришган бўлса, деразани очиб қўйиб йиғлайман.

— Буви, — дея секин шивирладим.

— Уйғоқман, ўғлим, — деб мени бағрига тортди у.

— Сиз нега йиғлаяпсиз?

— Йиғлаганим йўқ, асалим.

— Йиғлаяпсиз, мана, бармоғимни ялаб кўрсам шўртаққина экан... Сизам отамни соғиняпсизми?

— Ҳа, ўғлим, соғинаман-да.

— Буви, ўлганлар тириладими?

— Қайдам.

— Отинбиби холам битта китоб ўқиб берганди... дарёга чўкиб ўлганларнинг қариндошлари Худодан сўраб дуо ўқинганда, улар тирилиб, яна уйларига келган экан... Уша дуони сиз биласизми?

— Билмайман, ўғлим.

— Ким билади бўлмаса?

— Қайдам...

— Буви, анави кунни Хонэшон бобом ўлмаган бўлсаям арвоҳларини кўрдим, худди ўзларига ўхшайди, китоб ўқиниши ўргатмоқчи бўлдилар.

— Ҳа, эшитдим, ўғлим, энанг айтиб берди.

— Вой, айтдими, энди уйнимиз куйиб кетса нима бўлади?

— Бегоналарга айтса куюди-да, мен бегона эмасман-ку, дўмбоғим.

— Энам оғзинг бўш, ичингда гап ётмайди, ҳаммасини бировларга айтаверасан, деганди. Эшон бобомнинг арвоҳини яна кўрганамда оғзимга дам солдириб олмоқчи эдим, ҳеч кимга гап айтмасдим. Кирсам, йўқ бўп қоптилар.

— Худо хоҳласа, яна кўришиб қоларсизлар, ўғлим.

— Ухлагим келяпти, — дедим эснаб, — ухлаб қолсам, кетиб қолмайсизми?

— Асалим-ей, — деди бувим мени бағрига маҳкам босиб. Кейин болишимиз иккита бўлсаям, ўзимиз битта бўп қолдик, битталигимизча эрталабгача қимирламай ухладик...

ҚАБРИСТОНДА ФОТИХА УЌИДИК

Бувим ҳам бизни соғиниб, ҳам отамнинг қабрига бориб, Шайхбобога хайр-садақа бериб, арвоқларни йўқламай деб келган экан. Келмаса ҳеч бўлмас экан. Уша ўлган отам тушига кириб, Сорабиби, гуллар орасидан танлаб олганим Сора гулим, мени унутдингми, йўқламай қўйдинг-ку, шу умидда бир ёстиққа бош қўйганмидик, деяверибди. Энам, она қизим, келиб яхши қилибсан, Тўхтавойнинг арвоҳини сен йўқламасанг ким ҳам йўқларди, арвоқ ош-нон сўрамайди, бир ҳовуч фотиҳа кифоя, фотиҳа ўқимасак, арвоқ оч қолган чумчуқдай чирқиллаб қолади-я, деди. Кейин бувимни бағрига олиб, ўзимнинг эсли қизим бор-да, худога шукр, эсим йўғида туғиб олган эканман, деб мақтаб ҳам қўйди. Бобом бошини сандалга босиб ўтирганди:

— У золимлар,—дедию яна жим бўлди.

Мен кўрпанинг тагидан қўлимни узатиб сандалнинг тахтасини така-така-так, така-така-так қилиб чалаётгандим, чалаётган бўлсам ҳам, Эшон бобом ўлмаган бўлсам арвоқлари бор экан, ўзларига жуда ўхшаркан, одам ўлганда арвоҳи ўзига ўхшармикан ёки ўзига ўхшамасмикан, менинг отамнинг арвоҳи ҳам борми кан, мен уни ҳеч кўрмаганман-ку, арвоҳини қандай танийман энди, деб ўйлаётгандим, энамнинг гапига қулоқ соламан деб ўйлаётган нарсамдан адашиб кетдим. Кейин, отамни ҳам арвоҳи борми, деб энамнинг ўзидан сўрадим.

— Бор, албатта,— деб қўйди энам.

— У кимга ўхшайди?

— Ўзига ўхшайди-да, қулуним.

— Бизникига ҳеч келганми?

— Келган, худо хоҳласа яна келиб туради, ўғлим.

— Мен отамни танимайман-ку, келганини қандай билламан энди?

— Намозликларнинг ҳаммасини ўрганиб олсанг,— деб тушунтирди энажоним,— ана ундан кейин дарров таниб оласан.

Мен яна кўп нарсаларни сўрамоқчи эдим. Э, бўлмади-да. Ухлаётганимда тоғорага хамир қориб устига бобомнинг пўстинини ёпиб қўйишган экан. Энам ўша хамирни супага ағдариб, устига яна унлардан сепиб, зува-ла туғиб, нон ясай бошлади. Бувим айвонга чиқиб, ҳой, ўтчиларнинг қаерда деб сўради. Кўрсатиб берувдим, тандирга олов ёқа бошлади. Қани, энамчалик билармикан деб, анчагина қараб турдим. Мен ўт қалашганда тандир-

пийг ичи олдин қоп-қора, кейин қип-қизил, кейин оппоқ бўлишини томоша қилиб туришни яхши кўраман. Шунингчун бир энамнинг олдига югуриб кириб, қани менга нечта қулча ясапти экан дейман, бир бувимнинг олдига чиқиб, э, тандирнинг ичи энди қизарибди-ку, деб ўйлаб, бувижон, ўтинни устма-уст қўйманг, тағидагиси ёнса устидагиси тутаб тандирни яна қорайтириб қўяди, шио-масангиз энамдан сўранг, дейман. Охири нонни ёпиб энди қатлама пишира бошладик. Шайхбобога қатлама ҳам олиб борсак савоби кўп бўлиб, арвоқлар чирқилламасин дедик-да. Оҳ, қатламанн мен бирам яхши кўраманки, қаймоқ солиб пиширилса, сал-пал сўлқиллаб турса, лум-лўм қилиб ейинши яхши кўраман. Йўқ, энгир ёғига пиширилганинимас, у қоп-қора бўлади, мен сарёққа йўғрилиб, сап-сариқ қилиб пиширилган қатламаларни яхши кўраман. Ушанда хурсанд бўлиб:

— *Қатлама, қатлама*

Остонадан қатлама,

Қатлама, қатлама,

Хом бўлса индама,

Қатлама, қатлама,

Кўп берса йўқ дема, — деб ашула айтишни яхши кўраман. Аҳмадқул бобом ўргатиб қўйган.

Шуни айтсанг, энанг ҳар кунни қатлама пишириб бераверади, менга ҳам битта-яримтасини қўлтигингга берки-тиб олиб чиқиб тургин, деган...

Кейин дастурхонга еттита патир, еттита қатлама, еттита нонбеҳи, еттита анор тугиб мазорбошига жўнадик. Йўқ, отишмада ўлган тоғамлар кўмилган Лайлак мазорга эмас, раҳматли отам ухлаб ётган мазорга деяпман. Кетгупча мен янги этигим билан қорларни ғарчиллатиб орқада бордим. Анув купи айтувдим-ку, мен қорларнинг ғарчиллаган овозини яхши кўраман. Мозор бобо ёнидаги хонақоҳга келсак, вой, хонақоҳни билмайсизми, энам ҳам, бобом ҳам билади-ку, ҳамма билади-ку, уни Шайх ўтирган хонақоҳ дейишади-ку! Аста кирсак Шайхбобонинг олдида сандалда эмас, йўқ, сал пастроқда, бўйра устида битта опа, учта қиз бола ўтиришган экан. Қизлардан биттаси менга нега келдиларинг, дегандек ғалатироқ қилиб қаровди, мен ҳам ўзларинг нега келдиларинг дегандек унга ҳам ғалатироқ қараб қўйдим. Шайхбобо дуо ўқишдан тўхтамай, қўли билан ўтиринглар, деб ишора қилувди, биз ҳам тезгина бўйрага ўтириб, дуонинг туганини кутиб турдик. Мен билмаган дуоларни ўқияпти экан. Энамга қараб кўзимни қисиб туравердим.

Охири фотиҳа ўқишгач, менам ўқиганимдан кейин энам билан бувим ўша опа билан эсонмисиз, омонмисиз, деб кўришиб олишди.

— Паст маҳалладан, Меливойнинг заифаси бўлади,— деди Шайхбобо.

— Таниб турибман,— деди энам ҳам,— отингиз Чиннибиби эдими, айланай?

— Ҳа,— деди ўша опа йиғламсираб.

— Меливой ажойиб нонвой эди, эрингизниям билардим,— деди энам,— катта тўйларнинг нонини ўша художўйга ёптирардик, қаранг-а, шундай азамат йигит кўмир элтиб нобуд бўлса-я.

— Яратган ўзига азиз қиламан деса... на чора,— деди Шайхбобо,— раҳматли жаннати одам эди, қайсики тўйда пон ёнса, олдидан жиззалигидан иккитасини менга юборарди.

Опа Шайхбобого қороз пул узатувди, биттасини олиб иккитасини ўзига қайтарди. Қизларингга кавуш олиб бер деди. Кейин тугун олиб келган экан, ўшанданам фақат битта пон олиб, чуқур тоқчада бошқа тугунлар ҳам кўп экан, ҳаммасини опанинг тугунига шундай катта қилиб тугдики, вой-бў, уни қандай қилиб кўтаришаркан, деб ўйладим. Менга битта пону бир кўза сув кифоя, деди Шайхбобо, сени эса олтига боланг бор, ҳаммаси қалдирғочнинг боласидай оғзини очиб ўтирибди, ейман-ичаман дейди. Тугунни ола кетасан, савоб бўлади, олмасанг, Шайхбобони ранжитасан, деганди, опа олмайман, ҳечам олмайман, деб йиғлаб юборди. Қарасам, бувимнинг ҳам кўзида ёш милтиллаб турган экан.

— Олмасанг Меливой гўрида тинч ётмайди,— деди Шайхбобо,— тушларимга кириб чиқяпти, етимчаларимдан хабар олиб туришг, деяпти. Ма, озгина пул ҳам берай, қизларингга рўмол олиб бергин, қара, попуқдеккина қизчалар экан...

Шайхбобо тугунни ўзи кўтариб опани кузатгани ҳовлига чиқиб кетди. Қарасам, бувим кўз ёшини попуқли рўмолчасига артиб-артиб оляпти.

— Бу қизим раҳматли Тўхтавойнинг заифаси бўлади, а?— сўради Шайхбобо уйга қайтиб кириб.

— Ҳа,— деб қўйди энажоним.

— Мана бу чпройли йигитча ундан қолган зурёд бўлса керак, товба, худди қўйиб қўйгандек, а. Яратган эгамнинг даргоҳи кенг-да... Йўқлаб келиб кўп улуғ иш қилибсиз, қизим... Турмуш қуриб кетганингизни билман, устанинг ҳам чирқиллаб қолган болалари кўп эди. Савоб йўлига қадам қўйгансиз, қизим. Пайғамбаримиз

Муҳаммад алайҳи вассалам бир етимнинг кўнглини овласанг, етти бор ҳажнинг савобини оласан, деганлар. Валекин, арвоҳларни ҳам йўқлаб турмоқ даркор. Ҳай, таҳорат кетмасдан бир тиловат қилайлик бўлмаса.

Шайхбобо сандалда ўтирганича кўзини юмиб, бошини сал-пал қимирлатиб мен ҳечам эшитмаган дуони ўқий бошлади. Овози жудаям ёқимли, жудаям майин, Аҳмадқул бобомнинг чўлоқ келини боласига алла айтади-ку, ана ўшанга ўхшаркан.

— Эна, шу дуони сиз биласизми?— деб шивирладим.

— Жим,— деди энам бармоғини лабига қўйиб.

— Айтинг, секинроқ ўқисин, менам ўрганиб олай.

— Жим деяпман.

Жим бўлиб яна Шайхбобони кузата бошладим. Бети ўзимнинг бобомшикига қараганда катта, соқоли ҳам қалин, пешонаси кенг, бурни Эсонқул бобомшикига ўхшаб пучуққина экан. Бошидаги салласи оқ эмас, қизил читдан, дўпписиям кир, ўчоқбошимизда қозон ушлайдиган эски дўппимиз бор-ку, ўшанга ўхшайди... Аста-секин менинг кўзим юмила бошлади. Очай десам ҳам юмилиб кетаверди. Кейин, не, назаримда эшикдан ўзимнинг отам кириб келаётгандай бўлди. Қош-кўзи кечаси бувим айтганидай қоп-қора, ўрта бўй, бугдойранг, кўзлари ҳам чақнаб турибди. Остона олдида тўхтаб ҳаммамизга бирма-бир қараётгандай. Отам, дедиму кўзим очилиб ўрнимдан туриб кетдим.

— Жим,— деди энам.

Шайхбобо кўзини очиб менга бир назар солди-ю, яна юмиб олди. Энди сал бошқачароқ оҳангда ўқий бошлади. Кўзларимни чирт юмиб, анча жим турдим. Фақат қоронғи кўринади-ю, энди ҳеч нарса кўринмайди. Яна қаттиқроқ юмдим, яна очдим, йўқ, энди отам ҳечам кўринмади, йиғлагим кела бошлади. Сурилиб, энамнинг тиззасига ўтиб олдим. Дуолар тугагач, Шайхбобо ўлганларнинг жойи жаннатда бўлсин, тирикларнинг имони басаломат бўлсин, замона тинч бўлсин, элда маъмурчилик бўлсин, еб-ичишимизнинг, хайр-худойларимизнинг савоби умидвор арвоҳларга, ер эгасига, мулк эгасига тегсин, деганга ўхшаш сўзларни айтиб, фотиҳа ўқиганди, мен унча қизиқмасдан ўтирдим. Йўқ, фотиҳа ўқидиму барибир, Эсонқул бобом бундан яхшироқ ўқирди, деб ўйлайвердим. Кейин Шайхбободан ўлганлар ҳеч тирилганим, бир марта бўлсаям тирилганини кўрганмисиз, деб сўрагим келаверди. Сўрай дейману сўрай олмайман. Охири:

— Эна, мен ҳозиргина отамни кўрдим,— дедим ўрнимдан туриб.

— Айланай қулунимдан,— деди энам ҳам ўридан тураётиб.

— Кўзимни юмиб турсам, худди шу уйга кириб келаётгандай бўлди.

— Тез-тез келиб тургин, Тўхтавойнинг ўғли,— деди Шайхбобо,— отангни соғинсанг, уни худо хоҳласа, фақат шу ерда кўрасан.

— Бошқа жойда-чи?— шошилиб сўрадим.

— Худо кўрсатса... бу ерда аниқроқ кўрасан. Раҳматли отанг ҳам отасини қабрини зиёрат қилишни канда қилмасди. Бир келганда каттагина пул ташлаб кетди, хонақоҳнинг ёғочини қурт ебди, янгилаб олинг, деди. Кўп сахий йигит эди-да, эҳ, аттанг, аммо лекич яратганинг иродасига қарши боролмаймиз. Ўзи яратди, ўзи олади... Умри қисқа экан, начора.

— Бобожон, сиз отамни неча марта кўргансиз?— сўрадим чидаб туролмай.

— Отанг кўз олдимда катта бўлган, ўғлим... Қочдиқувди пайтида ҳам менинг хонақоҳимда жон сақларди. Қани энди қабр бошига борайлик бўлмаса.

Супурги, ёғоч, курак олишди. Қорни тозалаб қўйиш керак экан, бўлмаса эриб, гўрни чўктириб қўяркан, гўр чўккани ёмон бўларкан... Вой-бўй, қабристон шунақа катта бўлиб кўриняптики, қабрлар энди дўппайиб кўринмайди, ҳаммаси битта бўи кетибди.

— Ана Робиябиби,— деди бизни бошлаб бориб Шайхбобо,— марҳумлар типчгина ухлашяпти, ҳамма галваю тўполоп мана шу ёлгон дунёда, чин дунё эса оромли, ҳаловатли дунё. На деб келдим бу дунёга, меп бу ерлик эмасман, деб йиғлаган экан машойиҳлар... Қорни супуринг-чи, ҳа, баракалла, танидим, Тўхтавойнинг бошига отасиникига ўхшатиб оқ тош қўювдим, қўйчивон қўйдан янглишмаганидек, биз ҳам қабрдан янглишмаймиз...

Отам шу ерда ётадим, кечалари қўрқмайдими, бордию тирилиб қолса тупроқларни қандай кўтариб чиқади?... Юрагим қисилиб йиғлагим кела бошлади... Бечора отам-ей, биз кенг уйда яшаймиз, у бўлса торгина гўрда ётаркан, ичям қоронгидир. Қоп-қоронгидир.

— Йиғлама,— деди энам шивирлаб.

— Майли, йиғласин,— деди Шайхбобо.

Бувим қабр устидаги қорларни тозалаб супуриб, курак билан нарига итариб, ўша куракнинг устига ўтирди-да:

— Вой худой-и-и-им!— деб бошини чайқаб улу тортиб

йиғлаб юборди. Кейин тиззасига шапатилаб ура бошлади.

— Кўй, қизим, кўй,— деб юпатди энам.

— Майли, йиғласин,— деди яна Шайхбобо,— юраги бўшайди, мусулмон боласи ҳар ҳамон-ҳар замонда қабристонга келиб йиғлаб-йиғлаб олиши керак. Юраги бўшаб дили ёришади, тирикларга оқибатли бўлади.

Энам, Шайхбобоси, Раҳмонберди ўғлим эсли, одобли бола, намозликларни, фотиҳа сураларини биледи. Рухсат берсангиз, отасига бағишлаб бир тиловат қилиб берсин деганди, Шайхбобо, қани-қани, деди. Уйимизда бўлсам-ку, уялиб йўқ дердим-а, бу ерда ўқисам, зора овозимни отам эшитса, тирилай-тирилай деб турган бўлса, тезроқ тирила қолса деб ўйлаб дарров кўна қолдим.

— Овозимни сизникига ўхшатиб ўқийми?— сўрадим энажонимдан.

— Йўқ, Аҳмадқул бобонгникига ўхшатиб ўқигин.

— Вой, у бобом қори-ку?

— Сен қори бўлиб ўқийсан, тойлоғим. Бошлай қол, совқотиб қоляпмиз.

— Бисмиллоҳу раҳмонир раҳим,— деб овозимни Аҳмадқул бобонгникига ўхшатиб чиқардим,— алҳамду лиллоҳи раббил оламин ар раҳмонир раҳим, молики ёвмидин, иёка наъбуду ва иёка настаъин, ихидинас сиротал мустақима сиротал лазина ан амта алайҳим ғайрил мағзуби алайҳий ва лаззолин омин... бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, қулҳу облоҳу аҳад, облоҳу сомад, лам ялид валам ювлад, валам якунлаҳу куфуҳан аҳад... Буни бир марта ўқисаям бўлади, энажоним шундай деган. Субиҳо ника раббика раббил иззати аммо ясифун ва саломин алар мурсалима валҳамдуллилоҳу раббил оламина, облоҳу акбар... ўқиган дуомнинг савобини ўтган ҳамма боболаримга, ҳамма эналаримга, отишмада ўлган тоғаларимга, раҳматли отамга бағишладим. Илоё отамнинг гўри ёп-ёруғ бўлсин, тезроқ тирилиб, уйимизга келсин, илоё бувим энди ҳечам кетиб қолмасин, илоё ҳаммамиз бирга яшайлик, облоҳу акбар...

Ўқиганганимда кўзимнинг қири билан қор устида чордона қуриб ўтирган Шайхбобога қараб-қараб қўювдим, уям менга қараб-қараб қўяётган эди, тугатишим билан, шошилиб ёнимга келди-да, икки қўлтиғимдан олиб бошидан ҳам баландроқ кўтариб, Робиябиби, Тўхтавой ўлмабди, у тирик экан, мана у, деб сал пасайтириб, бувим мени кеча қандай соғиниб ўпган бўлса, ана шундай қилиб ҳамма ёгимдан ўпаверди. Оғзи жудаям катта экан. Бетимнинг ярми озғига кириб кетаверди. Яна тагин баракалла, баракалла, отагни соғинсанг, ҳар куни ўқий-

вергин, ўқийвергин, ўшанда отанг ҳечам ўлмайди, деган гаиларни ҳам айтди.

Кейин учқовимиз уйга қайтиб кетдик, келаётганда ҳечам йиғламадик.

ЭНАЖОНИМ АЙТГАН ЭРТАК

Бувим мени алдаб кетиб қолмасин деб ундап ҳеч ажралмайман, уйга кирса, уйга кираман, эшикка чиқса эшикка чиқаман, ҳой, этагимни қўйиб юбор, кетмайман, десаям ишонмайман. Энам бувинг ўзининг уйига бориб Ашир бувидан қолган етимларга қараса, савобнинг кўпи сенга тегади, жаннатга бўласан, дедди, мен жаннатга бормаيمان, ундан бувимнинг ўзи яхшийдикан, деб туриб оламан... Барибир, ўйнагани чиққим келаверди. Йўқ, ўйлашга эмас, йўқ, бувим сени кўриб дилим яйраб турсин деб, янги этигим, янги тўшим, янги дўпингни кийгизиб, вой асалим-ей, куёв бола бўп қолдинг-а деган эди, ана шу кийимларимни ўртоқларимга ҳеч бўлмаса бир марта кўрсатгим келаверди.

— Кетиб қолмайсиз, а? — деб сўрайман бувимдан.

— Кетмайман, дедиму, асалим, — дейди бувим, — ишонмасанг ўйнагани чиқмай кўя қол.

Чиқмай кўя қол деганига энди астойдил чиққим келиб қолди. Озгина ўйнайману дарров қайтиб келаман деб, тепалик ёнига қараб югурдим. Ўҳ-хў, қўрғончамиздаги жамики болалар чиқибди, сайил бўпти, сайилданам зўр бўпти! Катта болалар уйларидан яшириб гўшт олиб чиқиб, ўртага олов ёқиб кавоб пиширишяпти, хушбўй ҳиди ҳаммаёқни қоплаб кетибди. Бирам егим келди-ей. Султонани акам новдага илиб пиширган гўштни кўз-кўзлаб ҳам қўйяпти, яна егим келиб кетти! Тамшаниб-тамшаниб нарига борсам, вой-бўй, қизчалар ҳам чиқишибди-я. Барибир, тепадан пастга қараб сирпаниша олмайди-ку, ундан кўра бозиллаган сандалида маза қилиб ўтиришса бўлади ку, тўғрими?.. Вой-бўй, ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетган, қийқиришяпти, кулишяпти, думалашяпти, ҳеч бири меннинг янги кийимларимга қарамайди ҳам. Қарамаса қарамас, сирпансам бўлди-да, сирпангани чиққанман-да, тўғрими?

Энди уч марта сирпанган эдим Жамол акам, Раҳмонберди, бувинг катта кўчада орқасига қараб-қараб йиғлаб-йиғлаб кетяпти, тагин сени ахтариб юрган бўлмасин, деб қолди. А, дедиму анави қундагига ўхшаб бир нафас котиб турдим, кейин уйга қараб югурдим. Бувим йўқ! Қўйиништикка чиққандир, дейишяпти, ёлгон, ёлгон! Мо-

зор томонга қараб югурдим, бувим ҳамиша ўша томондан келарди. Додлаб югуравердим, югуравердим. Йўқ, бувижоним йўқ. Орқамдан, ҳой эсли ўғлим, деб энам югуришти, уч оёқлаб бобом ҳаллослаб келяпти. Барибир бувижонимни ўгай отамгайм, ўгай акаларимгайм бермайман энди. Керак бўлса ўзлари буви сотиб олишсин. бувижоним, менинг бувим-ку, у ўзи туққан, бобом туққан эмас мени, уйларига ҳам бормайман, борганимда менга бувимни беришмайди, менам бермайман энди. Бувижоним, асалим, кетманг, ҳечам кетманг, сочларингизни ҳидлаб ётаман, дуолар ўқиб бераман. Жон буви, бувижоним, кетсангиз яна етим бўп қоламан, етимча етти кулча деб масхара қилишади. Майли, бобом жой бермаса қочиб кетамиз, узоқ-узоқларга қочиб кетамиз, фақат ачомлашиб ухласак бўлди, юзларингизни слаб қўйман, ювинганингизда қўлингизга сув қуйиб тураман, бувижоним, ҳеч бўлмаса тепаликка қўл ушлашиб чиқайлик, сизни болаларга кўрсатай, менинг ҳам бувим бор, ҳамманинг бувисидан яхши, чиройли деб кўрсатай, қайтинг, қайта қолинг. Ҳидингизга тўймадим, асалим деб эркалашингизга тўймадим, елкамни силаганингизда хузур қилувдим, ўша ҳузурингизга тўйганим йўқ ҳали, жон бувим, қайтинг, мен дуолар ўқийман, отам тирилгунча ўқийман. Отинбиби айтди-ку, кўп дуо ўқилса, ўлганлар тирилади, деб. Кўрасиз, отам тирилиб келади, кейин ҳаммамиз қўл ушлашиб сайилларга борамиз, тепаликка чиқиб кабоблар пиширамиз. Катта болалар кабоб пиширишяпти-ку. Энди менам катта бўп қолдим-ку, жон буви, бувижоним, ҳаммапинг бувиси ўйинчоқлар беради, менга ҳеч ким бермайди, меники ҳамманикидан оз, бобом тапга пул беради-да, кейин эртасига бор, ўғлим, нос олиб келгин, сенга каттасидан бераман, деб яна алдаб олиб қўяди, энам мушкулкушод ўқигани борганида мени ичкарига олиб кирмайди, ташқарида, деразанинг тагида ўтириб эшитаман. Бувижоним кетманг, кетманг!..

Додлаб югуравердим, югуравердим. Охири Ваҳм кўчага етганда чарчаб йиқилиб тушдим. Мана шу қорлар бўлмаганда, оёғим ҳадеб сирпанавермаганда бувижонимга етиб олган бўлардим, энди қорларни муштлаб йиғлай бошладим. Битта опа чиқиб кўтариб олмоқчи бўлувди, қўлларини тишлаб олдим, эриниям итариб ташладим, юзига чангаллаб роса қор отдим. Нега бувимни тўхташиб туришмади, тўхташтишганда ҳозир ачомлаб олардим, нега мени ташлаб қочдингиз деб сўрардим, нега, нега тўхташтишмади? Энди бувимгайм ўғил бўлмайман, энам билан ҳам бирга ётмайман, сигир соққанида бузоқчасиниям уш-

лаб турмайман, бобомнинг соқолиниям тарамайман, ҳам-масиям ёмон экан, нега мени алдашди, нега?.. Қочиб кетаман, ажинаси йўқ, бўрилари йўқ даштларга қочиб кетаман. Кел, ўғлим, ярашайлик дейишса ҳам келмайман, ҳеч келмайман.

Ҳой боламлаб энам етиб келди, уч оёқлаб бобом етиб келди, қўшнилар чиқишибди, ҳаммасининг қўлини, оёқларини тишлаб олавердим, охири овозим чиқмай қолди, йиғлай десам кучим етмаяпти, битта амаки кўтариб уйимиз томонга юрувди, ўшанинг елкасига бошимни қўйиб ҳиқиллаб-ҳиқиллаб кетавердим, уйга келганимдай ҳиқиллашим ҳеч босилмади, ҳиқилламай десам ҳам ичимдан ҳиқиллаш келаверди. Энам сутли ош пиширган экан, ёлворсаям ичмадим. Энди спраям овқат емайман. Етишганда ёнларига чақришганди бормадим. Уйнинг бурчагига бориб ўтириб олдим, чироқни ўчиришганди, қоп-қоронғи бўп қолувди, энди кўрқа бошладим. Уйнинг мўрисида ажина тушиб мени ачомлаб олаётгандай бўлаверди... Майли, энам билан ҳозир ярашаман, эрталаб яна аразлайман, деб ўйладим-да, аста билдирмасдан бориб ённга кираётгандим:

— Кела қол, тойлоғим, кела қол,— деди бағрига олиб, елкаларимдан ҳам силаб,— ўзимнинг паҳлавоним, азаматим, совқотиб кетибсан. Эртақ айтиб берайми?

Эртақ эшитгим келдю шундай бўлсаям:

— Керакмас,— дедим. Шундай дедим-у, э айтмасам бўларди, дедим яна ўзимга ўзим.

— Уйқунг келяптими?

— Энди ҳечам ухламайман.

— Қорнинг ҳам очгандир, қатлама бор, ейсанми?

— Мен энди ҳечам овқат емайман, ўлгунимчаям емайман, барибир эртага қочиб кетаман, ажинаси йўқ жойларга қочиб кетаман.

— Қўй тойлоғим, ярашайлик, биламан, хафа қилиб қўйган кунларим эртақ айтсам ярашиб олардик... қулоқ сол, мана бошляпман...

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда шу ўзимизнинг Фарғона томонда Шоҳмалик исмли бир подшо бўлган экан. Унча адолатли ҳам, унча адолатсиз ҳам, унча золим ҳам, унча раҳмдил ҳам эмас, бир кун зулм қилса, бир кун шафқат қиларкан. Шоҳмаликнинг бир отбоқари бўлиб, унинг оиласида бир қиз дунёга келибди, унга Гулираёно деб исм берибдилар. Ўзи ҳам раъногулдай чиройли экан. Кун ботибди, ой чиқибди, ой ботибди, кун чиқибди. Кунлар, йиллар ўтиб Гулираёно вояга етибди. Худои таоло унга шундай бир ҳусн ато қил-

ган эканки, ўн олти ёшга етганда ҳусни жамолининг, ақлу фаросатининг овозаси оламга етибди. Шоҳмалик қизга ошиқ бўлиб, совчи қўйиб, унашар қилиб, ниҳоят қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бериб уйланибди. Гулираънога подшоннинг Донишзамон исмли вазири ҳам зимдан ошиқ бўлиб юрган экан тилини тишлаб қолибди. Тилини тишлабдию, лекин алами ичида экан, Шоҳмаликдан ҳам, Гулираънодан ҳам ўч олишнинг пайда юраркан... Бир кун Шоҳмалик уйқудан турса, кавушининг ичида, шаҳаншоҳим, ҳушёр бўлишг, саройда фитна тайёрланмоқда. Фитнага суюкли хотинингиз бош-қош, деган ёзув турганмиш. Шоҳмалик вазири Донишзамонни чақириб маслаҳат солган экан, вазири, шаҳаншоҳим, бу балодан тезроқ қутулиш керак, шундай жазо белгилангки, бошиқа фитначиларга сабоқ бўлсин, дебди.

Шоҳмалик вафосизлик қилган суюкли хотинини саҳрога олиб бориб отнинг думига боғлаб судратишни, гўштлирини нимта-нимта қилиб ташлашни буюрибди. Гулираъно фарёд чекиб, шоҳим, ичи қора вазиригиз менга зимдан ошиқ эди, ўшанинг ўчини олаяпти деса ҳам шоҳ унинг гапига қулоқ солмабди. Аммо жазолаш учун борган навкар раҳмдил ҳам шафқатли экан. Шундай гўзал ва оқила қизнинг бевақт нобуд бўлишини истамай саҳрога чиққач, маяккам, жонингиз ўзингизга садақа, Худо ёр бўлсин, омон қолсангиз трикликнингизни ҳеч ким билмасин, акс ҳолда менинг ўзимни отнинг думига боғлаб ўлдиринилади. Донишзамон кўп хавфли одам, ундан эҳтиёт бўлишингиз керак, депти.

Алқисса, Гулираъно кимсасиз саҳрою биёбонда яккаю ёлғиз қолибди. Якканинг ёри худо деб ёрдамни яратганининг ўзидан сўраб тавалло қилибди. Кун чиқар томонга қараб юраверибди, юраверибди. Донишзамоннинг айғоқчиларига дуч келиб қолмайин деб тунда йўл босиб, кундузи беркиниб ётар экан. Юра-юра чўпонларнинг ташландиқ, хароба уйига дуч келиб, ой-кунни етиб турган экан, ўша ерда кўзи ёрибди. Худои таоло унга қўчқордай ўғил ато этибди, елкасида учта холи бор экан. Онаизор унга Холдорбек деб исм берибди. Бир кун ётибди, икки кун ётибди, она аста-секин ҳолдан кета бошлабди, бунинг устига шу атрофлардан гоҳо-гоҳо Гулираънонинг майдаланган гўшти суякларини ахтариб топиш учун зolim вазиригиз навкарлари ҳам от чоптириб ўта бошлабди. Зolim, ичқора вазир барибир мени ўлдирди, ҳеч бўлмаса болам омон қолар деб Гулираъно Холдорбегини йўрғакка ўраб, қимматбаҳо тақинчоқларини ёнига қўйиб, бирларча қотозга ўғлимга Холдорбек деб исм берганман,

деган ёзувни ёзиб, болам, энди сени Худога топширдим, дея кўз ёши тўкиб, эй золим вазир, кел, ўлдира қол дея сахрога чиқиб кетибди.

Алқисса шу атрофда бир қишлоқ бўлиб, бошқалар қатори бир кампир ҳам яшаркан. Биттаю битта соғин эчкиси бўлиб, элнинг подасига қўшиб сахрога ҳайдаб тураркан. Бир куни эчкисининг эмчагида сут йўқ бўлиб қолибди. Вой ўлмасам, эчкиэмар эмдимикан, деб ўйлабди кампир. Эртасига ҳам, индинга ҳам шу ҳол такрорланаверибди. Кампир эчкисининг орқасидан пойлаб яйловга борибди. Қараб турса, бир чордеворхонага маъраб кириб кетаётган эмиш. Орқасидан борса, э тавба, эчки энгашиб йўрғакда ётган чақалоқни эмизаётган эмиш. Чақалоқ шоҳи-кимхобларга ўралган эмишу ёнида таллайгина олтин тақинчоқлар ҳам турганмиш. Ҳай, бир фалокат юз бергандир, деб кампир чақалоқни уйига келтириб, ювиб-тараб, қайтадан йўрғаклаб атала пишириб берса ичмасмиш, сигирни сутини берса ичмасмиш, эчкисини соғиб берса, қулт-қулт қилиб ютармиш. Тўрт ёшга етгунча қишлоқда қанча эчки бўлса ҳаммасининг сутини шу чақалоқ ичибди. Етти ёшга етганда кампир уни ёнига ўтқазиб, болам, сенга бор ҳақиқатни айтишим керак, деб бўлган воқеани сўйлаб, мана бу узук онангдан ёдгорлик, онанг сенга Холдорбек деб исм бериб кетган экан, лекин мен сени сахродан топиб олганим учун Сахробек деб атаб юрибман, дебди.

Кун ботибди, ой чиқибди, ой ботибди, кун чиқибди, шу йўсин кунлар бир-бирини қувлаб ўтаверибди. Сахробек кучга тўлгандан тўлиб бораверибди. Ун ёшида калладек тошни соққа қилиб ўйнаркан, ўн бир ёшида отнинг думидан тортса, олдинги оёғини кўтариб юбораркан, ўн икки ёшида тоғдан тегирмон тош кўчиришса, елкасида кўтариб келаркан. Бир кун шаҳарга бориб бозор айланишибди, бир растада қилич, қалқон, ўқ-ёйлар савдоси бўлаётган экан. Сахробек қилични қўлига олиб, бир серпиган экан чўрт узилиб кетибди, ёйни тортиб кўрмоқчи бўлган экан, уям тарс узилиб кетибди. Савдогар пулини тўла деган экан, калава сотиб кун кўрадиган бир муштипар кампирда шунча пул бўлармиди деб, кампир йиғлашга тушибди. Жанжал чиқибди, тўс-тўполон кўтарилибди. Оқ от миниб бозор айланиб юрган шаҳар ҳоқими жанжалнинг устидан чиқиб қолибди. Воқеадан хабардор бўлгач, узилган қиличу ёйнинг пулини тўлаб, кампир билан ўғлини саройга олиб кетиб, фарзанди йўқ экан, Сахробекнинг куч-кудратига қойил қолиб, уни ўзига ўғил қилибди. Қирқ кун тўй-томоша берибди.

Саҳробек қилич чопишни, ёй тортишни, палаҳмон отиш-ни ўрганиб, ҳокимнинг навкарларига саркарда ҳам бўлибди.

Алқисса, кунлар соққадай думалаб ўтаверибди, қазо кунн етиб ҳоким оламдан ўтгач, Саҳробек ворис эмасми, шаҳарнинг ҳокими бўлиб қолибди. Бу шаҳар Шоҳмалик подшоллигига тобе экан, олиқ-солиқлар ҳаддан ташқари кўп экан, уй солиғи, қўй солиғи, той солиғи деб элнинг тинкасини қуритишаркан. Саҳробек ўзининг куч-қудратига, навкарларининг маҳоратига ишонганидан уч йилгача шоҳ хазинасига ўлпон тўламабди. Божу хирожни тезроқ тўла деб чопар устига чопар келармиш. Саҳробек ожиз ва мутеъ одамлар солиқ тўлайди, эй шоҳ, зўр бўлсанг, кел, солиқни ўзинг йиғиб ол, деб нома жўнатибди. Тобе шаҳарнинг ёш ҳокими қилган бу беадаблик шоҳни даргазаб қилибди. Қўшин тортиб шаҳар устига юриш бошлабди. Саҳробек шаҳар атрофига хандақ қазиб, билдирмайдиган қилиб похол босиб қўйган экан. Шоҳмалик аскарлари урҳо-ур деб келатуриб, хандақлар ичига тушиб кетган экан, нойлоқда турган одамлар ўт қўйиб юборишибди. Сарбозларнинг бир қисми ўтда куйиб қабоб бўлибди. Қолганлари каттароқ қўшин билан яна қайтиб келармиз деб орқага кетаётган экан, саҳродаги қумлар ичида беркиниб ётган навкарлар уларни қуршаб, қиличдан ўтказа бошлашибди. Вазир Доншзамон ҳам Шоҳмалик билан бирга келган экан, қараса, шоҳнинг кунн битаётгандай, қуршовдан чиқишнинг ҳеч иложи йўқдай, бордию шоҳни ўлдириб, бошини олиб чиқсам, э паҳлавон ҳоким, мен ҳамини сиз тарафда эдим, бу золимдан қутулишининг иложини тополмай юрган эдим, ўлдирдим, мапа унинг боши десам, зеро жонимни қутқариб олсам деб ўйлабди. Саҳрода ўтов тикишган экан, қоронғи тушинини бетоқат кута бошлабди. Шом пайти экан, Шоҳмалик памоз ўқигани жойномозга ўтирганда баттол вазир орқасидан пусиб келиб, елкасига ханжар урибди. Иккинчи бор уришга чоғланаётганда ўтовга шиддат билан Саҳробек кириб келиб, тўхта, мард йигит ётган кишинга ханжар урмайди, пусиб ханжар уриш номардининг иши деб, бир ҳамла билан вазирнинг қўлидаги қонли ханжарни уриб туширибди. Оғир пайтда ўз шоҳига хиёнат қилган вазир бегонага ҳеч қачон вафо қилмайди, дея уни шу заҳотиёқ ўлимга буюрибди.

Шоҳмалик уч бора туш кўрган экан. Ҳар гал тушида оқ салла ўраган, малла чопон кийган бир авлиё пайдо бўларкан-да, илон қўйинида, ўғлинг қутқаради дегану яна кўздан гойиб бўларкан. Шоҳ кўрган тушига

ҳеч таъбир тополмай қийналиб юраркан. Негаки, фарзанд кўрмаган экан. Ҳозир ўтов ичида бандиликда ётиб, қаршисида турган мағрур саркардага тикилиб, шулар ҳақида ўйлабди. Ўйлай-ўйлай охири, э голиб йиғит, мен асирингга бор ҳақиқатни айт, мабодо онаизорингнинг оти Гулираъно эмасмиди, деб сўрабди. Саҳробек шоҳга яқин бориб, бармоғидаги узукни кўрсатибди, узукнинг кўзига Гулираънога Шоҳмаликдан деган ёзув битилган экан. Шоҳмалик дод дебди-ю, ерга йиқилиб тушибди, бошини кўтариб, ўғлим, ўғлим, дея ява ўздан кета бошлабди.

Алқисса, энди гапни бечора она Гулираънодан эшитинг...

Шундай қилиб онаизор гўдагини чордеворхонада қолдириб, кўксини йиртиб йиғлаб, золим вазирнинг таъқибидан қочиб, бир кун юрибди, икки кун юрибди, охири ҳолдан тойиб йиқилибди. Нарироқда қабристон бор экан, ўлсам ўша ерда ўлай, мурдам ташқарида қолмасин, дея судрала-судрала мазористонга кирибди-ю, янги бир қабр бор экан, ўшани қучоқлаб, вой болам, Холдорбегим, дейишга ҳам ҳоли келмай ҳушидан кетибди. Яқин ўртада бир чўпон яшаркан. Хотини илон чақиб ўлган экан. Ҳар куни эрталаб икки ўғлини эргаштириб, қабристонга фотиха ўқигани келишаркан. Эрталаб яна келишса, оналари тирилиб, қабрнинг устига чиқиб, беҳуш ётган эмиш. Онажон, дея қичқириб юборишибди ўғиллари. Суюклигим, вафодорим, деб додлабди оталар. Кейин беҳуш ётган Гулираънони кўтар-кўтар қилиб кулбаларига олиб кетиб, оналарининг исми Гулбодом экан, шу ном билан атай бошлашибди. Гулираъно исми ўзгарганига хурсанд бўлибди, энди худо хоҳласа, золим вазирнинг таъқибидан қутуламав, деб ўйлабди.

Халоскор чўпонга ёр, ўғилларига меҳрибон она бўлибди. Аммо жигарбанди Холдорбегини ҳеч унута олмас экан, суриштира-сурштира охири кампирнинг уйидан уни толибди, аммо мен сенинг онанг бўламан, сеп шонинг ўғлисан деёлмабди, золим вазирнинг айғоқчилари билиб қолшса албатта ўлдириб юборади, деб қўрқаркан. Соғинганда гадой кийимини кийиб, гоҳ кампирнинг эски эшигига, гоҳ ҳокимнинг ҳамшаматли дарвозасига яқин бориб, тиланчилик қилиб:

*Оқ сут бериб боқолмадим
Дийдорига гўёлмадим,
Эркам дея суёлмадим,
Саҳрода қолган болам,— дея зорланаркан.*

Кўрса яхши, кўролмаса яна йиглаб-йиглаб қайтаркан.
Қайтаётганда:

*Завол кўрма, униб-ўсгин,
Золимларнинг йўлини тўсгин,
Зулмкорнинг қўлини кесгин,*

Саҳрода қолган болам, — деб яна йиғларкан. Умри йиглаб, зорланиб, интизорликда ўтаётган экаи, соғиниб борсаю, кўролмаса, кўрганда ўғлим дея айтолмаса, оналар учун бундан оғир азоб бўлмас экан.

Оғир яраланган Шоҳмалик ўлими олдидан жамики вазиру вазароларни, ҳокиму ҳакамларни чақириб, Саҳробек менинг қонуний ўғлим бўлади, тахтимнинг вори-си у, подшолик салтанатини унга топширдим, дея фармони олий эълон қилиб, бутун юртга жар чақиртирибди. Онаизор шоҳнинг ҳашаматли дарвозаси ёнига келиб:

*Оқ сут бериб боқолмадим,
Дийдорига тўёлмадим,
Эркам дея суёлмадим,*

Саҳрода қолган болам, — дея йиғлайверибди.

Мулозимлар товоқда тилла олиб чиқишган экан, тилло менга керакмас, подшо бўлган Холдорбек ўғлимни бир бора кўрсам бас, дебди.

*Елкасида уч холи бор,
Кундай жамоли бор,
Тақдирида камоли бор,*

Саҳрода қолган болам, — дея яна йиғлабди.

Мулозимлар кириб Саҳробекка таъзим қилиб, бўлган воқеани айттишган экан, елкамда уч холим борлиги, асли исмим Холдорбек эканлигини ўзимдан бошиқа ҳеч ким билмас эди-ку, деб ўйлаб, гадоё аёлини ҳузуримга келтиринг. дея фармон берибди. Олиб киришгач, э, онаизор, сиз ким бўласиз? Менинг исмим сизга қандай аён бўлган, деб сўрабди. Гулираъно йиғлашдан тўхтаб, болам, болагинам, менинг кимлигим бармоғингдаги узукка ёзилган, дебди. Йигит узук кўзпандаги Гулираънога Шоҳмаликдан деган ёзувга кўзп тушиши билан онам, онажоним, дея қичқириб-юборибди.

Шундай қилиб эртақ ҳам охирига етай деб қошти. Чўлдаги халоскор чўпонни хурмату эъзоз билан олиб келиб, жамики чўпонларга юзбоши қилиб тайинлабди. Унинг икки азамат ўғлини навкарликка олишибди, муш-

типар онани яна Гулираъно деб, Сахробекни Холдорбекшоҳ деб атай бошлашибди ва ҳаммалари яхши яшаб муроди мақсадларига етишибди.

ЭШОН БОБОМНИ ҚАМОҚҚА ОЛДИЛАР

Энди кунлар сал-пал исиб, офтоб ҳам чарақлаб чиқиб, қорлар эриб, кўчалар билч-билч лой бўлиб қолди. Мен билч-билч лойни жуда ёмон кўраман. Энам этигингни лой қилиб қўясан, деб кўчага ўйнатгани чиқармайди. Сандалда ўтираверсам зерикиб кетаман, ўйинчоқларимни ўйнагим келмай қолади. Бугун эрталабданоқ офтоб яна чарақлаб чиқди. Осмондан тушаётган нурга кафтимни тутиб кўрган эдим, илиққина экан. Ўйинчоқларимнинг ичида шипанинг синиги бор эди, ўшани олиб чиқиб юзасига нур тушириб ўйнайман деб турувдим, бобожоним кел, ўғлим, молларни офтобчувоққа олиб чиқайлик, молхонани бир шамоллатайлик деб қолди. Тўйимга атаб боқаётган шохи узун новвосимизни эндигина олиб чиқиб айвонга боғлаётган эдик, кўча эшигимиз тақиллаб қолди. Югуриб чиқсам иккита тўн кийган битта амаки тўрган экан. Бошидаги қулоқчини ҳам ғалати, битта қулоғи пастга, битта қулоғи тепага қараб турибди.

— Отанг уйдами? — деб сўради.

— Вой, отам ўлган-ку, — дедим.

— Кимнинг боласисан?

— Бобомнинг боласман, — дедим шошилиб.

— Чақир дарров, — деди амаки мендан ҳам баттар шошилиб.

Бобом чиққан эди, Бўрҳовузнинг олдида дарров етиб боринг, деди. Ижроқўм бобо, начайник бобо, милиция амакилар келган эмиш, зарур, жудаям зарур гап бор эмиш, бормаса иш чатоқ бўлармиш... Бобом жўнаган эди, орқасидан энамнинг, ҳой қайт, ҳаммаёғнинг лой бўлади дейишига қарамай, мен ҳам югурдим. Уйда ўтириб бўлман энди, зерикиб кетдим-ку, уёқда зарур, жудаям зарур гаплар бўлса, мен эшитмай қолар эканман-да, ҳечам-да!

Бўрҳовуз қўрғончамизнинг ўртасида. Сув яхши тўхтасин деб тагини бўрлаб қўйинган, шунинг учун бўрҳовуз дейишади. Атрофида ҳар хил уйлар кўп, сартарошхона, чолбувалар яшириб намоз ўқийдиган жой, сал нарида тобутхона ҳам бор. Хў бирда Ҳайитвой, Дилижон, Раҳимберди — ҳаммамиз тобутхонага билдирмасдан кириб павбати билан тобутда ётиб кўраётган эдик.

чолбоболар роса уришиб беришган... Келсак, вой-бўй, Бўрҳовуз ёнидаги майдончада шунақа одам кўп тўпланибдики, чолбоболар, амакилар, катта болалар, Ҳайитвой, Дилижон, Абдураҳим — ҳамма-ҳаммаси шу ерда экан. Мелиса амакилар от миниб туришибди, битта эмас, учта экан. Учовини ҳам оти зўр, ҳў эртақларда бўладиган, ҳалиги, девлар минадиган отлар бўлади-ку, ўшанақа отлар. Яна бир жойда тик турмай, олдинги оёғи билан билчиллаб турган қор аралаш лойни тарашлаб-тарашлаб ҳам қўйишяпти.

Эҳ, мени ҳам шунақа битта отим бўлганда эди, катта бўлганимда миниб роса мазза қилардим-да. Кеч келганимиз менга жуда алам қилди. Иккита тўн кийган қулоқчинли амаки нега бизни эртaroқ айтмадийкин, қизиқ-қизиқ гаплар бўлгандир, эсизгина, ҳаммасини эшитиб олардим. Вой, ижроқўм бобонинг келгани ҳам рост экан. Мен уни дарров танидим. Итёқа пальто кийиб олганиданмас, бунақа пальто ҳозир қишлоғимизда жуда кўп. Йўқ-йўқ, қоп-қора мўйлови буралпб-буралиб қулоғининг орқасига ўтиб кетганидан танидим.

— Силар қачон келдиларинг?— деб сўрадим Ҳайитвойдан.

— Аллақачон келганмиз,— мақтанди ўртоғим.

— Сайил бўлармикан?

— Йўқ, Эшон бобо қочиб кетибди, ўшани ушлагани келишибди, ким айтса мукофот оларкан.

— Вой,— дедим кўрқиб,— Эшон бобо бизникига боргани йўқ-ку.

— Бизникига ҳам боргани йўқ,— деб шивирлади Ҳайитвой ўртоғим.

Мелиса амакилар, ижроқўмбобо ҳудди менга тикилиб қарашаётгандек бўлаверди. Қалтирай бошладим, йўқ, совқотганданмас, кўрққанамдан қалтирай бошладим. Шошилди бобожонимнинг орқасига ўтиб, чакмонига бетини ўраб, мўралаб турдим. Мен Эшон бобомнинг арвоқини кўрувдим. Шунини сезиб қолишган бўлса-я, деб кўрқа бошладим.

— Гап шу!— деди оқ от устида турган мелиса амаки кўлидаги қамчисини ўйнатиб,— зараркунанда Эшон давлатнинг зотдор чўчқаларини ўлдириб, ҳукуматга зарар етказган. Чўчқа ўз боласини еб қўйди деб баҳона қилган, ёлғон! Зарарни тўлаш ўрнига мелисахонани тешиб қочиб кетган. Ҳукуматнинг кўли узун, қаерда бўлса ҳам албатта ушлайди... Маълумотимизга кўра, Эшон бир неча кундан буён Кўрғончадаги ўзига ўхшаган жиноятчиларнинг уйида беркинпб адолатли ҳукуматимизга қарши

тескари ташвиқот олиб бормоқда. Унинг қаердалигини айтасиз, айтмасангиз ҳаммангиз қамаласиз.

Ижроқўмбобо битта амакининг олдига келиб:

— Айт!— деди.

— Билмайман,— деди амаки орқасига тисарилиб.

— Биласан!

— Тепамда Худо бор, билмайман.

— Ҳозир айтасан, бўлмаса савалайман.

— Саваласангиз, савалайверинг, замон зўрники ҳо-

зир:

Ижроқўмбобо амакининг елкасига қамчи билан енгилгина уриб, энди Аҳмадқул бобомнинг катта ўғли ёнида тўхтади:

— Хўш, сен ҳам билмассан?

— Худо хоҳласа билмайман,— жавоб қайтарди Аббосхон амаким.

— Уйингда ётиб юрган экан-ку?

— Худо хоҳласа ётгани йўқ.

— Худони ўртага солма!

— Худодан бошқа ҳимоячимиз йўқ, ижроқўм.

— Мана сенга бўлмаса, мана, ит эмган!

Ижроқўмбобо Аббосхон амакини энди икки қамчи урди, хайрият, қаттиқ урмади, бўлмаса, роса оғриган бўларди-да.

Агар мени урганда, агар мен ҳам Аббосхон амакидек катта йигит бўлганимда қўлидай қамчисини тортиб олиб ўзиниям роса савалаган бўлардим. Йўқ, рост айтяпман, мени ҳеч ким уролмайди, урса қўлини ҳам, бетини ҳам тишлаб олаверамай.

Оқ от миниб турган мелиса амаки энди яна гапира бошлади. Агар кимда-ким қочоқ Эшон бобонинг қаердалигини айтса бир йиллик солиқдан озод қилинар экан, Сталин бобонинг катта сурати совғага берилар экан. Одамлар бошини солиптириб жим тураверди, бобом иккимиз ҳам жим туравердик. Вой, яна иккита мелиса амаки бор экан, от чоптириб улар ҳам келиб қолишди. Ҳозир гапираётган амакининг олдига келиб:

— Ахтариб кўрдик,— дейишди.

— Сандиқларини ҳам очдиларингми?— деб сўради оқ отли амаки.

— Ҳа, очиб кўрдик.

— Томидаги бедасини-чи?

— Уларни ҳам титкилаб ташладик.

— Ландовурлар. Ким ўзарга от чоптиришни биласан холос,— деб уришди оқ отли амаки,— борларинг,

бошқа ҳовлиларни ҳам қаранглар... кўчаларга қоровул қўйганмисан?

— Қўйганмиз, қишлоқ ўраб олинган, қуш ҳам учиб чиқолмайди.

Келган мелиса амакилар энди бизнинг уйимиз томонга қараб от чоптириб кетишди. Бизникига ҳам киришса-я, вой, кирганлари билан бари бир Эшон бобом бизникида йўқ-ку. Йўқ бўлгандан кейин топишолмайди, тўғрими?.. Бечора Эшон бобом-ей, энди у кишига раҳми кела бошлади. Ўша куни бизникига келганида арвоқ эмас эканлар-да, ўзлари экан-да, энажоним бировга айтиб қўймасин деб шундай деган экан-да... бечора Эшон бобом-эй, ушлаб олишса уришади энди...

Аста бобомнинг этагидан тортиб:

— Кета қолайлик, — деб шивирладим.

— Бор, ўзинг кета қол, ўғлим, — деб шивирлади бобом ҳам.

— Йўқ, қўрқаман.

— Қўрқма, ўғлим.

— Ҳаммангни қамайман деяпти-ку, юринг кета қолайлик, сизни ҳам қамаб қўйишади, кейин энам икковимиз йиғлаймиз.

— Сабр қил, ўғлим. Барибир кетгазгани қўйишмайди, сабр қил...

Ўртоқларимнинг олдига ўтай, гаплашиб туриб томонга қиламиз деб ўйладиму, кейин дарров, йўқ, ўтмайман, ўтсам Эшон бобомни сомонхонамизда кўрганганимни айтиб қўяман, айтмасам ҳам ўзлари кўзимдан билиб олишади деб дарров фикримдан қайтиб, оқ от минган амаки менга қараяптимикан, йўқмикан, деб мўралаб уни кузата бошладим. Йўқ, қарамаяпти экан. Ижроқўмбобо билан маслаҳат қилишяпти. Шу пайтда одамларни уёқ-буёққа итариб Ражаб камсомол билан Юсуф камсомол кириб кела бошлади. Ўҳў, улар жуда зўр, ҳамма қўрқади. Рансбобо ҳам, ижроқўмбобо ҳам, жамики амакилар ҳам қўрқишади. Кўчада дуч келиб қолса, ўшалар ўтиб кетгунча деворга қисилиб туришади. Бўлмаса катталарга чақиб беришар экан-да. Чақув тушса ўша амакиларни дарров қамаб қўйишар экан.

— Нотўғри ахборот берибсиз-да, ўртоқ, — деди оқ от минган амаки.

— Ахборот тўғри, — деди Юсуф камсомол, — мен бу қочоқ, тескари тарғиботчиннинг изига тушганимга ўн кун бўлди. Бугун у боғда пайдо бўлса, эртага бу боғда пайдо бўлади. Охири яширинча намоз ўқийдиган жойларни аниқладим. Қамбарали чолнинг, ана, ўзиям кўзини чақ-

чайтириб турибди, менга уақа қараманг, сиздан қўрқадиган жойим йўқ, мен ҳукуматнинг одами бўламан... ана шу чолнинг боғида кўримсизгина уй бор. Уша ерда намоз ўқишади. Ҳа-ҳа, қочоқ шу ерга албатта келади дедим-да, кечаси билан ухламай пойладим... Ҳе, чол, менга уақа қарама, сен билан тегишли жойда гаплашиб қўяман... Кейин чоллар йиғила бошлади. Охирида қочоқ Эшон шошилиб келиб, қулогини ушлаб Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар деб азон айта бошлади, паст овоз билан айтди... Кейин қишлоққа бориб, жин аравамга миниб сизга маълумот етказдим. Гап шу, ушлайсиз. Ушламасангиз билиб қўйинг, сизнинг устингиздан ҳам тегишли жойга маълумот берамиз...

Ҳамма жим эди, бобом иккимиз ҳам жим туравердик. Одамлар энди бошларини баттарроқ эгиб олишди, биз ҳам баттарроқ эгиб олдик. Ҳайитвой ўртоғим ёнимга келиб:

— Қулогингга битта гап айтаман,— дея шивирлади. Қулогимни оғзига яқинроқ тутган эдим:

— Эшон бобомни мен кўрганман,— дея шивирлади.

— Қачон?

— Кеча.

— Қаерда кўрувдинг?

— Товутхонада ётган экан.

— Қандай қилиб кўрдинг, мен кўрганым йўқ-ку?

— Отам қоронғуда овқат олиб келганди, орқасидан секин пойлаб келиб кўриб олдим.

— Шу гапларни ижроқўмбобога айтасанми?

— Йўқ, айтсам мени ҳам қамаб қўйишади.

— Менга нега айтдинг бўлмаса?

— Сен ҳам менга битта гап айтгин-да, сенда қизиқ гап кўп-ку.

— Ҳозир ҳеч ҳам қизиқ гапим йўқ,— деб шивирладим. — Қизиқ гап айтсам, уйимиз куйиб кетади, молларимиз ҳам қуяди... Эшон бобомнинг арвоҳини ҳам кўрганым йўқ, билдингми...

Ўртоғим билан пичирлашиб сўзлашаётганимизда оқ от минган амаки бошқалар билан нима тўғрисида гаплашаётганини эшитолмай қолдим, жуда алам қилди. Энди бобожонимнинг олдига ўтиб ҳамма гапларни астойдил эшита бошладим. Эшитганларимни уйга борсам энамга ҳам айтиб бераман, деб ўйладим. Эй, энам ҳам келса бўларкан, орқада тўн ёппинган эналар турибди-ку, энам ҳам тўнини ёппиниб тураверади-да.

Оқ от минган амаки Юсуф камсомолдан намозга борган чолларни талиб олганмилинг, қани менга кўрсат-чи,

девди, камсомол амаки олдинга чиқиб даврани айланиб бу, мана бу, мана буниси ҳам деб қўлидаги қамчиси билан чол боболарни кўрсатаверди. Кейин Матмуса бобо, Қамбарали бобо, Эшонқул бобо, Аҳмадқул бобо, ўзимнинг бобомни ҳам қўшиб ўртага олиб чиқишди. Қўрқиб кетдим, жуда ҳам қўрқиб кетдим. Бобожонимни қамаб қўйишса-я, унда энам икковимиз нима қиламиз, кечаси ухлаганда қўрқамиз-ку, деб ўйладим. Кейин энажоним ўргатган дуоларни пичирлаб ўқий бошладим. Эй худо, бобожонларимизни қамашмасин, деб пичирлаб турдим. Йиғлагим кела бошлади. Йиғласам Эшон бобом бизникига борганини билиб қолпшади, деб йиғламасликка ҳаракат қилдим.

Оқ отли амаки отдан тушиб, жиловини шеригига ушлатиб, янгигина мойланган, қўпжи узун хиром этиги бор экап, ўша лой бўлиб қолади деб отидан тушмаётган экан-да, қўлидаги дастасига кумуш қадалган чиройли, жудаям чиройли қамчиси билан ўша этигининг қўнжига секин-секин уриб, ўртада ғуж бўлиб турган боболарга яқинлашиб:

— Хўш, отахонлар,— деди.

Боболар индашмади.

— Жам бўлиб намоз ўқиш тақиқланган-ку, билмас-мидиларинг?

Боболар билишмас экан, жавоб қайтарпшмади.

— Қочоқ Эшонни қаерга беркитдиларинг?

Боболар яна жим тураверишди.

— Гапирасизларми, йўқми?

Йўқ, яна гапирпшмади, бошларини эгиб тураверишди.

— Нима бало, соқовмисан ҳамманг!— амаки шунақа қаттиқ бақириб ер тепиндики, атрофга лой сачраб кетди. Кейин савол бераверди, бераверди. Бобожонлар ҳам жим тураверишди, тураверишди. Одамлар ҳам жим, мен ҳам жим туравердик. Охири амаки, ҳой ижроқўм, бу соқовлар билан ўзинг гаплаш. Эшонни топасан, топмасанг ўзингни қамайман деб тезгина бориб отига миниб олди. Оёғидан зах ўтгандир-да, ер лой-ку, тўғрими? Мана, мени ҳам оёғим совқотаяпти-ку.

Ижроқўм ҳассасига кўкрагини тираб, энгашиб турган Эсонқул бобомнинг ёнига келиб, отахон, бугун намозга борибмидингиз деб юмшоққина қилиб, эркалатиб, салпал кулиб ҳам туриб сўради.

— Бордим нима-ю,— деб Эсонқул бобо бир оз ўйлашиб қолди,— бормадим нима, сенга барибир эмасми, болам?

— Айтинг, бордингизми, йўқми?

— Бордим десам мукофот берасанми?

— Бераман, отахон, албатта бераман.

— Ўша мукофотни ўзинг олиб уйингда тинчгина ўтирсанг бўлмайдеми, болам?

— Намоз ўқидганларингда Эшон бугун имомликка ўтдимми, йўқми деб сўраяпман, отахон, гапга тушунсангиз-чи.

Эсонкул бобом қаддини ростлаб, бошини баланд қўтариб шохдор ҳассасини қўлига ушлаб:

— Ҳой, Марифхўжа,— деди баланд овоз билан,— бобонг раҳматли Хўжайи Писта масжидининг сўфиси эди. Эртаю кеч томонини қириб, қулоғини чўзиб азон айтгани-айтган эди... Ўзингнинг қулоғингга азон айтмаган экан-да... Хон Эшон ҳазратлари мана шу кичкина юрти-мизининг имоми ҳам имони эдилар. Худога шукр ўша кишининг шарофати билан одамга ўхшаб юрибмиз, бўлмаса қип-қизил ҳайвон бўлиб қолардик, эшак бўлардик, эшакни кўпайтиришдан сенинг мақсадинг нима ўзи... Нарн тур, кетаман, оёғимдан зах ўтиб кетди.

— Қайтаринг!— буйруқ берди оқ отли амаки,— Эшон топилмагунча ҳеч кимга рухсат йўқ.

Ижроқўмбобо энди Қамбарали бобони сўроқ қила бошлади. Йўқ, сўроқ қилишдан олдин, эй эси йўқ чол, ўз уйида яширинча масжид очган одамга жуда катта солиқ солинишини билмас экансан-да, деган гапларни айтиб олди. Кейин, Эшонни қаерга беркитдинг, деб сен-спраб гапирга бошлади.

— Беркитганим йўқ,— деди Қамбарали бобом.

— Беркитмаган бўлсанг, қаерда у?

— Билмайман.

— Билсан!.. Сенга шундай катта солиқ соламанки, тўлагунча букри белинг чиқиб кетади. Айт, Эшон қаерда?

— Билмайман дедим-ку.

— Маана сенга бўлмаса, маана!..—Ижроқўм Қамбарали бобонинг бошига, елкаларига қамчи билан савалай кетди. Одамлар ў-ў-ў-ў деб юборинди, ҳалиги шамол келганда бошоқли бугдойлар уёқ-буёққа тебранади-ку, ўша-лақа бўлиб чайқалиб кетишди. Орқада турган опалар йиғлагандек бўлишди, мен ҳам йиғлаб юбордим. овозимни чиқармасдан йиғладим. Битта амаки, мен уни танийман, Дадахон ўртоғимни отаси у, шошилди келиб ижроқўмнинг қўлидаги қамчини тортиб олиб, оқ отли амакига қараб, ҳурматли бошлиқ, Эшон ҳазратлари 20 та чўчқани ўлдирган бўлса майли, биз товон тўлайлақ, 20 та қўй берайлик, девди, отлиқ амаки бу йигит ҳам жиноят-

чига шерик экан, ушланглар, деб буйруқ берди..

Ижроқўм Аҳмадқул бобомнинг олдига келиб қалин қошларини кериб:

— Хўш,— деди.

— Нега хўш дейсан, мен хўкиз эмасман-ку!— деди Аҳмадқул бобом.

— Хўкиздан ҳам баттарсан.

— Икковимиз бир қўш бўларканмиз-да. Ҳа-ҳа... Ба-хорга чиқиб ер ҳайдарканмиз-да. Ҳа-ҳа.

— Тилпингни тий, пакана!

— Пакана дема мени, мен сендан новчаман, кел бўйимизни ўлчашиб кўрамиз.

— Эшон қаерда?

— Худонинг уйида.

— Сен беркитгансан уни!

— Йўқ, ҳазратимни яратганнинг ўзи беркитган.

— Ҳазиллашсам қутуламан деб ўйлаяпсанми?

— Марифхўжа, ўзинг ҳазилкашсан-ку,— деди баланд овоз билан Аҳмадқул бобом,— Сўфи бобонг таҳорат қилмоқчи бўлганда таҳорат сувига ўзинг қалампир солиб қўярдинг-ку, бобонг бечора кечгача орқасини чангаллаб югуриб юрарди-ку.

— Бас!— ижроқўм шундай қаттиқ ер тепиндики, атрофга шунақанги кўп лой сачрадики, ўша лойлардан бир қисми Ҳайитвой икковимизнинг пешонамизга ҳам келиб тушди. Аҳмадқул бобом орқасига тисарила бошловди, ижроқўм уни қисиб кела бошлади.

— Гапир, Эшон қаерда?— сўради яна.

— Билмайман.

— Билмайсанми, мава сента!— ижроқўм қўлидаги қамчиси билан бир туширмоқчи бўлувди, Аҳмадқул бобом зип этиб Матмуса бобомнинг орқасига ўтди-да, ўнг қўлтиғидан бошини чиқариб ур, ура қол, ҳа кўрқасанми, Матмусанинг ўғли районда бошлиқ-да, урсанг энангни кўрсатиб қўяди, девди, ижроқўмбобо энасини соғинмаган экан, урмади. Қамчини боши баробар кўтарганча орқасига тисарилиб, энди менинг бобомнинг олдида тўхтади:

— Ўзлари ҳам шу ерда эканлар-да?

— Ҳа, шу ердამиз,— деди бобожоним.

— Золимлар замонида юртга ээликбоши бўлгандингиз-а?

— Ҳа, Марифхўжа, отанг билан бобонг сайлаганди.

— Ўғилларингиз одил ҳуқуматга қарши миллиқ кўтариб чиққан эди.

— Юрт ҳимоясига чиққан эди, уларни сен отпиртансан.

— Куёвингиз қулоқ бўлган эди шекилли?

— Ҳа, Марифхўжа, уни сен қулоқ қилдиргансан.

— Сен чол, ҳукуматнинг ашаддий душмани бўласан.

Эшонни ҳам сен беркитгансан. Соқолингни юлиб оламан ҳозир.— Ижроқўм соқолидан ушлаб ўзига тортмоқчи бўлувди, бобожоним уни кўкрагидан итариб юборди. Йиқилмадню, қўлидаги қамчиси билан бобожонимни савалай кетди, бошига, елкаларига ура бошлади.

Додлаб юбордим. Урма, урма, менинг бобом бўлади, дея бақирдим. Бақирганимча бориб оёғини қучоқлаб, сонидан шундай қаттиқ тишладимки, шундай қаттиқ тишладимки, жони оғриди шекилли, тегиб юборди. Лойга орқам билан шалошлаб тушдим. Туриб энди бу оёғига ёнишиб, униям шунақа қаттиқ тишладимки, қўлидаги қамчиси ерга тушиб кетди. Икки қўллаб биқинимдан маҳкам сиқиб тепага кўтарган эди, юзига баробар бўлиб қолган эканман, иккови қулоғидан маҳкам чангаллаб олдим, энди бурнидан ҳам тишлайман деб турувдим, бобожоним мени унинг қўлидан тортиб олиб:

— Урма, зolim, — деб бақирди, — урсанг мени ур, болани нега урасан, зolim! Ўғилларимни отиб ўлдирганинг каммиди... Ҳой, одамлар, нега қараб турасанлар, чолни уряпти, болани уряпти бу зolim, нега наша еб қўйган молдек анграйиб турасанлар.

Бобожоним мени ерга қўйиб, кўкрагини кенг олиб ижроқўмбобога яқинлашиб юра бошлади.— Қўлинг қичган бўлса мана мени ур, тўйгунингча ур, қонхўр!

Оқ отли амаки сал олдинга юриб келиб ижроқўмга, бас қилинг, одамни шарманда қилдингиз-ку, девди, ижроқўм булар билан ё милтиқ, ё қилич билан гаплашиш керак, деди. Шу пайт дала томондан битта мелиса амаки от чоптириб келиб қолди, қочоқни ушладик, олиб келишяпти, деди.

— Гапир тезроқ, гапир!— буюрди оқ отли амаки.

Ҳамма уйларни, ҳамма молхоналарни, ҳамма боғларни тинтишибди-да, кейин сой бўйига қараб юришибди. Ғулом бобонинг девори тагида, қорнинг устида одамнинг изини кўриб қолишибди, из янгигина экан, девордан ошиб ўтишса, ўша из суви йўқ ҳовузга қараб борибди, бундай тикилиб қарашса, ҳовузнинг ичи тўла шолининг похоли эмиш, похол ҳам янгигина солинган эмиш. Тагини титкилашса Эшон бобо ўтирганмиш.

— Ана, ўзини ҳам олиб келишяпти, — деди шу гапларни айтаётган амаки.

Дала томондан Эшон бобомни ҳайдаб келишаётган экан, иккита отлиқ, иккита пёёда амакининг олдида битта-битта қадам ташлаб келяптилар. Эғниларида бобожовимникига ўхшаган қора чакмон, бошларида кичкинагина саллача, оёқларида махси-кавуш, кавуш роса лоӣ бўлиб кетибди. Ўртада тўхтаб ҳаммага бир-бир қараб чиқдилар-да:

— Бошларингга кўп ташвиш солдим-да, ҳамқишлоқларим, афсус,— дедилар.

Одамлар ҳар хил гапларни айтишди. Орқада тўн ёпиниб турган опалар йиғлагандек бўлди, болалар ҳам йиғлашди. Мен ҳам йиғладим. Югуриб бориб оёқларидан ачомлаб олай девдим, бобожоним қўйиб юбормади. Битта амаки оқ отлининг олдига бориб, чолни қийнаманг, майли, ўрнига менг қаманг, девди, оқ отли, буни ҳам ушланглар, деб буюрди. Эшон бобомга қўшиб ўша амакини ҳам ҳайдаб кетишди.

ҚИШЛОҚЧАМИЗ УЧ КҮН ЙИҒЛАДИ

Ростдан ҳам мазор бошигача эргашиб бордик холос, у ёрига ўтмадик. Паст маҳалланинг болалари жуда ёмон, нега бизнинг кўчага келдиларинг, нега эшигимиздан мўралаб қарадиларинг деб қувлашади, итлари ҳам қўшилиб қувлайди. Мазор бошигача катта болалар ҳам, мен ҳам сал-пал йиғлаб, сал-пал ҳиқиллаб бордик. Отлиқ амакилар олдида аста-секин кетаётган Эшон бобом бизга бир мартагина қараб қўйдилар холос. Ҳаки айтувдим-ку, кулимсираб турувдилар деб, энди ҳеч ҳам кулимсирамай, йиғламсираб қарадилар. Қоронғу уйга қамаб қўйишса қўрқаман деётгандирлар-да. Юришдан тўхтаб қараб турувдик, Эшон бобом ҳам тўхтаб, орқаларига ўгирилиб, энди бизга сал кулимсираб қарадилар, ҳаммадан кўп менга қарагандек бўлдилар. Мен ҳам ҳаммадан кўп тикилиб турдим.

— Тақсир, қани юрсинлар, хайрлашув тугади,— деди ҳайдаб бораётган отлиқ амаки.

Шундан кейин ҳаммалари жўнаб кетишди. Биз ҳам орқамизга қайтдик, келаётганимизда ҳар хил гаплардан гаплашдик. Қулижон ўртоғим бор-ку, ўша мейвса амакиларнинг елкасидаги юлдузини санабди: новчасида битта, паканасида учта юлдуз бор экану, қолган иккита мелиса амаки елкасига опалар лозимига жияк қадайдик-ку, ҳалиги йилтираб турадиган, ўшанақа латтадан қадаб олган экан. Шунга ўхшаш йилтироқ латта Қулижон ўртоғимда ҳам бор экан, эртага елкасига тиктириб олар

экан. Абдуҳалим ўртоғим ижроқўм бобосини қамчи билан ураётганида йиғлабдию югуриб бориб оёғидан тишлаш ҳеч эсига келмабди. Олдин сенинг бобонгни урганда, олдин сен уни тишлаб олганингда сендан ўрганиб олардим-да, кейин мен ҳам бошлаб тишлар эдим, деди.

— Мана, мени ҳам тишларим ўткир, кўргин,— деб ўртоғим оғзини очиб оппоқ тишларини кўрсатди,— энди бобомни урса мен ҳам тишлайман, мана бундай қилиб тишлайман.

Абдурахим ўртоғим менга ўгирилиб:

— Энди сени ҳам қамашади,— деди ваҳимали қилиб.

— Ҳечам-да,— дедим сал-пал қўрқиб.

— Ижроқўмбобони тишладинг-ку.

— Бобомни урмаса тишламасдим.

— Бобонгни қаттиқ ургани йўқ.

— Мен ҳам қаттиқ тишламадим-ку.

— Қаттиқ тишлаган экансан,— деди Абдурахим баттар қўрқитиб,— ижроқўм нонвойхонага кириб, шимини тушириб тишлаган жойингга дори суртиб олди, барибир, сени ҳам қамашади энди.

Энди баттар қўрқа бошладим. Ўртоқларим билан ҳам гаплашгим келмай қолди. Жим кетавердим... Қамаб қўйишса-я, қамоқхона қоронғу бўлса қўрқаман-ку.. Бобожонимни, энамни ҳам қўшиб қамашса майлийди, бирга ўтираверардик, ҳеч ҳам қўрқмасдик. Вой, унда уйимизда ким қолади, молларимизга ким қарайди...

Энди йиғлагим келди. Уйимизга келгунча ўртоқларимга кўрсатмай жиндак йиғлаб олдим... Қамаласан, қамаласан, қамаласан эмиш, қамаб бўпти, қамаса ҳаммасини тишлаб оламан, қўлларини, оёқларини тишлайман...

Келсам бобом аллақачон қайтиб, сандалида ўралиб ётибди экан, устига чакмон ҳам ёпилган. Энам тескари ўгирилиб ўчоққа олов қалаётган экан, билдирмасдан аста сандалга кириб бошимга кўрна тортиб оламан дедим, сезиб турган экан:

— Келдингми, қулуним? — деб сўради.

Энамми, бобожонимми мени уришишларини олдиндан сезсам атайлаб йиғламсираб гапираман. Ушанда ҳеч ҳам уришишмайди.

— Келдим,— дедим йиғламсираб.

— Вой ўлмасам, ҳаммаёғинг лой-ку,— деди энам ўрвидан туриб.

— Бўлса бўлар.

— Пиқилламай гапир.

— Пиқиллагим келяпти ўзи.

— Вой шўрим, янгигина тўнни ҳам расво қилибсан-ку.

— Расво қилавераман.

— Лойга думаладингми?

— Ҳа, думаладим.

— Ечин, бўлари бўпти энди.

— Ечинмайман.

— Шундайлигича кўрпага кирмоқчимисан, шумтака.

— Киравераман, ўзингиз шумтакасиэ.

— Тўхтаб тур, сен мен билан айтишадиган бўлиб қопсан, таъзириггни бир бериб қўяй.

Энам энгашиб энди оташкуракни қўлга оламан девди, йўқ қўрқмадим, олгани билан барибир урмайди, бувисиякига кетиб қолади деб қўрқади. Шундай бўлса ҳам бобом уйғоқ экан, ҳой онаси, ўғлимни уришма, деб ўшқириб берди. Ўзи улар жуда ғалати-да. Бир куни энам бобомдан қўрқса, эртасига бобом энамдан қўрқиб хўп-хўп айб бизда, товба қилдик деб туради. Ҳозир энам бобомдан қўрқаётган экан. Шунинг учун оташкуракни олмай ўзи келиб мени ечинтира бошлади. Олдин беқасам тўнимни ечиб олди. Кейин ўчоқнинг олдидаги пўстакка ўтказиб қўнжигача лой бўлиб кетган этигимни еча бошлади. Мен этикни ёмон кўраман, ундан потинка яхши, иппини бундай-бундай қилиб ечсангиз оёқдан чиқади кетади. Қўнжли этик бўлса кўча лой бўлган куни нам тортиб ҳеч ечилмай тураверади. Энам бир пойидан тортган эди, остимдаги пўстак билан қўшилиб судралиб пойгаккача бориб қолдим. Ўшанда ҳам ечилмади. Бунисини тортувди, энди ўчоқ томонга судралиб келдим. Эҳ, шу этикни бугун киймасам бўлар экан, икковимиз ҳам роса қийналдик. Энам устасидан роса хафа бўлди, уёи донга тўлсин, солгани идиш тополмасин деган гапларни айтди. Кейин музлаб кетган оёғимдан ўпиб:

— Таъзириггни ебсан-ку, болам, — деб қўйди.

Ўрнимдан туриб энажонимнинг бўйвидан ачомлаб, ўзи сал-пал йиғлагим келиб турувди, росмана йиғлаб юбордим. Энам, қўй болам, йиғлама, девди, овозимни чиқариб баттар йиғладим.

— Нега йиғлайсан ахир, нега? — Кўксига босиб елкаларимдан силай бошлади энажоним.

— Энди мени ҳам қамашаркан, — деб зўрға гапирдим.

— Сени нега қамашаркан, қулуним?

— Оёқларини тишладим-ку, қулоғини қонатдим.

— Қайси ўртоғинг билан уришдинг, айт?

— Ўртоғиммас, ижроқўмбобони тишладим деяпман.

— Ижроқўмбобони, вой шўрим, нималар деяпсан?

— Ўзи бобомни урди-ку, қамчи билан урди, нега уради бўлмаса?

— Вой, Отажон, гапирсангиз-чи. Болаангиз нима деяпти, эшитяпсизми?

Бобожоним Бўрҳовуз бўйидан қайтиб келиб камширим ўзи эшитган бўлса бўлди, юрагини ғашлаб нима қилдим, деб энажонимга ҳеч нарса айтмай, қамчи зарбидан пишган юзини кўрсатмай сандалга кириб ётволган экан. Энам эрталабдан буён молхонадан чиққаным йўқ, кимдан ҳам эшитардим. Сиз бўлсангиз мени одам каторига кўпмайсиз. мен сизнинг чўрингизман. деди. Бобомнинг юзидаги пишгани кўриб йиғлашга тушди. Эшон хазратлари мусичадек беозор киши эдилар, париштадек бегуноҳ эдилар. Худоё чўчқа боқмай чўчкадек бўкириб ўлгурлар, деб қамоққа олиб кетган амакиларни роса қарғади. Менинг шўрлик чолгинамда нима айб, бегуноҳ гўдагимда нима айб, камчи кўтарган кўлларинг гўрларда чиригурлар деган гапни ҳам айтди. Кейин унинг бурчагида ўтириб олиб, отишмада ўлган тоғаларимни номини айтиб, сизлар тирик бўлганларингда қари оталарингни золимларга калтаклатиб қўярмидиларинг, зўравонларнинг таъзирини бериб қўярдинглар-ку, бевақт кетган азаматларим, шаҳид бўлган арслонларим, деб йиғлайверди, йиғлайверди. Бирпас бобом йиғлайди, бирпас энам йиғлайди. Бир-бирларини ҳечам юпатиполмайди, юпатиб туриб яна йиғлаб юборишади. Бобом овозини чиқармасдан, кўз ёшларини артиб-артиб йиғласа, энам худди тоғорада хамир қораётгандек, кигизни муштлаб-муштлаб, гижимлаб йиғлайди.

Охири бир-бирларига суяниб жим бўлиб қолишди. Энажоним бобомнинг елкасига бошини кўйган эди. бобом мени эркалаганда юмшоқ-юмшоқ силайди-ку, ўшанақа қилиб юзларини, бошларини силаб, қўй онаси, уларга ҳам тикилиб турган бало бордир. худо хоҳласа, ҳаммаси жазосини олади, деб юпата бошлади.

— Тур энди. — деди охири. — дориларингни олиб кел, оёқ қурғур қаттиқ оғрияпти.

Энам бошини кўтариб сирғалиб тушиб кетган рўмолини қайтадан ўраб:

— Яна шамоллатиб олган бўлманг? — деб сўради.

— Зах ерда ярим кун ушлаб туришдию шамолламай бўладими.

Молхонамиздаги товоқчада бўрсиқнинг ёғи қўшилган қоп-қора, ёпишқоқ дори бор эди-ку. анаву кўни адашган сипирга ҳам суртувдик-ку, ўша дорини олиб чикиб бобомнинг қамчидан заха бўлган жойларига, йўқ-йўқ, ҳиди-

ни ёмон кўраман, кўнглим айниди, дейишимга қарамай, меннинг ҳам товонимга, тиззамнинг кўзига суртиб қўйишди.

Бобомдан кўнгили сўрагани қўшнилариимиз чиқа бошлашди. Амакилар, опалар, болалар ҳам чиқишди. Ҳамма чиқаверди, танчамизнинг атрофи тўлиб кетди. Бувиимнинг киз ўртоғи Муҳтарам холам, патирни чиройли ёпадиган Бибиқиз аммалар бор деб айтувдим-ку, ўшалар ҳам чиқишган. Бу гал қатлама ҳам, ёгли патир ҳам олиб чиқмабди, шундай ўзлари чиқаверишибди. Бошқа аммалар ҳам ҳеч нарса олиб чиқмай, фақат мжроқўм амакини қаргагани чиқишибди. Ўша амаки жуда, ҳам ёмон экан. Бугун бўлмаса, эртага албатта Худонинг ғазабига учраркан. Қўрвошилар замонида ҳам қўрғончамиздаги амакиларни роса қийратган экан. Ўшада мжроқўм эмас, командир экан. Бопида чучвара нусха шапкаси, эғнида птёқа чакмони, ёнида қиличи, яна битта ёнида тўп-лончаси ҳам бўлган экан. Аскарлариям ўзига ўхшаган экан. Қўрғончамизга от чоптириб келишаркан-да, мамашка-мамашка, папашка-папашка қўрвошни кўрдинг, деб сўраркан. Билмайман дейишса, биласан, дейишар экан. Яна билмайман дейишса ўн қамчи урилсин дейишар экан. Битта бобони кўп уришганда боши ёрилиб, қон кўп оқиб, кечаси ўлиб ҳам қолган экан. Эналар билан боболар ҳеч нарса айтишмаса менга ўхшаган болаларни, Сапамбуви-га ўхшаган қизларни Бўрқовузнинг ёнига тўплаб баранчик-баранчик, кизимка-кизимка, қўрвошни қани деб сўраркан. Болалар билмаймиз дейишса ҳаммасини яланг оёқ қилиб сувга туширишаркан-да:

— Қўрвоши қани? — деб яна сўратаркан.

Болалар йиғларкан, қизлар йиғларкан: «Отажон, оёғим совқотди, бувижоним, қўржиб кетяпман, ачап амакиларни ҳайдаб юборинг», деб йиғлашаркан. Кейин бу йиғига чол бувилар ҳам, эналар ҳам қўпиларкан, қўрғончамиздаги ҳамма одамлар йиғлар экан. От устида қиличини ўйнатиб турган Марифхўжа амаки, йиғлама, йиғинг билан мени қўрқитолмайсан, деса, битта эна, ҳой Марифхўжа, сени қўрқитиш учун йиғлаётганим йўк, сендек зolimни қайси она туғди экан, ўша онага ачиниб йиғлаяпман деган экан... Кейин ҳаммаининг додлаганига боғларда милтигини қўлтиқлаб беркипиб ётган қўрвошни амакилар чидай олмай, эй номардлар, болада нима айб, эй номардлар, кампирларда нима айб, дейишиб, деворларнинг орқасидан, ариқларнинг ичидан паналаб келиб қизил шапкаларни роса пақиллатиб отишар экан. Урушлар бўлар экан, қўрғончамиз ваҳима ичида қолар экан.

— Эркавой бобо, гапирсангиз-чи, — деди Мўътабар холам ўзи гапириб чарчагандан кейин.

— Нимани гапирай, қизим? — сўради бобожоним.

— Ахир ўша замонларда элликбоши бўлган экан-сиз-ку?

— Ҳа, элликбоши эдим.

— Сиз ўша шафқатсизликларни, қочти-қувдиларни, қирғинларни кўргансиз-ку?

— Кўрганман, қизим, кўрганман. Худоё ўша кунларни энди сизлар кўрманглар.

— Ўша кўрганларингиздан сиз ҳам гапиринг, ҳадеб бизни гапиртираверасизми.

— Она қизим-ей, қайтага сизлар яхши эслаяписизлар. Қариб қолибман шекилли, хотирам хира, кўп воқеаларни ёдимга келтиролмаётман.

— Мана шу ижроқўм ўшанда командирмиди? — яна сўради ўтирган амакилардан биттаси.

— Ҳа, жазо отряди деган бир бало бўлар эди. Бу бестофиқ ўшанга командир эди, юзтача солдати ҳам бўларди, газармада туришарди... Илоё кўргонча аҳли бошига тушган балоларни силар кўрмаганлар. Бу ҳароми юртни кўп қийнаган, не-не йигитларни қурбон қилмади у. Кўргончаъиз икки ўт ичида ёнарди, тоғ тарафдан ўз-мизини йигитлар тушса, Қўқондан қилич яланғочлаб замбарагини ўқлаб қизил шапкалилар келарди. Хамма отишмалар мана шу боғларда бўларди. Уйлар куйарди, молларимиз молхонада ёниб қабоб бўларди... Илоё ўша кунларни сизлар кўрманглар... Лекин Яратганинг даргоҳи кенг, золимни жазоламасдан қўймайди...

Бобомдан кўнгил сўрагани чиққаплар орасида сой бўйидаги Фуломбобомнинг ўғли Қосимали акам ҳам бор эди. Фулом бобом, бор, Эркачолдан хабар олиб чиқ, кўнгил сўра, ўғиллари шаҳид бўлиб кетган, ҳеч кими йўқ, кампири билан мунғайибгина ўтиргандир, деган экан. Шу амакининг битта манқа хотини ҳам бор-да. Йўқ, ўзи жуда яхши, кўргончамиздаги ҳамма болаларга кўйлак тикиб беради, зингир машинаси ҳам бор. Шу она ҳам эри билан чиққан экан. Мен ундан кўрқиб, тагин бобомга чақиб бермасин, дея кўзини пойлаб ўтирдим. Илгари овозимизни бурнимиздан чиқариб, амма, эшигинг тамма, деб қочардик. Рўзада бойчечак айтгани бориб ҳаммамиз овозимизни бурнимиздан чиқариб, манқалашиб, бойчечак айтиб келдик эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешигингизга, деб кулишиб-кулишиб айтаётган эдик, эшикнинг орқасида пойлаб турган экан, калтак олиб ҳаммангни отангга айтиб бермасамми, молхонага қама-

тиб қўймасамми, деб қувлаб қолди. Барибир бизга етолмади... Ушандан буён шу оладан қўрқиб қочиб юрардим. Ҳозир яна қўрқаётгандим, хайрият, опа менга ҳеч қарамайпти...

Қосимали амаким, Эрқабой бобо бир тўпланишиб қолдик, бунақаси ҳадеб бўлавермайди, Хошимбоққолнинг боғида бўлган воқеани гапириб беринг. Ахир сиз ўша қирғиннинг тепасида бўлгансиз-ку, девди, бошқалар ҳам айтақолинг, дейишди. Мен ҳам, жон бобожон, айтиб беринг, деб ёлвордим. Бобом бошини чайқаб:

— Йўқ, меҳмонларим, юрагим чидамайди,— деб бошип анчагача чайқаб турди.— Қосимали, яхшиси ўзинг сўзлай қол. Майли, эшитмаганлар эшитсин, шаҳидларни аслаш савоб бўлади. Ҳамма гапни Ғуломбой отангдан эшитгансан. Катта аканг ҳам уч кунгача гўр кавлаб шаҳидларни кўмган эди. Айтақол, ўғлим, мана булар эшитсин.

Энди ҳамма Қосимали акамни қистай бошлади. Мен ҳам қистадим. Уша боғда қўрвоши амакилар қандай шаҳид бўлганини жудаям билгим келаётганди-да. Ўзи мен қўрқинчли воқеаларни, учар отларга минган қўрвопилар ҳақида қизиқ-қизиқ ҳикояларни, ундан кейин девлар, аждарқолар тўғрисидаги эртақларни яхши кўраман. Бобожоним бўлса шунақалар ҳақида ҳеч гапирмай, катта бўлсанг, билиб оласан деб қўяқолади... Ахир мен катта бўлиб қолганман-ку? Бобом билмайдиган дуоларни ҳам биламан-ку. Ҳозир катта бўлмасам қачон катта бўлман. Келган амакилар, Раҳмонжон, азамат йигит экансан. бобонгни ҳимоя қилибсан, баракалла дейишди-ку.

Қосимали амаким ҳаммасини билар экан. Бобомдан ҳам кўп билар экан. Уша қўрвоши амакилар уйда куйиб шаҳид бўлган кун қаттиқ шамол келиб, ҳаммаёқни тарақлатиб музлатиб, туф деса тупик ҳам ерга тушгунча музлаб қоладиган бир пайт экан. Қишлоғимизни ҳам, ерларимизни ҳам, сувларимизни ҳам, осмонда учиб юрган қушларимизни ҳам, боболаримизни ҳам сента бермаймиз, мени босмачи дема, босмачи бўлиб мен ҳот жойни босиб олганим йўқ, сенинг ўзинг босмачисан деб ўша шапқалиларга қарши уришиб, тоғ-тошларда сарсон юрган қўрвоши амакилар кечаси Хошимбоққолнинг боғига қўнган экан. Отларини боғлайдиган айвон, ўзларини совуқдан пана қиладиган кичкина қўрғонча ҳам бор экан. Бир кеча тунаймизу овқат гамлаб яна тоққа чиқиб кетамиз дейишган экан.

— Тўғри айтяпманми?— деб сўради Қосимали амаки.

— Тўғри айтяпсан,— деди бобожоним, — чиндан ҳам

совуқ қаттиқ эди. Ҳовуздаги муз отни кўтарарди.

Кейин қўрвошиларнинг бошлиғи Ислон полвон деган амаки бобомга хабар юборибди. Бобом эллиқбоши экан-да. Дарров битта қўй сўйдириб, нон ёптириб, палов дамлашсин деб гуруч, сабзи-пиёзлар олиб уларнинг ёнига етиб борибди.

Қўрвоши амакилар отларини хашакка қўйиб, эгаржабдуқларини ямаб, дарёни кечиб ўтаётганларида этикларига сув кириб, пайтавалари ҳўл бўлиб қолган экан. Ўртага олов ёқиб ўшаларни қуритишибди. Сергўшт шўрвани мацца қилиб ичишибди. Кейин бобом олиб борган катта қозонда палов ҳам пишира бошлашибди. Орала-рида битта сотқин бор экан. Жуда айёр экан, тулкидан ҳам айёр экан. Ўзи уста мерган экану осмондаги қуш-ни уриб туширар экану, барбир сотқин экан. Шерикларимни қандай ушлаб берсам, қандай қилиб мукофотнинг энг каттасини олсам экан, деб хаёллар суриб, режалар тузиб, ораулар қилар экан. Эгарининг остига катта одамларнинг муштича келадиган пашани бекитиб юрар экан. Ҳамма ўзи билан овора бўлиб қолганда, ошпазнинг кўзини чалғитиб ўша пашани қозонга ташлаб юбориб, яма ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб гулханнинг ёнига бориб пайтавасини қуритишга машғул бўлибди. Қизиқ-қизиқ гапларни айтиб шерикларини кулдириб ўтираверибди. Палов пишгандан кейин давра қуришиб ўртага лаганларни қўйиб, олинг-олинг дейишиб, қўй боққаннинг умри узоқ бўлсин деган гапларни айтишиб мацца қилиб ейи-шибди. Кейин уйқусирай бошлашибди. Бошлари айла-ниб кетаверибди, кўзлари ҳам юмилаверибди.

Уч кундан буён жанг ичидамиз, от устидамиз, ухлаганимиз йўқ, ҳа майли, ухласак-ухлайлик дейишиб, тўнларини тагларига солиб, эгарларга бошларини қўйиб уйқуга кетишибди. Қоровулга чиққан йигит ошни ҳаммадан кўп еган экан, ҳаммадан қаттиқроқ ухлабди. Ўзини ухлаганга солиб ётган сотқин сакраб туриб учқур бир отни миниб жазо отрядининг бошлиғига — Марифхўжа командирнинг ҳузурига қараб қушдек учиб борибди. Ўртоқ командир ака, топширигингизни аъло бажардим, энди мукофотнинг каттасини берасиз дебди. Марифхўжа амаки аскарларини бошлаб, қиличларини яланғочлаб, милтиқларини ўқлаб етиб келибди. Қарашса ростдан ҳам қўрвоши амакилар тахтадек қотиб ухлаб ётган экан.

— Бас қил, ўғлим, — деди бобом, ўрнидан туриб, — мен энди буёғига чидолмайман, ярамни тирнаб юбординг, Фуломбойнинг ўғли.

Бобом оёғи оғриб турган бўлса ҳам чўлоқланиб ҳов-

лига чиқиб кетди. Оғилхонага кирди шекилли, қайтмади. Менинг ҳам энди эшитгим келмай қолди. Ухлаб ётган амакиларни қилич билан чопис ташлашса-я деб қўрқа бошладим. Утирганлар бўлса айтинг, кейин нима бўпти дейишаверди... кейин... жуда ёмон бўпти. Ҳаммасиви отиб ташлаб, битта Исломполвон амакини отга ўнгариб олиб кетишибди. Қўрғончамиздаги анча одамларниям қўрбашига нега жой бердинг деб қамаб қўйишибди. Мен энди бутунлай қўрқиб кетдим. Ижроқўмбобо бизни ҳам наша бериб ушлаб олса-я деб қўрқдим. Меҳмонлар чиқиб кетгандан кейин ҳам қўрқавердим. Бобомдан кўнгил сўрагани Захро холам билан Боққол поччамлар келишувди, уларнинг ҳам гапларига қулоқ солгим келмади. Холам, эркалаб, хайрият, отамнинг ҳимоячиси бор экан, ижроқўмнинг тиззасидан тишлаб олмаганида отамни яна урарди, кел азаматим, пешонангдан бир ўпай деганди, ишингизни қилинг, деб жеркиб бердим. Кейин Аҳмадқул бобом чиқди. Бу Марифхўжа деганлари даҳшат хўжа бўлади, бундан аҳтиёт бўлайлик, деди.

УЛГАН ЧҶҶА ҶРНИГА СЕМИЗ ҚҶЙ СҶРАШҶПТИ

Ҳақиқатан ҳам қўрғончамиздаги одамлар Эшон бобом билан иккита амакини қамоқхонага олиб кетганларига, ундан кейин боболарни қамчи билан урганларига ачиниб роппа-роса уч кун мотам тутишди. Амакилар маслаҳатлашди, боболар маслаҳатлашди, эналар маслаҳатлашди, фақат бизга ҳеч нарса айтишмади. Ижроқўмбобони тишлаб олганим учун мени ҳам қамашадими-йўқми — шуни жуда билгим келаётувди-да, амакиларнинг гапига яширишиб қулоқ солсам ҳам, барибир, билолмадим. Мен қамокдан жуда қўрқаман, ўша ер қоп-қоронғу бўлса қандай ётаман, тўғрими? Ҷртоқларим бўлса ўла-ўла, энди қамашади, қамашади, тишингни суғуриб олишади, деб қочиб кетишади. Кечаси ё бобом, ё энажоним икковларининг ўртасига кириб бобомнинг соқолидан, энамнинг сочидан ушлаб ухлайман — шундай қилсам сал-пал қўрқмагандек бўламан-да... Қўрвошилар замонида отишма бўлган куннинг эртасига чўчайма шапкалилар келиб амакиларни сўроқ қилиб, молларимизни ҳайдаб кетишаркан. Бу гал ҳеч ким келмади, мўйлови узун ижроқўмбобо ҳам келмади. Энди одамлар пичирлаб эмас, сал қаттиқроқ гаплаша бошлашди, биз ҳам қаттиқроқ гаплаша бошладик. Эрталаб энам, Раҳмонжон, азамат ўғлим, қўшнилари даштга мол ҳайдаяпти, Султонали аканга сени ҳам қўшай, халтанга нон билан майиз солиб бераман, ахир

сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг-ку, девди, йўқ, энажон, мен ҳали катта бўлганим йўқ, даштга борсам мелиса амакилар мени ҳам қамаб қўйишади, деб кўнмадим.

— Уй қизи бўлиб шу ерда ўтираверасанми?— деди энам хафа бўлиб.

— Ҳа, уй қизи бўлиб ўтиравераман,— дедим мен ҳам хафа бўлиб.

— Бўлмаса чиқиб бирпас ўйнаб келгин.

— Ўйнагим ҳам келмаяпти,— дедим,— сиз қаёққа борсангиз мени ҳам ўша ерга боргим келяпти.

— Мени зарур ишим бор, ўғлим.

— Мени ҳам зарур ишим бор,— деб остонада йўлини тўсиб туриб олдим.

Энам мени алдаяпти, алдаганини билиб турибман. Нечаси ўзимни ухлаганга солиб, сал-пал хуррак ҳам отиб, бобом икковиларининг маслаҳат қилаётганларини битта қўймай эшитиб олганман. Энам Олтинбибиникига бориб мушкулкушод ўқитаркан, ўқитганини ҳеч ким билмаслиги керак экан, билса тескари ташвиқот юритди деб қамаб қўяркан. Ўқитмаса Эшон бобомни, яна иккита амакини қамоқхонадан ҳеч ҳам чиқаришмас экан. Эшон-бобом чиқмасалар қўрғончамидаги ҳамма одамлар имонсиз бўлиб, нонни тескари тишлайдиган, сувга тупурадиган, шамолни сўкадиган, бисмиллосиз овқат ейдиган бўлиб қоларкан. Бобожоним пичирлаб, тўғри қиласан, онаси, юрт вазмин бўлиб қолди, боши фалокатдан чиқмаяпти, мушкулкушод ўқитсанг, ўқита қол, зеро авлиёлар қўллаб, ишларимиз юришиб кетса, лекин ҳеч кимга сездира кўрма... деган гапларни ҳам айтди. Ана шуларнинг ҳаммасини эшитиб олганман.

— Жон ўғлим, ўтказиб юборгин,— ёлворди энам.

— Мени ҳам олиб борсангиз ўтказаман,— дедим қўлимни ёзиб.

— Ёш болалар борадиган жой эмас, азаматим.

— Ҳозир катта йигит бўлиб қолдинг дедингиз-ку.

— Гапни кўпайтирма.

— Кўнайтиравераман.

Энам мени ҳеч ҳам урмайдию гапига кўндиролмаса йиғламсираб, мени ҳеч кимим йўқ, мени ҳамма қийнайверади, энди бошимни олиб чиқиб кетаман, Заҳробу қизимникига кетаман, ўшанинг болаларини ўғил қиламан, эркалатиб юраман, деб қўрқитади. Энамнинг кетиб қолишидан ростдан ҳам қўрқамиз. Унда бизга овқатни ким пишириб беради, сигиримизни ким соғади, тўғрими?.. Ҳозир ҳам шундай қилувди, остонадан пастга тушиб:

— Майли, бора қолинг бўлмаса,— дедим.

— Асалим-ей,— деди пешонамдан ўшиб.

— Барибир бораётган жойингизни биламан,— деб мақтандим.

Кейин ёзда отинбиби холаминикига мушкулкушод ўқитгани борганимизда энамнинг ёнида ўтириб ҳамма сўзларини ёдлаб олувдим, ўшани ўқий бошладим.

*Лоилаҳа илло анга,—
Лоилаҳа илло анга
Мушкулкушод наҳши банд
Сали ало саодат
Ҳар ким айтса бир соат
Дуо бўлгай ижобат,*

ана шуларни ўқиб бўлганимдан кейин ҳайрон бўлиб қараб турган энажонимга, қўрқманг, ҳеч кимга айтмайман, чўян соққа берса ҳам, йилтироқ тугма берса ҳам айтмайман, Эшон бобомни ҳеч кимга айтмадим-ку, дедим. Энам гапимга ишониб чиқиб кетди. Уйда ўтиргим келмай ўзим ҳам ўйнагани жўнадим. Тагин Ҳайитвой ўртоғиникига кираркан деб ўйламанг, йўқ, энди уларникига ҳеч ҳам кирмайман. Ҳачон кўришсак, ўла, энди ижроқўмни тишлаганинг учун сени ҳам қамашади деб қўрқитади. Қирсам-ку мазза қилардим-а, ҳозир айвонларида роса ўйнашаётгандир. Чикилдак, зувиллоқ, узоққа сакраш, баландга сакраш, ёнғоқ тепиш... биз ҳаммасини биламиз, ёнғоқ ўйнашнинг етти хили бор. Мана, қўл билан отиб теккизасиз — бир, иккитадан отиб теккизасиз — икки, оёқнинг учи билан тегиб теккизасиз,— уч, доиранинг ичига гуппа тикиб мўлжалга оласиз — тўрт... Эй, жуда ҳам хили кўп. Мен олдин кўп ютқазардим-да, кейин кўзимни биттасини қисиб туриб мўлжалга олишни ўрганиб олдим, энди ҳаммасини ютаман. Ҳозир уйимизда икки халта ёнғоғим бор... Ундан кейин чикилдак ўйинимиз ҳам қизиқ, йўқ, тўхтанг, уни ҳам атай, ростдан ҳам жуда қизиқ. Мана, олдин бир қулоч келадиган калтак кесасиз, кейин бир қарич келадиганидан кесасиз, кейин калтасини ерга қўйиб узунининг учи билан ердан кўтариб осмонга отасиз-да, пасайиб келётганида бир урасиз, учиб кетиб узоққа бориб тушади, энди билдингизми! Кейин шериғингиз калтакча бориб тушган жойгача нафас олмай зувиллаб боради. Нафаси етмаса қайтадан югуради, яна югуради, эҳ, жуда мазза бўлади.

Ҳайитвой ўртоғиникига кирмадим. Муродхонларникига қараб юрдим. Шу ўртоғим жуда яхши-да. Мени сизлаб гапиради, мен ҳам сизлайман. Кейин-чи, оталари-

ни дада деб чақиришади. Бориб эшиклари қия турган экан, аста мўралаб қарасам ўртоғим кўринмайдию дадаси ҳовлида катта билан ўтин ёраётган экан. Айтувдим-ку, дадаси мени ёмон кўради деб. Ўшанда айб ростдан ҳам мендан ўтувди. Уйларида ўйнаб ўтирувдик, ўртоғим молхонада қўрғошин бор, ўшандан эритиб ошиқнинг ичига қуйсак оғир бўлади, ҳамманинг ошиғини ютиб оламиз, деди. Қирсақ, молхоналарининг шиптига ўнтача бедана осиб қўйишган экан, ҳаммаси бизни қўйиб юборинглар, оналаримизнинг олдига борайлик, дегандек йиғламсираб, тўрни чўқиб питирлашаётган экан. Энам қушга озор берган, уни қафасга солган одам дўзахи бўлади, оловда куяди дерди, эртақ ҳам айтиб берувди. Қушларни яхши кўргани, озор бермагани учун ўша одам жаннатга тушган экан. Муродхонга шуни айтиб, жон ўртоқ, беданаларни қўйиб юборайлик, оналарининг олдига боришсин, бизни дуо қилишади, кейин икковимиз ҳам жаннати бўламиз, ўша ерда қўрғошин қуйилган ошиқлар ҳам кўп бўларкан, бирга ўйнаб юрамиз дегандим, дарров рози бўлиб, уйларида катта қайчи олиб чиқди. Кейин ўртоғим энгашиб турди, мен елкасига чиқиб тўрни қийт-қийт қилиб кесиб, бечора беданани олиб ҳовучимда ҳам ушлаб кўрдим, илиққина экан, юраги ҳам гуп-гуп қилиб уриб турибди. Қўйиб юборган эдим, шунақа хурсанд бўлдими, шунақа хурсанд бўлдими, пир этиб бориб остонага қўнди-да, ўша ерда туриб раҳмат сизларга, ҳозир бориб онамга айтаман, сизларни дуо қилади, укаларим ҳам дуо қилади, сизлар энди жаннати бўласизлар деяётгандек, сап-сарик кўзларини мўлтиллади бизга анча тикилиб турди-да, кейин пир этиб ҳовлига чиқиб кетди.

— Ана кўрдингми, бизни дуо қилди,— дедим севиниб.

— Кўрдим,— деди ўртоғим,— қайчини менга бер энди, мен ҳам биттасини чиқарай, ахир жаннатга бирга борамиз-ку.

Энди мен энгашиб турдим. Муродхон елкамга чиқди. Вой, жуда оғир экан, ўзи мендан бир ёш катта-да, катта бўлса ҳам ўртоқ бўлаверганмиз. Битта беданани чиқарувди, кўзи кўр эканми, эшикни ҳеч тополмайди. Бечора-ей, бирам раҳмим келдики. Сигирнинг тагидан ушлаб ҳовлига ўзимиз чиқариб юбордик. Кейин галма-галдан елкамизга чиқиб беданаларни қўйиб юборавердик. Энди олтинчисини чиқараётувдик, ўшанда ўртоғимнинг елкасида мен турувдим, остонада Отахон амаким кўриниб қолди. Ичкари анча қоронғу-да, бизга тикилиб турди, биз ҳам тикилиб турдик.

— Нима қиялсизлар? — деб сўради.

Мен жавоб қайтарай десам эсимга ҳеч гап келмади. Жим туравердим.

Ўртоғим: — Дада, биз жаннати бўламиз, — деди мақтангандек бўлиб.

Отахон амаким бизга яқинлашиб келди-да, нима қилаётганимизни энди кўрди шекилли:

— Ху, ўша жаннати бўлган! — деб ўшқирди. Ўртоғимнинг елкасидан тушиб, қўлимдаги қайчини ташлаш эсимга келмай, ушлаганимча кўчага қараб отилдим. Кўча эшигимизгача қувлаб келди, жуда қаттиқ қувди. Оёғимга энамнинг кавушини кийиб борган эдим, ўшани ечиб қочгандим, менга етолмади. Кира солиб кўча эшигимизни танбалаб, ёнидаги супага чиқиб олдим.

— Оч! — деб эшикни мушти билан урди Отахон амаким.

— Очмайман, — дедим.

— Нима қилиб қўйдинг, эси йўқ.

— Олтитасини чиқардик холос, энди сиз ҳам жаннати бўласиз.

— Оч деяман, бобонг билан гаплашиб қўяй, сайроқи беданалар эди! Ҳар биттаси биттадан қўйга арзирди, оч!

— Оч-май-ман, — дедим, — жаннати қушларни тўрга солганлар дўзахи бўлади, билдингизми, ишонмасангиз энамдан сўранг. Энди сиз ҳам дўзахда куясиз, ҳозир энажонимни чақираман.

Кейин энам чиқди, бобожоним чиқди, роса жанжаллашишди. Мен боғнинг этагига бориб беркиниб олдим-да, ўша ерда ўтиравердим. Бобом, янаги йили сепга элликта бедана илинтириб бераман, қишда сандалда ўтириб тўр тўқиб бераман, деб аранг кўндирди! Мен, бобом уришмасин, деб атайлаб кечгача йиғламсираб юрдим... Ушандан буён мана шу амакидан жуда қўрқаман. Ҳозир ўтин ёраётган экан, эшикнинг тирқишидан тилимни чиқариб бир масхара қилдим-да, орқамга қайтиб кўчанинг ўртасида тўхтаб қолдим, қаёққа юришни билмай туравердим. Кўча эшигимиз томонга қараб турувдим, уйимизга Эсонқул бобом, Аҳмадқул бобом, яна битта бобо кириб кетаётган экан, ўшаёққа қараб югурдим. Биладан, ҳозир қизиқ-қизиқ гаплар бўлади, мазза қилиб эшитаман энди. Уйга киришим билан бобожоним:

— Келдингми, ўғлим, қумғонни бир қайнатиб бергин, — деди эркалатгандек қилиб.

Бошқа вақт бўлганда, бобожон, қўлимни куйдириб оламан деб кўнмасдим-ку, ҳозир жуда хурсанд бўлдим.

Қумғон қайнатишни биламан, энам ўргатиб қўйган. Олдин олов ёндириб олинади, кейин энг устига ҳўл ўтиндан қўйса ҳам бўлади. Тагидагиси ёниб устидагисини ўзи қуритиб олади, билдингизми?.. Энди Матмуса бобом билан Ғулом бобомлар ҳам келишди, ҳаммалари келишаверди.

— Қани, мулло Матмуса, хушxabарни сўзла-чи,— деди Эсонқул бобом.

— Шу айтганларингни қилдим,— деди Матмуса бобом.

— Йўқ, сен бир бошдан сўзлагинки, эшитиб дилимиз таскин топсин, бир ҳафтадан буён игнанинг устида ўтирибмиз-да.

Матмуса бобом тонг саҳарлаб эшагига миниб район марказига, бошлиқ бўлиб ишлайдиган ўглиникига жўнабди. Нонушани набираларим билан бирга қиларман деб қаймоқ ҳам олган экан. Эшаги жуда аҳмоқ экан-да, шу эшакни илгарироқ сотиб юбормаганига ҳозир аттанг қилаётган экан, йўли ҳеч кўпаймабди. Эшак ҳар одимда нос чекиб тумшугини осмонга қилармиш, хала қилса орқа оёғини осмонга отармиш... кечикиб борибди. Борса, бошлиқ ўгли аллақачон ишга чиқиб кетган экан.

— Уҳ,— деди бобом чўзиб, — ҳой Матмуса, гапни бўладиганини гапирсанг-чи.

— Шошма, Эркавой,— деди Матмуса бобом,— шошма ўртоқ, бўладиганини ҳам айтаман.

— Таом лаззатли бўлганда уни шошмасдан чайнаш керак-да,— деб гап қўшди Аҳмадқул бобом ҳам. Ўзимнинг бобом яна уҳ тортиб олди. Матмуса бобонинг келини кўп одобли ҳам меҳрибон экан, хурсанд бўлганидан ўзини қўйгани жой тополмабди. Отажон, хайрият бизни ҳам йўқлар экансиз, ойда йилда бир келай демайсиз-а, набираларингизни соғинмайсизми, дебди. Матмуса бобом, ҳой келин, ҳукумат эринг икковингга қўш от қўшилган извош бериб қўйибди. Ушанга ўтириб, ўзларинг борсаларинг поншоликдан тушиб қоласизларми, деган экан, келин қайта-қайта узр сўраб дарров эрига сим қоқиб, отамиз шунақа-шунақа ишлар билан келганлар, дебди. Нодирбек амаки дарров ўзининг қўш от қўшилган извошини жўнатибди. Идораси ҳам зўр экан, деворлари бўрланган, оқланган, курсиларида одамнинг сурати кўринармиш.

Нодирбек амаки ўрнидан туриб:

— Ассалому алайкум, ота! — деган экан, Матмуса бобом:

— Эй, саломингни қўй, болам,— дебди. Қани ота, ўти-

райлик, деган экан, эй ўтирмайман, дебди. Ҳаммасидан хабарим бор, ота, деган экан, Матмуса бобонинг жаҳли чиқиб хабаринг бўлса нега бориб юртдан дил сўрамадинг, деб уришибди.

— Хўш, гапнинг бўладиганини айтсам,— яна сўзлашда давом этди Матмуса бобом, — Нодирбекка қийин экан, ота, ёлғизман дейди бечора ўғлим. Ахир, дейман, Эшон ҳазратлари қулоғинга азон айтувди, эҳтимолки шу сабаб элнинг ҳурматида юргандирсан. Биламан, ота, биламан, дейди яна. Бутун бошлиқ бўри бор бу ерда, уларга қарши бориш осонмас, қайтага ўша далада кетмон чошиб юрган пайтларим яхши экан, дейди бечора ўғлим... Ҳа-ҳа, Нодирбекка ҳам қийин экан, лекин иложсиз иш йўқ, деди.

Энди чол боболар тортишиб қолишди. Биттаси ҳукумат идорага бўри бойлаб қўйган деса, биттаси бўйра солиб қўйган, ўшани устида ўтириб мажлис қилишади дейди, яна битта бобо бўлса, йўқ, билмас экансизлар, бюро дейди, буйруқ берадиган жой дейди. Мен қайси бири тўғри экан деб қумонга ўт қалаб, тескари ўгирилиб ўтиравердим.

Нодирбек амаким яна битта зўр бошлиққа сим қоқибди. Йўқ, ўртоқ, гапга кўнинг, юрт ғалаён кўтарса, тинчтиш осон бўлмайди, ўртоқ Исталинга арз қилишмоқчи, яхшиси ўлган чўчқаларнинг ҳақини тўлашсин, э, ўша хотин олиб хотин қўядиган Марифхўжа ижроқўм билан ўзим гаплашаман, деган гапларни айтибди. Кейин Матмуса бобом ўша бошлиқнинг олдига борибди. У ердаги бошлиқ қўлини кўксига эмас, пешонасига қўйиб саломлашаркан.

— Эшон жиноятчи, — дебди овозини баланд қилиб.

— Жиноятчи эмас, — дебди Матмуса бобом қаттиқ гапирмай, — ажали етса одам ўладю чўчқа нега ўлмас экан?

— Жиноятчи бўлмаса қамоқхонадан нега қочди? — яна сўрабди бошлиқ.

— Э, зеркиб кетгандирлар-да, — дебди Матмуса бобом.

Кейин роса савдолашибди. Бошлиқ 10 та қўй берасан, ҳаммаси семиз бўлсин, газармадаги аскарларга сўйиб берамиз, дебди. Матмуса бобом кўринишингиздан мусулмон одамнинг боласига ўхшайсиз, чўчқанинг каламушдек-каламусидек боласига семиз қўй сўрагани уялмайсизми, дебди. Бошлиқ, ё шартимизга кўнасиз, ё Эшон ҳазратларининг суяги қамоқхонада чириб кетади, дебди. Матмуса бобом анави иккита бегуноҳ йигитларимизнинг тақдири

яма бўлади, деган экан, бошлиқ уларнинг жинояти оғир, ҳукуматга қарши чиққан, тескари ташвиқот юритган, жиноятчи Эшон ҳазратларини беркитган... Лекин келишсак бўлади, дебди-да, кейин овозини пастлаб, бу оғир ишни зиммамга олсам, мени ҳам қуруқ қўймайсизлар, дебди. Матмуса бобом ҳам овозини пастлаб:

— Ўзингизга тўртта қўй берсак бўладими? — деб сўрабди.

— Бешта берсаларинг камбағал бўп қоласизларми? — деб бошлиқ ўрнидан туриб секин-секин кулибди-да, охирида яна ҳам паст овоз билан: менга пулини бера қолдинглар, деган гапни айтибди. Эшон бобом билан беғуноҳ қамалган амакилар қўйлар етиб борган заҳоти озод бўлишаркан.

Эсонқул бобом кўзларини сирт юмиб, жимгина ўтирувди. Мен ухлаб қолдимикан десам, йўқ, уйғоқ экан, кўзини хиёл очиб, сал-пал кулимсираб:

— Кейин яна муттаҳамлик қилишмасмикан? — деб сўради. Матмуса бобом билмадим, дегандай елкасини қисиб қўювди, Аҳмадқул бобом шошилиб:

— Пошшо муттаҳам бўлгандан кейин... — дедию уёғи эсидан чиқиб қолди шекилли, жим бўла қолди. Ўзим бўлсам, хайрият, Эшон бобом озодликка чиқар эканлар, чиқсалар менга ўқишни ўргатадилар, дуолар ўрганаман, кейин катта бўлсам масжидга имом бўламан, Ҳайитвой, Дилижон ўртоқларимга роса мақтанаман... Зўр бўпти, зўр бўпти, хайрият, хайрият деб ўйлаётгандим, Эсонқул бобом, ҳой бола, эчкига ўхшаб ҳадеб сайрайвермагин, деди. Хаёлга берилиб турган жойимда тепиниб ўйинга тушаётган эканман, уялиб кетдим. Чой дамлаётганимда ҳам яна хаёлга берилаверибман. Аҳмадқул бобом:

— Раҳмонберди, бобонга ўхшаб кўкнори ичиб олганмисан, — деб уришди, — қумғондаги сувни чойнакка эмас, ерга қуйяпсан-ку.

Вой, ростдан ҳам қайнаган сувни ярмини ерга тўкиб қўйибман, зўрға қайнатувдим-а, энди баттар уялиб кетдим. Қочиб чиқиб кетардиму қизиқ-қизиқ гапларни эшитмай қоламан-да. Эшитсам, ҳаммасини энажонимга айтиб хурсанд қилардим. Ундан кейин мен болаларнинг гапидан кўра мана шу чол боболарнинг гапини яхши кўраман. Ўртоқларим билан ўйнаб турганимда боболар тўпланишса, дарров ўшаёққа қараб чошиб кетавераман. Нега мен шунақа эканман? Нега шунақалигимни энам ҳам билмас экан. Ўзи сен ақллисан-да, яна ҳам ақлли бўлгинг келади-да, дейдию бошқасини айтмайди.

Энди 10та қўйни қандай йиғсак экан, деб маслаҳат қила бошлашди. Ғулом бобом, Эшон ҳазратлари кўп табаррук зот, у кишини қутқарсак, динимизни, имонимизни қутқарган бўламиз. Золимдан қочиб ҳимоя сўраб тўпша-тўғри бизнинг қўрғончага келдилар. Биз у ҳазратни ҳимоя қилолмай қўлга тушириб қўйдик. Энди қутқариш ҳам бизнинг зиммамизда. Худо хоҳлаб мана қутқаряпмиз ҳам. Худога минг қатла шукр, ҳали юртимиз имонсиз бўлганича йўқ, хайр-аҳсон кўтарилгани йўқ. Майли, кафансиз кўмилайлик, аммо ҳазратимизни ўзимиз қутқарамиз. Худо хоҳласа чин дунёга борганда юзимиз ёруғ бўлади, деган гапларни айтди.

Ўзимнинг бобом йиққанемизча йиғайлик, етмаса майли тўрт яшар буқам бор, семириб туяча бўп кетган, ўшани сотсам, 6 та қўй беради, деди.

Аҳмадқул бобом:

— Менда қўй йўқ ҳисоби, 2 та эчки бераман, — деди, Эсонқул бобом ҳой пакана, эчкидай маърамай тек ўтир, деб униям уришиб берди.

Қумғон яна қайнаган эди, энди тўкмасдан жуда эҳтиёт бўлиб катта оқ чойнагимизга дамладим-да, бобомнинг олдига келтириб қўйиб қулоғига:

— Менинг ёнғоқларимни сота қолайлик, ўшангаям қўй олса бўлади, — деб шивирладим.

— Ҳим ўтир, — деб қўйди бобожоним.

— Ҳон бобожон, ўша ёнғоқларни сота қолайлик.

— Ҳим деяпман.

— Чўян соққаларимниям сотса бўлади, ҳамма болалар менга сот, менга сот деб юришибди.

— Бор, кўчага чиқиб бирпас ўйнаб келгин, гапга қўшилавермагин, — деб бобом овозини баланд қилиб мени уришиб берди. Алам қилди, жудаям алам қилди. Эшон бобом келганларида менам қўй олиб берганман, дердим, баракалла мулла ўғлим, дердилар. Энди бобомга ҳечам чой қайнатиб бермайман, қайнатсам ярмини ерга тўкиб ташлайман, ажаб бўлсин, соқолиниям тарамайман. Ўйнаб кел, ўйнаб кел эмиш. Ўйнагани чиқиб бўпман. Нарироққа бориб кигизга ўтириб олдим. Энди қўйни қандай йиғсак экан деб маслаҳат қилишгаётгани, ўша гапларига ҳам қулоқ солгим келмай қолди. Маслаҳатлари тугагандан кейин Эсонқул бобом, ҳой Аҳмадқул, тиловат қилгин, Матмусанинг ўғлини бир дуо қилайлик, деганди, дарров хўп деб кўна қолди. Шу бобомнинг овози ўзи жуда зўр-да, энажоним ҳам унинг тиловатини яхши кўради. Ҳума оқ-

шомларида кўпинча уйларига бориб, ўқитиб келамиз. Аҳмадқул бобомнинг ўзи Худо мендан бўйни олиб, ўрнига овоз берган дейди. Ҳақиқатан ҳам овози худди хумнинг ичидан чиқаётгандай жаранглаб, одамнинг уйқусини келтиради. Неча марталаб ухлаб ҳам қолганман. Ҳозир ҳам ёқимли, эркаловчи овозига қулоқ солиб ухлай-ухлай деб турувдим, тиловати энди ярим бўлгудди, Аҳмадқул бобомнинг ўзи кулиб ўридан туриб кетди, тургандан кейин ҳам хахолаб кулаверди.

— Жипни бўлдингми, — уришиб берди Эсонқул бобом.

— Жинни бўлдим, жинни бўлдим, — деб Аҳмадқул бобом баттар кулди.

— Нима бўлди ўзи?

— Сўраманг, амаки, сўраманг.

— Эси йўғе, гапирсанг-чи.

— Тавба, ҳеч бунақаси бўлмаган эди, — деди Аҳмадқул бобом кулишдан сал-пал тўхтаб, — қаёқданам шу кофир Марифхўжанинг номини тилга олдиларинг, бу болалигида сўфи бобосининг таҳорат сувига қалампир солиб қўярди. Сўфи бечора орқасини чангаллаб кўчада югуриб юрарди, ҳозир шу эсимга тушиб кетса бўладими...

Боболар ҳам ҳе-ҳелаб кулиб олишди. Энди Эсонқул бобомнинг ўзи тиловат қилди. Бир ўқийди, бир тўхтаб дамани ростлаб олади. Мен илоё қўйлар кўп йиғилсин, илоё эшон бобом қутулиб чиқсинлар, илоё мени тиззаларига ўтқазиб, эркаласинлар, ўқишни ўргатсинлар; илоё ҳамма боболар ҳам, ўзимнинг бобом ҳам ҳеч ўлма-син, деб пичирлаб ўтирдим. Тиловатдан сўнг бобо-жоним:

— Тур, ўғлим, қўйни ҳайдашиб юборгин, — деди.

— Бормайман, — дедим аразлаганимни билдириш учун.

— Қўй энди, яраша қолайлик.

— Энди сиз билан ҳечам ярашмайман, — шундай дедиму, барибир қўй ҳайдаб бораётган боболар орқасидан эргашиб боравердим. Эсонқул бобомниқидан, Аҳмадқул бобомниқидан, Қамбарали бобониқидан, қўйларни думбасидан итариб, маъратиб олиб чиқишаётганда ҳам орқаларидан эргашиб боравердим. Эрталаб тўртта бобо тўртта эшакка миниб, битта амакини ёрдамга олиб, ҳамма қўйни ҳайдаб кетишаётгандаям мазор бошигача орқаларидан эргашиб боравердим.

АҲМАДҚУЛ БОБОМ ШУМ ХАБАР КЕЛТИРДИ

Ўша куни тўртта эшак миниб кетган боболаримиз жуда кеч қайтишди. Энам икковимиз роса ташвишландик, уларниям Эшон бобомнинг ёнига қўшиб қамаб қўйган бўлишса-я, деб қўрқдик. Хайрият қамашмаган экан. Пешонасига қўлини қўйиб саломлашадиган бошлиқ э амакилар, олиб келган қўйларинг учун раҳмат, газармадаги аскарларга сўйиб берамиз, лекин Эшон ҳазратларига мен жавоб беролмайман, менадан катта яна анча бошлиқлар бор, ўшаларнинг рухсатини оламиз, дебди. Лекин ташвишланманглар, озодликка чиқарамиз гап битта, дебди. Ўша битта гапни яна эшитайлик деб боболар кечгача қолишган экан.

— Ишқилиб қўйиб юборишармикан? — ташвишланиб сўради энам.

— Қўйиб юборишади, Худо хоҳласа ҳазрат чиқадилар, — деди бобожоним, — бошлиқ ёмон одамга ўхшамайди. Қизил шапкаликларнинг орасида художўйи, инсофликлари кўп, онаси. Бу дунёни аслида шу инсофлик одамлар ушлаб турибди, бўлмаса нақ қиёмат қойим бўларди-я.

— Ҳазратимнинг олдларига кириб кўнгил сўрамаб-сизлар-да.

— Кирдик, опаси, кирдик. Найфлари яхши, ўзлари тетик, жойнамоз беришибди, таҳоратга сув ҳам бериб туришган экан, овқатларини макруҳ деб емаётган эканлар, бир мелиса бола уйдан келтириб бераётган экан: Айтдим-ку, бу дунёда инсофликлар кўп.

— Хайрият, — деди энам мамнун бўлиб.

— Хайрият, — дедим мен ҳам мамнун бўлиб.

Кейин мен ухлаб қолдим. Эрталаб турсам, бобожоним ҳам, энам ҳам боққа чиқиб кетишган экан. Нега мени намозга уйғотишмади экан деб ўйлаб ётдим. Кейин уйғотишувдию уйқум очилмай, яна ётиб олувдим. Шу эсимга тушиб, энажонимдан хафа бўлмай қўя қолдим. Ўзи шу бобомгаям жуда қийин, тўғрими? Токларни кесишимиз керак, дарахтларни буташимиз керак, офилхонадаги гўнгни боққа ташишимиз керак, ариқларни тозалашимиз керак, кейин бобожоним бориб Заҳро холамининг токни кесиб бериши керак, кейин теракзоримизнинг орқасидаги ҳар хил кўчатларни кўчириб, эгаларига элтиб беришимиз керак...

Ана шуларнинг ҳаммасини якка бобомнинг ўзи қилиши керак экан, бечора бобожоним-ей, унга жудаям қийин.

— Ҳадеб уҳ тортаверманг, — дейди баъзан энам, — кечадан иш қоптими?

— Шундай дейсану, онаси, қариб қоляпман-да.

— Қаришни хаёлингизга ҳам келтирманг, — уришиб беради энажоним.

— Барибир ёлғизлик билинар экан-да, онаси.

— Ёлғиз эмассиз, худога шукр, мана Раҳмонжон йигит бўп қолди.

— Тўғри, бобожон, — дейман шошилиб ўрнимдан туриб, — ростдан ҳам мен катта бўп қолганман. Мана, бўйимни кўринг.

Ана шунақа гаплардан ҳар куни гаплашишарди-да. Катта йигит бўп қолдим десам ҳам мени уйғотишмабди, алам қилди. Энам сут пишириб қўйган экан, бир коса қуйиб нон тўграб ичиб олдим-да, потинкамни кийиб, энди янги этигимни киймайман, уни қишда, қор ёққанда кияман, боққа чиқсам, вой, энам йўқ, бобомнинг ўзи ишлаётган экан. Бизнинг боғимиз жудаям катта, ҳар хил узумлар, эртапишар ўриклар, нордон, ширин анорлар, ерга ётиб ҳосил берадиган сариқ анжирлар, эҳ-ҳе, жуда ҳам мевамиз кўп. Ҳаммасини бобожонимнинг ўзи эккан. Атрофидаги деворларини ҳам якка ўзи урган. Бобомнинг кафти катта-да, бир кетмон лой элтади. Фақат мен анжирни ёмон кўраман, ичида қурти бор-да, ўшанисини ёмон кўраман. Қора гилосни жоп-дилимдан яхши кўраман. Энам, данаги билан ютмагин, ёмон бўлади, дейди. Данагини ажратгани эринаман-да, еб юборавераман. Ушандаям ҳеч нарса қилмайди.

— Келдингми, ўғлим, — деди бобожоним.

— Келдим, — дедим.

— Нонушта қилиб олдингми?

— Қилдим, нега мени уйғотмадингиз?

— Уйқуга бир тўйиб олгин дедим-да.

— Анув куни ўзингиз, ўғлим, энди боққа чиқиб бирга ишлаймиз, гаплашиб, гаплашиб ишлаймиз, девдингиз.

— Ҳа, айтувдим, энди гаплашиб ишлаймиз.

— Гапиринг бўлмаса.

Бобом ўзи гапиришни билмайди-да, ҳозир ҳам гап тополмай ток қайчи билан қийт-қийт этказиб новдаларни кеса берди. Вой, новдаларни кесиб ташласа, узум қаерда пишади, тўғрими? Шу ҳақда сўрагандим, сен тоқпиллаларни теравер, йўғонини бир бошқа, ингичкасини бир бошқа қилиб тер, мен тушунтириб бераман, деди.

— Термасам-чи? — деб сўрадим.

— Унда мен ҳам айтмайман. Билолмай қийналиб юрасан.

— Айтмасангиз мен ҳам ўйнагани кетиб қоламан. Сиз ҳам зерикиб ўтирасиз.

— Оббо ўғлим-ей, қулоқ сол бўлмаса, соч ўстанда, тирноқ ўсганда ортиқчаси қирқиб ташланади, шундайми? Ток ҳам шунақа, ўғлим. Мана қарагин, мана бу новдалар оқариброқ, нимжонгина бўп турибди. Ёзда офтоб яхши тегмагани сабаб пишмай қолган. Мана бу сап-саприқ, бақувват новдалар етилиб пишган. Ҳам офтобга, ҳам онасининг ширасига тўйган. Хом новдаларни кесиб ташламасак, зангдан оқиб келаётган шираларни ичиб қўядию, лекин барибир узум бермай тураверади.

— Аразлайдими? — деб сўрадим.

— Ҳа, аразлайди, энди тушунарлими?

— Йўқ, тушунарли эмас.

— Хулоса шуки, ўғлим, хом новда барг берадию узум бермайди. Узум берадиган мана бу новдаларнинг овқатини еб қўяверади.

— Бобожон, узум ўзи қаёқдан пайдо бўлади? Ёки уни кечаси паришталар осиб кетадими?

— Йўқ, паришталар осиб кетмайди, мана бу занглардан оқиб келадиган ширалардан пайдо бўлади. Ўрик ҳақида сўраганингда айтиб берувдим-ку... Катта гапирганда қулоқ солиш керак.

— Бобожон, зангнинг ичига ширани ким қуйиб қўяди бўлмаса, шуни айтсангиз, диққат билан қулоқ соламан.

— Оббо ўғлим-ей, ҳаммасини билгинг келади-я, зангнинг остида майда-майда томирчалар бор. Ширалар ўшаларда тўпланани-да, кейин занглар орқали новдаларга оқиб чиқади. Кейин ўша ерда қуёш нури билан қўшилиб, узумга айланади. Шунинг учун, ўғлим, токнинг остини ағдариб чопиб, томирларга ҳаво берсанг, озуқа берсанг, узум ҳам ширин бўлади... Бир эртақ айтувдим-ку, эсингдан чиқибди-да...

— Айтганингиз йўқ, бобожон.

— Айтувдим шекилли.

— Менинг эсимда йўқ-ку, демак айтмабсиз-да, бобожон.

— Ўғлим, кундузи эртақ айтилса ёмон бўлади. Қоронғу тушганда айтарман.

— Бобожон, кўзингизни юмиб туриб айтақолинг, мана менам юмиб тураман. Ўшанда қоронғу бўлади.

— Кўзимни юмсам, ток кесолмайман-да.

— Эртақ айтмасангиз қочиб кетаман, тоқпиллангиз-
ниям термайман. Мана, қочиб кетяпман. Мана...

Шундай деб сал нарироқ борувдим, йўқ, қочмоқчи эмас эдим, сал қўрқитмоқчи эдим, бобожоним бўлса ростдан ҳам қўрқиб қайтақол, ўғлим, сен кетсанг, зеркиб қоламан, майли, битта кўзимни юмиб туриб айтаман. Сен ҳам битта кўзингни юмиб эшитасан, деди. Кейин мен битта кўзимни юмиб турдим, бобом ҳам битта кўзини юмиб эртақ айта бошлади.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, илгариги замонда шу бизнинг қишлоқда битта боғбон бобо яшаган экан. Қариб-чириб қолганда, ўлай-ўлай деяётганда ёлғиз ўғлини ёнига чақириб, болам, энди мен бу ёлғон дунёдан чин дунёга кетяпман. Бир хумчада тиллом бор эди, шу тоқлардан бирининг тагига кўмганман, қайсиллиги эсимда йўқ, мenden кейин ўшани кавлаб олгин, деб васият қилибди. Йигит отасини ювиб-тараб исм-расмларини ҳам қилиб кўмгандан кейин тиллони олиш учун тоқларнинг тагини ағдариб чопа бошлабди. Ўша йили хумчадаги тиллони тополмабди-ю, аммо тоқлари шунақа узумни кўп қилибдики, сотавериб-сотавериб, сандиғи пулга тўлиб кетибди. Э, хумча жуда пастга кўмилган бўлса керак, энди янаги йилга бундан ҳам чуқурроқ ағдариб чопаман, дебди йигит. Яна ҳам чуқурроқ ағдариб чопган экан, хумча яна топилмабдию, узум шунақа мўл бўптики, баҳоргача сотиб адо қилолмабди, яна сандиқлари пулга тўлибди. Бир кекса бободан отасининг сирли васияти ҳақида сўраган экан, э, ўғлим, отанг раҳматли тоқнинг тагига тилло кўммаган, тилло кўмганман десам, ўғлим ағдариб чопади, узум мўл бўлади, сотиб пулини кўпайтириб хумчасини тиллога тўлдиради, деб ўйлаган. Мана, сандиғинг тўла пул бўлди-ку, дебди. Тўғри айтасиз, бобо, дебди йигит, икки йилдан буён жуда бойиб кетдим. Ўша йигит отаси шу васиятни қилгани учун мамнун бўлиб, илоё отагинанинг жойи жаннатда бўлсин, деб ҳар куни дуо қиларкан.

Бобожоним эртани айтиб бўлиб:

— Қалай, яхшимикан? — деб сўрабди.

Мен иккови кўзимниям юмиб олувдим-да, шунинг учун яхшими, ёмонми, билолмаётувдим.

— Бобожон, яна ҳам ағдариб чопганда тилло чиқармиди? — деб сўрадим.

— Йўқ, тоқнинг тагида тилло бўлмаган экан. Ҳечам бўлмаган экан. Ағдариб чопганда жуда пастдаги нафаси қисилиб ётган томирчаларга ҳаво яхши бораркан, озуқа-

га ҳам, сувга ҳам яхши тўяркан-да, тилловинг ўрнига шира жўнатаркан.

Бобожоним ана шуларни айтгандан кейин бор энди, азамат ўғлим, энанг чой қайнатиб қўйгандир, мева-чева-лардан ҳам қўшиб олиб келгин, бир чойлашиб олайлик, кейин яна биттадан кўзимизни юмиб эртақ айтишаверамиз, деди. Ўзи мен битта эртақ эшитганимдан кейин яна тагин эшитгим келаверади, уйқум келгунча эшитаверсам дейман.

Қумғонда чой олиб келдим, ўрик, майиз, чақилган ёнғоқ олиб келдим. Кўкнори халта эсимдан чиқиб қолган экан, яна бориб келдим. Бобом мен терган тоқпилларнинг устига ўтириб, тушлик қилаётганда тоқ қайчи билан бирпас ишловдим, шу қайчи жуда расво экан, ўнг қўлимни қисиб олдим, қон чиқиб кетай деди. Бобом, йиғлама, ўғлим, сенда айб йўқ, шу қайчини ясаган устада, бозорга борганимизда олдига кириб, уни бир уришиб қўяман, деди, шундан кейин оғриқ сал босилгандай бўлди. Кўкариб турган жойини икки марта ўпган эди, энди оғриқ бутунлай йўқ бўлиб қолди.

— Кетаман, — дедим ўрнимдан туриб.

— Қаёққа борасан, ўғлим, — сўради бобом, — сен кетсанг, мен зерикиб қоламан-ку.

— Барибир яхши эртақ билмас экансиз, сиздан энам яхши, эртақни кўп билади.

Ҳовлига борсам, энажоним кир юваётган экан, мени кўриб жуда хурсанд бўлди. Азамат ўғлим, ёрдамчи ўғлим, деб эркалаб оғилхонадан таппи олиб чиқиб кир қозоннинг тагига қалагин, ахир сен олов ёқишни яхши биласан-ку, деди. Ҳечам-да, мен тараша ўтинни яхши кўраман. Таппи ёнмай тутаб тураверади, тутуви кўзимни ачитади-да, кейин уни тепгим келаверади. Энамга касал бўп кетяпман, дедим-да, энди яна бобомнинг олдига қараб югуриб бордим. Бобожоним тушликни қилиб, кўкпоридан кўп ичиб, чордона қурганча бошини тиззасига осилтириб, паришталар билан суҳбатлашиб ўтирган экан.

Ростданам кўкнори ичгандан кейин ҳамма боболар ҳам кўзини юмиб, бошини осилтириб, паришталар билан суҳбат қуришади. Аҳмадқул бобом ҳам, Қамбарали бобом ҳам шунақа қилади. Ўшанда-чи, қаттиқ гапирмаслик, нарсаларни тақиллатмаслик керак. Паришталар қушларга ўшаб хуркиб қочиб кетар экан. Паришталар бошини эгиб турган боболарнинг қулоғига мусулмон бандда, сен ҳозир кайфда ўтирибсан, ҳузур қилибсан, ўзгаларга ҳам ҳузурни раво кўргин, қаттиқ гапирмагин, етим-

ларнинг бошини силагин, бечораларга ёрдам бергин. Яхшилиқ қилган одам жаннатидир, сен жаннатисан, жаннатисан... деб шивирларкан.

Бобожонимнинг паришталарини ҳуркитиб юбормаслик учун аста-секин, оёғимнинг учида бориб, ёнига ўтирдим. Қулоғининг атрофига синчиклаб қарай бошладим. Паришталар кўринмаяпти. Энам таҳоратсиз кишига паришта кўринмайди, деганди. Ҳозир менинг таҳоратим йўқ-да, ўшанга кўринмаётгандир.

Бобожоним битта кўзини озгина очиб:

— Келдингми, ўғлим, — деди.

— Келдим, — дедим секингина.

— Шундай, ўғлим, бу дунёга ҳаммамиз меҳмонмиз, — аста-аста гапира бошлади бобом, — лекин меҳмон эканман деб дастурхонни қоқлаб кетсак одобдан эмас. Кимларнидир дастурхонига биз ҳам оз-оздан ноз-неъмат ташлаб кетишимиз керак... Мендан кейин сен ҳам боғбон бўлган, ўғлим. Мана шу тоқларни, ўрикларни, бодому ёнғоқларни, анжиру анорларни сенга қолдириб кетаман. Эгаси ўзинг бўласан, мени қанча севсанг, уларни ҳам шунча севгин. Боғ яратган, уни парвариш қилган камбўлмайди. У дунёси ҳам, бу дунёси ҳам обод бўлади. Эшитганмисан?

— Йўқ, бобожон, мен ҳеч нарса эшитганим йўқ.

— Кампирнинг ҳеч нарсаси йўқ экану. ҳовлисида бир туپгина тераги бўлган экан. Тагини чопаркан, ўғит соларкан, челақлаб сув қуяркан-да, тўғри ўс, терагим, тўғрилиқда ҳикмат кўп, деб силаб-сийпаларкан. Йиллар ўтиб, терак осмон баробар бўлибди. Пошшо қаср солаётган экан, тўғри ўсган терак керак бўлибди. Бутун мамлакатни ахтарибди, топилмабди. Кампирникида шундай терак ўсаётганини эшитиб, эгасини рози қилиб олинглар, сўраса бир хум тилло беринглар, дебди... Бир туп теракни парвариш қилгани, тўғри ўстиргани учун кампир бой-бадавлат бўлиб кетган экан. Ҳа, ўғлим, дарахт экиб, парвариш қилган кишининг бу дунёси обод бўлади, деган гапнинг мазмуни шундан экан. Энди, азаматим, гапнинг буёғига ҳам қулоқ сол... Бир бой мардикорларга бозордан мева-чева олиб келиб берса, еб бўлишиб, боғбонга раҳмат, умри узоқ бўлсин, деб дуо қилишибди. Бой қариб нариги дунё ҳақида ўйлайдиган, савоб ахтарадиган бир ҳолатда экан. Катта боғни сотиб олиб, меvasини текинга улашибди. Еганлар потиҳага қўл очиб, экканга раҳмат, тикканга раҳмат, деб дуо қилишармиш. Савоб талаб бой хафа бўлибди. Ўзим эрмагунча савоби тегмас экан-да, деб ўйлабди-да, қуруқ ер сотиб олиб, ўзи

дов-дарахт экибди. Ўзи парвариш қилибди. Ҳосилга кир-
гач, мевасини улашса, еганлар экканга раҳмат, парвариш
қилганга раҳмат деб дуо қилишармиш. Дуо ижобат бў-
либ, шу бой ҳам чин дунёга борганда жаннатга тушган
экан... Ҳа, ўғлим, экиб, парвариш қилганнинг савоби
бошқача бўлади. Авлиёлар боғбоннинг икки дунёси обод-
дир, деб бежиз айтишмаган.

— Вой, бобожон, йиғлаяпсизми? — дедим шошилиб.
Кўзимни юмиб ўтиргандим-да, шунинг учун кўрмай қол-
ган эканман.

— Ҳа, йиғлаяпман, ўғлим.

— Йиғламамг, унда мевам йиғлайман.

— Тоғаларингни эслаб кетдим. Хў анави новча ўс-
ган ёнғоқнинг ниҳолчасини экаётганимда раҳматли
катта тоғанг ушлаб турувди, назаримда энди дарахтга
айланиб, икковимизга тикилиб тургандай. Отажон, мана
мен ўлганим йўқ, бўйим ҳам ҳамманикидан баланд, ме-
вамни еганлар мени дуо қилишяпти, дейгандай.

— Бобожон, йиғламамг, жон бобожон, — деб ёлвор-
дим, — мана мен ўлганим йўқ-ку, ёнингизда турибман-ку,
боғбон бўламан дедим-ку.

Ўрнимдан туриб бобожонимни ачомлаб, бетларидан,
соқолларидан ўпа бошладим. Энам кўп йиғлайдию. уни
юпатишим осон бўлади, бўйнига осилиб, озгина ёлвор-
сам, юпанади-қолади. Бобожонимнинг бўлса йиғлагани-
ни кам кўрганман. Шунинг учун қандай юпатишнинг
билмайман. Нима қилсам экан, мана соқолиниям тараяп-
ман, сочи йўқ бошиниям силаяпман, бўйпиларидан ҳам
ўпаяпман.

— Бобожон, мен ҳам қизиқ-қизиқ нарсалар айтиб
берайми? — деб сўрадим охири бетини ҳовучимга олиб,
кўзини ўзимга қаратиб.

— Айт, ўғлим, айт, — деди бобом хўрсиниб.

— Ўтган йили дарахтлар гуллаганда боғни айланти-
риб айтувдингиз-ку, ҳаммаси эсимда турибди.

— Қани айт-чи, ўғлим.

— Мана бодом ҳамма дарахтдан олдин гул, чиқариб,
кейин барг чиқаради. Эсимдамикан?

— Ҳа, эсингда экан, ўғлим.

— Бодомдан кейин гилос гуллайди. Уям олдин гул-
лаб кейин барг чиқаради. Гули билан барги баробар
чиқса, меваси майда бўп қолади. Оқ ўрик эрта гуллай-
ди. Кеч пишар ўрик бир вақтда ҳам барг чиқаради, ҳам
гул чиқаради. Биларканманми?

— Барақалла, ўғлим, барақалла.

— Беҳи билан анор олдин барг чиқариб, гулга нав-

батни кейин беради. Улар кеч пишади-да. Шунинг учун ҳеч шошмайди. Қайси мева эрта пишса, ўшанинг гули баргидан олдин очилади. Барг чиққунча гўрамизни тугиб олайлик, бўлмаса бизга овқат етмай қолади, дейишаркан... Ёнғоқнинг гули бир қарич бўлиб осилиб чиқади. Анжир гулламасдан ҳам мева қилавераркан, ўзингиз шундай дегансиз.

— Азамат ўғлим-ей, ҳаммаси ёдингда экан, баракалла.

— Бобожон, энди йигламайсизми?

— Бўлди ўғлим, энди ҳеч йигламайман, ўринбосарим бор экан, Худо хоҳласа зўр боғбон бўласан, энди икковимиз ҳам савобнинг тагида қоламиз.

— Бобожон, Эшси бобом, сен Худо хоҳласа мачитга имом бўласан, девдилар-ку, энди қайси бирини қиламан?

— Икковиниям қилаверасан ўғлим. Кундузи боғдаю кечқурун мачитда бўласан. Икковиям савоб, раҳмат устига раҳмат ёғилади... Кел бир ачомлашайлик. Меҳрим товланиб кетди, Худога шукр, минг қатла шукр, ўринбосарим, боғларимнинг кичикича боғбони...

Бобожоним билан эндигина ачомлашаётувдиз, ҳали бир-биримизга унча тўйганимиз ҳам йўқ эди, нарироқда ўҳ-хў, ўҳ-хў деган йўтал овози эшитилиб қолди. Қарасак, вой, вой, Аҳмадқул бобом экан, яқинимизга келгунича сезмабмиз.

— Икковнинг ҳам кармисан? — деди Аҳмадқул бобом яқинимизга етай деганда.

— Кар эмасмиз, — дедим бобомнинг қучоғидан чиқиб.

— Ҳовлида туриб шунча чақираман, чақираман...

— Бўйнинг паст-да, — деди бобом сал кулимсираб, — овозинг ҳам паст чиқади.

— Келининг устига чиқиб чақирувдим, Эрка.

— Бўлмаса овозинг келининг пичига кетибди, Аҳмадқул.

Ҳаммамиз ўтирдик, потиха ўқидик, чой қуйиб узатдим. Иш чатоқ бўпти. Жуда-жуда чатоқ бўпти. Колхозимизнинг ҳосилоти Қўзиев амаки Бўриҳовузининг олдига одамларни тўплаб, йўқ, одам кўп бормабди, озгина борибди, холос, қўрғончадаги боғларга бу йил ишлов берилмасин, колхозга умумлашади, колхознинг паст томонидаги ерлари захлаб, шўрлаб кетган, пахта унмайпти, ҳукуматга мевадан кўра пахта зарурроқ бўи турибди, боғлар бузилиб, ўрнига пахта экилади, дебди...

Бобомнинг аввал қўллари, кейин бўйни қалтираб, анчагача гапиролмай турди, кейин ўзига келиб:

— Ҳазиливгни қўй, Аҳмад! — деди.

— Ҳазиллашаётганим йўқ, — деди Аҳмадқул бобом.

— Гапишгани қайтариб ол, бўлмаса ҳозир мана шу теша билан чопиб ташлайман.

— Зўр бўлсанг, бориб раисни чоп, Эрка, нега менга дўқ урасан?

Чол боболар ўрниларидан туришувди, қўрқиб мен ҳам туриб олдим. Илоё уришиб қолшимасин деб худога ёлвориб турдим.

— Бу гап кимдан чиқибди? — секин сўради ўзимнинг бобом.

— Ҳукуматдан, — деди Аҳмадқул бобом орқасига тисарилиб.

— Қайси ҳукуматдан?

— Энг каттасидан. Кеча идорада ёпиқ майлис бўлган экан, қарор қилишибди.

— Шу боғларни бузишга-я?

— Ҳа, шу боғларни бузишга, сенкиниям, меникиниям, ҳамманикини.

— Йўқ-йўқ, — бобожовим бақириб юборди, — ҳозир бориб ҳаммасини чопиб ташлайман. Ўғилларимни отиб ўлдирди, куёвимни уриб ўлдирди, ерпимни олди, белимни букди, энди боғимни бузадими, йўқ, йўқ... Ҳаммасини чопиб ташлайман.

Бобожовим турган жойида телиниб, ердаги теша, арра, тоқ, қайчиларни ҳар томонга ота берди. Энажовим югуриб келди. Ўтқазиб, бобомга совуқ чой ичирди, кўкрагини очиб елпиди.

Мен нима қилувимни билмай жим туравердим.

ЭШОН БОБОМ ЯНА ҚОЧИБ КЕЛДИЛАР

Энди ҳаммасини бир бошдан айтаман, хўпми? Бўлмаса адашиб кетаман. Энажовим гап бошлашдан олдин «Бисмиллоҳ» деб олгин, деб ўргатарди, шундай қилса шайтон огизга кириб олмас экан. Шайтон жуда ёмон, огизга кириб олса болаларни гапидан адаштириб юбораркан. Эшон бобомни қамоқдан озод қилиш учун ўлиб қолган чўчқа болалари ўрнига, айтувдим-ку, бобожонлар кўп қўй ҳайдаб кетишди деб, ўша қўйларни район марказига етказиб боргунча роса қийналишди: қочиб жетаверишибди, ҳайдаб келишса яна қочиб кетишармиш. Охири Аҳмадқул бобом, ўзи шу бобомнинг эси жуда кўп-да, эшагидан тушиб битта қўйнинг бўйнига белбоғини боғлаб, етаклаб олибди. Кейин бошқа қўйлар, бўпти, чўчқанинг ўрнига бизни сўйишса, сўйишақолсин дейишиб, ўша қўйнинг ортидан маърашиб, бошларини эгиб,

кегишаверибди. Эх, борганларидан кейин Эшон бобомпи қамаган катта бошлиқ шунақа хурсанд бўптики, шунақа севинибдики, кафтларини бир-бирига мана бундай қилиб пиқаб, ў бобойлар, зап иш қилибсизлар-да. офарин, офарин, казармадаги аскарларга гўшт йўқ эди, мазза қилшади энди, дебди. Рост, худди шундай дебди. Ишонмасангиз, Муродхондан, Хайитвой ўртоғимдан сўранг. Биз бу гапларни Аҳмадқул бобомникида, деразанинг орқасида пойлаб туриб эшитдик. Кейин ўша ғарчи бор чиройли этик кийиб олган бошлиқ, ия, нега қўйни тўққишта олиб келдиларинг, яна битта қўшсаларинг ўнта бўларди, жуфт бўларди, жуфт нарсани хосияти кўд, дебди.

Эшонқул бобом:

— Э болам, ташвиш тортма, қўйнинг ўрнига мапа бу Аҳмадқулнинг қўл-оёғини боғлаб бериб келамиз,— дебди.

Энг катта бошлиқ хохолаб кулиб юборибди. Кейин чол боболар, энди болам, Эшон ҳазратларини озод қилгин, биргалашиб, эшакка миндириб олиб кетайлик, дейишибди. Энг катта бошлиқ озгини очмасдан, қоринни силкитиб кулибдию. нариги хонага ўтинлар, озгина суҳбатлашасизлар, кейин бир гап бўлар, деб қовоғини мана бундай қилиб хўмрайганга ўхшаб соллштириб олибди.

Бобожонлар энди пешонаси йилтироқ, кичкина бошлиқнинг хонасига ўтишибди. Кичкина бошлиқ:

— Хуш кўрдик, отахонлар! — дебди.

Бобожонлар:

— Худое умринг узоқ бўлсин, — дейишибди.

Пешонаси йилтироқ бошлиқ:

— Демак Хонэшон Шодмохон ўгли сизларга ҳам қишлоқ бўларкан-да? — деб сўрабди.

— Иншооло, шундай, — дейишибди бобожонлар.

— Мелисахонадан қочган кечаси Хонэшон тўппатўғри сизларнинг қишлоқларингизга бордимиз?

— Совуқ кечада қаёққа ҳам борардилар.

— Қочоқ Эшонни энг аввал Эрка миңбоши беркитдимиз?

— Эркавой миңбоши бўлган эмас, элликбоши бўлган.

— Э, бало бўлганда ҳам, беркитганми ахир?

— Нима, совуқ тунда Эшон ҳазратлари кўчада музлаб қолсинларми, бўлмаса,— деб Аҳмадқул бобом оёғи билан ерни бир тепиб қўйибди.

— Бақирманг, — дебди пешонаси йилтироқ бошлиқ.

— Бақиравераман, — дебди яна Аҳмадқул бобом,—

Қўйнинг энг каттасини ўзим бердим-ку, нега бақирмас эканман.

Пешонаси йилтироқ амаки анчагача индамабди. Қозога мохорка ўраб чекибди. Тутунини девор томонга нуфлаб-нуфлаб қўйибдию ҳеч парса ҳақида сўрамабди. Кейин яна савол-жавобни бошлаб юборибди:

— Хўш, Эшон ҳазратлари Эрка Ҳожимат ўглиникидан чиқиб кейин кимникига беркинди?

— Кейин меникида турдилар, — дебди Аҳмадқул бобом қўрқмасдан.

— Ўз уйингиздами?

— Йўқ, отамдан қолган уйда.

— Кейин-чи?

— Молхонага беркитганман.

— Кейин-чи?

— Кейин отамдан қолган катта туя сандиққа солиб қулфлаб ўтирдим.

— Кейин-чи?

— Кейин мевани кўп еб, қорни бузилиб қолмасин деб у ердан чиқардим.

— Кейин-чи?

— Кейин Қамбараллиникига ўтказдик.

— Кейин-чи?

— Кейин ўзларинг ушлаб олдиларинг-ку... Ҳадеб кейин-кейин деяверасанми?

— Демак, бобойлар, ҳаммаларинг биргалашиб жинотчи Хонэшонни беркитгансизлар.

— Юртимизнинг имони бўлгандан кейин беркитамизда, болам.

— Биргалашиб номоз ҳам ўқигансизлар?

— Ёшимиз бир жойга бориб қолди, ўқимасак бўлмайдиди-да, болам.

— Имомликка Хонэшон ҳазратлари ўтдиларми?

— Бўлмасам-чи...

Мана шунақа савол-жавоблар бўлаверибди-бўлаверибди. Охирида пешонаси йилтироқ бошлиқ, бобойлар, мана бу қозозларга қўл қўйинглар, дебди. Э болам, биз қўл қўйишни билмаймиз, керак бўлса бармоғимизни сиёҳингга босиб бера қолайлик, дейишиб бисмиллоҳу раҳмонир раҳимни айтиб мана бундай, мана бундай қилиб бармоқларини босишибди.

Пешонаси йилтироқ бошлиқ энг катта бошлиқнинг олдига кириб анча маҳал йўқ бўлиб кетибди. Бобожонлар ҳозир Хонэшон ҳазратларини бошлаб чиқишса керак, қучоқлашиб кўришиб кейин қишлоққа олиб кетсак керак, Аҳмадқул, сен ҳали ёшсан, эшагингни Ҳазратга

бериб, ўзинг тўқимидан ушлаб пиёда кетасан, деб мас-лаҳатлашиб турган экан, бир маҳал пешонаси йилтироқ бошлиқ қовоғини солиб, йиғламсираганроқ бўлиб чиқибди-да, уҳ тортиб, ҳаммаларинг хўжайинининг олдига кирасизлар, дебди.

Буёғи чатоқ бўпти, жуда-жуда чатоқ бўпти. Этигида гарчи бор бошлиқнинг феъли айнаб қолибди. Қочоқни, давлат жиноятчисини беркитганларинг учун ҳаммаларинг қамаласанлар, мана, айбларингни бўйинларингга олиб, бармоқларингни босиб ҳам берибсизлар, деб бақирибди. Бақирганда кўзи ола-кула бўлиб кетибди. Эртақлардаги важоҳати хунук девлар бўлади-ку, ана шулақа бўлиб кетибди. Бобожонлар кўрқиб кетишибди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ Аҳмадқул бобом кўрқиб, э мен қамалиб кетсам, набирам Ҳайитвойининг тўйини ким қилиб беради деб ўйлабди. Қамбарали бобом, менинг ўғлим районининг извошида юрадиган каттаси-ку, мени қамашмаса керак деб ўйлаб, сал озроқ кўрқибди.

Этигида гарчи бор бошлиқ ўрнидан туриб:

— Уҳх! — дебди.

Чол боболар:

— Э, худоёним-ей! — дейишибди.

— Нега қочоқ эшонин беркитганларингни бўйинларингга олдиларинг? — деб сўрабди.

— Рост гапни айтдик-да, бошлиқ ўғлим, — дейишибди бобожонлар.

— Э, рост гапни айтадиган замонми ҳозир, каллава-рам чоллар, — ана шу гапни айтгандан кейин катта бошлиқ афтини жийриб, яна уҳ тортибди. Ўйланабди, ўйлапаверибди. Нима ҳақда ўйланаётганини ҳеч биллиб бўлмас эмиш. Охири яна бир уҳ тортибди-да, майли, сизлар бораверинглар, лекин Эшон ҳазратларини ҳозирча бўшатолмаيمان, менинг устимда яна ўнта бошлиқ бор, биттасини кўндирсам бошқасини кўндиролмайман, Ҳазратга мен ҳам ачинаман, мен ҳам мусулмон одамнинг фарзандиман, тезроқ кетинглар энди, дебди-да, бобожонларга жавоб бериб юборибди.

Ҳали айтдим-ку, бу гапларининг ҳаммасини Аҳмадқул бобомнинг даричаси ёнида ўтириб эшитдик. Ҳайитвой ҳам эшитди, Муродхон ўртоғим ҳам эшитди. Ҳайитвой, катта бўлсам, мелисаларга бошлиқ бўламан-да, ҳамма Эшон боболарни қамоқдан чиқариб юбораман, деди. Муродхон ўртоғим ўрнидан туриб, э, қорним очиб кетди, уйимизга кетаман, деди. Мен бўлсам, ҳеч нарса демасдим. Йиғлагим келаётганди-да, йиғлагим келганда ҳечам гапиролмайман. Эшон бобом энди қоронгу уйда, ёлғиз ўз-

лари ўтирадилар, қорнилари оч қолса, чой ичгилари келса ҳеч ким бермайди. Тағларига кўрига ҳам солишмайди, бошларида ёстиқ ҳам йўқ... Ана шуларни ўйладим, ўйладиму энди сал-пал йиғлагим кела бошлади.

Уша кунни қаттиқ шамол эсаётувди. Энажоним, худонинг марҳамати эсяпти, ерларни қуритади. дарахтларни қиш уйқусидан уйғотади, ўт-ўланлар ўсиб чиқади, шамол эмас, оромбахш баҳорнинг элчиси бу, дейди. Қоронгу тушгандан кейин шамолни гувиллаши яна кучайди. Худди қора девлар томимиз устига ўтириб олиб, туйнугимиздан пуфлаётганга ўхшайди. Қўрқиб, оёғи шишиб бутунлай ётиб қолган бобожонимнинг пивжиги кириб олдим. Энажоним, тур болам, чироқни ушлаб тур, молларга хашак солиб чиқайлик, кейин ётамиз, яхши эртақлар айтиб бераман, девди, молхонага киргани қўрқаман, шамол келган кечаси у ерга қора девлар қамалиб олади, деб кўнмай, бобожонимнинг пивжиги баттароқ беркиниб олдим.

Энажоним молхонадан чиқиб тапчага ўт солиш учун ўчоққа энди олов ёқаётганди, кўча эшигимиз олдин сал пастроқ, кейин худди биров тош билан ураётгандек, қаттиқ тақиллаб қолди. Энам икковимиз чиқиб тамбани туширувдик, ие, ие, Эшон бобом турибдилар, рост айтяпман. Девга ўхшаган, новча бўйли, мўйлови буралиб-буралиб қулоғининг орқасига бориб қолган битта амаки ҳам турибди. Уша девга ўхшаган амаки бир қўли билан девлар минадиган катта отнинг жиловидан ушлаб, бошқа қўли билан Эшон бобомнинг қўлтиғидан кўтариброқ олган.

— Вой худойим-ей! — деди энажоним.

— Робиябиби, мен яна ташвиш бўлиб келдим, — зўрга нафас олиб дедилар Эшон бобом.

— Вой, яратганга шукр-эй, — деди энажоним яна.

— Эркавой уйдами?

— Марҳамат, кираверсинлар, уйдалар.

— Йўқ, чақиринг. Мен шу ердан кетақолай.

— Вой, ҳазратим, ундай демасинлар.

Шу пайтда ҳассасига таяниб, чўлоқланиб бобожонимнинг ўзи чиқиб келди. Ачомлашиб кўришиб кетишди. Девга ўхшаган амаки билан ҳам қўл бериб сўрашишди.

— Қани, ичкарига, меҳмон, отга ҳам жой бор, — деди бобожоним.

— Эркавой, мен яна қочиб келдим.

— Худонинг марҳамати бу, пирим.

— Мени деб бошингиз яна балога қолмасин, кетақолай.

— Пирим, сиз учун ҳамма нарсага тайёرمىз.

Э, гапларидан ҳаммасини билиб олдим. Эшон бобомни бу гап ҳам яна мелиса амакиларнинг ўзлари қочиришибди. Девга ўхшаган амаки ҳам мелиса экан. Фақат елкасида погонни йўқ холос, отиям ўзиники экан.

— «Оқ мачит»данмап дедингизми, ўғлим, — деб сўрадилар Эшон бобом амаки билан хайрлашаётганда.

— Ҳа, ўша ерликмап, отахон.

— Еқуббойнинг ўғлимисиз?

— Ҳа, ўша кишига фарзанд бўламиз.

— Исмингиз Ҳалимбоймиди?

— Худди шундай, пирим.

— Илоё овмип, — фотиҳа ўқидилар Эшон бобом, — тикилиб келган балодан, потавон тухмату бемаҳал ўлимдан ўзи асрасин. Худо умр берса қишлоғингизга бориб сиздек фарзандни тарбиялаган ота-онангизга раҳматлар айтарман, илоё уларни ҳам ўз паноҳида асрасин!

Уйга кирганимиздан кейин жуда галати бўлди. Бир-бирлари билан ҳеч гаплашишмади. Ўзимнинг бобом, оббо пирим-ей, деса, Эшон бобом, оббо Эркаво-ей, дедилар холос. Ҳа, билдим, мендан гапларини яширишмоқчи, кўчага чиқиб, ўртоқларига айтиб беради деб, кўрқинишаётгандир-да. Айтмасдим, ҳар нарса бўлай, чўяп соққа бераман дейишса ҳам айтмасдим. Бошимни танчага қўйиб туравердим, туравердим. Охири уйқум келмаса ҳам атайлаб, энажон, ётаман, уйқум келяпти, дедим ўзимни уйқусираганга солиб. Йўқ, айтдим-ку, уйқум келмаган эди деб, овозимни атайлаб шунақа чиқардим. Энажоним, катта уйимизнинг париги чеккасига жой солиб берди. Қулогимни бобожоним томонга тўғрилаб, жим ётавердим. Аввал пичирлашиб гаплашишди, кейин овозларини сал баланд қилишди, охирида қаттиқ-қаттиқ сўзлашишди...

Э, яхши бўпти, жудаям зўр бўпти. Эшон бобомни этигида гарчибор энг катта бошлиқнинг ўзи қочирибди.

— Йўг-э! — деди ўзимнинг бобом.

— Худо шоҳид, — дедилар Эшон бобом, — кеча ўзи олдимга кириб қоровул болаларни уришиб бергап бўлди, нега тағларига юмшоқроқ кўрпа тўшаб бермадиларинг, нега иссиқ овқат бермаяписизлар, деган гапларни айтди. Кейин менга яқинроқ келиб, ҳазратим, сабр қилинг, бир иложини қиладиганга ўхшаймиз, деб шивирлади.

— Икромовнинг ўзи шу гапларни айтдимми? — энди овозини пастлатиб сўради бобожоним.

— Худо шоҳид, шундай деди.

— Яхши одам экан.

— Э, Эркавой, мелиса-мелиса деймизу уларнинг орасида ҳам дини иймонли, мусулмон йигитлар кўп экан.

Ҳай-ҳай, ҳаммаси аслида яратган эгамдан, ҳаммаси Баҳовуддин пиримдан. Мана, ёрут дунёга чиқиб ўтирибмиз. Кечки таомни ҳалиги отлиқ йиғит олиб кирди. Қоронғу тушиши билан ҳожатхонага бориш, кўча томонинг гуваласи бўш, тўрттасини туширасиз, дейди-я. Йўқ, болам, оёқ қурғур шол, узоққа юролмайман десам, ўзим айтган жойингизга олиб бориб қўяман, дейди-я! Э худоим, э яратган Эгам, ўзингга шукроналар бўлсин... Остидаги от эмас, учқур тулпор экап, учириб келди-я. Тезроқ тоғ ичкарасига кетинг, ўша ёқлар ҳали мусулмонобод дейди-я. Э, Эркавой, яхши одамлар кўп бу дунёда.

Эшон бобомни тоғдаги қишлоқларга қочирини ҳақида маслаҳат қила бошлашди. «Лаккон» деган тожик қишлоқда, «Боткон» деган қирғиз қишлоқда ўзимнинг бобомнинг қариндошлари кўп экап. Аслида-чи, бобожонимнинг энг катта боболари ўша ёқда яшаб, кейин ўлишган экап. Ёзда борганмиз, ўрик, поклар еганмиз. У ерда-чи, тегирмонлар ҳам жуда кўп. Биттасидан ун чиқса, биттасидан ёғ чиқади.

Ўзимнинг бобожоним эшагимизни тўқимлагани кириб кетди. Энам жун хуржунимизга майиз, тут толқон, жиззали ношлар сола бошлади. Қариндошларимга олиб бориш деб ёнғоқ, анор ҳам берди.

— Ёзда Раҳмонбердига тўй қилсак албатта келасиз, — деди энажоним.

— Худо хоҳласа, — дедилар Эшон бобом.

Кейин икковлари ташқарига чиқиб кетишди. Эшагимизнинг ҳанграгани, кўча эшитгимизнинг гийч этиб ёпилгани эшитилди. Кейин яна гувиллаб қўрқинчли шамол эса бошлади.

Бобожоним ташчага, ўзининг ўрнига, энажоним менинг ёнимга кириб ётди.

— Энажон, Эшон бобом ёлғиз ўзлари қўрқмайдиларми? — деб сўрадим.

— Вой шўрим, уйғоқмисан? — деб сўради энам.

— Ҳаммасини эшитиб ётувдим.

— Вой худоим-ей.

— Қўрқманг, ҳеч кимга айтмайман, чўян соққа беришсаям, варрак ясаб беришсаям айтмайман.

— Болагинам-эй.

— Эшон бобомнинг орқасидан қувишмайдими?

— Жим ёт, ўғлим.

— Йўқ, ростини айтнинг, қувишмайдими?

— Худо хоҳласа қувишмайди.

— Қувишса, эшагимиз чополмайди-да, думгазасидаги жунидан тортса, кейин яхши чопади, шуни айтдингизми?

— Айтдим, арслоним.
— Бўрилар учраб қолса нима қиладилар?
— Шамол куни бўрилар пнидан чиқмайди, ухла энди.

— Ухлагим келмаяпти.
— Дуо ўқигин, ухлаб қолсан.
— Пичирлаб ўқийми?
— Овоз чиқариб ўқи, кўп ўқигин, кейин ҳаммамиз ухлаб қоламиз. Яхши тушлар кўрамиз.

— Савобини Эшон бобомга бағишлаймизми?
— Ҳа, пиримга бағишлаймиз.
— Энажон, Эшон бобомнинг хотинлари ўлганми?
— Йўқ, у киши уйламаганлар ўғлим.
— Ўғиллариям, қизлариям йўқми?
— Энди бас қил, бўлмаса ўримдан туриб бобонгнинг ёнига бориб ётаман.

— Йўқ, йўқ, турмайсиз. Мана ўқияпман.

Энажонимнинг кўкрагига бошимни қўйиб, оғзимни сал буёққа буриб олиб, ҳў анови куни ўргатган дуоларини ўқий бошладим. Бир марта ўқиганимдан кейин чиндан ҳам икқовимиз ухлаб қолдик.

ХУДОГА ПОЛА ҚИЛДИК

Аҳмадқул бобом тўғри айтибди, боғларимизнинг бузилиши рост экан. Энажоним бўлса, Отажон, шу ҳазилкаш ўртоғингизнинг пойма-пой гапига ишониб куйинаверманг деган эди, эсизгина, шу гапни айтмаса ҳам бўлар экан. Уша куни Бўрҳовуз бўйига ҳаммани тўплашди. Чол боболар борди, бошига тўпча ёпишган бувилар борди, амакилар борди, Муродхон, Ҳайитвой ўртоғим ҳамма-ҳаммамиз бордик. Мен тиззасини тишлаб олган ижроқўмбобо, қолхозимизнинг битта қулоғи йўқ раис, битта повча, битта накапа мелиса амакилар катта-катта отларга миниб келишган экан. Отларини товухонанинг ёнидаги қозиқларга боғлаб қўйишиб, қўлларидаги қамчи билан этикларининг сояга мана бундай-мана бундай қилиб уришиб мажлис қилишди. Мен ижроқўмбобо кўриб қолмасин деб, катта одамларнинг орқасига бекиниб турдим.

Қишлоқнинг паст томони пахта бермай қўйибди, ерларнинг тагидан шўр сув кен қопти, давлатга кўп пахта керак экан, кўп пахта берилмаса душманлар қишлоғимизни босиб оларкан, ҳаммани қул қиларкан.

— Ҳозир қул эмасми? — деб сўради Аҳмадқул бобом.

— Худога шукр, ҳозир озодмиз,— деди битта қулоғи йўқ раис амаки.

— Озод бўлсак нега боғимизни бузасан, Чиноқ?

— Отахоп, чиноқ демай гапиринг.

— Битта қулоғи йўқни чиноқ дейишади-да.

— Гап шу, — деди раис амаки, — Беговот ариқдан пастдаги ҳамма боғлар бузилади. Мана, катталарнинг буйруғи ёзилган қоғоз қўлимда турибди... Ким бўйин товласа, қамалади, гап тамом!

— Ҳ, Чиноқ, — яна гапирди Аҳмадқул бобом, — ме-нинг боғимга тега кўрма, уйимда Исталин бобонинг тўрт-та сурати бор, осиб қўйганман. Аҳмадқул чолга деб бар-моғини ҳам босиб берган.

— Ҳртоқ Сталин бармоқ босмайди, каллаварам чол.

— Э, ўзинг каллаварам чолсан, Чиноқ.

Кейин ижроқўмбобо гапирди, кейин мелиса амакилар гапирди. Бир туп олма, бир туп нок бир оилга етаркан, қолгани, бари бир тагига тўкилиб, чириб кетаркан. Шун-ча боғнинг энди кимга кераги бор экан. Пахта аса ҳам-мага ҳар кун керак бўларкан.

— Хўш, устингиздаги тўп нимадан? — деб сўради ижроқўмбобо.

Ҳеч ким жавоб қайтармади, устидаги тўпини ушлаб кўрди холос.

— Пахтадан, — деди пакана мелиса.

— Кўйлагингиз-чи?

— Пахтадан.

— Лозимингиз-чи?

— Пахтадан.

— Иштонбоғингиз-чи?

— Пахтадан.

— Кўрпангиз-чи?

— Пахтадан.

— Обрўйингиз-чи?

— Пахтадан.

— Тариллаб турган трактор-чи?

— Пахтадан.

— Қозонга қуядиган ёгингиз-чи?

— Пахтадан.

Ижроқўмбобо билан мелиса амакилар ана шунақа суҳбат қилишаверди-қилишаверди. Одамлар бошларини мана бундай эгиб, жим туришаверди, туришаверди. Мен ҳам, Ҳайитвой ўртоғим ҳам жим туравердик. Ижроқўм-бобо, ҳозир бориб боғлардаги дарахтларни кесинглар, қаршилиқ кўрсатган ўн йилга қамалади, деган гапни айтди. Кейин отларига миниб, жўнаб кетишди. Тўн ёпин-

ган бувилар йиғлашди, чол боболар бир нарсалар ҳақида суҳбатлашишганида, биз эшитолмай қолдик. Охири маслаҳатлашиш учун ўзимнинг бобомнинг олдига келишди.

— Ў элликбоши, бирор нарса десанг-чи, — деди Матмуса бобом, — барибир фойдали гап ўзингдан чиқади.

— Ў золимлар, ў золим замона, — дедию бобожоним ҳеч фойдали гап айтмади.

Яна маслаҳат қилишди. Охири Исталин бобонинг суратини топиб, боғларимизнинг эшигига осайлик, у кишининг фариштаси кўп улуғ, ҳеч ким меваларимизни кесолмайди, дейишди. Кечаси билан ҳеч ким ухламади. Биз ҳам ухламадик. Йўқ, мен жиндек ухладиму барибир уйғониб кетдим. Қарасам, энажоним йўқ, сўрасам, Қашқар қишлоққа Исталин бобонинг суратини ахтариб кетган экан... Эҳ, жуда қизиқ бўлди-да. Ҳамманинг кўча эшигига Исталин бобонинг суратини ёпиштириб чиқдик. Эси йўқ болалар йиртиб қўямасин деб, сал баландроққа ёпиштирдик. Биз елим солинган косачаларни ушлаб турдик, Султоналига ўхшаган новчароқ акалар бисмиллоҳи раҳмонир раҳим деб ёпиштиришди. Ҳайитвой ўртоғим бўлса ўша косачадаги елимдан яшириб икки марта ялаб олган экан, апчагача лаби очилмай им-имм деб юрди.

Кечаси яна ҳам қизиқ бўлди. Бизникида, сой кўчадаги Саври холаминикида энажонимлар тўпланишиб:

*Ҳар ким айтса бир соат
Дуо бўлгай-ижобат.
Ло илоҳа илло анта
Ло илоҳа илло анта,—*

деган дуоларни ўқиб, «Мушкулкушот» ўқинди. Мушкулкушот ўқиганда-чи, азиз авлиёлар шошилиб ёрдамга келади, билдингизми? Ишингиз юришиб кетади. Золимлар йўқ бўлади, дилингни равшан бўлади. Хў ёзда, узумимиз сотилмай қолганда энажоним мушкулкушот ўқитувди, эртасига Қўқондан ўзбекча гапирадиган армани амакилар келиб бир хуржун қизил пул бериб узумимиз ҳаммасини сотиб олишган. Бобожонимнинг дили равшан бўлиб, янаги йилга ҳам келинлар деган.

Лайтувдим-ку, дўхтиримиз Деҳқон шапка амаки жуда ақлли деб. Аҳмадқул бобомдан ҳам, ўзимнинг бобомдан ҳам ақли кўп уни. Ақлим осмонга учиб кетмасин деб доим бошига шапка кийиб юради. Ана шу амаки райондаги ҳамма ерларнинг, ҳамма боғларнинг, ариқлардаги ҳамма

сувларнинг бошлигини биларкан. Бош танобчи экан ўша одам .Кечаси ухламай унинг номига хат ёзиб бериб, худ до хоҳласа боғларинг бузилмайди, дебди.

— Хатни мен олиб боролмайман, — деди бобожон салпал йиғламсирагандек бўлиб, — икки оёгим тенгдан йўқ бўи қолди, ўрнимдан дуrolмайман.

— Ким олиб боради бўлмаса? — аччиги чиқиб сўради Аҳмадқул бобом.

— Ўзинг борасан, ўртоқ.

— Ҳаммасига мени югуртираберар экансизлар-да.

— Гапга чечансан, оёгинг енгил.

— Уҳ, — шундай деб Аҳмадқул бобом чиқиб кетди. Энди уёғи яна чатоқ бўпти. Матмуса бобом ҳам боролмайман, кўш от кўшилган извошда юрадиган раҳбар ўғлимга гап тегиб қолади, дебди. Хайрият, Эсонқул бобом дарров кўнибди. Қамбарали бобом бўлса эшагим йўқ, эшак топиб берсаларинг, боравераман-да, деб охири, тўртта бобожон йўлга тушишибди. Ўша бош танобчи идорасида истаканда чой пчаётган экан:

— Ну? — дебди.

— Богимиз тўғрисида келдик, — дейишибди бобожонлар.

— Так, — дебди бош танобчи чой хўшлаб.

Кейин ўрталарида мана бундай суҳбат ҳам бўлиб ўтибди:

— Мевали боғни бузиш гуноҳ-ку, ўғлим.

— Так.

— Ота-бобомиздан қолган нодир мевалар эди, яхши болам.

— Так.

— Шунақанги ширин-шакар меваларки, худди жаннатнинг ўзи эди.

— Так.

— Тирикчиливгимиз ҳам шу боғлар туфайли ўтиб турибди, яхши йигит.

— Так.

— Пахтага бошқа ер қуриб кетмагандир ахир?

— Так.

— Ҳеч бўлмаса Дехқон шапканинг хатини ўқигин.

— Так.

— Боғни бузсаларинг, устимиздан ўт қўямиз.

— Так.

— Э, менга қара, — дебди охири Аҳмадқул бобомнинг жаҳди чиқиб, — Нега ҳадеб так-так дейсан, мен сенга отманми? Оёгимни тақалатгани келибманми?

— Так, — дебди яна бош танобчи.

Кейин билиниша, шу так-так амаки ўзбекчани билмас экан. Бошқа одамни чақиршибди. Ҳамма гапни ўша айтиб берибди. Так-так амаки бу менинг қўлимдан келмайди деб, бош чайқабди. Чол боболар, э болам, қўлингдан келгунча идорангда ўтираверамиз, дейишибди. Ростдан ҳам ўтираверишибди, ўтираверишибди. Номозлари қазо бўлса ҳам ўтираверишибди. Охири так-так амаки, ҳа майли, ижроқўмга хат қилиб бераман, бир иложини қилар, дебди.

— Боғ бузилмайдими? — шошилиб сўрабди Аҳмадқул бобом.

— Ҳа, бузилмайди, — деган жавоб бўлибди.

— Гап деган мана бундай бўпти, умринг узоқ бўлсин, ўғлим.

Шунақа хурсанд бўлишибдики, шунақа севинишибдики, Эсонқул бобом йиглабди, Қамбарали бобом бу дунёда яхши одамлар кўч, дебди. Шодмон бобом худо хоҳласа буқа сўйиб, юртга худойи ош тортаман, дебди. Эшаклари ҳам хурсанд бўлибди. Уёққа майда қадам бўлиб, секин-секин юриб борган экан, буёққа тумшукларини олдинга чўзиб, қулоқларини диккайтириб, ким ўзарга чопиб келибди. Ҳаммасидан ҳам Аҳмадқул бобомнинг кўк эшаги яхши чопибди. Келишса, хайрият, мен тиззасини тишлаб олган ижроқўм амаки идорасида қатиқ ичиб ўтирган экан. Хатни ўқиб қошларини мана бундай жийириб, пакана мелисага бу амакиларингни тездап идорангга олиб кир, дебди. Олиб кирган экан, энди устиларидан қулфлаб қўй дебди. Қулфлаган экан, ўзи деразадаги темир панжара қаршисига келиб, битта қўлини мана бундай қилиб белига тираб, ҳалиги хатни ўқибди. «Уртоқ Маруфхўжа Эшонқулов, ушбуни олиб борган чоллар давлатимизнинг пахта сиёсатига қарши тескарп ташвиқот қилиб юрган ёт унсурлар ҳисобланади. Эсларини йиғиб олгунча қамаб қўйишингизни маслаҳат бераман».

— Эшитдиларингми? — сўрабди ижроқўм амаки.

— Ҳазилингни қўй, — дейишибди боболар.

Ҳазил эмас, чин экан. Нега десангиз кутишаверибди, кутишаверибди. Қоронги тушгунча ҳам ҳеч ким келиб эшикни очмабди. Энди ҳаммалари бечора Аҳмадқул бобомни хафа қилишибди. Сен гапга чечан бўлмай ўлгур, гапиравердинг, гапиравердинг, мана, бошимиз балога қолди, деган гапларни айтишибди. Аҳмадқул бобом сабр қилинлар, бир иложини қиламан, лекин чизган чизгимдан чиқмайсизлар, дебди. Пакана мелисани чақириб:

— Ҳой йигит, яхши одамнинг боласига ўхшайсан,

берироқ кел, — дебди. Пакана амаки деразага яқинроқ келган экан:

— Мусулмон одамнинг боласимисан? — деган саволни берибди.

— Худога шукр, — деган жавоб қайтарибди.

— Худо хоҳласа онанг ҳам мусулмондир?

— Алҳамдулиллоҳ.

— Намознинг савоби кўп бўлади, биласан, а, ўғлим?

— Биладман, отахон.

— Баракалла, ўғлим. Энди бизга озгина таҳорат суви бергин. Шомни ўқиб олайлик. Савобини ўзингга бағишлаймиз, — деб юмшоққина қилиб гапирибди Аҳмадқул бобом.

Мелиса амаки савобини яхши кўраркан-да, дарров қумғонда сув илитиб келиб, олдларига кирган экан, бобожонлар бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, деб бечорани ерга босишибди. Қўл-оёғини боғлашибди, кейин ташқирига чиқиб оч қолганидан тўхтамай ҳанграётган эшакларини миниб буёққа, қўрғончага қараб қочишибди...

Бу гапларнинг ҳаммасини мен ҳали айтдим-ку, Аҳмадқул бобомнинг ўзидан эшитдим. Уйларида Ҳайитвой ўртоғим, Абдуҳалим, Дилижон, ҳаммамиз бармоқ яширар уйнаб ўтирган эдик, бобом ҳовлиқиб кириб келди-да, эшагини ҳам боғламай, райондан қандай хушxabар олиб келаркан деб ўтирганларга мана шуларни айтиб берди-ю:

— Энди ҳаммаларинг уйингга тарқал, — деди аччиги чиқиб.

Ҳамма кўрқиб кетди. Менам кўрқдим. Ҳозир келиб мелиса қамаб қўяди, деб кўрқдим. Уйимизга қараб чопдим. Борсам энажоним чарх йиғиряпти. Бобом оёғи оғриётган бўлсаям, сандалнинг устига бир сават майиз қўйиб олиб, чўпини тозалаётган экан. Эшитганларимни айтиб бердим.

— Оббо Аҳмадқул-эй, — деди ўзимнинг бобожоним сал-пал кулиб, — лекин ўғлим, сен кўрқма, Аҳмадқулни қамашмайди, тегирмонга тушсаям бутун чиқади у. Шунчаки бир сиёсат қилишибди, холос.

— Арслоним, қўлингни юв, — деб елкамни силади энажоним, — тезроқ шавлангни еб олгин, ҳозир ўртоқларинг келади.

Вой, чиндан ҳам энажонлари, бувижонлари билан қўл ушлашиб биттаси бувижонининг чархиви кўтариб, биттаси пилта саватини кўтариб ўртоқларим кела бошлади. Энг олдин чўлоқ Қўзивой, ундан кейин этигининг бир пойини сандалда куйдириб олган Муродхонлар ҳам келишди. Энажоним, ҳаммалари ўчоқнинг ёнида,

мўрига яқинроқ ўтириб ана шу мўри орқали Худои таолога пола қиласизлар, сизларда ҳеч гуноҳ йўқ, поки-засизлар, бокирасизлар, полаларинг Худога тез бориб етади, шунда боғларимиз бузилмай, ўригу, узумларимиз ўзимизда қолади, мазза қилиб еб юрасизлар, айтганимни қилсаларинг чўнтақларингни тўлдириб ўрик, майиз солиб бераман, анор сўйиб бераман, нок арчиб бераман, деди.

— Вой, холажон, мен ҳеч нарса билмайман-ку, — шо-шилиб сўради Ҳайитвой.

— Айланайлар, ўзим ўргатиб тураман, — деб жавоб қайтарди энажоним.

— Мен қаттиқроқ пола қилсам нондан иккита бера-сизми? — сўради Дилижон ўртоғим.

— Бераман, арслоним, ҳаммаларингга бераман.

Энажоним ўргатиб турди, ҳаммамиз туйнук томонга бўйнимизни чўзиб нола қила бошладик:

— Э Худо, боғимизни ўзинг асра.

— Э Худо, золимнинг зулмини даф қил.

— Э Худо, меваларимиз жаннатдан чиққан, ўзинг ҳимоя қил.

— Э Худо, биз сағирларни ширин-шакар узумлардан маҳрум қилма.

— Э Худо, катта амакиларга, раҳбарларга инсоф бер.

— Э Худо, ўзимнинг бобожоним тезроқ тузалиб қол-син.

Чарчаб қолгунча бир-биримизга қизиқишиб нола қи-лавердик. Ҳайитвой ўртоғим ёнгоқни кўп оламан деб бошини мўрини ичкарироғига тиқиб бақирди, ҳаммаёғи қоракуя бўлиб кетди. Санамбуви билан пучуқ Дилбар-хон пичирлаб нола қилишди... Кейин энажоним ҳамма-мизнинг чўнтағимизни тўлдириб ўрик, ёнгоқлардан солиб берди. Роса мазза қилдик.

БОҒЛАРИМИЗ ЭНА БОШЛАДИ

Ўша кундан буён ҳар куни отлиқ амакилар келиша-ди. Уйма-уй юришади, боғларимизни галтакка ўралган ип билан ўлчаб, Эрка чолники уч таноб, Аҳмадқул бобой-ники тўрт таноб деб, қалин-қалин дафтарларга ёзишади-да:

— Бугундан қолмай кўчасизлар, — деган гапларни айтишади.

— Тирик бўлсак кўчмаймиз, — дейишади бобожон-лар.

— Ҳукуматга қарши бўлсангиз қамаласиз, — дейди бошлиқлар.

— Э манқа, сен ҳукумат эмассан-ку, — дейди Аҳмадқул бобом.

Уша, сен манқа, ҳукумат эмассан-ку, деган куни кечқурун Аҳмадқул бобомни қамоққа олиб кетинди. Тескари ташвиқот юргизган экан. Ўғиллари, қизлари, Ҳайитвой ўртоғим — ҳаммалари йиглашди. Ўзимнинг энам ҳам йиғлади, фақат бобожоним йигламай, кўзини юмиб жим ётаверди. Эрталаб турсак, йўқ, азон вақти эди, бобом ўрнидан туролмагани учун ўтириб намоз ўқиётувди, энам ўчоққа ўт қалаб бўлиб ситғиримизни соққани кириб кетувди, ўзим тургани эриниб, бугун намоз ўқимайман, эртага кўпроқ ўқирман деб, кўрпадан бошимни чиқариб ётувдим. Жуда кўп отларнинг туёқ товуши эшитилиб, кўча томон тапир-тунир бўлиб кетди. Ойимқишлоқдаги казармада аскарлар туришади-да, ўшалар бўлса керак деб, жуда-жуда кўргим келиб кўчага қараб югурмоқчи бўлувдим, бобожоним:

— Ер зах, оёгингга кавушипгни илиб ол, — деди.

— Илсам кечга қоламан, — деб оёқ яланг югурдим.

Рост, аскар акалар экан. Бўрҳовуз томонга бурилишайтганини кўриб қолдим.

— Тилчиликми? — деб сўради бобожоним.

— Аскарлар келди, — дедим севишиб.

— Э, аттанг, — бобожоним бошини чайқаб-чайқаб олди, — яхшилиқ белгиси эмас бу, болам.

— Нега, уруш бўладими?

— Қайтага уруш бўлгани яхши эди.

— Нафасингизни иссиқ қилинг, — уришиб берди бобомни энажоним.

Бирпасдан кейин машиналарнинг бит-бит деб сигнал чалгани, тракторларнинг тариллагани эшитила бошлади. Нонушта қилгим келмади. Уша ёққа боргим келаверди. Йўқ, кейин борсам ҳам бўлардию майдан олдин Ҳайитвойми, Муродхонми боришса, биз сендан олдин келдик, ҳаммасини сендан олдин кўрганмиз, деб мақташишади-да, шунинг учун нонушта қилгим келмади.

— Бобожон, молларни оптовчувоққа олиб чиқиб боғлайми? — деб сўрадим.

— Вой, ўғлим, бугун эсинг кириб қолибдими? — деб сўради бобожоним.

— Ҳа, кечаси ухлаганимда эсим кириб қолди, — деб жавоб қайтардим.

— Оббо азамат-ей, энди кўп-кўп ухлагин, кўп ухласанг, мана шунақа эсинг кўпайиб қолади. Майли, мол-

ларни олиб чиқ, кейин қўйларингни ҳам боққа ҳайдаб юбор.

Ҳаммасини бажариб бўлиб уйга кираётган эдим, бо-божоним «Оббо ўғлим-е, билиб турибман, ўшаёққа бор-гинг келяпти, ҳа майли, борақол. Пима гаплигини билиб, дарров орқанга қайтгин», деб тайинладди.

Борсам, ўҳ-ҳў, жуда зўр бўп кетибди. Юк ташийдиган тўрт гилдиракли машиналар, гилдирагини қорнининг ичига беркитиб олган аскар акаларнинг танкалари, отликлар, ижроқўм амаки-ю, битта қулоғи йўқ раисимиз, мелисалар... Э-ҳэ, жуда зўр томоша бўлаётган экан. Мозорбоши томондан катта машинада билагига қизил латта боғлаган комсомол акалар ҳам келишяпти, ашула ҳам айтишяпти.

*Эски дунёни бузамиз,
Янги дунё қурамыз.
Тўсиқларни енгамиз
Фақат олға юрамыз.
Олға бос,
Олға бос,
Олға бос.*

Ашулани жуда баланд овоз билан айтишяпти. Ҳаммамиз хурсанд бўи кетдик. Қулижон ўртоғим елкасига укасини миндириб чиққан экан, улар ҳам севиниб кетишди. Кейин биз ҳам:

*Олға бос,
Олға бос,
Олға бос,—*

деб оёғимизни таниллатиб ашула айта бошладик.

Битта қулоғи йўқ раисимиз тегирмон тошининг устига чиқиб от миниб турган елкасига юлдузи бор энг катта бошлиқдан: «Қомандир ўртоқ, аскарларингизнинг ҳаммаси келиб бўлдимми?» — деб сўради.

— Келиб бўлди, — деган жавоб қайтди.

— Қомсомоллар-чи? — яна сўради раисимиз.

— Биз шаймиз! — деб жавоб қайтарди қишлоғимиздаги ҳамма комсомолларнинг бошлиги Юсуфалл акам. У от минмабди, велосипедига суяниб турган экан. Қулижон ўртоғим, ана шу велосипеднинг қўнғирогини ичида шайтон бор экан, деб шивирлади менга.

Раис амаки қўлидаги қоғозга қаради. «Мирза бобонинг боғини бузгани Рапқондан келган ҳашарчи комсо-

моллар билан битта тапка, тўртта аскар юборилсин», деб ўқиди. Кейин ўқийверди-ўқийверди, аскар акалар, комсомоллар, танкалар, боғларни бузгани жўнаб кетаверди. Благига қизил таққан акалар машинага ўтираётми:

*Эски дунёни бузамиз,
Янги дунё қурамиз.
Олға бос,
Олға бос,
Олға бос!—*

деб ашула айтаверди-айтаверди.

Мен, хайрият, бизнинг боғимиз бузилмас экан, ана, рўйхатни ўқимаяпти-ку, э Худо, ҳечам бузилмасин, бузилмасин, деб «Ло илоҳа иллоҳу вало қуввата илло биллоҳи али-юл азийм», — деб энажоним ўргатган дуолардан ўқиб турувдим, раис амаки, Эркавой Ҳожимат ўглининг боғига Янгиқишлоқдан келган комсомоллар билан битта танка жўнатилсин, деб ўқиб қолди.

Додлаганимча уйимизга қараб югурдим. Тезроқ бориб кўча эшигимизни танбалаб олмоқчи эдим. Шунақа тез югурдимки, оёғимга энажонимнинг кавушини қийиб борган эдим, бир пойни тушиб қолди, эртага келиб оларман деб, унга ҳам қарамадим. Келсам, биздан хабар олгани Заҳро холам билан эшакарава миниб юрадиган боққол поччамлар келишган экан. Уларга ҳам қарамай тўғри бобожонимнинг бағрига отилиб:

— Боғимиз бузиларкан, — дедим ҳиқиллаб.

— Йиғлама, ўғлим, йиғлама, — бобожоним бошимдан, елкамдан силади.

— Юринг, кўча эшикни тезроқ танбалаб олайлик.

— Танбаласак, девордан ошиб тушишди.

— Милтигингизни олиб чиқинг бўлмаса, отамиз.

— Йўқ, полвоним, энди милтиқнинг ҳам, фойдаси тегмайди.

— Жон бобожон!

— Йиғлама!

— Ахир биз туйнукдан Худога пола қилувдик-ку, бобожон?

— Худо уларнинг жазосини беради, азаматим.

— Барибир келишса тиззаларини тишлайман, бетларини тимдалайман.

— Ундай қила кўрма, ўғлим.

— Ана, энажоним ҳам йиғлаяптилар. Нега юпатмайси?

— Битта энангмас, бутун кўрғонча йиғлапти, бутун юрт йиғлапти, ўғлим.

Кўча эшигимиздан қаторлашиб чакмонига йилтироқ тугмалар қадаб олган тўртта аскар, кетидан болта, арра кўтаришиб, ашула айтган комсомол акалар кириб келишди. Аскарлар тўғри бобожонимнинг олдига келиб:

— Эркавой Ҳожимат ўғли? — деб сўради.

— Ҳа, Ҳожимат ўғли, — деди бобожоним.

— Боғ яхши.

— Ҳа, яхши.

— Боғ бузиладди.

— Ҳа, бузасан энди.

— Айб бизда йўқ.

— Ҳа, сенда йўқ.

Яна аскар ака анча нарса сўраган эди, бобом жавоб қайтармай, тескари қараб ўтираверди. Заҳро холам билан энажоним овоз чиқармасдан йиғлашди. Бобожоним, ҳаммаси Худодан, ҳаммаси Худодан, деб кўнгилларини кўтарган бўлди.

Боққа чиқсам, э, комсомол акалар аллақачон дарахтларни кесишаётган экан. Мен яхши кўрган гилосниям йиқитишяпти. Энди бир мартагина ҳосил қилувди. Ёзда мевасини кўз-кўзлаб евдим. Экаётганда танасини ушлаб турувдим, меваси ширин бўлсин деб тагига тупроқ ҳам ташловдим.

— Бобожон, — дея орқамга қайтдим, — менинг гилосиниям кесишяпти, молхонанинг орқасида бор эди-ку, икковимиз эккан.

— Ҳой, мусулмонлар, ҳой, улар ҳали ниҳолча-ку, — шундай деб бечора бобожоним кавушини аранг кийиб бақирганча, оёқлари шол бўлиб ётган бўлса ҳам энди ишлаб кетди шекилли, қўлтиқтаёғига ҳам таянмай аскар акаларнинг олдига югурди: — Ҳой, болаларим, сабр қилинглар, ниҳолларимни кўчириб олай, мусулмонсизлар-ку, ахир, яхши одамларнинг фарзандларисиз-ку, ниҳоллар ҳам менинг фарзандларим бўлади, ўзим туққанман, ўзим пайванд қилганман, улоқ солганман. Отамдан, боболаримдан қолган навлар булар. Кўчириб беринглар, жон болаларим, қўй сўйиб бераман, катта қозонда ош дамлаб бераман... Боққол куёвим, қаердасан, қўйдан биттасини сўйгин... Жон болаларим, ниҳолларимни кўчириб беринглар, ҳой аскар йигит, сенда ҳам айб йўқ, мажбур қилинган. Қора кўзларинг мўлтиллаб турибди-ку, ахир. Қофир бўлсанг ҳам, ачинапсан. Сезиб турибман. Айт, ниҳолларимни кўчириб беришсин, дуо қиламан. Ўлгунимча дуо қиламан.

Билагига қизил боғлаган акалардан биттаси келиб зах ерга ўтириб олиб зорлапаётган бобожонимнинг қўлтигидан олиб тургазди-да, отахон, куйинманг, ҳамма инҳолларингизни кўчириб берамиз, биз ҳам кофир эмасмиз, деди. Уша ака жудаям яхши экан. Катта бўлганда, Худо хоҳласа, менам шунақа ака бўламан. Бобожонлар йиқилганда ўршдан тургазиб қўяман, зорланса кўчатларини кўчириб бераман. Бобожоним ҳалиги аканинг елкасига осилиб юриб, мана булар анор кўчатлари бўлади, мана булар нокники, Намангандан келтирганман, мана булар ашжир, жашинатдан чиққан деб кўрсатаверди, кўрсатаверди. Бошқа акалар ҳам ёрдамга келиб кўчираверди, кўчираверди. Охири бобожоним ҳалиги аканинг елкасига суяниб туриб кўзларини юмганча бирпас жим қолди-да, кейин гушиллаб ерга йиқилди. Ҳамма қўрқиб кетди. Аскар акалар ҳам, поччаму холам ҳам қўрқинди. Энажоним югуриб келиб:

— Ўйи шўрим! — деб додлаб юборди, — чолгинмандан айрилиб қолганга ўхшайман.

Бобожонимни чакмонга солиб тўрт томондан авайлаб кўтариб уйга олиб боришди. Хайрият, кўзини сал очиб:

— Йиглама, онаси, — деди.

Кейин уёғи жуда тез бўлди, жуда-жуда ҳам тезлашиб кетди. Боққол поччам битта қўйини сўйиб бергандан кейин, қолганларини сизгиримиз билан бузоғимизга қўшиб қишлоқдаги уйимизга ҳайдаб кетди. Аскар акаларнинг катта машинасида аввал сандиқлардаги менинг тўйимга аталган майизу ўрикларимизни, кўрпаю, кигизларимизни жўнатдик, энг охирида боққол поччамнинг эшакаравасида бобожонимнинг ўзини олиб кетдик. Тагига юмшоқ-юмшоқ кўрпалар солдик, бошига қалин-қалин ёстиқлар қўйдик. Боргунча ҳам бобожоним ҳечам кўзини очмади. Богимизнинг деворларини бузаётган тапқаларнинг тариллаган овози то қоронғу тушгунча ҳам эшитилиб турди. Кесилган дарахтларнинг устига фонарь ёғи қўйиб ўт қўйишган экан, алаңгаси осмонга кўтарилиб, эрталабгача ҳаммаёқни ёритиб турди.

БОБОЖОНИМ ЖАШИНАТГА КЕТДИ

Қишлоқдаги уйимизга кўчиб келганимиздан кейин, қоронғу тушганда бизни кўргани ўзимнинг бувижоним, мўйлови бор ўгай отам, ошиқларимни ўғирлаб қўйган ўгай акаларим келишди. Бобожоним юмшоқ-юмшоқ кўрпаларда сал-сал хуррак отиб кўзини юмиб ётувди, ўгай отам оёқларини силаб:

— Хафа бўлманг, мана, бир арава кўчат олиб келиб-сиз, ўзимиз сизга янги боғ қилиб берамиз. — деб кўнглини кўтарган бўлди.

Бобожоним кўзини очмай:

— Им-м, — деб қўйди.

Кейин ҳаммалари жим бўлиб уҳ тортишди. Захро холам билан ўзимнинг бувим бир-бирларининг елкасига бошини қўйиб озгина-озгина йиглаб, бир парсалар ҳақида пичирлаб олишди.

Ўгай отам билан ўгай акаларим эшакларига миниб кетишгач, бувижоним билан ёлғиз қолдик. Эшитяписизми, бувижоним билан қолдим деяпман! Оҳ, қандай саз бўлди-я! Соғинувдим, мана шу кўзларим билан жуда-жуда соғинувдим. Оҳ, ҳозир Ҳайитвой, Дилижон ўртоқларим бўлганда кўрсатиб роса мақтанардим. Улар ҳар ёққа кўчиб кетишди. Энди тополмайман уларни. Бувижоним, асалим, сочингизнинг ҳидини соғингандим, бахмал тўпингизни соғингандим. Ана шу мешга қараб турган кўзларингизниям соғинувдим. Мен ўпаяман, бувижоним ўпади, ҳеч бир-биримизга тўймаймиз. Юзларига юзларимни босаман, бувижоним бўлса бошимдан, елкаларимдан оҳиста-оҳиста силайди. Қўллари бирам юмшоқ, юзлари бирам иссиқ, ҳидлари бирам ёқимли... Бувижоним!

— Энди кетмайсиз, а?

— Кетмайман, ўғлим.

— Бобожоним ҳам ўлмайди, а?

— Йўқ, ўлмайди.

— Ўлган одам ҳам тирилиб келади, а? Дуолар ўқияман-ку?

— Худо хоҳласа. Бор энди, энангнинг олдига чиққин, сизгир соғаяпти, бузоқчасини ушлаб турасан.

— Йўқ, томга чиқиб боғларимизнинг ёнаётганини кўраман, қоронғида-чи, бувижон, аланга жуда яхши кўрипади, — шундай деб калта парвонимизни тираб, пастак молхонамизнинг устига чиқдим. Ҳа, ана, боғларининг ёнаётгани энди яққол кўринаяпти. Яхлит бўлиб ёнмаяпти, йўқ, тўп-тўп бўлиб ҳар жой, ҳар жойда ёнаяпти. Энг баланд ёнаётгани Аҳмадқул бобомники, уларнинг боғи катта эди-да, дарахтлари ҳам кўп эди-да, ҳаммасини тўплаб ёқишибди-да. Эҳ, Аҳмадқул бобом қамалмаганда ҳаммасини бошларди, боғини ҳечам ёқтирмасди... Бизнинг боғимиздаги олов пасайиб қолибди. Энди қоп-қора тутун бўлиб чиқаяпти. Йўқ, тутунмас, сал-пал аланга ҳам аралашиб чиқаяпти. Ана, Рўзимат бобомнинг боғидан пов этиб аланга кўтарилди. Вой-бўй, бирам балад бўлиб

кўтарилдики, ҳў наридаги тоғлардан ҳам, осмондан ҳам баландга чиқиб кетди.

— Тойлоғим, тушақол энди, бобожонинг чақиряпти,— деди энам.

Эҳ, яна бирпас томоша қилсам бўларди-да. Қимнинг боғидан энг баланд аланга чиққанини билиб олмоқчи эдим. Билганимда ўртоқларимга ҳаммангдан олдин мен кўрганман деб, мақтаниб юрардим. Қирсам, бобожонининг орқасига ўнтача ёстиқ қўйиб, ўтирганга ўхшатиб қўйишибди. Кўзлариям очиқ, катта-катта бўлиб очилибди.

— Ҳа, қизларим,— деб тўхтаб-тўхтаб гапиряпти,— олдин келган олдин кетади... Заҳро қизим, берироқ кел, Сорабиби, шу ердамисан?.. Оналарининг ёлғизлатиб қўйманглар, жаннати аёл бу... Розиман, ҳаммаларингдан розиман... Оҳ, вой отамлаб йиғлайдиган ўғилларим ҳам йўқ. Золимлар отиб ташлашган уларни. Қабрга олиб кирадиган Аҳмадқул ўртоғим ҳам йўқ, ў, яхши ўртоғим эди у. Қамаб қўйишди-я... Раҳмонберди, берироқ кел, қўлингни бер менга, баракалла.. Бу йил мактабга борсан, а.

— Бораман, бобожон, — дедим йиғламсираб,— қўрқадиган гапларни айтманг, йиғлагим келяпти.

— Яхши ўқигин, жон ўғлим.

— Яхши ўқийман, бобожон.

— Ўқиб-ўқиб муаллим бўлгин.

— Бобожон, муаллим бўлсам қўнғироқли велосипед олиб берасизми?

— Олиб бераман, ўғлим. Знажонингни ёлғиз ташлаб кетмагин.

— Кетмайман, энди бувижоним ҳам биз билан қоларкан. Ўгай отамникига бормас экан.

— Ҳар жума оқшомида менга бағишлаб фотиҳа ўқигин, хўпми, арслоним?

— Бобожон, унақа деманг, қўрқяпман.

— Ўқийман дегин, ўғлим.

— Ўқийман, бобожон.

— Қани ўқигин-чи.

— Заҳро холамдан уяламан-да, бобожон.

— Уялма, ўқи, ўғлим. Овозингни яна бир эшитай.

— Аҳмадқул бобомга ўхшаб тиловат қилиб ўқийми?

— Ҳа, ҳа. Тиловат қил.

— Бисмиллоҳи раҳмонир раҳийм.

Қулҳу оллоҳу аҳад, оллоҳу сомад, лам ялид ва лам жолад ва лам якун лаҳу куфуван аҳад. Оллоҳу акбар. Бўлдимини, бобожон?

— Яна ўқи, азаматим, овозинг худди жаннатдан чиқаётгандек, фаришталарнинг овозидек ёқимли, ҳузурбахш, ўқи, ўғлим. Онаси, шу ердамисан, ёзда Раҳмонбердининг тўйини қилгин. Карнайлар чалдиргин... Ана, раҳматли отам ҳам кеп қолди, улоқчи отини миниб кетти. Энди мени миндириб олиб кетади, олиб кетади. Оҳ, онажоним, сиз ҳам келдингизми, оқ паранжингизни ёшшибсиз, а? Чимматингизни олинг, юзингизни яна бир кўрай, онажоним... Онаси, шу ердамисан, фотиҳага келганларга кўчатнинг ҳаммасини улашинглар, иккитадан, учтадан беринглар. Жаннатдан чиққан мева-лар булар денглар. Раҳмонберди ўғлим, қаердасан, мен сени кўрмайпман-ку? Ўқи, ўқи, баланд овоз билан ўқи.

— Бисмиллоҳи раҳмонир раҳиим, — деб энди сал йиғламираброқ ўқий бошладим: — Қул аузи бира бишнаси малкин нас ҳила хиннаси мин шарил насвасул ханнас ал — лази юасвису фи судурии нас, минат жинпати ваанас. Облоҳу акбар.

— Баракалла, ўғлим. Хурсан, жаннатисан, азаматим. Яна ўқи, овозингга тўймайпман.

Яна ўқигацдан кейин бундай қарасам бобожоним энди бошини балад ёстиққа қўйиб кўзларини ширт юмиб олибди. Ухлабди шекилли, секин-секин хуррак ҳам тортяпти. Холам билан бувижоним овоз чиқармасдан хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаб туришибди.

— Бобожон, соқолингизни бармогим билан секин-секин тараб қўяйми, — деб олдига ўтмоқчи бўлувдим, эпам мени кўтариб олди-да: — Юр, нариги уйга чиқамиз, бобожонинг дамини олсин, эрталаб яна дуоларингдан ўқиб берасан, — деди. Мен бобожоним билан ачомлашиб ётмоқчи эдим. Кўнншмади. Ўзимнинг бувим, юр, тойлоғим, ахир мен ҳам сени соғинганман, ҳеч бўлмаса шу кеча бирга ётайлик, деб қўлимдан етаклаб тепа ёғочлари қорайиб кетган, тоқчалари чуқур, танчасига ўт солинмаган уйга олиб кириб кетди. Чиндан ҳам ачомлашиб ётдик. Ҳали айтувдим-ку, бувимнинг сочидан қатиқнинг ҳиди келади деб, мен ана шу ҳидни жуда, жудаям яхши кўраман. Ўша ҳид-чи, бувим кетгандан кейин тушларимга кирган. Эртага яна кетиб қолса тушимга кирсин деб тўйиб-тўйиб ҳидладим. Кейин ухлаб қолдим. Қаттиқ ухлапман, ҳечам тушам кўрмабман. Уйғонувдим, ҳовли томонда хотинлар йиғлаётган экан. Э, ўшаларнинг овозига уйғониб кетибман, Чиқсам, вой-бў, одамлар жудаям кўп. Қамбарали бобом, Эсонқул бобомлар, битта қулогн йўқ рансимиз — ҳаммалари келишибди. Бувим бахмал тўйининг устидан белини боғлаб:

— Бизни ташлаб қаерга кетдингиз, отажоним, — деб тиззасига құлларини уриб-уриб йиғлаяпти. Захро холам бўлса, уям қийиқ билан белини маҳкам боғлаб олиб, Бибиқиз аммамни қучоқлаганча меҳрибоним, боғбон отам, ширин-шакар меваларни ким беради энди, деб йиғлаяпти.

Бобожоним ўлибди. Билмай қолябман. Билганимда ҳечам ўлдирмасдим, дуолар ўқирдим. Дуо ўқганимда тирик эди-ку, тўғрими? Нега мени аллашди, нега даричаси чуқур уйга ҳайдашди, йўқ, йўқ, бобожоним ўлмайди, ўлса энажоним икковимиз нима қиламиз? Ўлса қоронги гўрға қамаб қўйишади, у ерда ёлғиз ўзи қўрқади-ку?.. Додлаб, бобожоним ётган уйга кирувдим, йўқ, худди ўлмаганга ўхшаб ётган экан. Кўксига ўзимни ташлаб қучоқлаб олдим. Бетларидан ўпиб, соқолларини силаб-силаб қўймоқчи эдим. Энажоним кўнмади. Кўтариб олиб чиқиб кетди. Йўқ дейишимга ҳам қарамай, тўйимга атаб тикилган беқасам тўпимни, чаманда гул дўпимни, гарчи бор, ипстон қадалган этикчамни кийгизиб, белимни ҳам боғлаб, қўлимга ҳасасча бериб:

— Сен ҳам вой бобомлаб йиғлагин, — деди ўзи ҳам йиғлаб, — гуноҳи камаяди, бобонгининг куйиниб йиғлайдиган ҳеч кими йўқ.

Ўгай отам, боққол поччам, бобожонимнинг жияни Ғани амакимлар кўча эшигимиз олдида ҳасса ушлаб туришган экан, ўшалар қаторига борувдим, ҳечам йиғлай олмадим, уялиб кетавердим. Энди отам ҳам йўқ, бобом ҳам йўқ, Аҳмадқул бобом ҳам қамалиб кетди, деб ўйлайману барибир йиғлай олмайман. Кечгача ҳам йиғлай олмадим. Қирғиз қишлоқдаги қариндошларимиз билан ўша ёққа қочиб бориб беркинган Эшон бобом келганларини кўриб, энди расмана йиғлаб юбордим. Тиззаларидан маҳкам қучоқлаган эдим: «Йиғлама, бўтам, Эркавой, Худонинг суюкли бандаси эди, худо хоҳласа жаннати бўлади», деб энгашиб бошимдан, елкамларимдан силаб, пешонамдан ҳам ўпиб қўйдилар.

Чол боболар қўрқиб кетишди. Эсонқул бобом, ҳой Эшон ҳазратлари, сиз қочиб юрган бандасиз, ушлаб кетишса, яна исноди бизга тегади. Чакки келибсиз. Ҳозир ҳам кеч эмас. Миниб келган отингизни бошини ўша ёққа буринг, деб ёлворди. Йиғлаётган оналар ҳам, ҳасса ушлаган амакилар ҳам ёлворинди. Эшон бобом бўлсалар, ҳай-ҳай, деб жим туравердилар-да, охири:

— Эркавойдек жаннати бир одам оламдан ўтади-ю, ҳай-ҳай, жанозасини мен ўқимасам, ким ўқиркан? — деб оёқлари билан ерни мана бундай қилиб бир тепиб қўйди-

лар, — жанозасини ўқиб, худо хоҳласа, фотиҳасида ҳам туриб бераман. Майли, қамасинлар, майли, пешоамдан отсинлар. Аммо Эрқачолнинг жанозасини ўқийман.

Энг охирида қиблага қараб иккови қўллари билан қулоқларини ушлаб қаттиқ овоз билан Салотин жаноза, Салотин жаноза деб айтган эдилар, вой, ҳамма жим бўлди-қолди. Ҳеч ким йиғламади, хайрият, жаноза ўқилса Мункарнакир бобожонимни сўроққа тутмайди, бошига гурзи билан урмайди, жаннатнинг дарвозасини очиб беради, ўша ёққа тез бориб отишмада ўлган тоғаларимни, қулоқ бўлиб ўлган отамни кўради, ҳаммалари биргалашиб яшашади, деб ўйладиму негадир яна баттароқ йиглаб юбордим. Тўғри-да, энди мени ким азаматим деб эркалайди, ким энди дўппиларимни тўлдириб майиз, ўриқлар солиб беради, ким кечаси қўрққанимда орқамни силаб, қўрқма, ўғлим, дейди. Ким эшакка миңдириб, сайилларга олиб боради.

— Бобожон, бобожоним! — деб додлаб ерга ётиб олдим.

Турғизиб қўйишди. Барибир йиғлай бердим. Юнатаман дейишса, қўлларини тишлаб олдим. Кейин овозимни чиқармасдан пиққиллаб йиғладим. Фақат кўз ёшимнинг ўзи оқиб келаверди, холос. Мозорга боргандаям, бечора бобожонимни қабрга қўйишаётганда ҳам ҳиқиллашим ҳечам босилмади, кечаси тирилиб қолса тенага қандай чиқади, деб ўйлаб баттар ҳиқиллайвердим.

Эшон бобом тиловат қилиб бўлганларидан кейин, Ғани амаким ўрпидан туриб:

— Ҳой мусулмонлар, Эрка амаким қандай одам эди? — деб сўради йиғламсйраб.

— Жаннати эди.

— Катта боббон эди, хайри саҳоватли эди, — дейишди одамлар.

— Ҳой мусулмонлар, — деди яна Ғани амаким. — Бобомиз қазо қилишларидан олдин жанозамга, фотиҳамга келганларга икки тупдан ниҳол улашгани, деб васият қилувдилар. Илтимос, уйга бориб кўчатни олиб кетинглар.

Қабристондан қайтаётганда Эшон бобомнинг қўллари-дан ушлаб олдим. Шундай қилсам ўзимнинг бобом тезроқ қоронғу гўрдан чиқиб жаннатга борар деб ўйладим. Кечаси бизникида ётиб қолувдилар, ёнларига ўтириб то уйқум келгунча бобомни дуо қилинг, тезроқ жаннатга борсин, деб илтимос қилдим.

Тонг пайтида ҳар хил овозлардан уйғониб кетдим. Мен ўзи овозни эшитсам дарров уйғонаман. Ҳовлига чиқсам

одамлар кўп тўпланибди. Бобожонимнинг ўртоқлари ҳам келишибди.

— Жон бўтам, кечгача сабр қилгин, ҳеч бўлмаса фотиҳачиларнинг ярми келиб-кетсин деб,— гапиряптилар Эшон бобом.

Яна мелиса амакилар келган экап. Йўқ, кечаси Эшон-бобомни отга миндириб келган мелиса амаки эмас, бутунлай бошқалари кепти.

— Қаршилиқ кўрсатсангиз, қўлингизга кишан урамиз,— деяпти биттаси.

— Юринг, тезроқ олдимга тушинг, — деяпти бошқаси.

Одамлар шунча илтимос қилинса ҳам, барибир, бўлмади. Эшон бобони олдиларига солиб ҳайдаб кета бошлашди. Бобом бўлса орқаларига ўгирилиб:

— Мени етти марта ҳайдаб кетишди,— деган гапни айтдилар, — худо умр берса яна етти марта қочиб келиб дину имонингиз тўприкида қайгуравераман.

Фотиҳага келганларни Эшонқул бобом билан Матмуса бобомлар кутиб олишди. Мен чой ташиб турдим.

Кейин ёзда тўйим бўлди.

Кейин кузда 1-синфга ўқишга бордим.

Кейин...

Кейин, йўқ, қолганини кейин айтаман.

* * *

Бобожонимнинг номига қўйилган бетон кўприк устида туриб ана шуларни ўйлаб кетдим. Каттатағоб қишлоғининг тоққа яқин томонида, адирларда, бир замонлар гул-гул яшнаб, сўнг куйдирилиб, култепага айлантирилган жаннатий боғлар ўрнида каналдан сув чиқариб яна бепоён боғлар барпо қилишибди. Қайси дарахт ёнида тўхтасам, бу қора шакар анорлар, нашвати-ю, саргайиб нишадиган беҳиларни, ширадор узумларнинг навларини қадим яшаб ўтган Эрка бобо, Аҳмадқул бобо, Эшонқул бобо деган инсонлар етиштиришган экан, дейишади. Меҳмон, марҳамат қилиб тўйиб-тўйиб энг, машинанинг юкхонасини тўлдириб берай, Тошкентга олиб кетсин, деб ҳам қўйишади.

Даштдан қайтаётганда ота-боболаримизнинг руҳи арвоҳига фотиҳа ўқиш ниятида қабристонга кирдим. Ҳаммалари абадий, оромли уйқуда, жимгина ётишибди. Қабристон этагида пишган гиштдан саҳни кенг ўймакор эшик, деразалар қўйиб, мўъжазгина масжид ҳам тиклашибди.


— Хонэшон ҳазратлари номига қўйдик,— деб тушунтирди мутавалли.

— У кишини билармидингиз? — деб сўрайман.

— Йўқ, эшитганмиз, кўн улуғ инсон бўлган эканлар. Қани ўтирсинлар, ҳазратимнинг руҳи арвоҳларига атаб бир тиловат қилиб берай.

Мутавалли атлас кўрпачага ўтиришга таклиф этди. Ўтирдик. Мен болалигимда Эшон ҳазратларини кўрганлигимни, тиззаларида ўтириб эркаланиб, соқолларидан силаб дуолар ўрганганлигимни айтдим. Рухсат берсангиз тиловатни ўзим қилсам, дедим. Билганимча ўқидим. Негадир хаёлларим ҳам шу дақиқаларда қанот боғлаб учгандек бўлди. Қизиқ, одам боласи дунёга келаркан, яшаркан, вақти келиб яна келган томонга кетаркану, лекин, барибир, бирининг номи саргайиб пишган беҳиларда, бирининг исми ширин-шакар узумларда, бошқасининг руҳи пештоқи баланд масжидларда яшаркан... Улмас экан. Улим йўқ экан.

Кейин, йўқ, қолганини кейин айтаман.



МУНДАРИЖА

ЭРКАЧОЛНИНГ ҰРИГИ	3
ЭРКАЧОЛНИНГ КҰПРИГИ	7
БҰРСИҚ ОВИГА ОТЛАНДИК	21
БҰРСИҚ ҚҰВ БҰЛАДИ	27
ЧОЛ БОБОЛАР СУХВАТИ	33
ЭНАЖОНИМ ЭРТАК АЙТДИ	40
ОДОБЛИ БОЛА ҰИНИ	45
ТУНГИ МЕХМОН	52
БУВИМ ТОНГ ОТГУНЧА ЙИҒЛАБ ЧИҚДИ	65
ҚАБРИСТОНДА ФОТИХА ҰҚИДИК	73
ЭНАЖОНИМ АЙТГАН ЭРТАК	79
ЭШОНБОБОМНИ ҚАМОҚҚА ОЛДИЛАР	87
ҚИШЛОҒИМИЗ УЧ КҮН ЙИҒЛАДИ	96
УЛГАН ЧУЧҚА ҰРНИГА ҰНТА СЕМИЗ ҚҰЙ СҰРАШЯПТИ	104
АҲМАДҚУЛ БОБОМ ШУМ ХАБАР КЕЛТИРДИ	114
ЭШОН БОБОМ ЯНА ҚОЧИБ КЕЛДИЛАР	122
ХУДОГА НОЛА ҚИЛДИК	129
БОҒЛАРИМИЗ ЕНА БОШЛАДИ	135
БОБОЖОНИМ ЖАНШАТГА БЕТДИ	140

АДАБИЙ-БАДНИЙ НАШР
ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ
ЖАННАТИ ОДАМЛАР

Усмирлар учун роман

Муҳаррир Ш. СОАТОВА
Рассом М. ҒОЙИБОВА
Расмлар муҳаррири С. МУҲАМЕДОВ
Техник муҳаррир Е. ТОЛОЧКО

ИБ № 0584

Босмахонага 07.07.95. йил берилди. Босишга рухсат этилди. 22.11.95.
Бичими 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози. Адабий гарнигура. Юқори босма.
Шартли босма табоқ 7,98. Нашриёт табоқ ҳисоби 8,51 Ш.артли бўёқли
босмада нашр ҳажми 8,4 10000 нусхада. 170-буюртма.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Чўлпон» нашриёти. Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси, 1-уй.

**ЯҚИНДА «ЧУЛПОН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТДИ:**

**Тўплам
ДУРДОНА**

**Усмон Турон
ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАФКУРАСИ**

**Ҳасан Ато Абуший
ТУРКИЙ ҚАВМЛАР ТАРИХИ**

**Лев Толстой
БҮРИ БОЛАЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҲРГАТАДИ**

**Қирғиз халқ эпоси
МАНАС**

**Аҳмаджон Бобомурод ўғли
ИСЛОМ ОДОБИ ВА МАДАНИЯТИ**

**«ЧУЛШОН» НАШРИЁТИ 1996 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТАДИ:**

**Валижон Аҳмаджон
ГУЛХУМОРНИНГ ГУЛБОҒИ**

**Пўлат Мўмин
ЧАҚҚОН БОЛА**

**Усмон Қўчқор
ЧАМАНГУЛ**

**Сафар Барноев
ШЛУФАРНИНГ ОЛМАЛАРИ**

**Альманах
ҚАЛАМЧА**

**Тўплам
МУҚБИЛ ТОШОТАР**

**Тўплам
ТУРКИСТОНИМ — ТУРОНИМ**

Тўхтабоев, Худойберди.

Жаннат одамлар: (Ўсмирлар учун роман). —Т.: Чўлпон, 1995.—152 б.

Асар инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш, ундаги яхши хислатларни шарафлаш, тубанликлардан нафратланиш туйғуларига йўғрилган.

Уз2